

МУНДАРИЖА

АМЕРИКА

АДАБИЁТИ

1776 йилгача илк АМЕРИКА ВА КОЛОНИАЛ ДАВР	3	АМЕРИКА Қўшма Штатлари Аxbорот Бўлими томонидан нашир этилган
ДЕМОКРАТИК САРЧАНМА ВА НИКЕЛЛОВНИН АДАБИЯТГА 1776-1820	15	Ҳайъат
РОМАНТИЗМ ДАВРИ: 1820-1860. ӘССЕМЕНТАР ВА ШОИЪЛАР	27	Муаллиф: Кэтрин Ванспенкерен Бошқарув муҳаррирлари: Хонарад Силкотта, Жорж Клак Матн муҳаррири: Кэтрин Жаг Ҳиссадор муҳаррири: Майк Ж. Бейлер Бадий директор: Тадеус А. Маклински Расмлар муҳаррири: Эллен Ф. Тум
РОМАНТИЗМ ДАВРИ: 1820-1860. БАДИИЙ АДАБИЁТ	37	Таржимон: Профессор Хамидовла Кароматов
РЕАЛИЗМИНННГ ВЭ ЖОЛГА КЕЛИШИ: 1860-1914	48	Муқова: © 1994 Кристофер Питл
МОДЕРНИЗМ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛИЗМ: 1914-1945	61	Муаллиф ҳақида Кэтрин Ванспенкерен – Таппа Университетида Инглиз тилшунаси профессори, Америка адабиёти, аёллар адабиёти ва шеърятдан фарс бераси. «Мангарап АТВЭД Қўрашди ва ёздилар» (1968), «Жон Гарнер: Танқидий перспектива» (1982) номли китоблар ҳамда катор мақолалар ва достонлар муаллифи. Доктор Ванспенкерен АҚШ адабиётинан Осие, Европа, Латин Америкаси ва Африкада лекциялар ўқиди. 1993-1995 йилларда Америка адабиёти бўйича АҚШ Аxbорот Бўлими қисм Етти йиллик баъра қисми бўлган.
1915 йилдан келинчи АМЕРИКА ШЕЪРИЯТИ: АНЪАНАГА ҚАРШИ	80	
1945 йилдан келинчи АМЕРИКА НАСРИ: РЕАЛИЗМ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛИЗМ	96	
НЕОХИЛИЗМ	101	

Матнлар нусха олиш эгаларининг рухсатисиз қайта нашр этилиши мумкин эмас.

Эзра Паунднинг «Метро бекатида» дан (64-бет). Эзра Паунд қадамига мансуб «Personae». Copyright © 1926 by Ezra Pound, New Directions Publishing Corporation рухсати билан таржима қилинган ва қайта нашр этилган. Британия Ҳамдустлигида. Канада бундан мустасно: «Эзра Паунднинг «Қиска сайланма шеърлари» даги «Метро бекатида» дан. Faber & Faber Ltd. рухсати билан қайта нашр этилган.

Роберт Фростнинг «Қорли окшом ўрмонда тўхтаб» дан (66-бет). Эдвард Коннери Латем муҳаррирлиги остидаги «Роберт Фрост шеърлятидан» олинган. Copyright 1923, © 1969 by Henry Holt and Co., inc. Британия Ҳамдустлигида, Канада бундан мустасно: Эдвард Коннери Латем муҳаррирлиги остидаги «Роберт Фрост шеърлятидан» олинган «Қорли окшом ўрмонда тўхтаб». Жонатан Кейп томонидан нашр этилган. Рухсатнома Random House UK Limited томонидан тақдим этилган.

Уоллес Стивенснинг «Соат ўн умидсизлиги» дан (67-бет). «Уоллес Стивенснинг сайланма шеърларидан». Copyright 1923; 1953 йили Уоллес Стивенс томонидан янгиланган. Alfred A. Knopf, inc. рухсати билан қайта нашр этилган. Британия Ҳамдустлигида ҳуқуқлар Лоуренс Поллингер Ltd. томонидан қафолатланган: © Уоллес Стивенс.

Уильям Карлос Уильямснинг «Филдиракли кизил арава» (67-бет) ва «Еш уй бекаси» (66-бет) Шеърлар тўплами 1909–1939. 1-жилд. Copyright 1938 New Directions Publishing Corp. New Directions рухсати билан қайта нашр этилмоқда.

Лэнгстон Хьюзнинг «Негр дарёларга сўзлар» дан (69-бет). Лэнгстон Хьюзнинг «Сайланма шеърларидан». Copyright 1926 by Alfred A. Knopf, Inc.; 1954 йили Лэнгстон Хьюз томонидан янгиланган. Ношир рухсати билан қайта нашр этилмоқда. Британия Ҳамдустлигида: Harold Ober Associates рухсати билан қайта нашр этилган. Copyright 1994 © by the Estate of Langston Hughes.

Рэндолл Жарреннинг «Тўп ўқловчи артиллерист ўлими» дан (81-бет). «Рэндолл Жаррен: Сайланма шеърлар»; © 1945 by Randall Jarrell, © 1990 by Mary Von Schrader Jarrell, published by Farrar Straus & Giroux. Рухсатнома Rhoda Weyr Agency, New York томонидан тақдим этилган.

Маъқур жилддаги иллюстрациялар ҳам нусха олишдан муҳофазааланган. Иллюстрацияларнинг ўзигадаги белгилар ҳам шундан дарак беради. Нусха олиш ҳуқуқига молик эгаларининг рухсатисиз қайта нашр этилиши мумкин эмас.

I-БОБ

1776 йил 17 августда
АМЕРИКА ВА
КОЛОНИАЛ ДАВР

Америка адабиёти Хинд маданиятининг отзаки афсоналари, ривоятлари, киссалари ва қўшиқчилик лирикасидан ибтидо олади. Илк европаликлар етиб келишидан олдин Шимолий Америкада мавжуд 500дан ортиқ хинд лаҳжалари ва қабила маданиятлари орасида ёзма адабиёт бўлмаган. Натихада, Асл Американинг отзаки адабиёти етарли даражада хилма-хилдир. Навахо каби ярим кўчманчи овчи қабила маданиятининг киссалари қишлоқ ҳўжалиги билан банд Акома каби ўтроқ қабилаларининг ҳикоятларидан фарқ қилган; шимолдаги кўллар атрофида яшовчи Ожибва қабила-ларининг киссалари эса қўлда кўчиб юрувчи Хопи қабилаларининг киссаларидан кўпинчалик тўздан фарқ қилган.

Ҳар бир қабиланинг ўз диний эътиқоди бўлиб, худолар, хайвонлар, ўсимликлар ёки муҳаддас шахсларга сиринишган. Ҳукумат юри-тиш тузилмалари демократия, қарилар кенгаши, руҳонийлар ҳуқиронлиги каби турли шаклларда намоён бўлган. Бундай қабилавий хилма-хилликлар отзаки адабиётда ҳам ўз аксини топган.

Шунга қарамай, қатор умумлашмалар ўтказиш мумкин. Мисол учун, Хинд киссалари табиати ҳам руҳий, ҳам моддий [яратувчи] Она сифатида эҳтиром ила мадҳ этади. Уларга биноан, Табиат тирик борлиқ бўлиб, руҳий кучга молликдир; асосий қахрамонлар эса хайвонлар, ўсимликлар, кўпинчалик қабила, урут ёки айрим шахс билан боғлиқ тотемлар сифатида гавдаланиши мумкин эди. Ҳозирги замон Америка адабиётинида Хиндларнинг илохий муҳаддаслик ҳиссиётига энг яқин турувчи асар — Ральф Вальдо Эмерсон қаламига мансуб ва ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи мавҳум «Олий Рух»дир.

Мексика қабилалари Толтек ва Ацтекларнинг худоси — илохий Кветзалкоатлга топиниб, олий худо ёки маданият ҳақидаги айрим ҳикоятлар айрим ўзга жойларда ҳам маълум бўлган.

Бирок, ягона олий илох ҳақида шаклланган узок муддатли диний цикллар мавжуд бўлмаган. Қадимги Дунёнинг руҳий ҳикоятларига моҳиятан энг яқин эквивалентлар тарихида қўпинчалик шаманларнинг зикрлари ва денгиз саёхатномалари номланади. Бундан фарқли уларок, Ожибва қабиласининг Манабодохо исми ёки Навахо қабиласининг Койот исми маданий қахрамонлари ҳақида ривоятлар мавжуд. Мазкур абжирлар турлича эҳтиром ила таъсирланган. Бир ҳикояда улар ўзини қахрамонларча тутса, ўзгасида эса худбин ёки телбаларча қиёфа олган. Швейцариялик руҳшунос Карл Жанг каби ўтмиш алломалари абжирлар ҳақидаги киссаларни психологиянинг энг қуйи ва ахлоқсиз томонини қўдаловчи адабиёт сифатида қоралашларига қарамай, замонавий олимлар — шулар жумласидан айрим Асл америкаликлар — фикрича, юнонларнинг эъзозли қахрамонларидан Одиссей ва Прометей аслида абжир бўлганлар.

Американинг Хинд адабиётинида отзаки адабиётнинг деярли барча жанрларига мисол топиш мумкин: шулар қатори лирик қасидалар, диний кўшиқлар, афсоналар, гаройиб эрталар, қулгили латифалар, дуо-афсунлар, топишмоқлар, мақоллар, эпик дostonлар ва афсонавий ривоятлар. Башорат ва шифо кўшиқлари ҳамда абжирлар ҳақидаги киссалар ривоят қилишича, ҳикрат жараёнлари ва аждодлар сояи беҳисобдир. Яратилиш ҳақидаги айрим киссалар кенг шўҳрат қозонган. Кўп қабилалар орасида турли шаклда нақл қилинувчи шундай ривоятлардан бирини айтилишича, дунёни тошбақа тираб турар экан. Яратилиш ҳақидаги Чейеине нақлига қараганда, Яратувчи — Махео — дунёни сувли борликдан шакллашга тўрт имкониятга эга бўлган. У, сув тубига шўнгиб, ер олиб келишга уриниш учун тўртта сув қушларидан биттадан вакил юборган. Қор қуш, шимолий кутб гагараси ва ёввойи ўрдак осмонга баланд парвоз этиб, пастга шиддат билан шўнғийди, бироқ сув тубига ета олмайди. Сузишни ҳам билмайдиган мўъжазгина лысуха эса ўз тумшугида озроқ балчиқ келтиришга эришди. Фақат бир жонзот — ҳамтарин Она момо Тошбақа — шу йўл билан келтирилган балчиқдан Махео ўнинг совут косаси устида дунёни шакллаши учун мос келувчи шаклга эга бўлган. Шу сабаб, Американинг хиндча номи «Тошбақа Ороли»дир.

Ривоятлар каби қўшиқлар ёки шеърят ҳам муҳаддас мавзулардан то ахборлар ва ҳазило-мюз лағифаларгача бўлган намуналарни ўз ичига ҳамраб олган. Шулар қатори, аллалар, жанговор қўшиқлар, севги ашулалари. Болаларнинг ўйинлари учун махсус ашулалар, шўх ўйноқи тўртликлар (gambling), турли жўр қўшиқлар, сеҳр-жоду ёки ракс маросимлари. Умумий тарзда қўшиқлар қайтарилувчан шаклга эга бўлган. Ҳаёлот оламини акс эттирган қисқа достон-қўшиқлар баъзан аниқ сиймолар ва майин кайфиятга молик бўлиб, Япон хайкулари [Япон шеъриятида ўрта асрлардаги хофийланган учликлар] ёки Шарх таъсиридаги метафорик шеърят намуналарига ўхшаб кетади. Мисол учун, Чилпева қабиласининг ашуласини олайлик:

Мен шимол гагараси деб ўйлаган нарса,
Аслида —
Маҳбубим эшқадан сачраган сув экан.

Қўлинчалик жуда қисқа бўлган манзаравий орзу қўшиқлари яна бир ўзига хос шаклдир. Орзу ёки ҳаёлларда, баъзан оғоҳлантиришсиз пайдо бўлувчи бу тур — шифо, ов ёки севги қўшиқлари бўлиши мумкин. Қўлинчалик улар, қуйидаги Модок ашуласидегидек, шахсий характерга молик:

Мен —
Қўшиқман.
Мен —
Шу ерда зоҳирман.

Ҳинд оғзаки анъанаси ва унинг Америка адабиётига муносабати, умуман олганда, Америка тадқиқотларида энг бой ва энг кам ўрганилган мавзулардан биридир. Америка маданияти ва тарихига ҳиндлар қўшган ҳисса одатда ўйланганларидан анча каттадир. Америка инглиз тилига юзлаб ҳинд сўзлари сингиб ўтган: шулар қатори, «жаноз», «табак», «потэйто» (картошка), «мокасия», «муз» (буғи), «персимман» (хурмо), «рэкун» (ёнут), «томагавк», «тотем». Мазкур китобнинг саккизинчи бобида ҳўриладиган ҳозирги замон Асл америкаликларнинг ёзма адабиёти ҳам ўта нафис намуналарга эга.

ФАТҲ АДАБИЁТИ

Тарих ўзга томон бурилганда, Америка Қўшма Штатлари денгиз ортидаги буюк Испания ёки Франция империяларининг бир қисмига айланиши ҳам ҳеч гап эмасди. Унинг ҳозирги аҳолиси Испан тилида сўзлашиб, Мексика билан бир давлат ёки француз тилида сўзлашиб, Канаданинг франкзбон Квебек ёки Монреал шахарларига бирикиб кетиши ҳам мумкин эди.

Бирок, Американинг илк фотиҳлари инглиз, испан ёки француз бўлмаганлар. Американи европаликлар томонидан дастлабки фатҳ этилиши Скандинав тилида муҳрланган Қадим Шимолнинг Винленд Сағасида тараннум этилади. Унга биноан, бебош Лейф Эриксон ва сайёх шимолликлар тўдаси Америка шимоли-шарқий соҳилининг — таҳминан Канададаги Ново Скотия — қисмини ўзлаштирганлар. Бу ҳодиса янги Дунё европаликлар томонидан иккинчи мартаба фатҳ этилишидан салкам 400 йил олдин, яъни XI асрнинг биринчи ўн йиллигида содир бўлган.

Аmmo, Америка билан ташқи дунёнинг бизга тарихан маълум ва исботланган илк алоқаси Италия фотиҳи Христофор Колумбнинг машҳур денгиз саяҳатидан бошланади. Колумб Испания ҳўмронлари Фердинанд ва Изабелла маблағига таяниб, денгизга чиқади. 1493 йили нашр этилган «Эпистола» кемасининг Колумб кундалиги саяҳат аснондаги фожиадан хабар беради. Дунё четидаги қаърга қулашини тасаввур этган ва аждарҳолардан қўрққан одамларни даҳшат ҳамраб олади. Улар исён ҳақида ўйлай бошлайди. Шунда, улардан олдин ҳеч бир инсон зоти шу қадар узокка бормаганини лайкаб қолмасликлари учун Колумб кема вахта кундалигини сохталаштиради. Америкага яқинлашганлари сари ернинг илк бор кўриниши, барча бошдан кечирганлари бир қисса бўлади.

Бартоломео де Лас Касас Америка ҳиндлари ва европаликларнинг дастлабки алоқалари ҳақида энг бой маълумотлар қолдирган. Ёш руҳоний сифатида у Кубани фатҳ этишга кўмаклашади. У Колумб кундалигининг асрорларини очиб, кейинчалик катта ҳажмли ва ёрқин «Ҳиндлар тарихи»ни ёзади ва уларнинг Испания томонидан босиб олинишини танқид қилади.

Англиянинг Американи колониялаштиришга дастлабки уринишлари фожнали кечган.

Биринчи колония 1585 йили Шимолий Каролина соҳилининг ортидаги Роаножда барпо этилган. Унинг барча колонистлари ном-нишонсиз ғойиб бўлиб, ўша ернинг кук қўли Кроат хиндлари ҳақидаги афсоналар ҳозиргача етиб келган. 1607 йили барпо этилган Жеймстаун номи иккинчи колония нисбатан муқим бўлган. У очарчилик, бераҳмлик иллатлари ва бетартиб бошқарув азобларини бошидан кечирган. Шунга қарамай бу давр адабиёти Американи бойликлар ва ҳулай имкониятлар ўлкаси сифатида ёрқин рангларда тасвирлайди. Колонизация ҳисоботлари дунё узра маълум бўлади. Роанокининг ўзлаштирилиши Томас Хэриот томонидан 1588 йили «Янги фатҳ» этилган Виржиния ўлкасининг қисқа ва ҳаққоний ҳисоботи»да батафсил ёзиб қолдирилган. Хэриотнинг китоби тез орада лотин, француз ва олмон тилларига таржима қилинди: матн ва расмлардан клише олиниб, 200 йил давомида кенг миқёсда қайта-қайта чоп этилди.

Жеймстаун колониясининг асосий солимоаси унинг раҳбарларидан бири бўлган Капитан Жон Смит томонидан ёзилиб, Хэриотнинг батафсил илмий ҳисоботидан тубдан фарқ қилган. Смит ўта романтик шахс бўлиб, ўз саргузаштларини лоф аралаш тасвирлаган кўринишда. Ҳинд гўзалы Покахонтас ҳақидаги машҳур қисса ҳам унинг қаламига мансуб. Бу қисса аслида рўй берганини ёки баъдий тўқима бўлгани, бундан қатъий назар, Американинг тарихий солимоасига сингиб ўтган. Қисса қабила бошлиғи Поухатаннинг севишли қизи Покахонтас қабилага асирликка тушган Капитан Смит ҳаётини кутқаргани ҳақида ривоят қилади. Кейинчалик, инглизлар Покахонтасни ўзлари билан гаров сифатида олиб кетишга Поухатани кўндиришганида, қизнинг олийжаноблиғи, оқиллиғи ва чиройи уларни лол қолдириб, 1614 йили инглиз жентльмени Жон Рольф унга уйланади. Натижада, колонистлар ва хиндлар орасида саккиз йиллик тинчлик ўрнатилиб, ҳаёт учун қурашаётган янги колониянинг омон қолиши таъминлайди.

XVII асрда пиратлар, саргузашт шайдолари ва янги ерлар ўзлаштирувчи фотиҳлар мунтазам колонистларнинг иккинчи тўлкинига йўл очди. Улар ўлкага ўз хотин-болалари, ферма жихозлари ва ҳунармандчилик асбобларини келтиришди. Фотиҳлик даврининг кундаликлари, мактублар, саёхат журналлари, кема кун-

даликлари ва фотиҳлар ўз молиявий ҳомиёларига — Европа ҳукмронлари ёки Англия ва Голландиянинг тижорий ҳиссадорлик компанияларига — берган ҳисоботлардан таркиб топган ilk адабиёт барпо этилаётган колонияларнинг адабиёти томонидан аста-секин сиқиб чиқарилди. Англия Шимолий Америка колонияларида сезиларли макъе эгаллагани туфайли энг маълум ва аъло тасниф берилган колониал адабиёт ҳам инглиз тилида битилди. XX асрда Америка озчилик адабиёти равиал топши ва Америка ҳаёти тобора кўп маданиятларни ўз ичига қамраб олши сайин олимлар континент қурама этник маданий меросининг ахамиятини хашф эта боришди. Америка адабиёти ҳақидаги рисолаамиз шу дамдан инглиз тилидаги адабиётга юзланишга қарамай, унинг бой космополитик сарчашмасини тан олиш муқим.

ЯНГИ АНГЛИЯДА КОЛОНИАЛ ДАВР АДАБИЁТИ

Дунё тарихида Пуританлар қаби интеллегуал колонистлар бўлмагандир. Эхтимол, 1630-ва 1690-йиллар мобайнида Қўшма Штатларнинг Янги Англия номи билан маълум шимоли-шарқий қисмида худди метрополиа(Англия)да бўлгани қаби университет биктирганлар сонл куп бўлган. Агарда, ўша даврнинг аксарият ўқимишли одамлари зодагонлар бўлиб, ўз ҳаётларини табиати ёввойи жойларда хатар остига қўйишга интилмаганини инобатга олсак, бу жуда юксак кўрсаткич эканлиғи аёнлашади. Ўз тақдирини ўзлари барпо этган ва купичалик саводларини ўзи чиқарган пуританлар Янги Англия узра ўз колонияларини бунёд этишлари сайин Худо иродасини тушуниш ва ижро этиш учун таълим олишга интилдилар.

Худого ибодат қилиш ва инсон руҳи Ер юзида рубару келувчи руҳий хатарлардан сакланиши муҳимлигини аниқ идрок этишга қўмақдош китоблар Пуританлар назарида яхши адабиёт сирасига кирган. Пуританлар адабиётининг услуби ўта хилма-хил булган — мураккаб метафизик шеъриятдан то содданамо журналлар ва жиддий педантик диний қиссагача. Услуб ва жанрлар хилма-хиллиғига қарамай, муаян мавзулар мунтазам бўлган. Ҳаёт бир синов тарикасида кўрилган; ундан ўтмаслик абадий кийнок ва дўзах ўтига муғтало этган, муваффақият эса



«Илк Шукроналар Кун» – Ж.П. Феррис расмида Американинг илк кўчинчилари ва Асп америкаликлар мул-куп ҳосилни биргаликда нишонламоқдалар.

самовий бахт-саодат келтирган. Бу дунё Худо кучлари ва энгиш мушкул бўлган кўп нобкли Иблис салафлари орасидаги доимий кураш майдони деб кўрилган. Кўп пуританлар Иисус ерга қайтиб келиши ва унинг минг йиллик подшоҳлиги ўрнатилиши, инсоният азоб-қубатлари ниҳоясига етиши, Ер юзидан 1000 йиллик тинчлик ва фаровонлик ўрнатилишини интизорлик билан кутганлар.

Олимлар узоқ муддат давомида Пуританизм ва капитализм орасида богликлик борлигини таъкидлаб келди: иккала оқим ҳам шукратпарастлик, бетиним меҳнат ва муваффақият сари узлуксиз интилишга асосланган. Айрим пуританлар, теологик нуқтаи назардан, «қутқарилгани» ва самовий жаннатга сайланганлар сирасига кирган-кирмаганлигини била олмаган бўлсаларда, бу дунёда эришган муваффақиятлари уларнинг мухтор этилганлигининг белгиси деб ҳисоблашга мойил эдилар. Бойлик ва макъафат фаровонлик сифатида эмас, балки маънавий соғломлик таъкиди ва абадий ҳаёт ваъдаси сифатида қўланган.

Ундан ташқари, бетиним хизмат тушунчаси муваффақиятни рағбатлантирган. Пуританлар барча нарса ва ҳодисаларни чуқур руҳий маънога эга рамзлар сифатида талқин этиб, ўз фойдаси ва жамоасининг фаровонлигини ошириш орқали Худо режаларини ҳам ривожлантиришларини ҳис этишган. Улар дунёвий ва диний соҳалар орасида ажрим чизиги ўтказмаган: ҳаёт-

нинг ўзи илоҳий ироданинг ифодаси бўлган. Бу ишлов кейинчалик трансцендентализмда ўз аксини қайта топади.

Оддий ҳодисаларни тасвирлаш орқали ҳаётнинг руҳий маъносини кашф этиш учун пуритан ёзувчилар одатда Библиядан иктибос келтириб, боб ва сатрини кўрсатишган. Тарих эса пуританларнинг Янги Дунё устидан галабаси ва Ер юзидан Худо подшоҳлигининг ўрнатилишига етакловчи рамзий диний панорама деб кўрилган.

Янги Англияда мўқим бўлган илк пуритан колонистлар Христиан Реформациясининг жиддийлигини ўз мисолида тасдиқладилар. 1608 йилги қувғин пайтида Англиядан Голландияга ҳижрат қилган, ўша пайтларда ҳам ўзларининг диний кенгфёллиги билан ажралиб турган диндорларнинг кичик гуруҳи бўлган «Пилигримлар» номи билан маълум.

Ақсарият Пуританлар каби улар ҳам Библияни айнан талқин этишган. Коринфликлар иккинчи Китобидидаги «Улар орасидан чиқиб келинг ва айри бўлинг, дейди Парвардигор» буйруғини бажо келтиришган. Англия Черковини ичидан софлашга умидлари қолмагач, «Сепаратистлар» («айричилар») қиролга эмас, ўз гуруҳига лайоҳат сақлашга қасам ичган, махфий «битим билан боглик» черковлар ташкил этишган. Динсизлар жаҳанимга мубтало бўлишидек, қиролга нисбатан ҳиёнат қилганлар ҳам кўпинчалик таъкиб остига тушган. Улар-

нинг айри бўлиши Янги Дунёга бош олиб чиқиб кетишдан ўзга чора қолдирмади.

Уильям Брэдфорд (1590–1657)

Сепаратистлар сохилга тушганидан сўнг кўп ўтмай, Уильям Брэдфорд Массачусетс Кўрфази колониясидаги Плимут губериатори этиб сайланди. У ўта такводор, саводини ўзи чиқарган иксон бўлиб, «Худонинг кўхна башоратгўйларига хос асл мукамалликни ўз кўзи билан кўриш учун» бир неча тилларни ва шу жумладан яҳудий тилини ҳам ўрганган эди. Голландия сари хижратга кўшилгани, «Мейфлауэр» кемасининг Плимут сари савҳатида иштирок этгани ва губернаторлик ташвишлари ўз колониясининг биринчи муаррихи бўлишига замин тайёрлади. «Плимут колонияси ҳақида» (1651) ёзган тарихий рисоласи колония вужудга келишининг аниқ ва тўлиқ ҳисоботидир. Американи илк кўрғанидаги таассуроти ўта машҳурдир:

«Шу тариха улкан океан ва машаққатлар умонини ҳесиб ўтгач... уларни кўтлаб олдувчи на биронта дўстлари бўлган, на об-ҳаво тинқасини кўритган баданларига ором бериб, меҳмондорчилик кўрсатадиган работлар бўлган, на бошлана ва на нажот берувчи, кучини тикловчи шахарлар у ёқда турсин, уйлари бўлган... ёввойи одамлар... кемалари устига тумонот ёй ўқлари ёғдиришга шай турган. Қиш бўлгани учун ва улар бу ўлканинг қиши нималигини тасаввур этганлари учун, кескин ва ашаддий совуқ тушиб, қақшатқич ва аёвсиз тўфонлар келтиришини билганлари учун... шўралаган юзларини қийинчиликларга қарши тикка қаратиб, қад ростлашди; ўрмон ҳамда чакалакзорлар домидаги бутун ўлка ёввойи ва қахрли тус олди».

Брэдфорд Англиянинг Янги Дунёда колониял ўзини ўзи бошқариш бобидаги илк хужжат — Пилигримлар хали денгизда кема устида туриб бунёд этган «Мейфлауэр Аҳдномаси»ни ҳам ёзиб қолдирди. Бу битим бир ярим аср кейин битилган мустақиллик декларациясининг даражаси бўлди.

Пуританлар худосиз зодагонлар ва ахлоқсиз ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳисобланган рақс тушиш ва карта ўйнаш каби дунёвий кўнғил очувчи нарсаларни маъқулламаган. «Енгилтабат» китоблар ёзмоқ ёки ўқимок ҳам шу қаторга кир-

ган. Пуританларнинг онги уларнинг улкан шижоатини хужжатли ва такводор жанрларга йўналтирдик: шулар қатори шеърият, насихат-ваъзлар, илоҳийёт ҳақида рисоалар ва тарихий солномалар. Уларнинг шахсий кўндаликлари ва фикр-мулоҳазалари мазкур ўзини ўрганувчи ва таъсирчан иксонларнинг чуқур ички дунёларини акс эттирган.

Энн Брэдстрит (тахминан 1612–1672)

Америкалик томонидан илк нашр этилган шеърлар тўплами шу билан бирга аёл каламига мансуб илк Америка китоби ҳам бўлиб, унинг муаллифи — Энн Брэдстрит. Илк Америка колонияларининг дастлабки йиллари босма пресслар етишмаслигини инобатга олса, бу китоб Англияда чоп этилгани таажжубланарли қол эмас. Англияда тўғилиб, таълим олган Энн Брэдстрит граф қасри қаровчасининг қизи бўлган. 18 ёшида ўз оиласи билан хижрат қилган. Эри Массачусетс Кўрфази колониясининг губериатори бўлиб, бу колония кейинчалик Бостондек шаҳри азимга айланади. Энн йил фасллари қабл одат тусини олган мавзуларга бағишланган узун диний шеърларни ёқтирган, бироқ замондошлари унинг кўндалик ҳаёт иқир-чиқирлари ҳақидаги ўткир зеҳнали шеърлари, эри ва болаларига бағишлаган меҳр-муҳаббатга тўла шеърларини кўпроқ хуш кўрган. У инглиз метафорик шеъриятдан илҳомланиб, «Америкада ниҳоятда вужудга келган ўнинчи Муза» (1650) номли китоби Эдмунд Спенсер, Филип Сидней ҳамда ўзга инглиз шоирларининг таъсирини акс эттирган. У кўтинчалик батафсил зеб берилган фаройиб сиймолар ёки узун метафоралар ишлатган. «Менинг азиз ва суюкли Эримга» (1678) шеърида шарқий адабийёт воситалари, севги мавзун ва ўша пайт Европада машҳур бўлган қиёсий ўхшатиш ғояси қўлланган, бироқ хулоса такводор маъно ҳасб этган:

Агарда иккиси бир бўлган бўлса, бизлигимиз аниқ.

Агарда биронта эркакни хотини севган бўлса, ўша сен.

Агарда биронта аёл эркак билан бахтли бўлган бўлса,

Мен билан таққосла, аёллар билан, агар таққослай олсанг.

Мен сенинг севгингни барча олтин қонлари
Ёки Шарҳда мавжуд барча бойликлардан
ортиқ кўраман.

Менинг муҳаббатим шундайки, уни дарёлар
хам сўндиролмас.

Бурч эмас, сенинг севгинг уни қондирар.

Сенинг севгинг шундайки, мен уни сира
муқофотлай олмасман,

Мен илтижо қилмаман, само сени минг қарра
муқофотлар.

Биз токи тирик эканмиз, севгидан сира
чекинамайлик.

Фонийдан кўз юмсақ, боқий яшай олайлик.

Эдвард Тэйлор (т. 1644–1729)

Энн Брэдстрит ва умуян Янги Англиянинг
барча илк ёзувчилари сингари кўзга кўринган
ажойиб шоир ва руҳоний Эдвард Тэйлор ҳам
Англияда тутилган эди. Иомен – ўз ерига эга
мустақил фермернинг – ўғли Тэйлор ўқитувчи
бўлиб, Англия Черковига лайоҳатда қасамёд
этиш ўрнига 1668 йили Янги Англия сари ден-
гизга чиқишни ихтиёр этади. У Харвард Колле-
жида таълим олган, юнон, латин ва хибру тил-
ларини билган. Қамтарин ва такводор инсон
бўлган Тэйлор Массачусетснинг Вестфилд
номли чегара шаҳрида, ўтиб бўлмас ўрмонзор-
лар билан ўралган 160 километр ичкаридаги
ёввойи жойда умрбод кўчкнчилар миссионери
сифатида хизмат қилиб юрди. Тэйлор ўз минта-
қасининг энг аъло таълим олган кишиси бўлиб,
шаҳар руҳонийси, доктори ва фуқаро раҳбари
сифатида ўз билимини ҳаётга татбиқ этган.

Қамтарин, такводор ва бетиним меҳнат қи-
лувчи Тэйлор ҳеч қачон ўз шеърларини нашр
эتماган: бу мерос 1930-йиллардагина кашф
этилди. Шак-шубҳасиз, Тэйлор ўз асарлари-
нинг кашф этилишини қлохий тақдир тақозоси
деб баҳолаган бўларди. Ҳозирги кун китобхони
– XVII аср Шимолий Америка шеърятининг
энг аjoyиб намуналари – унинг шеърларига
эришгани буюк ишдир.

Тэйлор турли шеърлар битган: шулар ҳато-
ри мотам марсиялари, лирика, ўрта аср «баҳ-
слари» ва 500 бетлик «Христиан динининг ко-
фияланган тарихи» (асосан жафоқашлар тари-
хи). Ҳозирги замон мунаққидларининг гапига
қараганда, Тэйлорнинг дастлабки қисқа фикр-
мулоҳазалар силсиласи энг яхши асаридир.

Майкл Уиглсворт (1631–1705)

Майкл Уиглсворт ҳам Тэйлор каби Англияда
таваллуд топган, Харвардда тахсил олган ва
табобат билан шугулланган пуритан руҳонийси
бўлиб, Янги Англия колониял шеърятини тари-
ҳда учинчидир. У Пуритан мавзуларини ўзи-
нинг барчага маълум «Қиёмат кун» (1662) ки-
тобида давом эттирди. Бесўнақай сатрлари
оксовчи бу узун ҳикоят колониал даврда Каль-
винизм гоёсининг қўрқувга солувчи ташвики
эди. Американинг мазкур илк бестселлери дў-
захга мубатало бўлишининг муҳиш тасвирини
баллада вазнида ифодалаган асар эди.

Шеърят нуктаи назаридан бесўнақай бу
асарни барча маъқул қўрган У муҳиш қисса
жозибасини Жон Кальвин обрўсига пайванд
этган. Икки асрдан ошқ давр ичида одамлар
диний террорнинг бу узундан-узун, қўрқув со-
лувчи асарини ёд олишган, болалар мағрурла-
ниб ўқиб берган, қариялар эса қундалик ҳаёт-
ларида ундан ихтибослар келтирган. Бу до-
стоннинг муҳиш жазо тасвирларидан Натани-
ел Хоторнинг «Скарлет мактуби» (1850) да
ўзини-ўзи гаптин тираиб, жароҳатловчи айбдор
Пуритан руҳонийси Артур Димсдейл образидан
то Герман Мелвилнинг чулоқ Капитан Эхаби –
Янги Англиянинг Фаустини – ман этилган билим
қидириши орқали «Моби Дик» (1851) асарида
Америка инсонпарварлигининг кемасини гарк
этиш ифодасига ўз-ўзидан сакраб ўтилгани йўқ.
«Моби Дик» XX аср Америка ёзувчиси Уильям
Фолкнернинг энг севган қиссаси бўлган. Фолк-
нернинг чуқур маъноли ва мувозанатдан чиқа-
рувчи ижоди эса Протестант Американинг зул-
мат узра метафизик тасвири ҳамон ниҳоясига
етмаган деган таҳминга йўл очади).

Колониал давр аксарият адабиёти каби илк
Янги Англия шеърлари метрополини адабиётга
ҳос шакл ва услубга тақлид этган. Аммо, ди-
ний эхтирослар ва Библиядан кўлаб иқтибос-
лар ва шаймалар ҳамда янгича бадиий ифода
усули Янги Англия адабиётига ўзига ҳослик ато
қилган. Янги Дунёнинг изоляция этилган ёзув-
чилари тезкор нақлиёт ва электроник алоқа
воситалари ўрнатилишидан олдин яшаганини
хам унутмайдиқ. Оқибатда, колониал ёзувчи-
лар Англияда эскириб бўлган ёзувларга тақлид
этишган. Шу тариха, ўз даврининг кўзга кўрин-
ган Америка шоири Эдвард Тэйлор Англияда
оқимдан ортда қолиб бўлган метафизик дoston
эади. Аҳёнан, Тэйлор ижоди каби ўзига ҳос эа-

рбдор асарлар колониал изоляция муҳитидан ҳам ниҳол отиб чиққан.

Колониал ёзувчилар кўпинчалик Бен Жонсон каби буюк инглиз адибларини ҳам назарга олмагандек бўлиб, туюлади. Айрим колокиал муаллифлар ўзга мазабга мансуб шоирларнинг ижодини ҳам рад этган ва шу туйфайли ўзларини инглиз тили бунёд этган бетараф лирика ва драма намуналаридан бебаҳра қолдирган. Устига устак, кўп колониистлар китоблар етишмаслигидан ҳам кийналган.

Янги Дунёга етиб келгунча, ўтиш мисолга айланиб бўлганига ҳам қарамай, Библиянинг инглиз тилига таржимаси ёзиқ, имон ва ҳуққатворнинг буюк намунаси бўлган. Бироқ, Рим Черковидан ҳам кўҳна Библия нуфузи бу таржимани Пуританлар наздида обрў-эътиборли қилган.

Янги Англия Пуританлари Тавротдаги яҳудийларнинг ривоятларига содиқ қолган, чунки улар ҳам худди қадимги яҳудийлар каби ўз имони учун таъкиб этилгани, ягона асл Худони тан олгани ва Ер юзидида само — Янги Қуддусни бунёд этиш учун муҳтор этилганларига ишонганлар. Пуританлар Тавротдаги қадимги яҳудийлар ва ўзлари орасида ўтказилувчи ўхшатишлардан хабардор эдилар. Мусо исроилликларни қуллиқдан озод этиш учун Мисрдан олиб чиққан, Худонинг муъжизаси ердамида Қизил Денгиз ҳаъри очилиб, халқ қочиб омон қолган ва илоҳий қонунни 10 кўрсатма шаклида қабул қилган. Мусо каби Пуританларнинг раҳбарлари ҳам ўз халқини Европадаги руҳий тубанликдан олиб чиқди, Худо ланоҳида ёввойи денгиз узра муъжизакорона сузиб ўтиши ва Худо иродаси ила янги қонунлар ва ҳуқуматнинг янги шаклларини таъсис этишди.

Колониал дунё кўҳна тартиботга мойил бўлган ва Янги Англия бундан мустасно бўлмаган. Янги Англия Пуританлари ихтиёри, эътиқоли ва шарт-шароитларга кўра архаик бўлди.

Сэмуил Сивол (1652—1730)

Библиядан ихтибосларга тўла ўта диний шеърятга нисбатан ҳақиқий воқеаларни жонли деталлар орқали тасвирлаган тарихий ва дунёвий ҳисоботларни ўқиш анча осонроқ бўлган. Губернатор Жон Винзроппнинг «Журнал»и (1790) Массачусетс кўрфазининг илк колониаси ва пуританларнинг смёсий назарияси ҳақида муҳаммад маълумот беради.

Сэмуил Сиволнинг «Қундалик»и 1674—1729 йиллар мобайнидаги ҳодисаларни акс эттириб, ҳаётини жозибатга моликдир. Сивол ҳаёти биз юқорида Брэдфорд ва Тэйлор мисолида кўрган илк Янги Англия ёзувчиларининг қолипига мос тушган. Англияда тугилган Сивол колониаларга болалигида келтирилган. Бостон минтақасини ўзига она юрт этиб, ўша ерда Харвардни битирган ва ҳуқуқшунослик, маъмуричилик ҳамда диний соҳаларда фаолият юритган.

Сивол Пуританларнинг дастлабки, қаттиққўл диний ҳаётидан Янги Англия колониаларининг кейинги анча дунёвийлаштирилган тижорату бойликка берилган Янги даври томон ўзгарини ўз кўзи билан кўришга муяссар бўлди. Унинг «Қундалик»и кўпинчалик айнан шу даврда Англияда битилган ва ўтиш даврини беҳосдан акс эттирган Сэмуил Пеллиснинг қундалиги билан таққосланади.

Пеллис қундалиги каби Сиволники ҳам ўз қундалик ҳаётида кўриб турган нарсаларни акс эттириб, унинг тақводор ва тўғри ҳаёт кечкиришга интилишини муҳрлаган. Дилига яқин аёлга арзмас ширинликлар олиб бергани ва унинг зодагонларга хос исрофгарчилик билан парик кийиш ва фойтонда юриш ҳаёт тарзи борасида ихтилофга боришганини таъкидлаб ўтади.

Мэри Роуландсон (т. 1635—т. 1678)


Номланишга ариғули энг биринчи ёзувчи аёл — руҳонийнинг рафиқаси Мэри Роуландсон бўлиб, 1676 йили Хинд қирғин-баротлари пайтида 11 ҳафта хиндлар томонидан асирликда сақлангани ҳақида аниқ ва ҳаяжонли ҳисобот ёзиб қолдирган. Бу китоб, шак-шубҳасиз, хиндларга қарши ҳис-туйғуларга олов олдирди. 1707 йили нашр этилиб, қирғиндан сўнг французлар ва хиндларда икки йиллик асирлигини тавсифловчи Жон Уильямснинг «Суноҳ ювувчи асирлик» китоби ҳам шундай таъсирга молик эди. Аёлларнинг ёзишмалари одатда уй ичи ҳисоботлари бўлиб, махсус таълим талаб этмаган. Айтиш мумкинки, аёллар адабиёти уй-рўзгор реализми ва соғлом идрок ҳиссидан баҳраманд этган. Сара Кэбил Найтнинг Бостондан Нью-Йоркка бориш қайтишининг жасур яқка саёҳатини таърифловчи ҳаётини «Журнал»и (1825) каби муайян асарлар кўплаб Пуритан асарларининг барокко жимжимадор мураккаблигидан қутулишга интилган.

Котон Мазе (1663–1728)

Расмийatchилик устаси Котон Мазени номламасдан туриб Янги Англия колониал даври адабиётининг биронта антологияси тугалланган шакл ололмайди. Тўрт авлод ҳаёти давомида Массачусетс кўрфазида истикомат қилган Мазелар сулоласининг учинчи поғонасига мансуб Котон Янги Англия ҳақида батафсил маълумот берувчи 500дан ортик китоб ва рисоалар ёзди. 1702 йили чиққан «Америкада христиан дини кўчиззалари» (Янги Англия руҳонийларининг тарихи) унинг энг машҳур китоби бўлиб, биографиялар силсиласи орқали Янги Англия узлаштирилишининг батафсил солиномасини тақдим этади. Катта ҳажмли бу китоб Худо подшоҳлигини таъсис этиш учун пуританларга муҳаддас толширикни тавсифлайди. Америкалик кўзга кўринган «Авлиёлар ҳаёти»ни қадима-қадим ҳикоя қилади. Унинг кунт билан ёндошгани жимжимадор маддоҳлигини муайян даражада оқлайди: «Мен Европанинг сарчашмаларидан Америка қирғиғига учиб ўтган христиан динининг ажойиботларини тасвирладим».

Рожер Уильямс (т. 1603–1683)

1600-йиллар тугаб, 1700-йилларга туташгани сайин, диний кенгфёллиқнинг мавж уришига тўғаноҳ бўлишга интилаётган пуританларнинг айрим қўпол уринишларига қарамай, диний доғматизм аста-секин пасайиб борди. Рухоний Рожер Уильямс динга муносабати туфайли азоб чекди. Инглиз тикувчисининг ўгли бўлган Уильямс 1635 йили Янги Англия қаҳратон кишининг авжиди Массачусетсдан ҳайдалган. Массачусетс губернатори Жон Винзроп томонидан маҳфий равишда оғоҳ-



КОТОН МАЗЕ



лантирилган Уильямс хиндлар билан яшагани туфайлигина омон қолади. 1636 йили у Род-Айленд номли янги колония барно этиб, унда турли дин вакилларига жой топилади.

Англияда Кэмбриж университетини битирган Уильямс ишчи аҳли ва турли диний қарашларга хайрихоҳлик ҳиссини сақлаб қолади. Унинг ғоялари ўз замонасидан илгарилаб кетганди. Имперализми биринчилар қаторида танқид қилиб, Европа қироллари Америкада ер бўлақлари инъом этишга ҳаққи йўқ, чунки бу ер хиндларники деб уқтиради. Шунингдек, Уильямс диннинг давлатдан айри этилиш тамойилига ишонган. Бу эса бутунги Американинг асоскор тамойилидир. Суд маҳкамалари инсонларни диний эътиқодга кўра жазолашга ҳаққи йўқ деб таъкидлаши туфайли Янги Англия теократиясининг асосларига путур етказган. Тенглик ва демократияга ишонган Уильямс ҳаёти узра хиндларнинг дўсти бўлиб қолган. Уильямснинг қатор китоблари орасида хинд лаҳжалари бўйича «Америка тилларига қалит» (1643) китоби ҳам бор. Букитобда дастлабки этнография куртак отиб, ўзи қабилалар орасида яшган пайтда кўрган хиндлар ҳаёти ҳақида ёрқин таассурот беради. Китобнинг хар боби муайян бир мавзуга бағишланган. Мисол учун, овқат ейиш вақтлари ва таомили. Бу мавзуга алоқадор хинд сўзлари ва иборалари изохлар, латифалар билан аралаш берилиб, охирида хулоса – шеър келтирилган. Биринчи бобнинг охирида ўқиймиз:

Табиатнинг ҳам ёввойи, ҳам ўргатилган ўғлонлари
Қани эди инсоний ва
одобли бўлса.

Инсоният бўлишни хоҳлаган
Худонинг бу ўтлонлари накадар баджаҳл.

Меҳмондўстлик борасида «Ўзини христианлар деб атовчи минглаб одамлардан қўра бу ёввойилар орасида инсон кўпроқ бегараз меҳмондўстлик ва ором топиши таажжубланарли ҳақиқатдир» деган фикрни билдирган.

Уильямс ҳаёти антика даражада илҳомбахш. Конли Фукарлар уруши пайтида Англияга ташриф буюрган Уильямс, у ерда қўмир таъминоти узилгач, совуқ Янги Англия шаронтида тиррик коллани эвазига Лондон камбағалларига ўтин етказиб беришни ташкил этади. У турли христиан секталаригагина эмас, балки Христиан бўлмаганларга нисбатан ҳам диний кенгфёълликни химояловчи мақолалар ёзади. «Бутпарастлар, яҳудийлар, турклар ёки христианликка қарши эътиқод ва динларнинг аксариятига кенгфёъллик бўлиш барча инсонлар ва барча халқлар учун қафолатланиши... Худонинг иродаси ва амридир...» деб ёзган эди Уильямс «Инсоф-эътиқод йўлидаги қувғиннинг қонли тамойиллари» (1644) китобида. Олийжаноб ва инсоний ҳиндлар орасида яшашдан орттирган маданиятлараро мулоқот тажрибаси шак-шубҳасиз унинг оқилу доно бўлишига ўз хиссасини қўшди.

Колониялардаги таъсир иккитомонлама эди. Мисол учун, Жон Эллот Библияни Наррагансет тилига таржима қилди. Баъзи ҳиндлар христиан динига ўтди. Хатто бугун, Асл америкаликлар черкови ўз моҳиятига қўра христианлик ва ҳинд анъанавий эътиқодларининг қўра-масиди.

Америка колонияларида аста-секин қуртак ота бошлаган диний кенгфёъллик ва диний эркинлик руҳи Род-Айленд ва Квакерлар ватани Пенсильванияда барпо этилганди. Инсонпарвар ва кенгфёъллик Квакерлар барчага «Дўстлар» сифатида маълум бўлиб, айрим швахс инсоф-эътиқодининг ижтимоий тартиб ва ахлоқодоб сарчашмаси сифатида муқаддаслигига ишонишган. Квакерларнинг умумбашар муҳаббат ва биродарликка асоскор ишончи уларни ўта демократик қилиб, догматик диний ҳукмронликка қарши қўйган. Уларнинг таъсиридан қўрққан Массачусетсдан қўвилганларида, улар, Уильям Пен бошчилигида 1681 йили омади ўта юришган Пенсильвания колониясини таъсис этишди.

Жон Вулмен (1720—1772)

Квакерларнинг энг машҳур китоби 1774 йили Жон Вулмен каламига мансуб катта ҳажмли «Журнал»дир. Муаллифнинг ички кечинмаларини соф ҳаққоний, ихлосли тарзда ифодалаган бу асар қўллаб Америка ва Англия ёзувчиларининг олқишига сазовор бўлди. Бу қўзга кўринган инсон ўзининг шаҳардаги оромбахш ўйини тарқ этиб, ҳиндлар билан ёввои ерларда вақтинча яшашга интилган. Чунки, ҳиндлардан ўрганадиган ва баҳраманд бўлишга эрийдиган тоълари бор деб ҳисоблаган. Ўзи таъкидлаганидек, «уларнинг ҳаёти ва кун кечирishi руҳиятини ҳис этиш ва тушуниш»га интилган. Вулменнинг адолатпарвар руҳи табиий равишда жамият танқидига ўтади: «Қўп октанли Инсонлар кўпинчалик ҳиндларга ром ичимлиги сотаётгани Буюк гуноҳ эканлигини тушуниб турибман».

Вулмен, шунингдек, кулликка қарши чиққан ilk ёзувчилардан бўлиб, 1754 ва 1762 йилларда «Негрларни сақлаш борасида айрим мулоҳазалар» номли иккита эссе нашр этган. Эътиросли инсонпарвар сифатида, адолатсиз деб билган ҳукумат ва қонунларга «қўр-қўрона итоат» йўлқни рад этувчи, 1849 йили нашр этилжақ Генри Дэвид Тореанин «Фўқаро итоатсизлиги» машҳур эссесига авлодлар довои оша замки тэйёрлаган.

Жонатан Эдвардс (1703—1758)

Машҳур квакер адиб Жон Вулмендан 17 йил олди таваллуд топган Жонатан Эдвардс ижоди тубдан фарқ қиларди. Вулмен дастлабки расмий таълим олган бўлса, Эдвардс олий маълумотли эди. Вулмен ўзининг ички нурига эргашган, Эдвардс эса ўз ижодини қонунчилик ва ҳокимиятга бағишлаган. Иккала адиб ҳам ажойиб ёзувчи бўлган, бироқ улар колониал диний тажрибаниннг қарама-қарши кутбларида туришган.

Эдвардс ўзининг бурч ҳисси ва жиддий пуритан муҳит томонидан шаклланиб, атрофда қуртак отаётган либерализмдан қаттиққўл ва ҳазин Кальвинизмни химоя этишга илҳомланди. «Қаҳрли Худо қўлидаги гуноҳкорлар» (1741) номли жаъғари ва қўдратли ваъз-насихати туфайли шуҳрат қозонган:

«Агарда Худо сизга юришни вожиб этса, сиз дарҳол сув қаърига интилишингиз ва гуноҳ-

корона тарзда унга тушишингиз ва тубсиз жарликка шунгичингиз даркор... Худди олов тепасида ўргимчак ёки ўзга жирканчли хашаротни бир химса ушлаб турганидек, сизни ҳам дўзах хаёри тепасида ушлаб турувчи Худо сиздан нафратланади ва ўта гаши келади. У сизга, тубсиз жарликка улоқтириб ташлашдан ўзга ҳеч нарсага арзимайдиган ва ярамас деб, назар ташлайди».

Эдвардснинг ваъзалари шу қадар улкан таъсирга молик эдики, барча қавм аъзолари йиғи-сиғи аралаш жазавази тутарди. Бироқ узокни кўзлаганда, уларнинг бусунакай қўполлиги Эдвардс жасурона химоя этган Кальвинизмдан одамларни туртиб ташларди. Эдвардснинг догматик, ўрта асрларга ҳос ваъзалари нисбатан тинчликларвар ва фаровон XVIII аср колонистларига таъсирини сақлаб қололмади. Эдвардсдан сўнг диний багрикенгликнинг мусаффо либерал оҳимлари куч тўллаб бошлади.

ЖАНУБИЙ ВА ЎРТА ЕР КОЛОНИЯЛАРИНИНГ АДАБИЁТИ

Инкляб арафасидаги Жануб адабиёти зодагон ва дунёвий мохиятга эга бўлиб, жанубий плантацияларнинг устувор ижтимоий ва иқтисодий тузулмаларини акс эттирган. Илк инглиз муҳожирлари диний эркинликдан кўра иқтисодий қулай имкониятлар тўғрисида жанубий колонияларга интилган.

Кўп жанубликлар қўллардан унча яхши яшамайдиган қашшоқ фермер ёки савдо ақли бўлганига қарамай, Жанубнинг саводли юкори табақаси қўлдорлик тўғрисида эришилган классик, Эски Дунё ерли жентри (уявонсиз дворянла-

ри)нинг идеали нурида шаклланган эди. Бу қўрилма жанубнинг бадавлат оқтанлиларини қўл меҳнатидан холи этиб, уларни бўш вақт билан таъминлади ва зодагонларча ҳаёт кечириш орзусини Американинг ёввойи табиатли жойларида рўёбга оширди. Пуриган гоёси бетиним меҳнат, таълим-тарбияга уруғ бериб, жиддий тақводорлик кам учрайдиган бўлиб қолди. Унинг эвазига отда чавандозлик ва овчилик каби дунёвий лаззатлар устун кела бошлади. Черков инсоф-зътиқоднинг аниқ синови учун мажлис эмас, олийжаноб ижтимоий ҳаёт марказига айланди.


Уильям Бёрд (1674—1744)

Жануб маданияти аслида жентльмен идеали атрофида мужассамлашган. Ренессанс кишиси ҳам ферма бошқариш, ҳам классик юнон асарларини уқини бараварига яхши уқдалаб, феодал ҳўжайин кудратига молик бўлган.

Уильям Бёрд 1726 йили Англиялик дўсти Чарльз Бойли Оррери графига ёзган машҳур хатида ўзининг Вестовердаги плантациясидаги оромбахш ҳаёт тарзини қўйидагича тасвирлаган:

«Мусаффо ҳаво имтиёзларидан ташқари биз кўнглимиз тусаган озик-овқатни сира сарфсиз тўлин-тўкиг олурмиз (биз деганда, плантацияси борларни назарда тутаялман). Мен қатта ояла бошида туриб, менинг эшикларим барчага очик ва мен ҳеч қандай харажатларга пул тўламайман. Чўнтагимда қўлиб кетган ярим корона эса қўллаб оялар давомида винагини ҳам бузмайди.

Худди бир патрнархдек менинг ўз гала ва подаларим, эркак ва аёл қўлларим ҳамда турли касб этаси бўлган хизматкорларим



Жонатан Эдвардс

Гравюра © Белман арт

борки, мен Худо изнидан узга барчадан мустақил ҳаёт кечиранман».

Уильям Бёрд жанубнинг колониал жантри ҳаёт тарзини гараннум этган. Мерос тарзида олган 1040 гектар ерни Уильям 7160 гектаргача кўпайтириб, савдо-сотик билан шуғулланган плантатор бўлган. 3600 жилдди кутубхонаси Жанубда энг йирик бўлган. Туғилишидан шу қадар зехни ўткир бўлганки, отаси уни Англия ва Голландиянинг энг зўр мактабларига юбориб, тақомилга етиштирди. У Франция киролининг саройига ташриф буюриб, Кирил Жамиятнинг Аъзоси бўлади. Уша даврнинг баъзи етакчи инглиз ёзувчилари, алаҳусус Уильям Вичерли ва Уильям Конгрив билан яқиндан таниш бўлган. Лондонда тутган кундаликлари Янги Англия Пуританларнинг кундаликларидан тубдан фарқ қилиб, ўз руҳий кечималарини бироз ўрганган ҳолда ажойиб зиёфатлар, хашаматли томошалар ва аёллар билан ҳушторликларга бойдир.

Бёрд Виржиния ва Шимолий Каролина чегаралош колониялари орасидаги ажратиш чизигини тафтиш этиш учун 960 километра ўлка ичкарасига бир неча ҳафталик саёҳат кундалиги бўлган «Ажратиш чизигининг тарихи» тўфайли ҳозирги кунда барчага маълумдир. Бу жентльменга таъсир этган кенг ёввойи ўрмонзорлар, ҳиндлар, ярим ёввойи октанлилар, йиртқич ҳайвонлар ва турли-туман кийинчиликлар Америка ва Жанубнинг ўта ўзига хос антика китобини шакллалган. «Ўзга яқин одам, аксарияти яхши оилаларнинг тубан тушган авлодлари» деб илк Виржиния колониистларини кулги қилади ва Жеймстаунда «асл инглизлар каби, нархи эллик фунт стерлингдан ошмайдиган черков ва беш юз фунт стерлингли майхона қуриб олишган», деб ҳазил қилади. Бёрд ёзишмалари жанубликлар моддий дунёга ружу қўйганларига ёрқин мисоллар келтиради: шулар қатори ер, ҳиндлар, плантациялар, ҳайвонлар ва кўчкннчилар.

Роберт Беверли (т. 1673–1722)

Роберт Беверли яна бир бой плантатор ва «Виржиниянинг ҳозирги ҳақоми тарихи» (1705, 1722) – Виржиния колонияси ҳақида инсонларвар ва шиддатли ёрқин услубда ёзилган тарихий асар муаллифидир. Бёрд сингари Беверли ҳам ҳиндларга хайратланади ва европаликларнинг

Виржиния ҳақидаги галати диний ҳурфотларини келтиради. Мисол учун. «бу ўлка у ерга борганларнинг барчасини ашаддий зомимга айлантиради» деган ишонч мавжудлиги. У жанубликларнинг ҳозирги кўнгача сақланиб қолган хусусияти – улкан меҳмондўстлигини таъкидлаган.

Ҳазилкаш сатира – инсон иллатлари ёки тентаклигини ўткир сўзли ирония ёки аския ёрдамида кулги қилувчи асар бўлиб, колониал Жанубда тез-тез учраб турган. Жаҳли чиккан бир гуруҳ кўчкннчилар «Жоржия колониясининг асл ва тарихий хикояси» (1741) номли памфлетда Жоржиянинг филантроп асоскори генерал Жеймс Оглеторнини кулгига кўтарган. Уларни шу қадар кашшоқликда сақлаган ва ҳаддан зиёд кўн ишлагани учун улар «факирона итоатнинг кадрли фазилати»ни ривожлантиришга мажбур бўлганлар ва «хар қандай шўхратпарастликка интилиш»дан ҳоли бўлганига эришгани учун ундан фахрланишлари кераклигини ўқитишади.

«Сотвил Даллол» номли шовкин-суронли сатирик поэма Мэриленд колониясини кулгига кўтиради. У ерда Эбенезер Кук исмли инглиз муаллифи тамаки сотувчи сифатида қўл синаб кўради, бироқ омади юришмайди. Кук колонияда ҳўкмон қўпол усуллари ўта нафис юмор ёрдамида фош этиб, колониистларни уни алдашда айблайди. Поэма бўрттирилган қарғиш билан тугайди. Бирон эрқаги содик, аёли эса вафодор бўлмаган жойда, ҳўвиллаб ётган минтақа газабга дучор бўлиши аниқ эмасми.

Умуман оғанда, колониал Жануб адолатли равишда нафис, ҳаётин, маълумот берувчи ва реалистик адабий анъана билан боғланиши мумкин. Англиянинг адабий йўналишларига тақлид этган жанубликлар Янги Дунёнинг ўзига хос шароитларини аниқ ифодаловчи ўткир сўзли кузатишлар яратганлар.

Олауда Икуано (Густавус Васса) (т. 1745–т. 1797)

Колониал даврда Олауда Икуано ва Юпитер Хаммон каби нуфузли негр ёзувчиларни юзга чикди. Асли келиб чиккиш Гарбий Африкадаги Нигердан бўлган Икуано Америка адабиёти тарихида автобиография ёзган илк қоратли ёзувчи. «Африкалик Олауда Икуано ёки Густавус Васса ҳаёти ҳақида кизиқарли хикоят» (1789) деб номланган бу китоб кулларнинг

хикоя жанрига дастлабки мисол булиб, Икуиано ўз она юртининг тарихи, асирликка олинишининг дахшати ва азоблари, Вест Индиядаги куллик йилларини тасвирлайди. Христианликка ўтказилган Икуиано христианлар билан ўзи тузган берахм «нохристианча» битим борасида арз этадики, бу мавзу асрлар оша африкалик америкаликлар нидоларида ҳамон барқ уради.

Юпитер Хаммон (т. 1720—т. 1800)

Нью-Йоркнинг Лонг-Айлендида кул бўлган Американинг қоратанли шоири Юпитер Хаммон ўзининг диний шеърлари ва «Нью-Йорк штатининг негрларига мурожаатнома» (1787) китоби туфайли адабиёт тарихига кирган. Бу китобда Хаммон кулларнинг фарзандларини наслий кулликка маҳкум этиш ўрнига уларни озод этишни химоялаб чиқди. Унинг «Кечки ўй» шеъри Америкада қоратанли томонидан нашр этилган ilk асар бўлди.

П-БОБ

ДЕМОКРАТИК САРЧАНМА
ВА ИҶКИЎЮБИШ АДИБЛАРИ:
1776—1820

Британияга қарши авж олган машаққатли Америка инкилоби (1775—1783) колониал ҳуқуқрондликка қарши озодлик учун илк замонавий жанг бўлди. Америка мустақиллигининг зафари ўша пайт кўпларга Америка ва унинг халқи тақдир томонидан буюк ишларга мухтор эътилоғани ҳақидаги илоҳий раъз бўлиб кўринди. Ҳарбий ғалаба буюк янги адабиётга миллий умидлар руҳини ато этди. Бироқ, Инкилоб пайти ёки ундан кейин кўп ўтмай, машҳур сиёсий ҳужжатларни назарда тутмаса, диққатга сазовор асарлар кўп эмас.

Америка китоблари Англияда кескин назорат остида эди. Англия адабиёти намуналарига ўта боғлиқлиги америкаликларга оғир ботарди. Асл адабиёт барпо этиш масаласи миллий муаммо даражасига кўтарилди. 1816 йили бир Америка журналининг муҳаррири ёзганидек, «ҳарамлик шармандалик келтириш ҳавфи бор тушқунлик бўлиб, ўзимиз барпо этишимиз мумкин бўлган соҳада хориждаги ақл-заковатга таяниш — ялқовлик иллатига тентаклик заифлигини қориштириш дегани».

Ҳарбий инкилоблардан фарқли равишда маданий инкилоблар муваффақиятли равишда мажбуран қабул эттирилмайди, балки аксинча муштарак тажриба заминидан униб чиққиш шарт. Инкилоблар халқ қалбнинг юнькоси бўлиб, янги ҳақиқатлар ва тажриба бойлиги асосида аста-секин қад ростлайди. Ўз маданий мустақиллигига эришиш ва Америка ёзувчиларининг илк буюк авлодини юзага чиқариш учун 50 йил тарихий тажриба керак бўлди. Шулар қаторида Вашингтон Ирвинг, Жеймс Феникор Купер, Ральф Вальдо Эмерсон, Генри Дэвид Торае, Герман Мелвилл, Натаниел Хоторн, Эдгар Аллан По, Уолт Уйтмен ва Эмили Дикинсон. Американинг адабий мустақиллиги ўзлигини ҳамон Англия билан боғлаш, инглиз ёки классик адабий намуналарга тақлидчилик, нашр ишларига тўсқинлик қилувчи қийин иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар туфайли секинлашган эди.

Инкилобий ёзувчилар, ўзларининг ёрқин ватанпарварлигига қарамай, зарурат тақозосига кўра Америка муҳотида ўз илдишларини топа олмаган. Инкилобий авлод колониал ёзувчилари Англияда туғилиб, инглиз фуқаролари сифатида вояга етган, инглизларга хос тафаккур, кийим-кечак ҳамда юриш-туриш тарзини ўзида ривожлантирган эди. Уларнинг ота-оналари ва аждодлари ҳамда барча ўртоқлари инглиз (ёки европалик) бўлган. Қўшимча равишда, америкаликлар ҳамон Англия орғида судралиб бораётган адабий усул борасида ташвишланиб, ўша пайтлаги орқада қолиш эса америкаликларнинг тақлид этиш майлини кучайтирган эди. Англияда шухрат қозонганидан кейин 50 йил ўтган бўлса ҳам Жозеф Эдисон, Ричард Стил, Жонатан Свифт, Александр Поуп, Оливер Голдсмит ва Сэмюэл Жонсон каби инглиз неоклассик ёзувчилар Америкада ҳамон завоқ ила тақлид этиларди.

Ундан ташқари, янги давлат қуриш эҳтиросли даъватлари истеъдодли ва ўқинишли одамларни сиёсат, ҳуқуқшунослик ва дипломатия соҳаларига жалб этган. Мазкур йўналишлар шон-шухрат ва молиявий фаровонлик ато этган. Ёзувчилик эса пул келтирмаган. Англиядан ажралиб чиққан илк америкалик ёзувчилар аслида на талабга жавоб берувчи ноширлар, на китобхонлар давраси ва на мутаносиб ҳуқуқий муҳофазага эга бўлишмаган. Муҳаррирлик ердами, нашрий тарқатиш ва муаллифни китобхон оmmasига танитиш жараёндарини энди-энди вужудга келтирмоқда эди.


1825 йилгача ақсарият америкалик муаллифлар ўз ишларини нашр этиш учун ноширларга пул тўлаб келган. Вашингтон Ирвинг, «Нью-Йоркликлар» гуруҳи ёки «Хартфорд Зукколари» сифатида маълум Коннектикут шокирлари каби бўш вақти кўп ва пулга муҳтож бўлмаган адибларгина ўз кизиқишини қондириш учун қалам тебратнишга қўл уришлари аён эди. Камбағал оиладан бўлишига қарамай Бенжамин Франклин бундан мустасно эди, бироқ касби ношир бўлгани учун ўз асарларини ўзи чоп этиши мумкин эди.

Чарльз Броден Браун анча типик мисолдир. Қатор қизқарли готик романлар муаллифи бўлган Браун ўз ёзган нарсалари ҳисобидан кун кечиршига уринган илк америкалик ёзувчи бўлди. Бироқ унинг қисқа ҳаёти қашшоқликда туғди.

Китобхонлар оммасининг ноқислиги яна бир муаммо эди. Америка китобхонларининг муъжаз давраси машҳур европалик адибларнинг асарларини қўмарди: собик колониялар олдиги ҳукмонларига нисбатан хис этган ҳаддан зиёд эҳтиром ҳам бу ҳолга қисман таъсир этган. Америкада нашр этилувчи асарларнинг нисбатан паст даражасини инобатга олганда, инглиз асарларига бўлган майл умуман асоссиз бўлмаган, бироқ Америка адибларини ўз укўвчиларидан маҳрум этиши тўғайли ваъзиятни янада мушкуллаштирган. Биргина журналистика моддий рағбат берган, бироқ омма енгил, талаб қўймайдиган шеърлар ва хисса мазмунли эсселар истаб, катта ҳажмли ёки экспериментал нарсаларни қабул этмаган.

Нусха олиш ҳуқуқлари соҳасида мутаносиб қонунчиликнинг йўқлиги, эҳтимол, адабий туртунликнинг энг муҳим сабабларидан бўлган. Америка ноширлари Англия бестселлерларини қароқчилик қилиши тўғайли номаълум асар учун Америка адибларига пул тўлашни истамагани тушунари ҳол. Хорижий асарларни ваколатсиз қайта нашр этиш колонияларга хизмат кўрсатиш ҳамда Америка жамоатчилигини маърифатга чиқариш нияти билан николаган. Классик намуналар ва Европанинг буюк асарларини чоп этиш Франклин каби ноширлар томонидан даромад манбаи сифатида қўрилган.

Америка ноширлари унинг мисолига эргашиган. Қароқчиликнинг машҳур мисоллари мавжуд. Американинг кўзга қўринган ношири Мэтью Карей лондонлик воситачисига — ўзига хос адабий жосусига — бир ой ичида Америкага сузиб келадиган энг тезюрар кемалар орқали хали муқоваланмаган ва рақлар ёки ҳатто таҳрир нусхаси-



Ной Вебстер



ни юбориши учун қўмай пул тўлаган. Америка лортида Карей одамлари бу кемаларга пешвоз чиқиб, ўғирланган китоб нусхасини зудлик билан қўжайинга етказишган. Шриффт терувчилар матни қисмларга бўлиб, навбатма-навбат 24 соат ишлашган. Англиядан қароқчилик йули билан келтирилган бундай китоб бир кун давомида терилиб, Америка китоб дўконларининг пештазталарига дерли Англия билан бир кунда сотувга қўйилиши мумкин бўлган.

Қонуний йўл билан келтирилган нашрлар қимматга тушгани ва қароқчилик нусхалари билан рақобат этолмагани тўғайли нусха олиш ҳуқуқининг ҳолати сэр Вальтер Скотт ва Чарльз Диккенс каби хорижий адиблар билан бир қаторда Америка муаллифларига ҳам зарар келтирарди. Аммо, хорижий адиблар ҳеч бўлмаганда ўз асл ноширларидан пул оларди ва номи чиккан эди. Жеймс Фенимор Купер каби америкалик адиблар эса меҳнатига яраша ҳақ олиш у ёқда турсин, шундоқкина кўз ўнгларида ўз китоблари қароқчилик этилаётганидан азоб тортишга мўбтало эди. Куперга муваффақият келтирган илк китоби («Жосус», 1821) пайдо бўлгандан кейин бир ой ичида тўртта турли ноширлар томонидан қароқчилик этилганди.

1790 йили қароқчиликка руҳсат берган нусха олиш ҳуқуқи Қонун аслида миллатчиликка асосланган эди. Кейинчалик Америка луғатига тасниф берган буюк лексограф Ной Вебстер томонидан ишлаб чиқилган бу қонун фақат америкалик ёзувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаган; Англия ёзувчилари ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоялаши назарда тутилган.

Қонун муқамал бўлмаганига қарамай, илк ноширлардан ҳеч бири уни узгартиришга шошилма-

ган, чунки уларга фойда келтирган. Кароқчилик Америка инқилобий ёзувчилари биринчи авлодининг силласини қуритиб, уларнинг кетидан келган авлод диккатга сазовор янада кайроқ махсулот берган. Кароқчилик 1815 йил авжига чиқиб, айнан шу давр Америкада ёзувчилик ишининг энг қуйи нуктасига тўғри келган. Шунга қарамай, янги ўлкада илк 50 йил мобайнидаги кароқчи хорижий ва классик китобларнинг арзон ва мўл-қўл оқими америкаликларни маърифатга чиқарди. 1825 йилдан юзага чиқа бошлаган илк буюк ёзувчилар ҳам шулар қаторидан эди.

АМЕРИКА МАЪРИФАТПАРЛИК ДАВРИ

XVIII аср Америка Маърифатпарварлик даври анъанага кўра мақсадга мувофиқлик, сўзсиз бажо келтирилувчи диний ақидага нисбатан илмий таҳлил, монархия ўрнига ваколатли ҳукумат тамойилларига урғу берган ҳаракат бўлган эди. Маърифатпарвар мутафаккирлар ва ёзувчилар адолат, озодлик ва инсоннинг миллий ҳуқуқлари қаторидаги тенглик идеалларига содиқ эди.

Бенжамин Франклин (1706–1790)

Шотланд файласуфи Дэвид Хам Американинг «илк буюк ёзувчиси» деб атаган Бенжамин Франклин инсон зоти рационализмининг Маърифатпарварлик идеалини ўзида мужасамлаштирган эди. Аслида ҳам идеалист, бетиним меҳнат қилувчи ва омади юришган Франклин ўзининг дастлабки ҳаёт йўлини машҳур «Автобиография»сида ёзиб қолдирган. У ёзувчи, босма ишининг устаси, ношир, олим, филантроп ва дипломат сифатида уз замонасининг энг машҳур ва эътиборли шахси бўлган. У Америка тарихида ўз тақдирини ўз қули билан яратган илк машҳур одам бўлиб, зодагонлар пайтида кашшоқ демократик насабига қарамай улғайиши эркинлик давридан дарак берган.

Франклин муҳожирларнинг иккинчи авлодига мансуб бўлиб, Пуритан эътиқодли шам ясовчи отаси Англиядан Массачусетсинг Бостонига 1683 йили келиб қолган эди. Қўп жиҳатларида кўра Франклин ҳаёти Истеъдодли шахсга Маърифатпарварлик даврининг таъсирини намоян этади. Саводини ўзи чиқарган, аммо Жон Локк, Лорд Шефесбери, Жозеф Эддисон ва Маърифатпарварлик даврининг узга ёзувчиларини қўп ва ҳуб ўқиган Франклин ўз идеаллари-

га таҳлика тутилганда, улардан ўз ҳаётига ақл мезонларини таъбиқ этиш ва анъана ришталарини узишни ўрганди.

Ёшлигидаёқ Франклин тиллар ўрганган, қўп ўқиган ва жамоат учун ёзишни тажриба қилган. Бостондан Пенсильваниянинг Филадельфия шаҳрига кўчиб ўтганида, Франклин юқори табақаларга хос таълимга эга бўлган. Шунингдек, Франклин бетиним ва батафсил ишлаш, мунтазам равишда ўзики назорат этиш ва ўз устида ишлашнинг Пуританларча қобилиятига эга эди. Бу сифатлар уни узлуксиз равишда фаровонлик, равиқ-эътибор ва шон-шухрат сари етаклаб борди. Ҳеч қачон ўзидан қониқмаган Франклин ўзга оддий одамларга ўз уддабуронлигига эриш қилиш ва Американинг ўзига хос жанри — ўзига ёрдам бериш китобига ташаббускор бўлиш орқали муваффақиятга эришишга ёрдам беришга ўринди.

Франклин 1732 йилдан бошлаб қўп йиллар давомида нашр этган «Қашшоқ Ричард календари» унга фаровонлик ва колониялар узра шухрат келтирди. Хар йили битта чиқадиган бу китобда фойдали маслаҳатлар ва далилли маълумотлар, қария Отахон Абрахам ва Қашшоқ Ричард каби ажойиб образлар ўқувчига қисқа ва ёдда қолувчи иборалар ёрдамида панд-насихат берган. Асли «Альманах»да пайдо бўлган «Бойлик сари йул»да «Оқ сочли соддадил камтарин қари Инсон» Отахон Абрахам мати давомида Қашшоқ Ричард ибораларини келтиради. «Донога бир гап етар», «Худо ўзига-ўзи ёрдам бераётганларга мадад беради», «Вақтли ётиб, барвақт туриш одамни соғ, бой ва оқил қилади», дейди у. Қашшоқ Ричард — психолог («Меҳнатсеварлик қарзларни тўлайди, Умидсизлик эса қўпайтиради») бўлиб, доим бетиним меҳнат қилишни ўқтиради («Тиршиқоқлик — яхши Омад онаси»). Дангаса бўлманг, деб маслаҳат беради у, чунки «битта Бутун иккита эртага арзийди». Баъзан ўз сўзини ойдинлаштириш учун латифалар келтиради: (Кичкина парвосизлик улкан сфат келтириши мумкин... Мих кетидан қувиб, тақадан айрилар; тақа кетидан қувиб, отидан айрилар; от кетидан қувиб, чавандоздан айрилар (душман томонидан етиб олиниб, ўлдирилган) Бунинг барчаси От тақасига мих кетидан югуриш орқали содир бўлган». Франклин ахлокий ҳулосани лўнда ифодалашга уста бўлган: «Бир Золимини саклаб турган нарса икки болани вояга етказар». «Ки-



Портрет Конгресс кутубханасы тейдими

чик тешикдан сув ўтиши хатта кемани чуқти-
рар», «Аҳмоқлар зиёфат беради, донолар ун-
дан бахраманд буладн».

Франклин «Автобиография»си ҳам қисман
ўзига ёрдам бериш ҳақидаги китоб. Ўз ўтliga
насиҳат тарихасида ёзилган бу китоб фақат
ёшлик йилларини ақс эттирган. Энг машхур
боби ўз-ўзини такомиллаштиришнинг илмий
схемасини беради. Франклин 13 яхши фазилат-
ни санаб беради: мўътадиллик, сукут сақлаш,
тартиб-интизом, ҳагъийлик, тежамкорлик,
меҳнатсеварлик, самимийлик, адолат, бориға
қаноат қилиш, тозаллик, хотиржамлик, соғлик
ва итбаткорлик. Ҳар бирини афоризм ёрдамида
батафсил изоҳлайди. Мисол учун, мўътадиллик
шарҳидаги афоризм «Буқиб қолгунча ема, маст
бўлгунча ичма». Прагматик олим сифатида
Франклин такомиллашув қобилияти ғоясини ўз
тажрибасида синовдан ўтказди.

Яхши одатларни касб этиш учун Франклин
қайта-қайта ишлатиладиган календарь ёзув
китобини ихтиро этади. Ҳар hafta бир фазилат
устига ишлаб, ҳар бир ғуноҳ-хатосини қора
нукталар билан белгилайди. Унинг назарияси
психологик бихевиоризм (ўзини тутиш)нк ол-
диндан қўра билган бир пайтда, унинг рамзли
белгилар ёрдамидаги систематик ифода усули
ҳозирги замон ўзини тутиш моделларини ол-
диндан қўра билган. Ўзини яхшилаш режаси
Маърифатпарварликка ҳос такомиллашув қо-
билиятига ишонччи Пуристанларға ҳос ахлоқий
ўзини назорат этиш одати билан уйғунлашти-
ради.

Франклин ўз ғоялари асарлари орқали тезда
ёйилиши мумкинлигини англаб, ўз насрий услу-
бини мунтазам равишда яхшилаб боради. Ни-
ҳойий мақсад — услубни яхшилаш эмас, балки
уни бир воситаға айлантириш эканлигини ту-
шуниб, «ёзув ўқимишчиларға, оғзаки нутқ эса
оммаға», деб насиҳат қилади. Олим сифатида у
1667 йили Кирил (илмий) Жамиятининг масла-
хатиға эргашади: «Нутқда қисқа, ошқора, таби-
ий ифода усулини қўлланг; ижобий иборалар,
аниқ маъноли сўзлар, табиий эркинлик, барча
нарсани иложи борича математик соддаликка
яқинлаштириш».

Равнақи ва шухратига қарамай, Франклин
ҳеч қачон ўз демократик мохиятини йўқотма-
ган ва АКШ Конституцияси барпо этилган 1787
йил Конвентига муҳим шахс бўлган. Умрининг
сўнгида у қулдорликка қарши уюшма президен-

ти бўлиб, сунгги саъй-ҳаракатларидан бири
барчаға ялпи таълим олишни таъминлаш эди.

Гектор Сент Жон де Кревеко (1735—1813)

Маърифат даврининг узга арбоби Гектор
Сент Жон де Кревеко бўлиб, «Америкалик
фермер мактублари» (1782)да Америкада тин-
члик, бойлик, гурур учун қулай имкониятлар
яратиш ғоясини европаликларға тақдим этди.
Ҳеч қачон америкалик ёки фермер ҳам бўлма-
ган француз зодағони, Инқилобдан олдин Нью-
Йорк ташқарисида ўз плантацияси бўлган Кре-
веко Американи қишлоқ хўжалик жаннати сифа-
тида тасвирлаган 12 мактубда колониялар-
даги меҳнатсеварлик, мўътадиллик ва гуллаёт-
ган равнақни олқишлаган. Бу мактублардаги
тасвир Томас Жефферсон, Ральф Валдо Эмер-
сон ва ўзга қўллаб ёзувчиларни ҳозирги кунғача
илҳомлантириб келмоқда.

Кревеко Америка сиймоси ва Америка харак-
тери ҳақидаги эътиборли карашни юзаға кел-
тирган клк европаликлардан эди. Американинг
«қурама эритув қолиқи» сиймосини биринчи
маротиба ишлатиб, машхур сатрларида шун-
дай деган:

«Хўш, Америкалик — бу янгича одам, ким ўзи
аслида? У, ёки европалик, ёки европалик-
нинг авлоди бўлиб, узга ҳеч бир ўлкада сиз
топмайдиган қонларнинг ғаройиб қурамаси-
ға молик. Мен сизларға бобоси инглиз, унинг
хотини голландиялик, уларнинг ўгли фран-
цуз аёлиға уйланган, уларнинг тўртта ўгли
эса ҳозир тўртта турли миллат аёллариға уй-
ланган оилани мисол келтиришчи мумкин...
Бу ерда барча миллату элат вакиллари
инсонларнинг янги ирхига қурама этилиб,
уларнинг меҳнати ва келажак авлодлари бир
қунмас-бир кун дунё узра ўзгарishi яратади».

СИЁСИЙ ПАМФЛЕТ: Томас Пэйн (1737—1809)

Инқилобий адабиёт эътирослари ўша пай-
тнинг энг оммабоп шакли бўлган сиёсий пам-
флетда ўз аксини топди. Инқилоб пайти 2000
дан ортиқ памфлетлар чоп этилди. Бу пам-
флетлар ватанпарварларни қаттиқ ҳаяжонлан-
тириб, монархистларни саросимаға солди. Улар
одамларни тўлқинлантириш ниятида қўпинча-
лик омма олдида баланд овозда ўқилган ту-

файли драма ролини утаган. Америкалик аскарлар уларни уз кароргохларида овоз чикариб ўқирди; Британиялик монархистлар эса уларни омма олдиди гулханларда ёкарди.

Томас Пэйнинг «Соғлом идрок» памфлети нашр этилганидан кейинги уч ой мобайнида 100 000 нусхада сотилди. Ҳатто бутун ҳам у инсонларни ҳаяжонга солади. «Америка иши – улкан даражада бутун инсоният ишидир», деб ёзган эди Пэйн Американинг фавкулдда аҳамиятини тараннум этиб. Бу гоё ҳамон Америка Қўшма Штатларида кучли. Муайян маънода, демократик тажриба ўлҳаси ва назарий жиҳатдан барча муҳожирлар учун очик мамлакат бўлгани туфайли Америка тақдири инсоният тақдирини олдидан башорат этади.

Демократик жамиятда сиёсий асарлар сайловчиларга мурожаат этиши учун аниқ бўлиши керак эди. Маълумотли-хабардор сайловчилар доирасини шакллани йулида ялпи таълим кўп асоскор отахонлар томонидан маъқулланган. Газеталарнинг тез суръатда кўпайиши шиддатли адабий ҳаётдан дарак берди. Инкилоб пайти дунёнинг ўзга ерига қараганда Америкада кўпроқ газеталар ўқиларди. Муҳожирлар мавжудлиги содда услубни юзага келтирди. Инглиз тили она тили бўлмаган янги кўчкнчиларга аниқлик муҳим эди. Томас Жефферсон ишлаб чиққан Мустақиллик Декларациясининг асил лойиҳаси аниқ ва маътиҳан равшан бўлган, бироқ комитет киритган тўзатишлар уни янада соддалаштирди. Конституцияни қўллаб ёзилган «Федералист Рисолалари» ҳам тушунарли, маътиҳан асосланган ва демократик давлатда муҳокама этилишга лойиқ матндир.


НЕОКЛАССИЦИЗМ: ЭПИКА, ҲАЗИЛОМУЗ ЭПИКА ВА САТИРА

Бахтга қарши «адабий» ёзувлар тили сиёсий рисолалар каби содда ва аниқ бўлмаган. Шеър ёзишга уринган ўқимишли муаллифларнинг аксарияти жимжимадор неоклассицизм қопқонига тушиб қоларди. Алалхусус, эпик асарлар жозибали кучга молик эди. Американинг адабий ватанпарварлари буюк Америка Инкилоби ўз-ўзидан эпик – афсонавий қаҳрамон мардликларини баландпарвоз руҳда тараннум этувчи узун, фожиавий достон – жанрда ингикос топиши керак, деб ишонарди.

Кўп ёзувчилар унга қўл ўриб қурди, бироқ ҳеч бири муваффақиятга эришмади. Хартфорд Зукколари номи билан маълум тўғарак аъзоси Тимоти Дуайт (1752–1817) бунга мисол. Кейинчалик Йель университетининг президенти бўлган Дуайт узининг «Ханаани забт этиш» (1785) эпик асарини орзу қилинган ўлкага кириш учун қурашган Жошуа ҳақидаги Библия ривоятларига асослаган эди. Дуайт Америка армиясининг қўмондони, кейинчалик эса АКШнинг биринчи президенти генерал Вашингтонни ўз аллегориясида Жошуа билан таққослайди ва Гомерни таржима этишда Александр Поуп ишлатган куплет шаклидан фойдаланади. Дуайтнинг эпик асари нақадар ўзига бино қўйган бўлса, шунчалар зерикарли ҳам эди. Инглиз танқидчилари уни тор-мор қилишди; ҳатто Дуайтнинг дўсти Жон Трамбал ҳам (1750–1831) иштиёк билдирмади. Мелодраматик жанг сахналари шу қадар шовқин-суронли ва момақалдирок гулдўрсосларига тўла эдики, бу асар яшнқайтаргич билан таъминланиши керак» деди Трамбал.



Томас Пэйн



Постро

пресс кутубона

Сатирик шеърят жиддий шеърларга қараганда анча яхши маҳом олгани таажжубланарли ҳол бўлмади. Ҳазиломуз эпик жанр Америка шоирларини ўзига зеб берган ва башоратгүй патриотик эхтирослар ботқоғига жалб этмасдан, ўз табикий ҳис-туйғуларини ифодалашга рағбатлантирди. Юнон шоири Гомер ва Рим шоири Вергилийга ҳос рамзий-анъанавий услубни қабул қилган инглиз шоирларининг ижодига тақлид этиш ҳам четлаб ўтилди.

Жон Трамбулнинг юмористик «М'Фингал» (1776–1782) каби ҳазиломуз эпик асарларда услубий зеб берилган эхтирослар ва рамзий нборалар сатиранинг ўрнли воситалари бўлиб, Инқилобнинг баландларвоз фасохати ўз устидан қуларди. Британия шоири Сэмюил Балтернинг «Ҳьюдибрас» асарига асосланган бу ҳазиломуз эпик асар консерватив Тори бўлган М'Фингални кулгига кўтаради. Уқўпчилик серъазмун шиддатга молик бўлиб, дорга рубару келган жиноятчилар тасвири бунга мисол.

Қонун яхши ажрим чиқаргани билан,

Сиртмоқ таранглашувини ҳеч қим сезмас.

М'Фингал ярим аср давомида 30 маротба қайта-қайта нашр этилиб, Америкада каби Англияда ҳам олқишга сазовор бўлган. Сенисий мавзулар ва ижтимоий муаммолар ўша пайтнинг асосий ташвиши бўлиб, ижтимоий шарҳ ва танқидни уйғулаштирган сатира инқилобий китобхонларга мурожаат этган. Саҳна кўрган клк Америка комедияси Роял Тайлер (1757–1826) қаламига мансуб «Контраст» (1787) бўлиб, Англия таълимига тақлид этувчи Димпли Америка зобити полковник Мэнли билан ҳазиломуз тарзда таққослайди. Димпл кулгили тар-

«Ун саккизинчи аср Америка Маърифатпарварлиги анъанадан кўра мақсадга мувофиқлик, диний бесавоп ақида эмас, илмий изланиш ва монархия ўрнига вакопатли ҳукуматга аҳамият бериш билан белгиланган ҳаракат эди.

Маърифатпарвар мутафаккирлар ва адиблар адолат, озодлик ва инсоннинг миллий ҳуқуқлари тарзидаги тенглик гоёларига содиқ эди».

зда кўрсатилган бўлиб, Жонатан сиймосида илк бор Янки характери тасвирланган.

Яна бир сатирик асар – Ҳью Хенри Брэкириж томонидан 1792–1815 йиллар мобайнида силсила тарзида нашр этилган «Замонавий рицарлик» бўлиб, ўз даврининг ҳалдан ошиш ҳоллари хақидаги таникли сатрақ памфлетлари эди. Американинг чегара минтақасида вояга етган Шотландиялик муҳожир Брэкенриж (1748–1816) ўзининг катта ҳажмли фирқабарлик жанридаги романини Дон Кихот асари асосида битиб, Капитан Фаррадо ва унинг телбанамо, қаҳрли, аммо таъсирчан даражада одамай хизматчиси Тедю Ореган саргузаштларини тасвирлайди.

АМЕРИКА ИНҚИЛОБИНING КУЙЧИСИ:

Филип Френеа (1752–1832)

Шоир Филип Френеа ўз ижодида Европа Романтизмининг янсидан фаоллашуви ва Хартфорд Зукколарининг тақлидчилик ҳамда маъму умуийлигидан қутулишни мужассамлаштирди. Ҳам муваффақиятли, ҳам тубан бўлишининг асосий сабаби – букилмас характери билан уйғунлашган эхтиросли демократик руҳи бўлди.

Барчаси шак-шубҳасиз ватанпарвар бўлган Хартфорд Зукколари маърифатели табакаларнинг умумий маданий консерватизмни акс эттирган. Френеа ўзини мазкур кўхна Тори мавҳеларининг иллатига қарши қўйиб, монархия ва унвоқ-насабига ҳос имтиёзларни мидх этувчи «Хартфорд зодагонлар тўғарагининг ёзишмаларига» қарши норозилик билдирди. Аъло таълим олган ва Хартфорд тўғарагининг ўзга аъзолари каби классик адабиётни билганига қарамай Френеа либерал ва демократик йўналишни афзал кўрди.

Асли Гугенотлар (радикал француз протестантлари)дан бўлган Френеа Инкдлоб Урушида халқ лашкари томонида жанг қилди. 1780 йили асирликка тушиди ва оиласи уни қутқарганига қадар иккита Британ кемасида маҳбус бўлиб, улимга рўбарў келди. Унинг «Британ кемакамоғида» поэмаси «дунени ҳонга белашга» интиланган Британия шафқатсизликларининг кескин айбномасидир. Бу ва «Юта баҳорлари», «Америка озодлиги», «Сийсий ибодат», «Тундаги кенгаш» ва «Георг III монолоғи» каби ўзга инкдлобий асарлари унга «Америка инкдлобнинг кўчмаси» сифатида шухрат келтирди.

Френеа умр бўйи демократия ишига эътиборли бир нечта журналларга муҳаррирлик қилди. Томас Жефферсон унга 1791 йили Федералистларга қарши жанговар «Миллий Газета»ни таъсис этишга ёрдам берганида, Френеа Америка узра илк қудратли, ҳал этувчи газета муҳарририга айланиб, адабиёт соҳасида Уильям Коллен Брайант, Уильям Ллойд Гаррисон ва Х.Л. Менкен каби адибларнинг ўтмишдошига айланди.

Шоир ва муҳаррир сифатида Френеа ўз демократик идеалларига содиқ қолди. Ўрта ўқувчига мўлжалланган газеталарда нашр этилган оммабоп шеърлари мунтазам равишда Америка мавзуларини кўтарди. «Тамани фазилати» Жануб иктисодининг пойдевори бўлган маҳаллий ўсимликка бағишланган бўлса, «Ром кўзаси» эса илк Америка савдо-сотигининг асосий маҳсули ва Янги Дунёнинг асосий экспорт товари бўлган Фарб ҳиндларининг алкоголь ичимлигини мадҳ этган. «Қалпоқчилар фотиҳи» ва ўз ҳолича табиблар ва узига бино қўйган евангелистлар ҳақидаги шеърларида Америкага хос характер жонли тасвирланган.

Френеа асл демократияга мутаносиб табиий ва оғзаки нутққа яқин услубда ёзган, бироқ кўп антологияларга кирган «Ёввойи асал эмган» (1786) каби асарларида неоклассик нафис мукамал лирикани ҳам намойён этган. Америка шеърляти Френеа 40 йил олдин ўрнатган баландликни 1820-йилларда бошланган «Америка Ренессанси»га қадар босиб ўтолмади.

Келуси адабий ютуқлар учун тайёрлов ишлари илк йиллар мобайнида ўтказилган эди. Миллий туйғу кўп соҳалардаги нашрларни илҳомлантириб, нарсаларни америкача баҳолашга янгила ёндашувлар киритди. Ной Вебстер (1758–1843) Америка Лутати ҳамда мактаблар

учун ўқимш ва имло дарсликларини ишлаб чиқди. Унинг «Имло Китоби» йиллар узра 100 миллион нусхадан кўп сотилди. Замоनावийлаштирилган Вебстер лугатлари бугун ҳам намунали бўлиб қолмоқда. Жедидайх Морс ёзган «Америка Географияси» яна бир муҳим китоб бўлиб, Американинг бепоян ва янада кенгайётган ерлари ҳақида маълумот берди. Ўша даврнинг ноадабий бўлсада, энг кизиқарли ёзма ишларидан бири чегара кўчқинчилари ва фотихларининг журналлари бўлган. Шулар қаторига Меривезер Левис (1774–1809) ва Зебалон Пайк (1779–1813) кириб, Луизиана Территорияси узра экспедицияларининг ҳисоботларини ёзиб қолдирган. Аслида, Шимолий Америка континентининг улкан қисмида астаниб ётган Луизианани Томас Жефферсон 1803 йили Наполеондан харид қилган эди.

БАДИИЙ АДАБИЁТ НАМОЁНДАЛАРИ

Бадиий адабиётнинг бугун ҳам тан олинган илк йирнк намойёндalари Чарльз Брокден Браун, Вашингтон Ирвинг ва Жеймс Фенимор Купер Америка мавзулари, тарихий жараёнлари, ўзгариш муаммолари ва ўтмишни қўмсаб ҳиссийатларини кўтарган. Улар наsrнинг қўллаб жанрларида қалам тебратган, янги шакллар яратган ва адабиёт ёрдамида кун кечириш учун кўп йуллар ихтиро этган. Улар тўфайли Америка адабиёти Қўшма Штатлар ва хорижда ўқила бошлади ва қабул этилди.

Чарльз Брокден Браун (1771–1810)

Юқорида илк америкалик профессионал ёзувчи сифатида номланган Чарльз Брокден Браун инглиз ёзувчилари Рэдклиф ва Уильям Годвин ижодидан илҳомланган. (Рэдклиф ўзининг дахшатли Готик романлари орқали маълум эди; романнавис ва ижтимоий ислохотчи Годвин эса «Франкенштейн» асарини ёзган ва инглиз шоири Перси Б. Шелли билан турмуш қўрган Мэри Шеллининг отаси бўлган).

Қашшоқликда кун кечирган Браун икки йил мобайнида тўртта роман – «Виленд» (1798), «Артур Мервян» (1799), «Орманд» (1799) ва «Эдгар Хантли» (1799) – ёзиб, уларда Америка Готик (дахшатлар) жанрини ривожлантирган. Готик роман экзотик ва ёввойи муҳит, ҳаяжонли психологик кечинмалар ва ноаниклик кўнларининг оммабоп жанри бўлган. Бу романларда вайрона ҳасрлар ёки аббатликлар, арвоҳ-

лар, мудхиш сирлар, дахшат солувчи шахслар ва ўз акли ва рухий мустаҳкамлиги туфайли тиррик қолувчи ёлғиз ифотли қизлар намоён эди. Мазкур романларнинг энг яхши намуналари улкан ноаниқликлар ва сеҳр-жодуга имо-ишоралар билан бирга фавқуллодда ҳолатларда инсон руҳининг чуқур таҳлилини тақлиф этарди. Таққидчилар фикрича, Брауннинг Готик эхтирослари янги барпо этилаётган давлатнинг нотекис ижтимоий қурилишлари борасидаги чуқур ташвишни ифодалаган.

Браун Америкага хос муҳитдан фойдаланган. Ҳолатларга берилган инсон сифатида у илмий назарияларни оммалаштирган, бадий адабиёт борасида ўз назариясини ишлаб чиққан ва ўзининг қашшоқлигига қарамай, юксак адабий мезонлар тарафдори бўлган. Нуқсонларига қарамай унинг асарлари жумбоқсимон равишда қудратлидир. У Эдгар Аллан По, Герман Мелвил ва Натаниел Хотори каби романтик ёзувчилар ижодига замин тайёрлаган ўтмишдош сифатида қўрилади. Унинг ижоди ташки қўринишдан оптикисстик Матрифатларварлик даври сахна ортда қолиб кетаётгани борасидаги ботиний хавфсирашларни ифодалади.

Вашингтон Ирвинг (1789—1859)

Ўзига тўқ Нью-Йорклик тожир оиласида туғилган 11 боланинг энг кичиғи бўлган Вашингтон Ирвинг Бенжамин Франклин ва Натаниел Хотори каби Европага маданий ва дипломатик элчи мақомига қўтарилди. Агарда тасодифий ходисалар силсиласи ёзувчиликни унинг тақдири сифатида белгиламаганда, истеъдодига қарамай, Молявий муқофотланиш йўқлиги туфайли эхтимол профессионал ёзувчи бўлмади. Дўстлари ёрдамида ўз «Альбом»ини (1819—1820) бир вақтнинг ўзида ҳам Англия, ҳам Америкада нашр этиш ва нусха олиш ҳуқуқлари ҳамда иккала давлатда қалам хақи олишга эришди.

«Жофрей Крайан Альбом» (Ирвингнинг тахаллуси) унинг қаламига мансуб иккита таниқли — «Рип Ван Винкл» ва «Осуда бўшлиқ афсонаси» — қиссадан таркиб топган эди. «Альбом» Ирвингнинг нафис, енгил табиат ва биринчи қарашда беларво усулини ифодалаб, «бўшлиқ» эса пурмаъно оҳангли ва эхтиросларга бой асар яратувчи ва замонасининг хусусиятларини ақс эттирувчи адиб сифатида таништиради. Ирвинг «Альбом»да Хадсон дарёси бўйлаб

Нью-Йоркдан шимол томонда қад қўтарган Катскил тоғларини афсонавий ва сеҳрли минтақага айлантиради.

Америкалик ўқувчилар унинг Катскил ҳаёлий «тарихи»ни яхши қарширлашди. Ваҳоланки, Ирвинг ўз қиссаларини (ўқувчилар бундан беҳабар бўлган) Олмон манбаларидан ушлаштирган эди. Ўз тарихининг илк материалистик шждатли йиллари Америка қўмсаган нарса — янги ўлкага таҳайюл орқали қараш — хиссини Ирвингдан касб этди.

Ўлкани инсонийлаштириш, унга ном ва киёфа бахш этиш ва афсоналар яратиш бобида ҳеч бир ёзувчи Ирвингга тенг кела олмаган. Қаҳрамони 20 йил мобайнида уқлаб ётган, уйғониб эса колониялар мустақил мақом олганини қўрган «Рип Ван Винкл» қиссаси том маънода фольклорга айланган. У сахналаштирилган, оғзаки анъанага ўтган, америкаликларнинг кейинги авлодлари томонидан асл Америка афсонаси тариқасида қабул қилинган.

Ирвинг энди вужудга келаётган янги давлатнинг тарих хиссийтини кашф этиб, уни қондиришга қўмаклашди. Тарих шуурини зухур топтириб, унга йўлланма, киёфа ва ҳаёт ато этган қатор асарлари янги давлат руҳини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тариқасида қўрилиши мумкин. Асарларининг мавзуи сифатида Америка тарихининг энг фожiali жихатларини танлади: Янги Дунёнинг кашф этилиши, бирикчи президент ва халқ қаҳрамони, гэрб томон силжиш. Унинг биринчи асари, гўёки Дитрих Кникербокер номидан ёзилган ёрқин сатирик «Нью-Йорк тарихи» (1809) бўлиб, голландияликлар даврини ақс эттирган. (Шу ном асосида Ирвингнинг дўстлари ва Нью-Йорк ёзувчилари ўша пайтда «Кникербокер Мактаби» деб аталган).

Жеймс Фенимор Купер (1789—1851)

Жеймс Фенимор Купер ҳам Ирвинг каби ўтмиш туйғусини зухур топтириб, унга муайян макон ва ном берган. Купер ижодига олтин давр ҳақидаги қудратли афсона ва унинг йўқотилганидан ачинлиш хислари намоён. Ирвинг ва ундан олдин ёки кейин қалам тебратган ўзга америкалик ёзувчилар Европа афсоналари, қасрлари ва буюқ мавзуларини таққид этиш ниятида уни галвирдан ўтказган бир пайтда, Купер Американинг ёввойи табиати каби замондан устун абадий ҳаёлий афсонасининг мохиятини идрок

этди. Америка тарихи абадият худудларини бузиб ўтди. Америкада Европанинг тарихи Боги Эрамдан гуноҳни қайтариш бўлди. Фалак гардишининг айланиши уни айрон этиш жараёнидагина бир зумга намоён бўлди: ёввойлик манзараси Америкаликлар наздида хиралашиб, кириб келаётган илк кўчкинчилар кўз ўнгида сароб сингари гойиб бўлди. Колонистларни даставвал ўзига жалб этган янги Эрам – ёввойи табиат айрон этилишининг мазкур манзараси Купер ижодида асосий мавзу бўлди.

Шахсий тажриба Куперни ёввойи табиатнинг ўзгариши, денгиз манзаралари, турли маданиятларга мансуб инсонларнинг туқнашувини каби мавзуларда қалам тебратишга ундади. Квакерлар оиласида тутилган Купер отасининг Нью-Йорк штатининг марказидаги Отсего қўли (эндиликда Куперстаун)даги олис ер бўлагиде вояга етди. Купер болалигида бу минтақа нисбатан тинч бўлганига қарамай, у ерда ҳам бир марта хиндларнинг қиргин-бароти содир бўлди. Еш Фенимор Купер деярли феодал мухитда тарбия топди. Унинг отаси Судья Купер ер эгаси ва етакчи бўлган. Купер болалигида оқтанли чегара кўчкинчилари ва хиндларни Отсего Қўлида қурган: кейинчалик тап тортмас оқтанли кўчкинчилар унинг ерига кириб олади.

Купернинг барчага таниш қаҳрамони, чегара кўчкинчиси Нат Бампо жейтльмен сиймосида, Жефферсон таъбири билан айтади, «табиат зодагонин» сифатида намоён бўлди. 1823 йилиёк «Пионерлар» («Фотихлар»)да Купер Бампони кашф эта бошлайди. Бампо – Америка адабиётида илк машхур чегара кўчкинчиси ва келгуси беҳисоб ковбойлар ва ўрмон чакалакзорлари қаҳрамонларининг утмишдоши. У, ўз ҳаёти

қилаётган жамиятдан устун даражада идеаллаштирилган сиймо, тўғри маънодаги шахсиятчилик. Камбағал ва ёлғиз, бироқ софдил Бампо келгусида Герман Мелвилнинг Билли Бад ва Марк Твеннинг Гекельберри Фин қаҳрамонлари ва маънавий кадриятларга бир мезон бўлиб қолди.

Бу образ қисман Американинг реал пионери, Купер каби квакер бўлган Даниел Бун ҳаётига асосланган. Нат Бампо ҳам машхур ўрмон одами Бун каби хинд қабилиси томонида яхши қабул қилинган тинчликларвар инсондир. Реал Бун ва бадий қаҳрамон Бампо иккалови ҳам табиат ва озодликни севишган. Бостириб келаётган кўчкинчилардан қочиш ниятида улар доим ғарб томон интилган ва ёввойи табиат қўйнига қочган. Улар ҳаётлигидаёк афсонага айланган. Нат соддалик, олийжаноб ва руҳан етук қаҳрамон; у одам оёғи босмаган Америка ўрмонлари ва тоғли ерларига қўчирилган ўрта асрлар христиан рицари.

Умумий тарзда «Чарм пайпоқ ҳиссалари» номи билан маълум бешта қиссени бирлаштирувчи ҳусусият – Нат Бампо ҳаёти. Купернинг энг яхши ютуғи бўлган бу романлар Шижолий Америка китъасини саҳна қилиб, хинд қабилаларини характерлар тарзида, улут урушлар ва ғарб томон силжишни эса ижтимоий замин сифатида ёритган кенг ҳўламли эпик наср. Романлар 1740–1804 йиллар мубайнидаги чегара силжиши жараснидаги Америка ҳаётини муҳраб қолдирди.

Купер романлари чегара кўчкинчиларининг муваффақиятли равишида ўтрук бўлиш жараенини тасвирлайди: хиндлар яшаётган ёввойи табиат жойлар, скаулар, асхэрлар, тожирлар ва чегара кўчкинчилари сифатидаги илк оқтанликлар етиб келиши; камбағал ва



ЖЕЙМС
ФЕНИМОР КУПЕР

Фототраси
Фесса кутубхонаси тақдими

мухтож кўчкинчи оилаларнинг тулкини, касб эгаларидан сузьялар, табиблар ва банкирларнинг илк дафъасини келтирган ўрта табака кўчиши. Ҳар бир тулкини илгаригисининг ўрнини қоллаган: Ок-танлилар хиндларни ўрнини эгаллаган; мактаблар, черковлар ва қамокларни юзага келтирган «цивилизациялашган» ўрта табака вакиллари шахсиятпараст кўйи табака чегара кўчкинчиларини сиқиб чиқарган. Улар янада гарб томон силжиб, ўз навбатида, яна бир бор хиндларнинг ўрнини эгаллаган. Купер кўчкинчиларнинг чексиз ва муқаррар тулкинини таърифларкан, на фақат ютуқлар, балки нуқсонларни ҳам кўра олади.

Купер романлари бир томондан айрим шахс ва иккинчи томондан жамият, табиат ҳамда маданият, маънавият ҳамда диний эътиқод орасидаги кескин тарақлиқни кашф этди. Куперга биноан, табиий дунё ва хиндлар олами ўз асосларига кўра соғлом эди — ўзинг энг маданий характерлари билан уйғунлаштирилган юксак даражада цивилизациялаштирилган қироллик қаби. Аросатдаги характерлар эса кўпинчалик бировга шубҳа билан қаровчи, айниқса қизганчиқ, камбатал оқтанли кўчкинчилар бўлиб, табиат еки маданиятни ҳис этиш учун ўта ўқимишсиз ёки нопок бўлганлар. Редьярд Киплинг, Э.М. Фостер, Герман Мелвилл ва бир-бири билан мулоқотга киришган ўта хилма-хил маданиятларни эҳтирос ила қузатувчи ўзга адиблар сингари Купер ҳам маданий релятивист эди. Яхши фазилатлар ёки нафисликка ҳеч бир маданият монополияга эга эмаслигини Купер тушунган.

Купер Америка аъёнасини қабул қилди, Ирвинг эса сингдира олмади. Ирвинг, Америка муҳитига Европа афеоналари, маданияти ва



Филлис Ветли

тарихини кўчириб, татбиқ этишга уринувчи европалик нуқтан назаридан ёндошди. Купер жорий вазиятни бир қадам олдин кўра билди. У Америка муҳитини, ўзига ҳос янгича Америка характерлари ва мавзуларини барпо этди. Америка балиий адабиётига Купер биринчи бўлиб қайтарилиувчан фожиавий оҳанг киритди.

АДИБАЛАР ВА ОЗЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ

Колониал даврда диққатга сазовор қатор адибалар юзага чиққан бўлсада, қўлаб мактаблар, журналлар, газеталар ва адабий клублар вужудга келишига қарамай инқилобий муҳит аёллар ва озчилик вакилларининг фаолиятига рағбат бермади. Колониал давр аёлларидан Энн Бредстрит, Энн Хатчинсон, Энн Котон ва Сара Кембл Найт қолок шарт-шароитлар ва ҳавф-хатарларга қарамай, сезиларли ижтимоий ва адабий таъсирга молик бўлди. 1620 йили «Мэйфлауэр» кемасида Америкага етиб келган 18 аёлдан биринчи йил давомида атиги тўрттаси тирик қолган эди. Ҳар бир жисмонан бақувват шахс ҳисобли, шарт-шароитлар эса ўзгарувчан бўлганда туғма истеъдод эгалари ўзларини намоён этишига имкон бор эди. Бирок, янги республикада маданий қурилмалар расмийлаштирилди бошлағач, аёллар ва озчилик вакиллари аста-секин улардан истисно этила борди.

Филлис Ветли (т. 1753—1784)

Дастлабки Америка муҳитида ҳаёт машаққатларини назарда тутганда, бу даврнинг энг гўзал шеърят намуналари қўл аёл қаламига мансублиги фавқулодда тақдир ўйинидек тўқолади. Америка Қўшма Штатларида аҳамиятга

Гравюра Ф. Бетман

сазovor илк африкалик-америкалик шоира Филлис Ветли Африкада туғилиб, етти ешпигида Массачусетснинг Бостон шаҳрига келтирилади. Тахводор ва бадавлат тожир Жон Ветли уни ўз хотинига ҳамсўхбат бўлиши учун харид қилади. Ветлилар оиласи Филлиснинг ажиб ақл-заковатини тая олиб, уларнинг кизи Мэри унга ўқиб ва ёзишни ўргатади.

Ветли таялаган мавзулар диний, ёзиш услуби эса Филлип Френеа сингари неоклассик бўлган. Унинг энг машҳур шеърлари каторига «Ишларини кўра туриб, ёш Африкалик рассом С.М.га» — ўзга бир истеъдодли қоратанли муаллифдан мағрурланиш ва уни рағбатлантириш шеъри ҳамда Христиан динини қабул қилиш аснонда кучли диний хис-туйғуларни ифодаловчи қисқа достонини номласа бўлади. Бу достонни айрим замонавий мунаққидлар унча хўш кўрмайди — октанлилар уни рамзий деб хазм эта олмайди, қоратанлилар эса унда қўлдорликнинг ахлоқсизлиги қораланмаган дейди. Аслида, бу асар эҳтиросли услубда ёзилган бўлиб, оқтанлиларнинг ирқчилигига қарши чиқиб, руҳий тенгликни ёқлайди. Ветли бундай мавзунини «Африкадан Америкага келтирилган бўлиш нима дегани?» каби шеърида кўтарган илк адибдир:

Мени бутлараст ватанимдан келтириш

Менинг зулматда қолган руҳимга зиё ато этиш

Худо борлиги ва Нажоткор борлигини тушунтириш

Мурувват эди;

Мен қидирмаган ва билмаган мағфират рўй берди.

Айримлар бизнинг мотамранг миллатга истехзо ила қарайди,

«Уларнинг рангу рўйи иблисона рангдир», деб.

Ёдда тутинг: христианлар ва қоратанлилар бир бўгин кабилди,

У нафис бўлур, бирлашиб эса фариштасимон занжир тузар.

Ўзга адибалар

Инқилобий даврнинг ўзга адибалари аёллар ҳаракатига фикрдош олимлар томонидан қайта кашф этилди. Шу тариха, Американинг илк профессионал адибалари қаторидан Сюзан Роусон (т.1762—1824) ўрин олди. Унинг етти та романлари орасида энг яхши сотилгани «Шарлотта ибодатхонаси» (1791) номли кизикарли кисса. Роусон феминизм ва аболиционизм [қўлдорликни бекор этиш] мавзуларини кўтариб, Америка хиндларига ҳурмат билдирган.

Узоқ муддат давомида ёдланмаган яна бир романавис — Ханна Фокстер (1758—1840) бўлиб, унинг энг машҳур романи «Танноз» (1797) да яхши фазилат ва васваса орасида аросатда қолган ёш аёл тақдирини тасвирланган. Ўз севгилиси, черковнинг совуққон ходими томонидан рад этилган бу аёл йўлдан оздирилади, ташлаб кетилади, бола туғайди ва охири ёлғизликда ўлади.

Жудит Саржент Мюррей (1751—1820) ўз ижодига жиддий муносабат яратиш ниятида ўз асарларини эркак киши номин билан нашр этади. Мерси Отис Уоррен (1728—1814) шоира, тарихчи, драманавис, сатирачи ва ватанпарвар бўлган. Инқилоб арафасида ўз уйида йигинлар ўтказиб, ўз халқчил лъесаларида Британияликларга ҳужум қилган ва Америка инқилоби ҳақида замондош нуқтаи назаридан радикал асар ёзган.

Мерси Отис Уоррен ва Абигайль Адамс каби аёллар орасидаги ёзишмалар, ва умуман, хатлар жанри ўша даврдан дарақ берувчи муҳим ҳужжатлардир. Мисол учун, Абигайль Адамс ўз эри (кейинчалик Америка Қўшма Штатларининг иккинчи президенти) Жон Адамсга 1776 йили хат ёзиб, аёллар мустақиллиги АҚШ Конституциясида қафолатланиши кераклигини далиллаган.

Ш-БОБ

РОМАНТИЗМ ДАВРИ: 1820-1860. ЭССЕЧИЛАР ВА ШОИРЛАР

Германияда вужудга келиб, тезда Англия, Франция ва узга улкаларда таркаган Романтизм харакати тахминан 1820 йили Америкага ҳам етиб боради. Шу пайтга келиб Уильям Вордсворт ва Тэйлор Колриж «Лирик Балладалар»ни нашр этиб, инглиз шеъриятида инқилобий бурилиш ясаганидан кейин 20 йил вақт ўтган эди. Европада бўлгани каби Америкада ҳам янгича соф оқим санъат ва зиёлилар аҳлини тўққинлантиради. Бирок бир муҳим фарқи ҳам назарда тутиш лозим: Америкада Романтизм давлат худудларининг кенгайиши ва Америка ўзига хос овозини кашф этиш даври билан уйғунлашади. Миллий ўзлигини англаш, идеализм зухур топиши ва Романтизмнинг авж олиши биргаликда «Америка Ренессанси»нинг шох асарларини юзга келтиради.

Романтизм ғоялари санъат борасида илҳом, борлиқи рухий ва эстетик баҳолаш, органик ривож метафоралари атрофида марказлашади. Романтиклар фикрича, умумбашар ҳақиқатни илмга нисбатан санъат аъло ифодалаш мумкин эди. Романтиклар айрим шахс ва жамият учун санъат таъсирининг ахамиятини алоҳида таъкидлашган. Романтизм даврининг энг нуфузли адаби Ральф Вальдо Эмерсон «Шоир» (1844) номи эссесига шундай деган эди:

«Ҳақиқат ила яшовчи ва ўзлигини ифодалашга эҳтиёж сезувчи барча инсонларга. Муҳаббатда, санъатда, бахилликда, снѐсатда, меҳнатда, ўйинларда биз ўзимизнинг ҳасос сирларимизни ифодалашни ўрганамиз. Инсон борлигининг ярми — ўзи, иккинчи ярми эса — унинг ифодасидир».

Ўзлигини ривожлантириш асосий мавзуга, ўзлигини англамоқ эса асосий услубга айланади. Романтизм назариясига биноан, агар ўзлик ва табиат бир бутун бўлганда, ўзлигини англаш боши берк кўча бўлмасдан, балки борлиқни

очувчи билим услуби бўларди. Агарда айрим шахс ўзлиги барча инсоният билан бир бутун бўлганда, шахс ижтимоий нотенгликларни ислох этиш ва инсон азобларини енгиллаштиришга маънавий бурчдор бўларди. Илгариги авлодларга худбинлик хос бўлганига шама қилган «Ўзлик» ғояси қайта таърифланди. Ижобий маънога эга янги мураккаб сўзлар вужудга келди: ўз қобилиятини амалга ошириш, ўзлигини ифодалаш, ўз кучига ишонч.

Ўзига хос ягона, субъектив ўзлик муҳим мақом олиб, психология соҳасини шаклллади. Юксак рухий ҳолатларни юзга чиқариш ниятида ғайриоддий санъат воситалари ва усуллари ривожланди. «Баландпарвозлик» — (мисол учун тоғ чўққисидан очилувчи улутвор манзара) — ихлос, кадр-эктиром, бепоеълик ва инсон онги камровидан ташқаридаги кудрат туйғуларини вужудга келтирган.

Романтизм аксарият Америка шоирлари ва ижодкор эссечилари учун ижобий ва мутаносиб пқим эди. Американинг бепоеъ тоғлари, дашту чўллари ва тропик ўрмонлари баландпарвозликни ифодалаган. Романтизм руҳи, алалхусус, Америка жамиятининг демократиясига ҳам мос тушган: у шахсиятчиликка ургу бериб, оддий шахс кадрини таъкидлаган ва унинг эстетик ҳамда этик кадр-қимматларини илҳомбахш сиймоларда куйлаган. Янги Англия Трансценденталистларидан Ральф Вальдо Эмерсон, Генри Дэвид Тореа ва уларнинг издошлари айнан Романтизм харакати томонидан янги оптикистик таъкидий руҳда илҳомлангани аён. Янги Англияда Романтизм унумдор заминга сепилди.

ТРАНСЦЕНДЕНТАЛИЗМ

Трансцендентализм харакати XVIII аср рационализмига қарши акс таъсир бўлиб, XIX аср тафаккурида умумий инсонпарвар майлни тараннум этди. Бу харакат Дунё ва Худонинг бирлигига мустаҳкам ишончга асосланган эди. Ҳар бир шахс руҳи дунё билан муташоब्х — аслида дунёнинг микрокосмоси деб ҳисобланган. Ўз кучига ишонч ва шахсиятчилик назарияси айрим рўқнинс Худо билан бирлигига ишончдан зухур топди.

Трансцендентализм Бостондан Ғарб томон 32 километр узокликда жойлашган Конкорд — Янги Англиянинг кичик бир қишлоғи билан яқиндан боғлиқ эди. Конкорд қишлоғи Масса-

чусете Кўрфазни колониясининг илк асил ичкари кўчкннчилар кишлоғи эди. Урмонлар билан ўралган бу жой ўша пайтлар ҳам, ҳозир ҳам осойишта шаҳарча бўлиб, фасл ривож учун Бостоннинг дарсхоналари, китоб дўконлари ва коллежларига етарли даражада яқин, бироқ ва шу билан бирга осуда бўлиш учун етарли даражада узокликда жойлашган эди. Конкорд Америка Инқилобининг биринчи жанги содир бўлган жой бўлиб, Ральф Вальдо Эмерсоннинг бу жангни эслатувчи «Конкорд Гимни» номли достони Америка адабиётида энг машҳур дебоча сатрлар билан бошланади:

Тошкннни гумбазлаган дағал кўприк узра,
Уларнинг байроғи Апрель шабодасида
хиллирар.

Бу ерда жанговор тартибда фермерлар саф
тортди.

Улар узган ўқ садоси бутун дунё узра
янгради.

Конкорд кишлоқ жойдаги илк санъаткорлар колонияси ҳамда Америка материализмига маънавий ва маданий альтернатива тақлиф этган илк макон бўлди. Конкорд – олийжаноб мулоҳот ва содда ҳаёт тарзи (Эмерсон ва Генри Дэвид Тореа полиз экинлари эккан) макони бўлди. Конкордга 1834 йили келган Эмерсон ва Тореа номлари бу шаҳарча билан яқиндан боғлиқ бўлган, бироқ бу жой романнавис Натаниел Хотори, аёллар ҳаракатининг адибаси Маргарет Фуллер, маърифатчи (враоманнавис Луиза Мэй Алякотнинг отаси) Бронсон Алякот, шоир Уильям Эллери Чэннингларни ҳам ўзига жалб этган. 1836 йили Трансценденталистлар Клуби эркин тарзда ташкил этилиб, турли пайтларда унга Эмерсон, Тореа, Фуллер, Чэннинг, Бронсон Алякот, Орестес Броусон (машҳур рухоний), Теодор Паркер (аболиционист ва рухоний) ва ўзгалар бириккан.

Трансценденталистлар «Циферблат» номли уч ойлик журнал нашр этишган. Тўрт йил давомида чиккан бу журналга аввалига Маргарет Фуллер кейинчалик эса Эмерсон муҳаррирлик қилган. Адабиёт билан бирга уларни ислоҳ этиш саъй-ҳаракатлари ҳам ўзига жалб этган. Қатор Трансценденталистлар аболиционист бўлиб, айримлари экспериментал ҳаёлий жамоаларга тортилган: Брук Фермаси (Хоторнинг «Фарогон Водий романси»да тасвирланган) ва Фрутлендс.

Кўп Европа гуруҳларидан фарқли ўларок Трансценденталистлар ҳеч қачон манифест чикаришмаган. Улар шахсий хилма-хилликни – шахсга нисбатан антиқа қарашни – изчил таъкидлашган. Американинг Трансцендентал романтиклариди радикал шахсиятчиликни сўнгги сарҳад томон етаклашган. Америка ёзувчилари кўпинчалик ўзларини жамият ва одат ташқарисидаги якка фотихлар сифатида қуришган. Америкалик қаҳрамон – Герман Мелвиллнинг Капитан Эхаби, Марк Твеннинг Геккельберри Финни ёки Элгар Аллан Поннинг Артур Гордон Пиви каби – ўзлигини метафизик кашф этиш йўлида одатда хавф-хатарга ёки хатто мўайян вайронгарчиликка юзланган. Романтик америкалик ёзувчиларга ҳеч нарса осойилкча берилмаган. Адабий ва ижтимоий битимлар мадад бериш у елда турсин, хавfli эди. Бир пайтнинг ўзида ўзига хос адабий шакл, мазмун ва ёзув услубини кашф этиш борасида улкан босим бўлган. АКШ Фуҳаролар уруши (1861–1865)дан ўттиз йил олдин бунёд этилган кўп нодир асарлардан америкалик ёзувчилар дэъват этишга бел боғлагани аён бўлиб турибди.

Ральф Вальдо Эмерсон (1803–1882)


Ральф Вальдо Эмерсон ўз даврининг юксалиб турувчи шахси бўлиб, фаолияти диний мақомга моляк. Кўплар уни христиан динига қарши исёнда айблаган бўлсада, унинг тушунтиришича, «якши рухоний бўлиш учун, черковни тарк этишим лозим бўлди». Ўз илмий маскани Харвард илоҳиёт коллежига йўллаган баёноти кейинги 30 йил мобайнида унинг олдида Харвард эшикларини ёпиб қўйди. Бу воқеада Эмерсон, «худди Худо вафот этгандек» иш юрнтувчи ва маънавиятни бугиб, айни пайтда акидани ўрнатувчи черковни айблади.

Эмерсон фалсафаси зиддиятли деб аталди ва бу тўтри, чунки у мангихий ақлий система барпо этишдан ўзини олиб қочди. Гап шундаки, бундай рационал система Романтизмнинг интуция ва мослашувчанликка ишончига қарши бўларди. «Ўз кучига ишонч» эссесида Эмерсон шундай деган эди: «Тентакликнинг зичлик даражаси – кичик мияларни қўрқитувчи олабужидир». Шунингдек, табиатдан илҳомланган Америка шахсиятчилигининг вужудга келишига даъватида ҳам изчил бўлган. Асосий гоёларнинг аксарияти – янгича миллий қарашга эҳ-

тиёж, шахсий тажрибадан фойдаланиш, космик Олий Рух тушунчаси ва бадал мукофоти назарияси — илк асари «Табиат» (1836)да илгари сурилган бўлиб, дебочасида шундай ёзган эди:

«Бизнинг давримиз ўтмишга алоқадордир. У биографиялар, тарихий рисолалар ва танқидий мулоҳазалар ёзмада. Илгариги авлодлар Худо ва табиатга юзма-юз келган; биз эса уларнинг кўзи билан қараймиз. Шундай экан, нега энди биз борликка асил муносабатдан ҳам бахраманд бўлмаймиз? Негача энди биз анъана эмас, фаҳм-фаросат шеъриятига эга бўлмайлик? Негача энди уларнинг тарихи эмас, бизга нозил этилган диний эътиқодга сизгинмайлик? Ҳаёт оқими атрофимизда ва биз узра тўқинланиб, табиқат оғуши бизни таъминловчи қудрат орқали табиатга мутаносиб иш юритишга таклиф этаркан, биз бир мавсумгагина қамраб олинган эканмиз, нега энди ўтмишнинг қуруқ суяклари узра пайпаслаб юришимиз керак...? Куёш бугун ҳам ўз нурларини таратмоқда. Янада кўпроқ жун ва зигирпоя етиштирилмоқда. Янги ерлар, янги инсонлар ва янги фикрлар вужудга келди. Келинг, ўз ишларимиз, қонунларимиз ва эътиқодимизни тараннум этайлик».

Эмерсон XVI аср Француз эссечиси Монтеннинг афоризмларини хуш кўриб, бир пайтлар Брюссон Алькотта ўзи ҳам Монтень руҳидаги «ажойиботлар, шеърият, ишбилармонлик, илоҳиёт, фалсафа, латифалар ва беадабсизликларга бок» китоб яратиш нияти борлигини айтган эди. Алкотнинг мавҳум услуби «инсон боши кийимида ва боланинг қошигида



Ральф Вальдо
Эмерсон

Фототасвир Миллий кўчирет
гаваровси, Смитсоннинг институти
тақдими

ялтираётган нур»ни назар-писанд қилмасликка норозилик билдирган.

Рухий қараш ва амални, афористик ифода Эмерсонни хушвақт этган; Конкорд Трансценденталистларидан бири унинг асарини тиш-лашни «самога охишта тебраниб, кўтарилиш» билан ўринли ўхшатган эди. Ички рухий кечинмаларининг кўпи Шарқ динлари, алаҳқусус, Хиндуизм, Конфуцийчилик ва Ислоҳ тасаввуфи асарларини ўқишдан ҳосил бўлган. Мисол учун, «Брахма» дostonида оддий инсонларнинг идрок этишидан ташқарида мавжуд космик тартиб-ботни таъкидлаши хинд манбаларига асосланган:

Агарда қонли қотил ўлдирдим
деб ўйласа,
Ёки ўлдирилган ўлдим деб
ўйласа,
Мен сакловчи, ўзгартирувчи ва
кайта ўтирувчи
Мохируна йўллари улар
англамайди.

Узоқдаги ёки унут бўлган мен учун
яқин,
Соя ва қуёш нури айнан бир
нарса;
Ғойиб бўлган худолар наздимда
мавжуд бўлур;
Ва бир нарсанинг ўзи мен учун
ҳам шармандалик, ҳам шухрат.

Улар мени қўлдан бой берганини
нобон деб билди;
Мен томон учганларидан мен
қанотман;
Мен шубҳаланувчиман ва
шубҳанинг ўзман
Мен Брахмин қўшиқларининг
гимниман.

Қучли худолар менинг
масканимни қўсқарлар,
Ва беҳудага муқаддас Еттиликни
қўсқарлар.

Аmmo сиз, эзгуликни итоаткор
севувчи!

Мени топинг ва само кўйинга
кайтинг.

1857 йили «Атлантик Ойлик»
журналида илк бор нашр этилган
бу шеър Хиндуларнинг олий худо-
си — борлиқнинг абадий ва чексиз
рухи бўлиш Брахма таълимоти-
дан беҳабар ўқувчиларни сароси-
мага солди. Эмерсон ўз ўқувчилари-
га маслаҳат берди: «Уларга
Брахма ўрнига Иегова деб айтиш-
ни уқтиринг».

Британиялик танқидчи Мэтью
Арнольд айтганидек, XIX асрда
инглиз тилида яратилган энг му-
хим асарлар Вордсворт достонлари
ва Эмерсон эсселари булган.
Буюк муаллиф Эмерсон Америка-
нинг қўлаб шоирларига таъсир
ўтказган. Шулар қатори Уолт Уит-
мен, Эмили Дикинсон, Эдвин Ар-
лингтон Робинсон, Уоллес Сти-
венс, Харт Крэйн ва Роберт
Фрост. Шунингдек, файласуфлар-
дан Дон Девий, Георг Сантайна,
Фридрих Ницше ва Уильям Жейм-
сга ҳам таъсир ўтказган деб хи-
собланади.

Генри Дэвид Тореа (1817—1862)

Француз ва шотланд аждодли
Генри Дэвид Тореа Конкордда та-
валлуд топиб, ўша ерда мунтазам
яшаган. Эмерсон сингари камбағал
оиладан келиб чиққан Тореа Хар-
вард билим юрти орқали ўзига йўл
очган. Уыр буйи эҳтиёжларини че-
клаб, ўта кам пул сарфлаган ва шу
туфайли ўз мустақиллигини сақ-
лаб қолган. Аслида, ўз фаолияти
орқали хун кечириб, эътиқодидан
чехинмаган Эмерсон ўз жиддий
тушунчаларига мувофиқ равишда
яшашга уринган. Кўп асарлари ҳам
айнан шунга бағишланган.

Тореанинг «Уолден ёхуд ўрмон-
даги ҳаёт» (1854) нодин асари



ГЕНРИ ДЭВИД
ТОРЕА

Уолден ҳовузидаги Эмерсонга те-
гишли ерда қурган кулбада икки
йил, икки ой ва икки кун
(1845—1847) ўтказган ҳаётининг
натijasидир. «Уолден»да Тореа
бу муддатни бир йилга жамлайди
ва китобини шу тарика таркиб-
лаштирадики, барча мавсумлар
моҳирона равишда тартиблаш-
тирилади. Китоб шундай шак-
лланганки, аввалига энг оддий
ҳаётги ташвишлар тасвирланади:
«Иқтисод» деб номланган бобда
кулба қуриш ҳимматлигини таъ-
рифлайди. Китоб охирига келиб
эса юлдузларга назар тикиб, бор-
лиқни қамраб олишгача кўтари-
лади.

«Уолден»да, ўзи ҳам саёҳат ки-
тобларини севиб ўқиган ва шу
мавзуда қатор асарлар яратган
Тореа бизга саёҳатга қарши китоб
тақдим этади. Бироқ бу китоб, ҳо-
зиргача ҳеч бир Америка китоби
эршилмаган даражада, ўзликни
кашиф этишнинг ички чегаралари-
ни очиб беради. Тореанинг зоки-
дона ҳаёти каби илк қурилишда
ахлоқли булган бу китоб яқини ҳа-
ёт кечиришнинг классик идеали-
га бир йўлланма эди. Ҳам шеърлий,
ҳам фалсафий моҳиятга молик
мазкур узун шеърлий эссе ўқувчини
ўз ҳаётини синовдан ўтказиш ва
унга мос яшашга ундаган. Тафси-
лотларигача тасвирланган кулба
қуриш жараёнини — инсон ўз руҳи-
ни эҳтиёткорона бунёд этишига
аниқ метафорадир. 1852 йил 30 ян-
варь куни ўз кундалигида Тореа
бир жойда муқим бўлиб яшашни
нега ихтиёр этганини қуйидагича
тушунтиради: «Мен ўз онгимни
чалғитмаслик учун қўл саёҳат қи-
лиш ёки машҳур жойларга бор-
ишдан ўзимни тияман».

Тореанинг узлатга берилиш ва
диққатини жамлаш усули Осие
медитация услубларига ўхшаш-
дир: Эмерсон ва Уитмен сингари
Тореа ҳам Хинду ва буддизм фал-

сафаси таъсирга тушган. Эмерсон билан шерикчиликда тулган Осий классик асарларини энг қимматбахо нарсаси деб билган. Унинг эклектик услуби Юнон ва Латин классик асарларидан ўрнак олиб, Англияда кеч Ренессанс даври метафизик ёзувчиларининг услуби каби мусаффо, сўз ўйини ва метафораларга бойдир.

«Уолден»да Тореа Трансцендентализм назарияларини синондан ўтказибгина қолмай, балки XIX аср Америка коллектив тажрибасини — яъни Гарбга сийлаш чегарасида яшашни — ҳам қайта жорий этади. Тореа ўзи қўшган улущин — тил орқали табиат ҳиссини қайта янгилаш деб билади. Кундалигининг 1851 йил ружнида аниқ куни кўрсатилмаган бир ёзув бор:

«Министрлардан бошлаб то Кўл Шокрларигача, шу жумладан Чосер, Спенсер, Шекспир ва Милтон ижодини ҳам камраб олувчи инглиз адабиёти унча бардам нафас олмайди, яъни шиддатли эмас. Аслида Юнон ва Римни акс эттирувчи қўлга ўргатилган ва маданийлаштирилган адабиётдир. Унинг табиати — яшия ўрмон, унинг ёввойи одами — Робин Гуд. Унинг шоирларига табиатга нисбатан олам-олам севги барқ урган, бироқ табиатнинг ўзичалик сероб эмас. Унинг хроникалари бизни ёввойи хайвонлар қачон ер юзидан ғойиб бўлганидан хабардор этиб, ёввойи одам қачон ғойиб бўлганидан дарак бермайди. Бунинг учун Америкага эҳтиёж тугилди».

«Уолден» эҳтиросли ирланд миллатовари Уильям Батлер Йитсин «Кўл узра кад кўтарган орол» асарини ёзишга илхомлантирган. Тореанинг ўзга бир асари — «Фукаролик итоатсизлиги» эс-



Уолт УИТМЕН

сеси эса адолатли шахсининг адолатсиз қонуларга итоат қилмаслик — маънавий эҳтиёжга асосланган пассив қаршилик назариясини илгари суриб, XX асрда Хиндистон мустақиллик ҳаракатининг йўлбошчиси Махатма Ганди ва қоратанли америкаликларнинг фуқаро ҳуқуқлари учун Мартин Лютер Кинг курашини илхомлантирган.

Трансценденталистлар ичра Тореа энг жозибадор шахсдир. Сабаб — унинг экология борасидаги ғамзўрлиси, «буни ўзинг қил» қабилидаги мустақил ҳаёт тарзи, аболиционизмга этик мадади ва фуқаро норозилигининг ҳамда тинчликпарвар қаршилик кўрсатишининг сиёсий назарияси. Унинг гоёлари ҳамон жозоба кучини йўқотмаган ва унинг заҳарханда утхир шеърӣ услуби ва яқиндан ўрганиш одати ҳамон замонавийдир.

Уолт Уитмен (1819—1892)

Нью-Йоркнинг Лонг Айлендда таваллуд топган Уолт Уитмен гиламдўз бўлиб, халқ орасидан чиққан. Унинг ажойиб, ташаббускор иши мамлакатнинг демократик руҳини ифодалаган. Уитмен ўз саводини асосан ўзи чиқарган, ишлашга мажбур бўлгани учун мактабни 11 ёшида ташлаб кетган. Бироқ шу тўғайли аксарият Америка адибларини инглиз адабиётининг эҳтиромчи тақлидчиларига айлантирган анъанавий таълим олмай қолгани кейинчалик қўл келган. Умр бўйи қайта ёзиб, қайта ишлаган «Ўт барглари» (1855) барча замонлар узра америкалик адиб томонидан яратилган энг хайратомуз дoston бўлмиш «Ўзим ҳақида қўшиқ»ни ҳам ўз ичига камраб олган. Бу китоб оммабоп муваффақиятга эришмаган бўлсада, Эмерсон ва яна бир нечта мутахассислар мақкур жасоратли ри-

солани мақтаб олқишлагани туфайли Уитмен ўз шеърйи истеъдодига ишонч ҳосил қилган эди.

Барча мавжудотни тараннум этувчи ҳаёлий «Ўт барглари» Уитменнинг худди ўзига ўхшаш гайратли, очик кўнгил шоирнинг умумлашма сиймосини башорат этган Эмерсоннинг «Шоир» эссеидан илҳомланган эди. Достоннинг янгича, қофияланмаган, эркин вазили шакли, шақвонийликни ошқора олқишлаш, демократик эҳтирослари ва шокр ўз достони, борлик ва китобхон билан бир бутун бўлиб кетгани ҳақидаги ўта романтик ёндашув Америка шеърйятининг йўналишини ўзгартириб юборди.

«Ўт барглари» Америка каби кенг, шиддатли ва табиатга яқин бўлиб, Америка танқидчилари тая олмаган бўлсада, уларга даъват бўлиб келган. «Ўзим ҳақимда қўшиқ» узра бир бетиним мусика каби ҳаракат тўлкинланади:

Менинг ришталарим ва юкларим мени тарқ этди...

Мен тоғ тизмаларини гир айланган наботот, пальмаларим китъаларни қоплади.

Мен ўз манзарам ила ҳаракатдеман.

Бу дoston битмас-туланмас муайян жойлар ва товушлар билан лиммо-лимдир. Уитмен кушлари шеърйятнинг анъанавий рамзий «қанотли рудлари» эмас. Унинг «сарик тожли қарқараси тун отушида ботқоқ чеккасига келиб, ластхам ёввойи олма мевасидан ер». Чамаси. Уитмен нимани курса ёки ҳаёлига нимаки келса, ўзини ўша нарсага муташобих этади. У – оломон қисми бўлиб, «хар бир портга савдо ва саргузашт излаб борувчи// Замондош оломон билан шошар хар ким каби эҳтиросли ва ўзгарувчан». Шу билан бирга у азоб ҳам чекади: «Қўҳва онахон, жодугарликда айбланиб, қуруқ ўтин устида ёнар, унинг болалари қўз узмай унга тикилар... Мен занжирбанд қўлман. Мен итларнинг тишидан сесканаман... Мен кукрак кафаси мажаҳланган ўт учирувчман...»

Ўзга ҳар қандай адибдан кўпроқ равишда Уитмен демократик Америка афсонасини ихтиро этишга дахлдордир. «Ер юзидаги барча вақтлардаги барча миллатлар ичра, эҳтимол, америкаликлар энг тўлақон шоирона табиатли бўлган. Қўшма Штатларнинг ўзи мохиятан энг улкан дoston». Уитмен бу сатрларни ёзганида Америка шоирона мохиятга эга бўлиш учун ўта

дағал ва халқ ёш деган умумий қарашни ағдарди. Уитмен барча миллатларнинг фотихлари томонидан ўзига маскан қилиб олинган абадий Американи кашф этди. Британия романнависи ва шоири Д. Лоуренс Уитменни «очик йўл» шоири деб ўта аниқ номлаган.

Уитменнинг шеърйи худрати кўп шеърларида кўзга ташланади. Шулар орасида «Бруклин пароми узра», «Бетиним тебранувчи бешикдан нари» ва «Томорқада сирень гуллаганда» шеърлари Абрахам Линкольн ўлимига битилган ҳаяжонли ва мунгли марсиядир. Ўзга муҳим асари – «Зарҳал югуртирилган давр» – саноатлаштириш жараёнининг чексиз материализми асновида ёзилган «Демократик истиқбол» (1871) номли узун эссе. Унда Уитмен рухнинг «қурғоқ ва бум-буш Сахараси»ни никобловчи «хашаматли, қўлларни босиб ўтувчи бойлиги ва саноати» учун Американи адолатли танқид қилади. Америка ахлини урганиш учун янгича турдаги адабиётга даъват этади («Китоб эмас, балки бу китобни ўқувчи муҳаммал бўлиши ўта зарурдир»). Шубҳасиз, Уитменнинг абадийликка асосий даъвати унинг «Ўзим ҳақимда қўшиқ» шеъридир. Унда шокр Романтик ўзлигини дoston марказига олади:

Мен ўзимни олқишлайман ва ўзимни қуйлайман,

Ва қайс қиёфани касб этсам, сиз ҳам касб этасиз.

Менга алоқадор ҳар бир зарра
Сизга ҳам тааллуқли эзуликдир.

Уитмен шеърйати барча мавжудотларнинг бирлиги ва ҳаётйи кучини тараннум этиш билан ҳатто ҳозирги замон китобхонини ҳам ҳаяжонга солади. Уитмен мислсиз даражада янгилик киритган. Айнан унинг шеърйатидан дoston автобиография сифатида, хар бир америкалик куйчи сиймосида, китобхон яратувчи макомида ифодаланиб, «экспериментал» ёки органик шаклнинг кашф этилиши ҳамон замонавийлигини сақлаб турибди.


БРАХМИН ШОИРЛАР

Ўзлайтида Бостон Брахминлари (Харвардда таълим олган мухтор табақа вахиллари шундай деб аталган) Америка Қўшма Штатларининг энг эътиборга сазовор ва нафис маданиятли адабий доираларини шакллашган. Уларнинг ҳаётлари Янги Англияга

хос бетиним меҳнат ва билимни эъозлаш талабларига мутаносиб бойлик ва буш вақтни самарали ўтказиш намунаси бўлган.

Дастлабки Пуританлар даврида Бостон Брахминлари руҳоний бўлганлар: XIX асрда улар, кўпинчалик Харвардда, профессор даражасига кўтарилди. Кейинчалик элчи макоми ёки Европанинг турли муассасаларидан шарафли унвону даражалар олишга эришди. Уларнинг аксарияти Европада таълим олган ёки у ерга саёҳат қилган ҳамда Британия, Германия, Франция, Италия ва Испанияда жорий ғоялар ва китобларни яқиндан билган. Ўз асосига кўра юқори табақага мансуб бу шоирлар демократик қарашларга хайрихоҳ бўлган. Шу сабаб, 3000 лицей (оммабоп лекциялар ўқиш марказлари) да жамоатга лекциялар ўқиш ҳамда Бостоннинг иккита обрў-нуфузли журналларининг («Шимолий Америка Ревьюси» ва «Атлантик Ойлиги») саҳифалари орқали Америка Қўшма Штатларининг ҳар бир бурчагида европача дунёқарашни синг дирганлар.

Брахмин шоирларнинг асарлари – Америка ва Европа анъаналарини сақлаб қолди ва Атлантик соҳилда муштарак тажрибани яратишга яхтилди. Мазкур олим-шоирлар Америка адабиётига европача мезонлар киритиш орқали аҳолини ўқимчилик ва зиёли қилишга уриндилар. Шунга қарамай барча сазъ-ҳаракатлари консерватив моҳиятли эди. Европача муҳит ва шаклларни татбиқ этишга интилиб, улар, ўзига хос Америкача онг-шуурнинг ривожини секинлаштирдилар. Энг зғуу ниятлардан ҳаракат қилган бу шоирларнинг консерватив дунёқарашини Тореа ва Уитмен (уларни брахминчилар ижтимоий жиҳатдан қабул этмаган) ҳамда Эдгар Аллан По (уни ҳатто Эмерсон «шакир-шу-



ГЕНРИ ВОДСВОРТ
ЛОНГФЕЛЛО

фото
Эдгар Аллан По

кур кофиячи» деб ҳисоблаган) каби адибларнинг ташаббускор янгиллик руҳини онглашга ҳалақит берди. Брахминчилар «нафис аъёна» деб аталган қасрнинг устунлари эди. Америка реалистларининг уч авлоди бунга қарши курашишга мажбур бўлди. Қисман уларнинг мулойим, аммо тинчлантирувчи таъсири туфайли Мелвилл, Тореа ва Понинг ўзига хос америкача истеъдоди Қўшма Штатларда ёппасига тая олинишига қадар салкам 100 йил вақт ўтиши керак бўлди.

Генри Водсворт Лонгфелло (1807–1882)

Бостон Брахмин шоирлари орасида энг кўзга кўринганлари Генри Водсворт Лонгфелло. Оливер Венделл Холмс ва Жеймс Рассел Лоуэл бўлганлар. Харвардда замонавий тиллар буйича профессор бўлган Лонгфелло ўз замонасининг энг машҳур Америка шоири ҳисобланган. Америка ва Европа анъаналарини қўрама этиб, ўқишчи маъҳум, нотарихий ва афсонабоп тарзда ҳис этишга айнан у сабабчи бўлган. Асил маҳаллий афсоналарни европача вазнда оммалаштирган учта узун дoston яратган: «Евангелик» [«Шукрона»] (1847), «Хайвата қўшиғи» (1855) ва «Ирланд сиёҳдонини кўйлаб» (1858).

Шунингдек Лонгфелло замонавий тиллар буйича дарсликлар тузиб, Вашингтон Ирвингнинг «Мулоҳазалар китоби» таъсири остида хорижий афсоналарни «Ғайриоддий сув париси» саёҳат китобида акс эттирган. Узун дostonларининг анъанавийлиги, сентименталлиги ва шошма-шошар тузилиши ҳалақит берган бўлса, «Нью-Портдаги яҳудийлар мазори» (1854), «Мединг йўқотилган ешилгим» (1855) ва «Сув кўтарилиши ва қайтиши» (1880) каби хо-

тирада қолувчи қисқа лирик шеърлари ҳозир-гача роҳат бағишлайди.

Жеймс Рассел Лоуэл (1819—1891)

Лонгфелло пенсияга чиққач Харвард университетида замонавий тиллар бўйича профессор лавозимини эгаллаган Жеймс Рассел Лоуэл кўпичалик Америка адабиётининг Мэтью Арнольдди деб қиёсланади. У ўз фаолиятини шoir сифатида бошлади, бироқ аста-секин шеърый истеъдоди сўна бориб, охири эътиборли мунаққид ва маърифатчи сифатида намоён бўлди. «Атлантик» журналининг муҳаррири ва «Шимолий Америка ревьюси»нинг ҳаммуҳаррири сифатида Лоуэл катта таъсир ўтказган. Унинг қаламига мансуб «Танқидчиларга масал» (1848) Америка адибларига қизиқарли ва мутаносиб баҳо беради. Шунга бир мисол: «Энди навбат Пога, унинг Барнаби Рудж равнини каби // Бешдан уч қисми тениал, бешдан икки қисми эса мутлақо бесўнақай».

Хотинининг таъсири остида Лоуэл либерал ислохотчи, аболиционист ва аёлларнинг овоз беркиш ҳуқуқи ва болалар меҳнатига барҳам беришки қўлловчи арбобга айланди. «Биглоу Рисолалари, биринчи силсилга» (1847—48)сида лаҳжада ёзилган шеърларида ислохотларни ёқловчи топагон, аммо саводсиз кишлоқ шокри Хосе Биглоу сиймосини яратади. Уз пайтида Бенжамин Франклин ва Филип Френеа ҳам оқилу доно кишлоқ одамларидан ижтимоий шарҳ бериш учун жарчи сифатида фойдаланган. Лоуэл ҳам айнан шу йўсинда ёзиб, колониал «кахрамон» аъъанасини лаҳжага асосланган янги реализм ва регионализм билан боғлади. Бу лаҳжа 1850-йилларда барқ уриб, Марк Твен ижодида камол топди.

Оливер Вендел Холмс (1809—1894)

Оливер Вендел Холмс — Харвард университетининг физиғи ҳамда анатомия ва физиология бўйича машҳур профессори ўз асарларининг янгилатувчи кўптомонлиғи туфайли учта машҳур Брахмин шoirлари орасида категориялаш учун энг қийин адибдир. Унинг ижодий мероси юмористик эсселар тўпламлари (мисол учун, «Нонушта столнинг яккахохими», 1858), романлар («Элси Веннер», 1861), биографиялар («Ральф Вальдо Эмерсон», 1885), шеърлар («Рухонийнинг шох асари ёхуд ажойиб бир отли фазтон»), философиқ рисолалар

(«Камераларга бўлинган кемача») ва («Зиркланган қари отликлар») каби ватанпарвар асарларни қамраб олган.

Холмс Массачусетснинг Кэмбрижида таваллуд топиб, Харвард университетига макон берган Бостон теварағида таниқли рухоний отасининг паноҳида воёга етди. Онаси эса шoirа Энн Бредстрит ағлодидан бўлган. Ўз замонасида ва ундан кейин анча ўтғач ҳам Оливер фотиҳ ёки янги йул очувчи сифатида эмас, балки хўпроқ жамият, тил, тиб ва инсон моҳиятини талқин этувчи сифатида намунабон донолик, ақл-заковат ва жозибадорлик рамзи бўлган.

ИККИ ИСЛОХОТЧИ

Янги Англия Фухаролар Уруши арафасидаги йилларда ақлий қудратга макон бўлди. Ҳозирги кунда Брахмин шoirлари туркумидан ҳам ёрқинроқ нур таратувчи айри йолдузлар ўз пайтларида камбағаллик, ҳамда жинси ёки ирки сабабли булут ортида хиралашиб қолган эди. Ҳозирги замон китобхонлари аболиционист Жон Гринлиф Виттер ва фемирист ҳамда ижтимоий ислохотчи Маргарет Фуллер ижодини тобора кадрлаб ўқимоқда.

Жон Гринлиф Виттер (1807—1892)

Ўша даврнинг энг фаол шoirи Жон Гринлиф Виттер тақдир Уолт Уитменга ўхшаб кетарди. Массачусетсда ўрта ҳол квакер оиласида воёга етган Жон расмий таълим олиб, журналист бўлган. Оқим барчани қамраб олишидан бир неча ўн йил олдинроқ у эхтиросли аболиционист бўлган. Виттер ўзининг қўлликка қарши шеърлари билан обрў орттирган. Шунингдек, унинг шеърияти, баъзида, минтақавий реализмнинг илк намунаси сифатида ҳам қўрилади.

Виттернинг шиддатли сиймолари, содда конструкциялари ва баллада тузилишига яқин тетраметр вазндаги қўллетлари Роберт Бёрнста хос содда қўндалик маънога молик. Унинг энг яхши асари — «Қор кўчкини чегарасида» достони бўлиб, унда шoir болалиғидан эсида қолган манзарани тасвирлайди: Янги Англиянинг қор бўронлари садоларида ёрқин ёниб турган ўй ўчоғи атрофида давра қўрган оила аъзолари ва дўстларининг қиёфасини жонли сиймоларда қайта яратади. Кейинчалик улар ҳалок бўлади. Фухаролар Урушининг туганмас дахшатидан сўнг юзага келган бу содда, диний,

ўта шахсий дoston ўлганлар хоти-
расига марсия ҳамда шифобахш
мадҳиядир. У руҳнинг абодийлиги,
хотирада муҳрланган муҳаббат-
нинг вақтдан устун турувчи қудрати
ҳамда зулжор сиёсий тўфон-
ларга қарамай табиатнинг бетак-
рор гўзаллигини вашида этади.

Маргарет Фуллер (1810–1850)

Маъшур эссечи Маргарет Фул-
лер Массачусетснинг Кэмбриджи-
да туғилиб, вояга етган. Моддий
жиҳатдан урта ҳол оиладан бўлган
Фуллер ўз уйида отасидан таълим
(аёлларга Харвардда ўқиш руҳсат
этилмаган) олиб, классик ва замо-
навий адабиёт соҳасида ўта ист-
еъодли бўлган. Айниқса невис
Романтик адабиёти унга айниқса
кучли таъсир этиб, ўз севган ади-
би Гётега таржима ҳам қилган.

Америкада диққатга сазовор
илк профессионал журналист аёл
бўлган Фуллер аёл маҳбуслар ва
руҳий касалларга нисбатан муома-
ла каби ижтимоий масалалар юза-
сидан таъсирчан маҳода ва ахборот-
лотлар китобини битган. Мазкур
эсселардан айримлари унинг
«Адабиёт ва санъат ҳақида рисо-
лалар» (1846) китобида нашр
этилган. Ундан бир йил олдин
Фуллер ўзининг муҳим китоби —
«Ўн тўққизинчи асрда Аёл тақди-
ри»ни нашр этган. Илк бор бу ки-
тоб Фуллернинг ўзи 1840–1842
йилларда муҳаррирлик қилган
Трансценденталистлар журнали
«Циферблат»да чоп этилган.

Фуллернинг «Ўн тўққизинчи ас-
рда Аёл тақдири» — жамиятда
аёллар ролининг энг дастлабки ва
энг америкача тадқиқотидир. Кўп
ҳолларда демократия ва Транс-
цендентализм тамойилларини
таъбиқ этиб, Фуллер жинсий дис-
криминациянинг илгари қийин қўла-
б ҳоллари ва ёмон оқибатлари-
ни оқилона таҳлил этиб, ижобий

чора-тадбирлар таклиф этади.
Унинг кўп гоёлари таажжубланар-
ли даражада замонавийдир. Фул-
лер «ўзига мустақил бўлиш» му-
ҳимлигини таъкидлайди. Аёллар
эса «ўз ҳўмронлигини ичкаридан
ундириб чиқишга эмас, ташқари-
дан урганишга ургатишган»лиги
ўчун ўзига мустақил бўлишга қий-
налади.

Фуллер пировардида фаол фе-
минист эмас, балки кўпроқ дара-
жада барчага мансуб ижодкор ин-
сон озодлиги ва шайни ишига
хаётини бағишлаган ислохотчи-
дир:

«...Келинлар, доно булайлик ва
руҳ парвозига қафас қўймай-
лик... Келинлар, барчамиз бир
яхлит ижодкор қудратга эга бу-
лайлик... Қўйинг, у ўзи истаган
шаклни олсин ва келинлар, ўни
эркак ёҳуд аёл, қора ёҳуд оқ-
танлига қараб кишанбанд эт-
майлик».

Эмили Дикинсон (1830–1886)

Эмили Дикинсон, том маънода
ўз даври ва асрининг адабий ихлос-
лари бурилиш ясаган пайт ораси-
даги боғловчи бўғиндир. Еркин
шахсиятчи бўлган Дикинсон Мас-
сачусетсдаги кичик бир калви-
нистлар қишлоғи Эмхерстда туғи-
либ, ўша ерда умрини ўтказган. У
ҳеч қачон турмуш қурмаган ва ҳеч
бир ҳодисаларсиз, бироқ ички ке-
чинмаларга ўта бой хаёт кечир-
ган. У табиатни севган; Янги Ан-
глия қишлоқ томонларининг қуш-
лар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва
йил фасллариининг алмашувида
чуқур илҳом топган.

Дикинсон хаётининг сўнгги
палласини ўзатга берилиб ўтказ-
ди. Сабаби — ўта ҳассос руҳияти ва
аҳтимол, езувчилик учун вақт
ажратиш (ҳунга биттадан шеър
ёзган). Ундан ташқари, Эмхерстда



Эмили Дикинсон

Дегерсон: Харрис
ва Брос: эскиз

таниқли шахс, Конгрессга аъзо адвокат отасининг уй юмушларини бажарган.

Дикинсон кенг камровли таълим олмаган, бироқ Библия, Уильям Шекспир асарлари ва классик мифологияни чуқур билган. Айнан улар Дикинсоннинг асал муаллимлари бўлиб, у, ўз пайтининг энг зоҳид муаллифи эди. Унинг шеърляти 1950-йилларда қайта кашф этилди. Ушандан бери шу уятчанг, узлатга қочган, деярли нашр этилмаган номаълум бир қишлоқ аёли XIX аср Америка шеърлятининг энг йирик намуналаридан айримларини яратгани билан афкор оммасини хайратга салади.

Дикинсоннинг бежирми, нафис ва кўпинчалик пурмаъно услуби ҳатто Уитмен услубидан ҳам замонавий ва яхтиро киритувчидир. Бир сўз етарли жойда, ҳеч қачон иккитасини ишлатмаган ҳамда муайян нарсаларни абстракт гоълар билан деярли мақолсимон нодир услубда боғлаган. Унинг энг яхши шеърларида ноўрин оҳ-воҳлар йўқ; ортикча хиссиётга берилиш қўлги остига олиниб, айримлари ҳатто диний ақидаларга хилофдир. Баъзан у лаҳшатга солувчи воқеъликни намоён этади. Эдгар По сингари у ҳам онгнинг қоронғи ва яширин қисмини кўзго-тиб, ўлим ва ҳабрни фожиавийлаштириб, шу билан бирга гул, асалари каби оддий нарсаларни ҳам тараннум этади. Унинг шеърляти вақт қопқонига илинган инсон идрок-онгининг чегараларини кўрсатувчи парадокс ишлатади. Дикинсон юзик юмор хиссига эга бўлиб, мавзулари ва сюжетларининг доираси хайратомуз даражада кенг. Унинг шеърлари, асосан, 1955 йили Томас Жонсоннинг стандарт нашрида уларга берилган ракам остида маълумдир. Улар ғаройибона тартибдаги қатта харфлар ва тиреларга лиммо-лим.

Тореа сингари анъаналарни тан олмайдиган Дикинсон кўпинчалик сўзлар ва ибораларнинг маъносини янада таъсирчан этиш учун парадокс ишлатган. 435-шеърдан:

Ақсар Жиннилик илоҳий хиссиётдир —
Кўра билган Кўз учун —
Куплаб Хиссиёт — мутлақ жинниликдир —
Айнан Кўпчилик
Барча хаби, устувор —
Розилик билдиринг — ва сиз соғлом
ақллисиз —
Эътироз этинг — ва сиз дархол
хатарлисиз —
Ва занжир ила бандисиз.

Шухратпарастлик ва ижтимоий ҳаётни захарханда қилувчи (288) шеърда эса унинг ўтқир ақли ярқирайди:

Мен Ҳечкимман! Сиз эса ким?
Сиз ҳам — Ҳечкимми?
Демак бу ерда биздан бир жуфти?
Ғапирманг! Улар оғохлантиришган — сиз биласиз!
Нақадар хазин — Кимдир — бўлмоқ!
Нақадар жамоатли — гўёки бир Қурбақа —
Бировнинг исмини айтмоқ — чексиз
Июнъ —
Маф гунқор ботқоқ сари!

Дикинсоннинг 1775 шеъри ҳамон танқидчилар фикрини жумбоқ сингари чулғаб турибди ва улар борасида кўпинчалик яқдиллик йўқ. Баъзилар унинг мистик услубига урғу берса, бошқалар эса табиатга мутаассирлигини кўрсатади; қўплар унинг гаройиб, ғалати ноладаъватига диққат беради. Замонавий мунаққид Р.П. Блэкмур фикрича, Дикинсон шеърляти баъзан, гўёки, «бизга мушук инглиз тилида галарйишга келгандек» хис этиларкан. Унинг соф, аниқ, муқамал шеърлари Америка адабиётида энг хайратомуз ва даъватли мақомга эга.

IV-БОБ

РОМАНТИЗМ ДАВРИ:
1820-1860. Б. А. ШИЙ
АДАБИЁТ

Уолт Уитмен, Натаниел Хоторн, Герман Мелвилл, Эдгар Аллан По, Эмили Дикинсон ва Трансценденталистлар Америка Қўшма Штатларида юзага келган илк буюк адабий авлодни намойён этади. Романаписларга келганда, Романтик караш Хоторн таъбири билан айтганда, «романс» — ҳикоянинг баландпарвоз, эхтиросли ва рақсий шаклидир. Романслар севги қиссаси эмас, балки мураккаб ва назик маъноларни ифодалаш учун махсус воситалардан фойдаланган жиддий ҳикоялардир.

Ақсарият инглиз ёки континентал романапислари реалистик ҳарактерни қўлаб тафсилотлар орқали чизиш ўрнига Хоторн, Мелвилл ва По ҳаётдан ҳам кенг маъноли, афсонавий аҳамият ила чақнаган қаҳрамонона шахсларни шаклландилар. Америка романсларининг типик бош қаҳрамони ўз ўйларига зарк, яқкаланган шахсдир. Хоторннинг «Скарлет мактуби»даги Артур Диммисдейл ёки Гестер Принн, Мелвиллнинг «Моби Дик»даги Эҳаб ва По қиссаларидаги қўлаб яқкаланган ва савдойи характерлардир. Улар ақл билан идрок этиб бўлмас, аллақандай сирли мавҳум йўл билан онгининг энг чуқур бурчакларидан униб чиқадаган зудматли тақдирларига қарши чиқадаган бош қаҳрамонлардир. Рақсий сюжет чизмаси азоб-уқубатли руҳнинг яширин ишларини ошқора этади.

Инсон руҳининг бундай яширин бурчакларига адабиёт ёрдамида сингиб ўтншга бир сабаб — Америкада ўтроқ, анъанавий жамоа ҳаётининг йўқлиги. Инглиз романапислари — Жейн Остин, Чарльз Диккенс (буюк адиб), Энтони Троллоп, Георг Элиот, Уильям Теккерей — мураккаб, яхши шаклланган, анъаналарга бой жамиятда яшаб, реалистик бадий асарлари ифодалаган мавзуларни ўз китобхонлари билан баҳам кўришган. Америка ёзувчилари эса қурашли рақобат ва инқилоб, бепоён ёввойи табиат оғуши ҳамда ўзгарувчан ва нисбатан синфсиз демократик жамиятга рўбарў келишди. Амери-

ка қиссалари кўпинчалик анъананинг инқилобий йўқлигини кашф этган. Кўп инглиз романлари эҳтимом омадли уйланиш ёки яширин зодагонларча ўтмишни кашф этиш орқали иқтисодий ва ижтимоий нарвондан тепага кўтаришчи камбағал бош қаҳрамонни тасвирлаган. Бирок бундай сирли сюжет Англиянинг аристократик ижтимоий тизмасига ҳавф-хатар тугдирмаган. Ақсинча, унинг кадрятларини тасдиқлаган. Бош қаҳрамоннинг юксалиши асосан ўрта табакага мансуб китобхонларнинг орзу-умидларини қондирган.

Бундан фарқли уларок, Америка ёзувчилари ўзлари ихтиро этган сюжетга асосланишга мажбур бўлган. Америка ўтмиши ноаниқ, чет тилларда сўзловчи ва гаройиб ҳамда кўпол ҳаёт кечирувчи мухожирларнинг доимо ҳаракатдаги чегара минтақаси бўлган. Шу тариқа, Америка адабиётининг бош қаҳрамони Мелвиллнинг «Нуска»си каби тўсатдан одамхўр қабилалар орасига тушиб қолиши мумкин бўлган; ёки Жеймс Фенимор Купернинг «Чарм пайпоқ» лақабли қаҳрамони сингари ёввойи табиат жойларни ўрганиши мумкин бўлган; ёки Поннинг узлатдаги шахслари каби тўрдан кўринишларга гўвоҳ бўлиши мумкин бўлган; ёки Хоторннинг ёш Гудмен Брауни сингари ўрмон узра сайр қилиб юрган шайтонга дуч келиши мумкин бўлган. Америка адабиётининг деярли барча буюк бош қаҳрамонлари «яқкаланган» шахслар эди. Американинг демократ шахси ўзини намойён этишига вақт хали келмаган эди.

Американинг жиддий ёзувчиси янги шакллар ихтиро этишга ҳам мажбур бўлди. Шу сабаб Мелвиллнинг «Моби Дик» романи ва Эдгар Понинг ажойиб «Артур Гордон Пим ҳикояти»га хос қўзилиб кетган ва янгича шакли юзага келди. Ҳозирги кунларгача санокли Америка романлари расмий муқамалликка эришди. Синновдан ўтган адабий услублардан фойдаланиш ўрнига америкаликлар янги ижодий воситалар ихтиро этишга интилдди. Америкада анъанавий ва аниқ ижтимоий бирлик етарли эмасди; кўҳна оқим ва анъанавийлик ортда қолди, янги ва ташаббускор куч диққат марказига ўтди.

РОМАН

Мавҳум ва беқарор жамиятда роман шакли ўзлигини топиш нақадар мушкуллигини кўрсатади. Роман қаҳрамонларининг ақсарияти асар охирида халок бў-

лади: «Моби Дик»да Ишмаилдан ўзга барча денгизчилар чўкиб кетади; «Скарлет мактуби»нинг охирида эҳтиросли, бироқ гуноҳкор рухоний Артур Димсдейл вафот этади. 1860-йилларнинг Фуҷаро Уруши жамиятнинг ўзига қарши жангидаги улкан ижтимоий фожияни юзага келтиришидан олдинок фоживий оҳанг Америка романларида етакчи мавзуга айланади.

Натаниел Хоторн (1804—1864)

Асли келиб чиқиши Англиядан бўлган Американинг бешинчи авлодига мансуб Натаниел Хоторн Шаркий Хидистон билан савдосотик олиб борган денгиз порти Бостондан шимол томон жойлашган Массачусетснинг Салемда таваллуд топган. Аждодларидан бири аввалги асрда Салемда ажина деб айбланган аёллар ўстидан ўтказилган суд жараёнларида судья бўлиб ўтган. «Етти учли том остидаги уй» романида Хоторн ёвузона ҳукми охибатида оиллага теккан лаънат ғоясини илгари суради.

Хоторннинг кўп қиссалари Пуританлар Янги Англиясида барпо этилиб, «Скарлет мактуби» (1850) номли энг йирик романи пуританлар Америкасининг классик тасвирга айланган. Унда эҳтиросли, динга берилган ёш Рухоний ота Артур Димсдейл ва таъсирчан гўзал шаҳарлик қиз Хестер Прин орасидаги таъқиқланган севги ришталари хикоя этилган. Пуританларнинг дастлабки колониялаштириш даври — 1650 йили Бостондаги вазият асосида бу роман Кальвинистик савдойилликни ахлоқ, жинсий зугум, гуноҳ ва тақво, руҳий нажот орқали тасвирлаган.

Ўз вақти учун «Скарлет мактуби» жасур ва хатто асосларни

емирувчи китоб бўлган. Хоторннинг нафис усули, тарихий муҳитнинг билинар-билинмас тасвири ва ноаниқлик унинг муҳдиш мавзуларини юмшатиб, умумий омmani хониктиради, ammo Ральф Вальдо Эмерсон ва Герман Мелвилл каби моҳир ёзувчилар бу асарнинг «жаҳаннамона» кучини тан олишади. XIX аср Америкасида шахс ҳулк-атвориға янгича, эркинлаштирувчи демократик тажрибанинг, алаҳхусус жинсий ва диний озодлик таъсирк масалаларини кўтаради.

Бу китобнинг шакли диққатга сазовор. Уринли равишда аллегория — илк пуритан колонистларнинг ўзи қўллаган адабий восита — ишлатилган.

Хоторннинг бошқа роман ва қиссалари ҳам унга шуҳрат келтирган. «Етти учли том остидаги уй» (1851) романида у яна бир бор Янги Англия тарихига муурожаат этади. «Уй»нинг вайрон бўлиб бориши Салемдаги оила ҳамда муайян тизилма тартиботларининг емирилишига шамадир. Наслдан наслга ўтувчи тавқи лаънат мавзуи кўтарилиб, уни муҳаббат ёрдамида баргараф этиш кўрсатилади. Бир мунаққид таъхидлаганидек, идеалистик бош қахрамон Холгрейв сиймосида Хоторннинг эски аристократик оилаларга нисбатан демократик шубҳаси гавдаланган: «Ҳақиқат шундан иборатки, ҳар ярим асрда ҳамида бир маротиба оила инсониятнинг улкан, омиё оммасига қўшилиши ва ўз аждодлари қимлигини унутмоғи керак».

Хоторннинг сўнги икки романи камроқ муваффақият ҳозонди. Уларда ўрта аср романининг жозибасини вайрон этувчи замонавий муҳит ишлатилди. «Бахтли водий романи» (1852) социалистик, ҳаёлий Брук Фарм [ирмоқ бўйидаги ферма] жамоасининг тасвири би-



НАТАНИЕЛ ХОТОРН




Фототрася СВМ тақдими

дан кизиқарлидир. Бу асарда Хоторн туб мохияти демократиядан йироқ бўлган худбин, ҳокимиятга интилувчи ижтимоий ислохотчиларни танқид қилади. «Мармар фавн» (1860) [қадимги Рим мифологиясида ўрмон илоҳи] сюжети қадимги Римга тааллуқли булсада, Пуританларга хос гуноҳ, яққалавиш, гуноҳни ювиш ва нажот излаш мавзуларини кўтаради.

Бу мавзулар ва муаллиф пуританларнинг колониал Янги Англиясига берган тавсифлари Хоторннинг қатор киска қиссаларининг хусусий аломатидир. Шулар қаторида «Рухонийнинг хора ёпиқчиги», «Ёш Гудмен Браун» ва «Менинг қариндошим майор Молинекс». Сўнги романда солда қишлоқи йигит илгари сира кўрмаган қудратли қариндошидан ёрдам сўраш учун шаҳарга келади — XIX аср Америка мухотида оддий аҳвол. Робин исмли бу йигит майорни топиш учун қийинчиликларга мубтало бўлади ва пировардида ғаройиб тунги кўзгўлонга бириқади. Унинг асноида шарманда бўлган бир жиноятчи аскияюмуз ва шафқатсиз тарзда шаҳардан қувилди. Ҳозиргина америкаликлар оломони томонидан тахтдан ағдарилган Британия вакили, «жиноятчи» — айнан у излаб юрган одам эканлигини англашидан олдин Робин ҳаммадан баланд кулади. Қиссада инсоният томонидан баҳам кўрилувчи гуноҳ ва азоб-уқубатларнинг ўзаро алоқадорлиги кўрсатилган. Шунингдек, ўз тақдирини ўзи яратувчи инсон мавзун бўртиб кўрсатилган: Робин фаровон турмуш кечирish учун бий қариндошларининг паноҳ бериши эмас, балки ҳар бир демократ америкалик каби ўз бетини меҳнатига таяниб, ўқиши лозимлигини англайди.

«Менинг қариндошим майор Молинекс» Хоторн ижодининг



Герман Мелвилл



энг ажойиб томонларидан бири — асарларидаги оилаларга фаоллик етишмаслигини ёритади. Фенимор Купернинг «Чарм пайлоқ қиссалари» оилаларни ёввойи табиат оғушида тасвирласа, Хоторн қиссалари ва романлари бузилган, лаънатга дуч бўлган ёки сунъий оилаларни ҳамда яққаланган шахснинг азоб-уқубатларини қайта-қайта тасвирлайди.

Инқилоб мафҳураси озодликка муқобил этилган гурур хиссини улуглашда муаян роль ўйнаган. Америка инқилоби, психологик тарихий нуқтан назардан, она-она сиймосидаги Англия ва кенгрок маънода Британия империясининг қатта оиласидан ёшларча исен ила ажралиш майлига муқобил этилган. Америкаликлар мустақилликка эришгач, аввалги ҳокимиятлардан айри ўзлигини кашф этиш муаммосига рўбарў келади. Бу жараён чегара жойларда беҳисоб маротиба қайтарилиб, бадий адабиётга сингиб ўтади ва шу тарикка яққаланиш гўёки Америка ҳаёт тарзининг асосий шароити сифатида қурилади. Пуританизм ва унинг бир тармоғи бўлган Протестантчилик шахснинг бирламчи масъулияти ўз руҳини кўтқариш эканлигини насихат этиб, оила устунларини янада заифлаштирди.

Герман Мелвилл (1819—1891)

Герман Мелвилл ҳам Натаниел Хоторн каби қадимги бадавлат оиланинг авлоди бўлиб, отасининг вафотидан сўнг камбағалликка дучор бўлади. Зодагонларча келиб чиқиши, мағрур оила анъаналари ва бетиним меҳнат қилишига қарамай Мелвилл камбағалликка дучор ва коллеж таълимидан маҳрум бўлиб, 19 ёшида денгизга чиқиб кетади. Унинг денгиз ҳаётига кизиқиши ўз тажрибаси-

дан зуҳур топади ва илк романларининг аксарияти унинг саёҳатларидан илҳомланади. Бу борада биз ёш Мелвиллнинг кенг демократик тажрибасини ҳамда зулқ ва адолатсизликдан нафратланишини кўраемиз. Унинг биринчи асари «Тайпи» бўлиб, Жанубий Тинч океаннинг Маркиз оролларида одамхўр ҳисобланган Тайпи қабиласида орттирган тажрибасига асосланган. Асарда оролликлар ва уларнинг табиатга монанд, ҳар томонлама уйғун ҳаёти мактаблиб, Христиан миссионерлари танқид қилинади. Тўғри йўлга солишга келган оролликларга нисбатан Мелвилл уларни маданиятсиз деб топади.

«Моби Дик ёки Кит» – Мелвиллнинг шох асари бўлиб, китларни овловчи «Пиквод» кемаси ва унинг «худосиз, аммо ўзини худо деб билувчи инсон» – Капитан Эҳаб ҳақидаги эпик роман-дир. Унинг оқ кит Моби Дикка қарши телбаларча хуружга кема ва унинг тоқинини ҳалокатга етаклайди. Бу асар реалистик саёҳат романи жанрида битилиб, инсон ҳаётининг шарт-шароитлари борасида қатор мулоҳазаларга бой. Китник овлаш жараёни асар узра билми излаш метафораси бўлиб ўтади. Китлар ва кит овлаш санъати ҳақидаги ҳаққоний маълумотлар ва тавсифлар китобда кўп учрайди, бироқ улар рамзий маъноларга молик. «Оқ китнинг боши» деб номланувчи 15-бобда ҳикоячи Солих Китни – Стоик [матонатли], Кашалотни эса – Платончи [сўз билан чекланувчи] билан таққослаши фалсафанинг икки классик мактабига шамодир.

Мелвилл романи фалсафий асар бўлишига қарамай шу билан бирга фожиа ҳам. Ўз қаҳрамонлигига қарамай Эҳаб асар ниҳоясида ўлимга ва эҳтимол лаънатга маҳкум этилади. Табиат эса, наҳадар гўзал бўлишидан қатъий назар, ёт ва шафқатсиз бўлиб қолади. «Моби Дик»да Мелвилл инсон зоти табиатни тушуниши мумкин деган Эмерсоннинг оптицистик ғоясига қарши чиқади. Улкан оқ кит Моби Дик романда ҳукм сурувчи сирли, космик бир мавжудот бўлиб, гўёки айнан у Эҳабни таъкиб этади. Кит ва кит овлаш ҳақидаги далиллар Моби Дик моҳиятини очиб беролмайди: аксинча, далилларнинг ўзи рамзийликка мойил бўлиб, ҳар бири мавҳум даражада ўзга далилларга космик тўқина орқали боғлиқдир. Мелвилл ўзи «Сфинкс» бобда айтганидек, мазкур «мутаносиблик» ғояси инсонлар табиат китобидан ҳақиқатни

«ўқиб олиши» мумкинлигини англатмайди ва шу томони билан Эмерсон ижодидан фарқланади. Мелвилл далилларни тизмалаш ортида мистик манзара мавжуд бўлиб, унинг табиати ёмонлик ва эзгулик, инсоний ва ноинсоний эмаслиги сира тушултирилмайди.

Бу роман ўзига ҳавола этиш ва инъикосга мойиллиги туфайли замонавийдир. Ўзгача айтганда, роман кўпинчалик ўзи ҳақида ҳикоя қилади. Мелвилл кўпинчалик ёзиш, ўқиш ва тушуниш каби ақлий жараёнларни шарҳлайди. Мисол учун, бир боб ўта батафсил тадқиқот бўлиб, муаллиф тасниф беришга уринади, бироқ пировард натижада шахар бой бериб, ҳеч бир улкан нарса тугалланиши мумкин эмас деган хулосага келади. («Худо мени бирон нарсани ниҳоясига етказишдан сақлади. Мазкур китоб бутунлигича атиги бир қултумдир, – ҳатто қултумининг бир қатра қултумидир. О, замон, ҳуч-қудрат, маблаг ва сабр-тоқат»). Мелвилл адабий матнга номукамал нусха ёки бир ташландик қоралама сифатида қараши ўта замонавийдир.

Капитан Эҳаб қаҳрамонга мутлақ борлиқнинг вақтдан устун дунёсида ўз кема тоқими устидан устувор тура олувчи сиймо бўлиб кўрinishга тиришади. У нодонларча жавоб талаб этади. Бироқ роман шуни намоён этадики, адолат бу китобда тугалламаган матн бўлиб, эҳтимол унда ўлимдан ўзга ниҳойи жавоблар йўқ.

Роман узра муайян адабий параллеллар ўтган. Қўхна Инжилдаги қирол шарафига номланган капитан Эҳаб тўлиқ, Фаустга ҳос, худого монанд билим истайди. Софокл пьесасидаги хато билим эъазига фоживий тўлов берган Эдип сингари капитан Эҳаб оёғидан жароҳатланиб, улишидан олдиқ кўр бўлади. «Моби Дик» романи «етим» сўзи билан тугалланади. Ҳикоячи Ишмаил етимга ўхшаш сайёҳдир. Ишмаил исми Эски Инжилнинг Генезис китобидан олинган: у Абрахам ва (Абрахам хотинининг хизматкори) Ҳожарнинг ўғли бўлган. Ишмаил ва Ҳожар эса Абрахам томонидан ёвони жойларга қувилган эди.

Бошқа мисоллар ҳам бор. Рахель (патриарх Яқобнинг хотинларидан бири) – Ишмаилни асар охирида қутқарувчи қайиқ номи. Ва ниҳоятда, метафизик кит яҳудий ва насроний китобхонларга Иона ҳақидаги Библия ривоятини эслатади: Ионани омадсизлик манбаи деб ҳисоблаган денгизчи хамроҳлари уни кемадан денгизга улоқтириб юборишган. Библияга би-

нояк, «улкан балик» Ионани ютиб юборди. Худо аралашиб, Ионани куружликка қайтармагунга қадар у шу балик қорнида яшаган. Жазодан қутулиш ниятида у ўзига янада кўпроқ азоб-қубатлар келтирган.

Роман тарихий муқобилларга ҳам бой. Кема Янги Англиянинг йўқ бўлиб кетган ҳинд қабила-си номига «Ликвод» деб аталган. Шу тариқа бу исм кеманинг вайрон бўлиши муқаррарлигини белгилайди. Дарҳақиқат, кит овлаш алаҳқусус Янги Англияда асосий саноат бўлиб, энергия манбаи бўлиши мой етказиб берган. Айниқса лампа пилликларига. Шу туфайли кит овлаш том маънода борликка «нур таратган». Кит овлаш тобора кенгайиб, китларни қидириш учун америкаликларни дунё бўйлаб сузишга мажбур этгани туфайли тақдир тақозоси гоёси билан боғлиқ эди. Дарҳақиқат, ҳозирги Гаваии штати Американинг кит овлаш кемалариникиг ёнидаги олиш базаси бўлгани учун Америка ҳужумронлик доирасига киритилди. «Ликвод» кема тоқими-нинг аъзолари барча миллат ва турли дин вакиллари бўлиб, Американи узумбашар давлат ҳамда курама этиб, эритувчи қолп сифатида таърифлайди. Ва нихоятда, капитан Эҳаб Америка демократик шахсиятчилигининг фоживий қўрғинини ифодалайди. У ўз тақдирини шахс сифатида тан олади ва борлиқнинг бе-шафқат ташқи қучларига қарши чиқишга журъдат этади.

Роман нихоятс кеманинг фоживий равишда вайрон бўлишидан келиб чиқувчи ҳулосани юмшатади. Шу орқали Мелвилл дўстлик ва қўпма-даниятли инсон жамиятининг аҳамиятини таъкидлайди. Кема қўкиб бўлган. Ишмаил ўзининг яқин дўсти, ботир гарпунчи ва Полинезия шахздаси Куиккет ясаган тобутда жонини сақлаб қолади. Тобутнинг содда, афсонавий маъноси борлиқ тарихини ифодалайди. Ишмаил ўлим ашёси ёрдамида ўлимдан қутқарилади. Асар охирида ўлим қаридан ҳаёт вужудга келади.

«Моби Дик» «табiiий эпос» деб аталади ва бунга сабаб – инсон руҳининг фоживий бури-лишлари содда табиат оғушида содир бўлади; овчилик афсонаси; дастлабки мавзун; жаннат-маҳон орол рамзлари, технология асридан олдин одамларга муносабат; қайта тирилиш жумбоғига жавоб излаш. Инсонларни табиат билан яқхамма-яққа қолдирувчи бу роман моҳиятан америкачадир. Француз ёзувчиси ва сивъатчиси

Алексис де Токвиль 1835 йили ёзилган «Америкада демократия» асарида бу мавзу Америкада демократия сабабли кўтарилишини башорат этган:

«Ўз мамлакати ва ўз замонасидан айри равишда олинган ҳамда Табиат ва Худо наздида турувчи Инсоният ва алоҳида инсон тақдирининг эхтирослари, шубҳалари, ўзига хос мэйллари ва тушуниб бўлмаст тубанлиги (Америка шеърятининг) яққою ягона бўлмаст ҳам асосий мавзусига айланади».

Токвиль фикрича, демократик жамиятда адабиёт синф ёки мартаба қаби ташқи белгилар ёки ихкамламчи ҳусусиятлардан кўра кўпроқ «инсон табиатининг номоддий аширин тубларига» сингиб ўтиши керак. «Гекльберри Фин саргузаштлари» ва «Уолден» қаби «Моби Дик» ва «Тайпи» асарлари ҳам айнан шу таърифга мос келади. Улар борлик нашидасига тўла бўлиб, синфларга мослаштирилган шахар цивилизациясига қарши насихатомуз ибратли асарлардир.

Эдгар Аллан По (1809–1849)


Эдгар Аллан По жанублик бўлиб, реализм, пародия ва бурлеск билан курама этилган зулматли метафизик қараш билан Мелвилл ижодида яқин туради. У қисса қисса жанрини жонлантириб, детектив бадий адабиёт турини ихтиро этди. Қиссаларининг кўпи илмий бадий адабиёт, даҳшат ва фантастик жанрларга замин таёрлади.

Понинг қисқа ва фоживий ҳаёти хавф-хатарларга тўла эди. XIX аср Америка ёзувчилариникиг кўпи сингари По ҳам болалигида етим қолган эди. 1835 йили хали 14 ёшга ҳам тўлмаган энг яқин кузинаси Виржиния Клеммга галатик уйланиши ўз маҳрум булган мустақкам оқла ҳаёти барпо этишга уриниш деб тушунилганди.

По эътиқодича гаройиблик гўзалликнинг муҳим таркибий қисми бўлгани учун ижоди кўпкин-чалик ўзига хос гаройибона тус олади. Унинг қиссалари ва шеърлари маҳкум этилган, ўз ҳаёлларига чўмган аристократлар билан тўла (ўзга қўл жанубликлар сингари По ҳам аристократик идеални эъозлаган). Мазкур ҳазин сиймолар, қўрғинишдан, қеч қачон ишламайди ва жамиятга қўшилмайди; бунинг ўрнига улар ўзларини ўзлари қоронғи, вайронага айлақатган қас-

рларда узлатга махкум этади. Яширин хоналарда кадимги кутубхоналар, гаройиб санъат буюмлари ва хилма-хил шарқий буюмлар кашф этилади. Аристократлар ўз маскану оилалари фожиалар, купинчалик севганларининг ўлимга мубтало бир пайтда мусиқий асбобларда чалади ёки кадимги китобларни мутолаа қилади. Ҳаёт була туриб ўлимга берилиш мавзуи, айниқса ёлғизликка берилиш ёки вампир каби гурдан кайтиш Понинг кўп асарларида кайтарилади. Шулар катори «Вақтидан олдин кўмиш», «Лигея», «Амонтильда май бочкаси» ва «Ашёр уйининг кулаши». Понинг ҳаёт ва ўлим орасидаги мавҳум киролиги ва жимжимдор Готик муҳитлари биргина декорация эмас. Улар қаҳрамонларининг безовта руҳиятини ва ҳатто ўлимга ички дунёсини ўта маданиятли равишда акс эттиради. Улар — ботиний шуурнинг раъсий ифодаси ва шу туфанди ижодининг марказий мавзуси.

Ўзга кўплаб жанубликлар сингари Эдгар По шеърини ҳам ўта оҳанграбо ва аниқ метрик тузилишга эга. Ўз даври учун ва ҳозир ҳам энг машҳур шеъри — «Кузгун қарга» (1845). Мазкур даҳшат сингидирувчи шеърда арвоҳлар келишидан уйхусини йўқотган хикоячи ярим тунда ўз «йўқотган Левораси»нинг ўлимига қайғуриб узлатга берилганида, ҳузурига кузгун қарга (ўлимга ейдиган қуш, яъни ўлим даракчиси) учиб келиб, эшигининг устига ўтириб олади. Шеърнинг машҳур рефрени таҳликали оҳангда кайтарилади: «ҳамон — ҳеч қачон». Достои ҳаёт була туриб ўлимга берилишнинг даҳшатли манзараси билан тугалланади:



Эдгар Аллан По

Фототрася

Ва Кузгун қарга, ҳеч қачон жойдан жойга учмас,
Утирар, ҳамон утирар
Шундоққина эшигим тепасидаги
Палласнинг ўлимга оппоқ
бюстида;
Ва унинг кўзлари ҳаёл сураётган
Шайтоннинг манфур кифёсин
ифодалар.
Тепасидаги мисбох шуъласи
Унинг соясин нақшлар;
Менинг руҳим эса
Хонам саҳнини тўлдирган
Бу соя домидан
Кутарилмас энди ҳамон-ҳеч
қачон!

Понинг шунга ухшаш қиссалари даҳшатли эртақлар деб таърифланган. «Олтин хашарот» ва «Ғирланган мактуб» каби қиссалари кўпроқ мантқиқий мулоҳазалар еки далиллар асосидаги эртақлардир. Даҳшатли ривоятлар Америка даҳшат фантастлари Х.П. Ловекрафт ва Стивен Кинг каби ёзувчиларнинг асарларига замин тайёрлади. Мантқиқий мулоҳазани қиссалари эса Дэниел Хаммет, Раймонд Чендлер, Росс Макдональд ва Жон Д. Макдональдининг детектив асарларидан дарақчи бўлди. Унинг ижоди кейинчалик илмий бадиий адабиёт жанрига ҳам туртки беради. Барча қиссалари Понинг ақлга ва чексиз билимга мафтунлигини кашф этади. Айнан шу билим XIX аср мафқурасани тубдан дунёвийлаштирди.

Ҳар бир жанрда По руҳиятни тасвирлайди. Қиссалари ўзга чукур психологик башоратлар яркирайди. «Қора мушук» китобида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Бундай қилмаслиги кераклигини билганидан ўзга сабабсиз юзлаб маротиба ким ўзини тубан ёки аҳмоқона иш содир этаётган ҳолда топмаган». Ҳужий жараёнларнинг гаройиб ва ажиб жихатларини қўллаш учун По телбаллик ва ҳад-

дан зиёд эхтирослар тасвирига гарк бўлади. Қиссаларига хос олдидан ўйлаб ишлатилган услуб ва батафсил таърифлар ҳақиқатга яқинлиги туфайли ҳодиса-воқеаларнинг дахшат ҳиссини кучайтиради.

По ижодига хос декаданс ва романтик соддалик қурамаси европаликлар, алалхусус француз шоирлари Стефан Маларме, Чарльз Бодлер, Поль Валери ва Артур Римбадни ўта ҳаяжонлантириб, ўзига жалб этди. Бирок По демократияга нисбатан ўзининг аристократларча нафратланиши, гаройибоналикни ҳуш кўриши ва инсонийликка қарши мавзуларига ҳам қарамай америкалик ижодкордир. Америка демократияси психологиясининг энг чуқур, яширин бурчақларига сингиб ўтувчи асарларни барпо этиш кераклиги ҳақидаги Токвиль башоратига деярли қумтоз ўсиб бўла олади. Чамаси, чуқур ташвиш ва рухий ҳадиксираш Европадан олдин Америкада илдиз отган қўринади. Европаликлар, ақалли равишда, уларга рухий осойишталик бағишловчи собит ва мураккаб ижтимоий таркиботга эга бўлганлар. Америкада эса мувоzanатлантирувчи ҳавфсизлик бўлмаган; ҳар бир одам ўз ёғида ўзи қовурилган. По ўз тақдирини ўзи яратган инсон ҳақидаги Америка орзусининг астарини батафсил ёритади ва материализми ҳамда ҳаддан зиёд рақобатнинг нақадар ёлғизлик, ўзгалардан четланиш ва ҳаёт бўла туриб ўлиш орқали эришилганини кўрсатади.

Понинг «декаданси» XIX асрда ўрнатилган раъзларнинг қадрсизланишини ҳам акс эттиради. Булар — ўз моҳиятидан айри этиш, турли давр ва жойларнинг санъат буюмларини коллекцияда бир безак сифатида тартибсиз аралаштириш майли. Вунинг натижасида юзага келган қурама услуб бетартиблиги айниқса ўз анъанавий усулларида танқислик сезган Америка Қўшма Штатларида кўзга яққол ташланган. Ҳижрат, шаҳарларга кўчиш ва саноатлаштириш оилалар ва анъанавий ҳаёт тарзини ўз илдизларидан маҳрум этгани сайин тафаккурнинг узвий боғлиқ силсилалари йўқотилишини акс эттирган. Санъатда символларнинг бундай аралашмаси гротескни яратди. По «Гротеск ва арабеск эртақлар» (1840) деб номланган классик қиссаларни тўпламида бу ғояни ошқора равишда ўз мавзун қилиб олди.

АДИБАЛАР ВА ИСЛОҲОТЧИЛАР

Америкалик аёллар XIX асрда кўплаб тенгсизликларга бардош бериб келди: улар овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум эди; профессионал мактаблардан ва аксарияти олий таълимдан ташқарида эди; жамоатчилик олдида нутқ сўзлашлари ва ҳатто ижтимоий йиғинларда иштирок этишлари ман этилганди; ўз мулкига эгаллик қилолиасдилар. Мазкур ҳўрликларга қарамай, иродаси кучли аёллар юзага чиқа бошлади. Мактуб, шахсий ўртоқлик ришталари, расмий йиғинлар, аёлларнинг газеталари, китоблар ёрдамида улар ижтимоий ўзгаришни илгари суришди. Ақли расо аёллар ўзлари ва куллар орасида ухшашлик борлигини уқтиришди. Ижтимоий қаршилик ва баъзан молиявий фалокатга қарамай кулликни бекор этиш ва аёлларга овоз бериш ҳуқуқини бериш каби асоскор ислохотлар ўтказишни қатъий равишда талаб этишди. Уларнинг асарлари сентиментал романи камраб олган аёллар адабий анъанасининг авангарди эди. Хэрриет Бичер Стоуннинг «Том амаки кулбаси» каби сентиментал романлар ўта машҳур эди. Улар эхтиросларга қурожаат этиб, қўпинчалик мунозарали ижтимоий масалаларни диққат марказига олган. Оила ва аёлларнинг ўрни ҳамда масъулияти алоҳида эътибор қозонган.

Аболиционист Лидия Чайлд (1802—1880) бу силсиланинг етакчиси бўлиб, Маргарет Фуллерга қатта таъсир ўтказган. 1824 йили нашр этган «Хобомок» романи муваффақият қозониб, ақлий ва диний бағрикенглик кераклигини кўрсатган. Унда тасвирланган Массачусетсдаги пуританлар Салемия Натаниел Хоторн ижодига йўл очиб берди. Фаол жамоатчи бўлган Чайлд кизлар учун хусусий мактаб таъсис этиб, Қўшма Штатларда болалар учун биринчи журнал барпо этган ва унга муҳаррир бўлган. 1833 йили «Африкаликлар деб аталувчи америкаликлар ҳимоясига даъват» деб номланган қўлдорликка қарши илк рисола нашр этди. Бу жасур асар адибани машҳур этсада, молиявий жиҳатдан хароб қилди. «Турли давраларда ва турли давлатларда Аёллар маъҳеиникс тарихи» (1855) деган асари аёлларнинг тарихий ютуқларини таъкидлаш орқали уларга тенглик беришга чакирди.

Ангелина Гримке (1805—1879) ва Сара Гримке (1792—1873) Жанубий Каролинадаги кўркам Чарлстоунда бадавлат қўлдорлар оиласида та-

валлуд топган. Бу опа-сингиллар қоратанлилар ва аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш учун Шимол томон силжийди. Нью-Йоркдаги Кулликка қарши Жамият нотиклари сифатида улар жамоатчилик, шу жумладан эркаклар олдидан нутқ сўзлаган илк аёллар бўлди. Мақтублар, эсселар ва таҳлилларда улар расизм ва жинсийатчилик орасида ўхшатиш ўтказган.

Элизабет Кэди Стентон (1815–1902) — аболционист ва аёллар ҳуқуқлари ҳаракатининг фаоли — муайян вақт Бостонда яшаб, Лидия Чайлд билан ўртоқлашган. Лукреция Мотт билан биргаликда 1848 йили Аёллар ҳуқуқлари учун Сенека Фоллз Конвентини ташкил этган; шунингдек, бу йигинининг «Раёйлар Декларацияси» лойиҳасини ишлаб чиққан. Унинг «Аёллар Мустақиллиги Декларацияси» «эркаклар ва аёллар тенг этиб яратилган» сўзлари билан бошланиб, аёлларга овоз бериш ҳуқуқини таъминлаш қарорини ҳам камраб олади. Сюзан Б. Энтони билан биргаликда Элизабет Кэди Стентон 1860–1870 йиллар мобайнида аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи учун курашди. Бу соҳада улар кулликка қарши Аёлларнинг миллий садокат лигаси ва Овоз бериш учун аёлларнинг миллий уюшмасини ташкил этиб, «Ивкнлоб» ҳафталик газетасига биргаликда муҳаррирлик қилишган. Аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи уюшмасининг 21 йил давомидаги Президенти бўлган Стентон аёллар ҳуқуқлари учун курашган. У хатор штатларда ижтимоий лекциялар ўқиб, етти фарзандининг таълимини таъминлаган.

Эри вафот этган. Стентон жинслар орасидаги нотенсизлик таҳлилини чуқурлаштиради. «Аёллар Библияси» (1895) номли асари яҳудий-насоний анъанада чуқур ўрнашиб олган аёлларга қарши нотўғри тушунчани қўра билди. У ажралиш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва дин бобида 86 ёшида аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқини қўлаб, президент Теодор Рузвельтга хат ёзганидан кейин оламдан ўтгунга қадар лекциялар ўқиди. Аввалига тахаллус, кейин эса ўз номи остидаги кўп асарлари орасида ҳаммуаллифликда ёзилган «Аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқлари тарихи»нинг уч жилди (1881–1886) ва юмористик ҳолисона автобиографияси ўрин олган.

Сожоурнер Труз (т.1797–1883) аёллар гуруҳига хос магонат ва ички дунёсининг латофатини ўзида мужассамлаштирган эди. Нью-Йоркда қўл бўлиб тутилган Труз голланд тилида сўзлашиб катта бўлди. 1828 йили кулликдан озод

этилиб, ўгли ва кизи билан голландиялик америкаликлар Ван Вагенер оиласига ўтиб, уларга хизматкор бўлган. Углининг озодлиги учун ҳуқуқий курашда голиб чиқишига ёрдам берган маддорлари Вагенерларнинг исми-шарифини олган. Фокшшаларни Христиан динига ўтказиш учун тарғибот этган ва прогрессив жамоа уюмида яшадди. Фаройиб говушлар ва кўринишлар хис эта бошлагани туфайли «Сожоурнер Труз» — «Узлатдаги ҳақиқат» деб номланди. Мазкур кўринишлар таълимотини тарқатиш учун у ўттиз йил мобайнида узлатга берилиб, лекциялар ўқиган, илохий маззудаги қўшиқлар қуйлаган ва кўп штатларда аболционизм гоёларини тарғиб этган. Элизабет Кэди Стентон томонидан рағбатлантирилган Труз аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқини ҳимоялаган. Унинг ҳаёти афтобиографик «Сожоурнер Труз кисаси» (1850) да баён этилган. Бу асар Олив Жилберт томонидан ёзиб олиниб, таҳрир этилган. Ўр буйи саводсиз ўтган Труз голландиялик акцент аралаш инглиз тилида сўзлаган. Айтишларича, аёллар ҳуқуқлари буйича йигинда Сожоурнер Труз аслида эркак деб айбланганида, куракларини очиб кўрсатган экан. Аёллар заиф жинс деб айтган эркакка берган жавоби афсонага айланган:

«Мен ер ҳайдаб, экин экканимда ва ҳосил йиғиб олганимда ҳеч бир эркак менга бошчилик қилмаган! Ёки ўшунда мен аёл эмасмидим? Мен худди эркак каби кўп ишлашам ва топганимда, овқат ейишим ҳамда камчи ейишим мумкин эди! Ушанда мен аёл эмасмидим, ахир? Мен ўн учта фарзанд туғдим ва уларнинг аксари кулликка сотилганини кўрдим ва онамнинг аламига ҳамроҳ бўлиб бақирганимда Иисусдан ўзга ҳеч зот дол-войинини эшитмади! Ушанда мен аёл эмасмидим, ахир?»

Ҳазиллаш ва шарт кесар Труз буюк блюз қўшиқчиларига ўхшатилади. Хэрриет Бичер Стоу ва ўзга қўлаб одамлар «Эгам, Эгам! Мен ҳатто бу оқтанлиларни ҳам сева оламан!» деб айта олган қоратанли аёлда донолик аломатини кўра билишган.

Хэрриет Бичер Стоу (1811–1896)

Хэрриет Бичер Стоунинг «Том амаки кулбаси» ёки «Омийлар орасидаги ҳаёт» асарлари

ХІХ аср Америкасининг энг омма-
боп китоблари булган. Биринчи-
си «Миллий эра» журналида
(1851—1852) силсила бўлиб нашр
этилганида дархол муваффақият
қозонди. Англиянинг ўзида уни
40 турли ноширлар чоп этиб, тез
орада 20 тилларга таржима этил-
ди. Францияда Жорж Санд, Гер-
манияда Генрих Гейне ва Россия-
да Иван Тургенев каби адиблар-
нинг олқишига сазовор бўлди.
Америка Қўшма Штатларида қул-
ликка барҳам бериш борасида ўн
йил мобайнида мунозарани алаң-
галатиб, АҚШ Фуқаролар Урушига
(1861—1865) тақалди.

«Том амахи қулбаси»нинг шу қад-
дар муваффақият қозонишининг
сабаблари аён. Барчага демократ-
тия ва тенгликни раво кўрган дав-
лат сифатидаги Америка Қўшма
Штатларида қўллик ўта адолатсиз
мақом эканлиги ғоясини акс эт-
тирган.

Стоунинг ўзи Янги Англиялик
кадимги пуритан оиласидан келиб
чиқади. Унинг отаси, акаси ва эри
барчага танилган ўқимшли Протестант
руҳонийлари ва ислохот-
чилари бўлган. Стоу бу асар ғояси-
ни — калтақланган ва хурланган
қари қулнинг ҳаёлотини — черков-
да ибодат пайти оңглайди. Кейин-
чалик, бу роман «Худо томонидан
ёзилган» ва илҳомлантирилган
деб айтади. Унинг мавзуу — ҳаётни
янада тақводорлаштириш орқали
уни ислох этиш борасидаги диний
эҳтирос. Романтизм даври ҳис-
туйғулар пайти кириб келишидан
ларак берди: оила қадриятлари ва
меҳр-оқибат олий мақом касб эт-
ди. Стоунинг романи қулдорлик
оила қадриятларини поймол этга-
ни учун унга қарши чиқди.

Том амахи — қул ва марказий об-
раз бўлиб, ўзининг хушфелъ ҳуж-
айини Клэрни адолат йўлига қайта-
ришга уринаётган том маънодаги
насоний жафоқашдир. Клэр ва



Хэрриет Бичер Стоу

фотидан сўнг унинг жойи жаннат-
да бўлиши учун ибодат қилади ва
кул аелни ҳимоя этаётганида ўл-
дирилади. Қулдорлик сиёсий ёки
фалсафий сабабларга кўра эмас,
балки асосан оила азёзоларини
бир-бирдан ажратиши, ота-она-
ларча меҳр-оқибатни орадан қу-
тариши ва туб моҳияти билан
христиан динига зид бўлгани учун-
гина ёвузлик сифатида қоралана-
ди. Энг таъсирчан сахналарда ўз
чинкираётган фарзандига ёрдам
беришга ожиз қул онанинг жон
талвасаси ва ўз оиласидан ажра-
тилган отанинг сотиб юборил-
лишини тасвирлайди. Бунинг барча-
си оилавий меҳр-оқибат муқад-
даслигига қарши жиноят булган.

Стоу романи жанубга қарши ҳу-
жум сифатида мулжалланганди;
аслида Стоу жанубга зиёрат этиб,
жанубликларга дил қўйган ва
ўларни хушфелъ этиб тасвирла-
ганди. Жанублик қулдорлар ро-
манда яхши ҳужайин сифатида
кўрсатилиб, Томга яхши муомала
килишади. Клэрнинг шахсан ўзи
кулдорликдан нафратланади ва
ўзининг барча қулларини озод
этишга уринади. Ўзга томондан
ёмон ҳужайин Симон Лерри ши-
моллик ва ёвуздир. Роман ўн йил
мобайнида фуқаролар уруши ёқа-
сига келаятган Шимол ва Жануб-
ни яраштиришга қаратилган эди.
Аслида эса аболционистлар ва
бошқалар томонидан Жанубга
қарши баҳсда ишлатилди.

Хэрриет Жэкобс (1818—1896)

Шимоллий Каролинада қул бў-
либ тутилган Хэрриет Жэкобс ўз
бекасидан ўқиб ва ёзишни ўргана-
ди. Бекасининг вафотидан сўнг
Жэкобс оқтанли ҳужайинга со-
тилиб, жинсий алоқага ундалади.
Унга қаршиллик кўрсатиб, ўзга оқ-
танли маҳбуб топади ва ундан ик-
ки фарзанд кўради. Болалари бу-


Фотолараси
Калвор пажирез тасдиқи

висиникида тарбияланади. «Зурлаш оқибатида бировга қарам бўлишдан кўра ўз хошимизга кўра бошқага рози бўлиш мен учун камроқ камситилиш бўлиб кўринди», деб холисона ёзади Жэкобс. «Ўз хужайинидан қочиб, Шимол томон кетди», деган гаплар тарқатади.

Қўлга тушиш ва қўллик ҳамда жазога муқтало бўлиш қўрқуви остида у хужайини яшовчи шахарда салкам етти йил бувисининг кичиқина қоронғи болохонасида яшириниб юради. Суюкли фарзандларини шипда қилган тешиқлар ортидан пинхона кўриб, дийдорига тўйишга мажбур бўлган. Оқир оқибатда Шимолга қочади ва Нью-Йоркнинг Рочестерида ўт-рок бўлади. Айнан шу ерда Фредерик Дуглас қўлдорликка қарши «Шимолӣ юлдуз» газетасини нашр қиларди ва яқин орада Сенека Фоллзда аёлларнинг ҳуқуқлари бўйича йиғин ўтказилган эди. Шу ерда Жэкобс квакер феминист аболиционисти Эми Пост билан дўгоналашади ва унинг рағбати билан ўз автобиографиясини ёзади. «Қул қиз ҳаётининг қодисалари» деб номланган бу асар 1861 йил «Линда Брент» таҳаллуси остида чоп этилади. Унга Лидия Чайлд муҳаррирлик қилади. Асарда қоратанли қул аёлларнинг жинсий эксплуатацияси кескин қораланади. Дуглас китоби сингари Жэкобснинг асари ҳам қўллар ҳикоя жанрининг бир қисми бўлиб, колониал пайтлардаги Олауда Икуано ижодига бориб тақалади.

Хэрриет Уилсон (1807–1870)

Хэрриет Уилсон Америка Қўшма Штатларида «Бизнинг негр: ёки Шимолдаги иқкн қаватли оқлар яшайдиган уйдаги эркин қоратанли ҳаётидан лавҳалар. Қўлдорлик сояси ҳатто шу ерда ҳам тушгани-



ФРЕДЕРИК ДУГЛАС



Эста: Мильерий портрет гелер
Смитсон институти тақри

ни кўрсатиш» (1859) номли роман нашр этган илк африкалик америкаликдир. Роман реалистик чизғиларда оқтанли аёл ва қоратанли эркакнинг турмуш қуришини тасвирлаб, бадавлат насроний уйда қоратанли хизматкорнинг оғир ҳаётини тасвирлайди. Аввалга автобиография сифатида кўрилган бу асар эндиликда бадиий адабиёт намунаси сифатида қадрланади.

Жэкобс сингари Уилсон ҳам асарларини ўз номи билан нашр этмаган ва унинг асарлари яқингача назардан четда қолиб келган. Айнан шу тақдир ўша даврнинг аксарият адиблари ижодига ҳам таллуқлидир. Қоратанли адиблар бадиий адабиётини диққат марказига олгани билан таниқли африкалик америкалик олим Генри Лус Гэйтс 1983 йили «Бизнинг негр...»ни қайта ўрганиб чиқди.

Фредерик Дуглас (1817–1895)

Ўз замонасида қўлдорликка қарши қоратанли америкаликлар ҳаракатининг етакчиси ва нотих Фредерик Дуглас Мэриленд плантациясида қул бўлиб тутилган. Тақдир унга қулиб боқади ва ёшлигида нисбатан либерал рухли Балтимор шахрига юборилиб, у ерда ўқиб ва ёзишни ўрганади. 1838 йили 21 ёшлигида Массачусетсга қочган Дуглас аболиционист муҳаррир Уильям Аллойд Гаррисондан мадад олади ва қўлдорликка қарши жамоаларда лекциялар ўқий бошлайди.

1845 йили у «Америкалик қул Фредерик Дуглас ҳаётининг қиссаси»ни нашр этади. (Иқкнчи тахрири 1855 йил, қайта ишлаб чиқилган нашри 1892 йил). Бу асар қўлаб «қуллик қиссалари» орасида энг оммабопидир. Купинчалик саводсиз қоратанлилар томонидан оқтанли аболиционис-

тларга озгаки гапириб берилган ва ташвиқот тарзида ишлатилган қуллар қиссалари Фукаролар Урушидан олдинги йилларда барчага маълум эди. Дуглас қиссаси жонли ва ўта адабий тилда ёзилиб, қулдорлик жамияти ички рухий дунёсининг антика кўринишларини ифодалаган ва бу қурилманинг қоратанлиларга қанчалар азоб-укубат келтиришини тасвирлаган.

Қуллар қиссалари Америка Қўшма Штатларида қоратанли адибларнинг илк проза жанри бўлган. Оқтанлилар Америкасида африкалик

америкаликларга ўзлигини касб этишга ёрдам берган ва XX аср узра ҳам қоратанли адибларнинг бадиий воситалари ва мавзуларига чуқур таъсир ўтказган. Ўзликни англаш, дискриминацияга қарши газаб ҳамда оқтанли кўпчилик томонидан саводсиз қолдирилиб, кўримсиз, махфий ва таъқиб остида ҳаёт кечирish мавзуси Ричард Райт, Жеймс Болдуин, Ральф Эллисон ва Тони Моррисон каби XX аср Америка қоратанли адиблари ижодида қайта кўтарилди.

V-БОБ

РЕАЛИЗМИНИНГ ВАЗЖАДА КЕЛИШИ: 1860—1911

Саноатлаштирилган Шимол ва қишлоқ ҳужалиғига асосланган ҳамда қуллар меҳнатига таянган Жануб орасидаги АКШ Фукарлар Уруши (1861—1865) Америка тарихида сув айиргичи вазифасини ўтаган. Ёш демократик давлатнинг содда оптимизми урушдан сўнг холсизланиш даври билан алмашди. Америка идеализми сақланиб қолди, бироқ ўзга йўналишга бурилди. Урушдан олдин идеалистлар инсон ҳуқуқларини, айниқса қулдорликни беқор этганини хийма этган. Урушдан сўнг эса америкаликлар тобора кўпроқ даражада тараққиёт ва ўз тақдирини ўзи яратувчи инсон сиймосини идеаллаштира бошлади. Бу вақт — миллионер ишлаб чиқарувчилар ва биржада бойувчи олиб-сотарлар даври бўлиб, Дарвиннинг эволюция назарияси ва «мослашувчи тирик қолади» тушунчаси омадди бизнес магнатларининг баъзан ахлоқсиз усулларига руҳсат бергандек туюларди.

Урушдан сўнг бизнес соҳаси ута жонланиб кетди. Уруш даврида ишлаб чиқариш Шимол саноатини оёкка турғизишга мадад берди, Ўнга обрў-эътибор бағишлаб, сиёсий туртки берди. Шунингдек, саноат раҳбарларига одамлар ва механизмларни бошқариш соҳасида қимматли тажриба ҳам берди. Америка ерининг улкан моддий — темир, кўмир, нефть, олтин ва қумуш — ресурслари бизнес соҳасини жонлантирди. 1869 йили ишга туширилган Континентал янги темир йул системаси ва 1861 йили иш бошлаган континентал телеграф материаллар, бозорлар ва алоқа воситаларига йўл очди. Муҳожирларнинг мунтазам оқими саноатни қўринишидан чексиз арзон ишчи кучи билан таъминлади. 23 миллиондан ортиқ хорижийлар — аввалига немис, скандинав ва ирландияликлар, ўндан кейин эса тобора кўпроқ равишда Марказий ва Шарқий Европа кўчкнчилари 1860 ва 1910 йиллар мобайнида Америка Қўшма Штатларига кириб келди. Хитой, Япон ва Фдлиппин контракт ишчилари Гавайн плантаторлари, темир йул

колониялари ва Америка бизнесининг Ғарбий Соҳилдаги ўзга соҳалари томонидан импорт қилинди.

1860 йили аксарият америкаликлар фермаларда ёки кичик қишлоқларда яшаган. Бироқ 1919 йилга келиб аҳолининг ярми тақрибан 12 шаҳарда марказлашиб, урбанизация ва саноатлаштириш муаммолари юзга чиқди. камбағаллик ва ҳаддан зиёд зич уй-жой шароитлари, санитарияга зид шароитлар, («қуллик ҳақи» деб аталган) паст маош, оғир иш шароитлари ва бизнесга номутаносиб чеклашлар. Касаба уюшмалари пайдо бўлиб, иш ташлашлар меҳнат ахлининг ёмон аҳволини уюмдават ташвишига айлантирди. Фермерлар ҳам Шарқнинг, ҳам Ж.П. Морган ва Жон Д. Рокфеллер каби қароқчи баронларнинг «йул манфаатлари»га қарши курашга жалб этилди. Уларнинг шарқий банклари ғарб тараққиёти ва қишлоқ ҳужалиғи учун ҳаётан муҳим гаровлар ва кредитларни қаттиқ назорат остига олди. Темир йўл компаниялари эса ферма маҳсулотларини шаҳарга етказиб бериш учун юқори нархлар ўрнатди. Фермер аста-секин масҳара объекти бўлиб, содда «қишлоқи» ёки «далачи» сифатида ламфлетлар қаҳрамонига айланди. Фукарлар Урушидан кейинги даврнинг Америкача идеали миллионер бўлди. 1860 йили 100дан сал камроқ миллионер бўлиб, 1875 йилга келиб эса уларнинг сони 1000дан ошиб кетди.

1860 йилдан то 1914 йилгача Қўшма Штатлар кичик, ёш, қишлоқ ҳужаликка асосланган собиқ колониядан то улкан, замонавий, саноатлашган давлат маҳомигача кўтарилди. 1860 йили қарздор давлат 1914 йилга келиб дунёнинг энг бой мамлакатига айланди. Шу даврда аҳоли икки баравардан ҳам кўпроқ ортиб, 1860 йилги 31 миллиондан 1900 йилги 76 миллионга етди. 1 Жаҳон Уруши бошланишига келиб Қўшма Штатлар дунёнинг асосий давлатларидан бирига айланди.


Саноатлаштириш суръатлари жадаллашиши билан яқаланиш ҳислари ҳам кучайди. Уша давр Америкасининг ўзига хос романлари — Стефан Крейннинг «Мэгги — кўча қизи», Джек Лондоннинг «Мартин Иден»и ва кейинроқ Теодор Драйзернинг «Америкача фожиаси»и иктисодий қуларнинг вайронгар таъсири ва заиф ёки ҳасос шахснинг яқаланишини тасвирлайди. Марк Твеннинг Гекльбери Финни, Джек Лондоннинг «Денгиз буриси»даги Хемфри Ван-

дервейден ва Драйзернинг Керри сингилига ухшаш шахслар эса ички куч бағишловчи яхшилик, мослашувчанлик ва устига-устак, шахсиятнинг мустаҳкамлиги туфайли омон қолдилар.

Сэмюэл Клеменс (Марк Твен) (1835–1910)

Сэмюэл Клеменс кўпроқ Марк Твен адабий тахаллуси билан машҳур бўлиб, Миссури штатининг Миссисипи дарёси бўйидаги чегара шаҳри Ханнибалда вояга етган. Эрнест Хемингуэй барча Америка адабиёти битта буюк китоб — Марк Твеннинг «Гекльбери Финн саргузаштлари»дан келиб чиққан, деган машҳур ибораси Твеннинг анъана оқимидаги устувор ўрнини белгилайди. XIX аср бошидаги Америка ёзувчилари ўта жижимадор, сентиментал ёки сунъий усулда ёзишга мойил эди. Улар инглиз адиблари каби нафис ёзишга қодир эканликларини ишботлашга ҳамон уринганлари бунга қисман сабаб эди. Шиддатли, реалистик, оғзаки Америка нутқига асосланган Твен услуби Америка ёзувчиларига ўз миллий оҳанглари кашф этиб берди. Твен мамлакат ичкарасидан юзага чиққан илк йирик муаллиф бўлиб, ўзига хос юмористик лаҳжаси ва ўрнашган анъаналарга қарши чиқishi билан мафтун этди.

Марк Твен ва XIX аср охиридаги ўзга Америка ёзувчилари учун реализм фақат бир адабий восита бўлиб қолмади: бу — ҳақиқатни гапириш ва сийқаси чиққан анъанаву ақидаларни йўққа чиқариш йўли эди. Шу тариқа бу йўналиш эркинлик киритувчи ва жамият билан зид келувчи мақом касб этди. Барчага маълум мисол — инсоф юзасидан иш тутиб, негр қўлга озошлик сари қочишга ёрдам беришга қарор қилган қашшоқ болакай Гек Фин. Бу иши қонунбузарлик бўлиб,



Сэмюэл Клеменс
(Марк Твен)



жаханнамга рубару бўлиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам уни тўхтата олмайди.

Твеннинг нодир асарини 1884 йили нашр этилиб, ундаги воқеалар Миссисипи дарёси бўйидаги Сант Питерсбург қишлоғида содир бўлади. Алкоголик бекорчининг ўгли Гек ўз отаси мастликда уни ўлдиришга шайлангани туфайли эътиборли оилادا паноҳ топади. Ўз ҳаётидан хавфсиратган Гек ўзини ўлганга чиқариб, қочади ва йўлда яна бир қочоқ — кул Жимга қўшилади. Унинг беқаси Уотсон хоним Жимни дарё бўйлаб пастга чуқур жанубга бешафкат кулликка сотиб юборишни ҳаёлига тугиб қўйган экан. Гек ва Жим гўзал Миссисипи дарёси бўйлаб солда суза бошлайдилар, бироқ пароход уларнинг солини қўқтириб, бир-бирларидан ажратади, кейинроқ эса улар яна бирлашади. Улар жамиятнинг хилма-хиллиги, сахиллиги, баъзида эса шафқатсиз мантисизлигини намойён этувчи кўп-лаб қомқ ва хавфли саргузаштларни бошидан кечиради. Охирида, Уотсон хоним Жимни овоз этгани аниқланади, ёввойи Гекни эса обрў-эътиборли оила ўз паноҳига олади. Бироқ Гек цивилизациялашган жамиятдан қўнгли совиб, «территориялар» — хиндларнинг ерларига қочишни дилига тусиб қўяди. Асар хотимаси китобхонга классик Америкача муваффақият афсонасининг аксини тақдир этади: «цивилизациялаштиришнинг» ахлоқан бузилган таъсиридан асил ёввойи табиат оғушига элтувчи очик йўл. Жеймс Фенимор Купернинг романлари, Уолт Уитменнинг очик нўл шаънига маҳзиялари, Уильям Фолкнернинг «Айик» асари ва Джек Керуакнинг «Йулда» китоби юқоридagi фикрга яна бир мисоллар.

«Гекльбери Финн» бехисоб адабий интерпретацияларни юза-

га келтирди. Бу асар ўлим, қайта туғилиш ва жамиятга киритиш кассаси эканлиги аён. Қочоқ қўл Жим болакай Гек учун ота тимсолини ўтайди; Жимни қўтқариш ниятида Гек ўзи яшаётган қўлдорлик жамиятининг занжирларидан маънавий жиҳатда устун бўлиб чиқади. Айнан Жимнинг саргузаштлари Гекни инсон табиатининг мураккаблигига рубару этиб, унга маънавий рағбат бағишлайди.

Роман шунингдек Твеннинг мукамал жамият борасидаги идеалини бўрттириб кўрсатади: «Солда суза туриб, энг қўл жстаган нарсангиз — барчанинг қониқиши ва ўзгаларга нисбатан тўғри ва раҳмдил муомалада бўлиши эканлигини англадингиз». Мелвилнинг «Пиквод» кемаси сингари бу сол ҳам чуқади ва у билан бирга мазкур жамият тимсоли барбод бўлади. Солнинг соф ва солда дукёсн тараққиёт — параход — томонидан ағдарилади, бироқ дарёнинг худди ҳаётнинг ўзи каби кенг ва ўзгарувчан афсонавий сўймоси саҳлакиб қолади.

Реал воқелик ва ҳаёлот орасидаги бекарор муносабат Твен ижодининг белгилочви хусусияти ва юморининг асосидир. Буоух ва шу билан бирга алдамчи, мухтамад равншда ўзгарувчан дарё унинг таъсирчан пейзажининг асосий белгисидир. «Миссисипидаги ҳаёт»да Твен ёш лошман сифатидаги ўрганиш даврини эслаб, шундай дейди: «Дарё киргоқларининг шахлини ўрганиш учун ишга ёлландим; ҳаётимда ўз ақлим ёки қўлларим ёрдамида эришишга уринган ва фахллашга кийин барча нарсалар ичра буниси энг асосийси бўлиб қолди».

Твеннинг ёзувчи сифатидаги маънавий ҳисси кемани хавфсиз бошқаришга лошман масъулияти билан ҳамоҳангдир. Сэмюэл Клеменсининг адабий таҳаллуси «Марк Твен» — Миссисипи дарёсидаги ҳайикчиларнинг ибораси бўлиб, сув чуқурлигининг икки денгиз қулочи (3,6 метр)га тенглигини билдирган. Бу чуқурлик кеманинг хавфсиз сузиб ўтishi учун матлуб бўлган. Твеннинг ҳазилга ноҳир истеъдоди ва услуби жиддий ниятга қоришиб, ўнинг ижодига жозоба ва янгича узига хослик бағишлади.

ЧЕГАРА ҚУЧКИНЧИЛАРИ ЮМОРИ ВА РЕАЛИЗМИ

Марк Твен ижодида XIX аср Америкасига хос икки асосий адабий ҳодиса намоён бўлди: чегара қучкинчиларининг омиабоп юмори ва маҳаллий колорит, яъни

«минтақачилик». Бундай адабий ёндашув 1830-йилларда бошланган бўлиб, ундан олдинроқ ҳам маҳаллий оғзаки адабиётда илдиш отган эди. Табиат қўнидаги шаҳарнинг кўнгил очар томошаларидан узоқдаги чегара қишлоқларида, кема қайиқларида, қон қазувчилар лагерларида ва қовбой гулханлари агрофида хикоялар айтиш таомил тусини олган эди. Бўрттирма хикоячилик, ақл бовар қилмайдиган латифалар ва меҳнат ахлининг хомик қаҳрамонлари чегара адабиётини қонланттирди. Мазкур юмористик шакллар қўп чегара минтақаларида — «қадим Жануби-ғарб» (ҳозирги қунда Жануб ичкарисини ва қўни Урта Ғарб)да, қончилик билан машғул жойларда ва Тинч океани соҳилида асос топди. Хар бир минтақа ўз колорит қаҳрамонларига эга бўлиб, улар билан боғлиқ киссалар шаклланди. Шулар қаторидан, Майк Финх — Миссисипи дарё кемасининг жанжалкаши; Кэси Жонс — уздабурон темир йўл икжинери; Жон Хенри — африкалик америкалик пўлатчи; Пол Банин — шўхрати оғизларга тушган баҳайбат ўрмон кесувчи; ғарблиқлардан қинд жангчиси Кит Карсон ва разведкачи Деви Крокет. Уларнинг ботирлиқлари балладалар, газеталар ва журналларда бўрттириб қўйланарди. Балзан, Кит Карсон ва Деви Крокет мисолида бўлгани каби, бу киссалар бир китоб шаклида жамланарди.

Твен, Фолкнер ва ўзга қўп ёзувчилар, айниқса жанублиқлар ижоди Фўхаролар Урушидан олдинги Жонсон Купер, Жорж Вашингтон Харрис, Агустус Лонгстрит, Томас Бенгс Торпи ва Жозеф Болдуин каби чегара юмористлари услубидан озука олган. Айнан уларнинг ижоди ва Америка чегара қучкинчилари ҳаётидан янги комик америкача сўзлар тезда тарқалиб кетди. Шулар қаторидан, "absquatulate" — қучмок; "flabbergasted" — ҳайратланарли; "tamperious" — шиддатли, бевов; "ring-tailed roagers" — яригча от, яригча тинсоҳ бўлган шовхинчилар. Бу янги сўзлар чегара қучкинчиларининг чексиз ғайратини ифодалаган. Журъатсизларни даҳшатга солувчи табиат кавфхатарлари уларга қуч-қудрат ато этган. Улардан бири ўзини шундай деб мактаган: «Мен ёввойи ёнгок каби мустаҳкам ва шиддатли нордвест шамоли сингари ўпкам чидамли доимий тўфонман. Мен қулаётган дарахт каби зарба беришга қодирман ва хар бир қудратли зарбам бир ақр ердаги оломонни тумтаракай этади».

МАХАЛЛИЙ КОЛОРИТ

Чегара кўчинчиларининг юмори каби маҳаллий колорит ҳам қадимги илдиларга молик, бироқ бу соҳада энг яхши намуналар Фукарлар Урушидан кейин пайдо бўлди. Генри Дэвид Торае ва Натаниел Хоторидан то Жон Гринлиф Уиттер ва Жеймс Рассел Лоуэлгача бўлган урушдан олдинги ёзувчиларнинг кўпи ўзига хос Америка минтақаларини тасвирлагани аниқ. Бу адибларни ажратиб турган нарса — уларнинг муайян минтақани тасвирлашдаги унгайсизлиги ва кизиқиши ҳамда батафсил далилли реалистик услуби.

Брет Харти (1836—1902) Фарбдаги кончилар чегараси бўйлаб содир бўлган «Шовкили лагер омади» ва «Покер қувғинлари» каби саргузашт киссалар муаллифи сифатида номланади. Харти асарларида қуролланган Фарбнинг романтик сиймоси шу қадар жозибали бўлдики, киска муддатда Американинг энг машҳур ёзувчисига айланди ва маҳаллий колористлар мактабининг илк катта муваффақиятини белгилади. Кўринишидан реалистик бўлган Харти куйи табакалар — фирибгар киморбозлар, арзон ясан-тусан фоҳишалар ва бесўнақай қароқчиларни жиддий адабиётга киритган илк ёзувчилардан бўлди. Асар нихосида кўринишидан қонунбузар бўлган бу қаҳрамонлар аслида олтин юракли инсон эканлигини аён этиш орқали Харти ютиб чиқади. (Харти асарларига ўта мафтун Чарльз Диккенс Англия адабиётида айнан шу усулни қуллаган).

Катор адибалар Янги Англияни гўзал тасвирлагани учун ёдда қолган: Мэри Уилкинз Фримен (1852—1930), Хэрриет Бичер Стоу (1816—1896) ва айниқса Сара Орни Живет (1849—1909). Живет ижодига хос оригиналлик, денгиз ха-



САРА ОРНИ ЖИВЕТ

рактерлари, мухитнинг аниқ тасвири ва хассос услуби «Чўчки учли қарагайлар ўлкасидаги «Оқ қарқара» (1896) номли ажойиб қиссасида ёрқин ифодасини топган. Хэрриет Бичер Стоунинг маҳаллий колоритли асарлари, айниқса денгизда балиқчилик қилувчи содда жамоаларни тасвирловчи «Орололининг марвариди» (1862) Живет ижодига катта таъсир ўтказган. XIX аср адибалари, уларнинг катларидан аён бўлишча, ўз маънавий метёр ва таъсир доираларини шакллган. Аёллар бадиий адабиётнинг асосий китобхоналари бўлиб, кўп адибалар оммабоп романлар, шеърлар ва юмористик асарлар ёзган.

Ўлканинг барча минтақалари адабиётида маҳаллий колорит из қолдирди. Улардан айримлари, айниқса аср охирига келиб ижтимоий тенгсизлик ва иқтисодий кийинчиликлар ўткирлашганда ижтимоий норозиликни камраб олди. Жорж Вашингтон Кебл (1844—1925) ва Кэти Чопин (1851—1904) каби жанублик ёзувчилар ижодида ирқий адолатсизлик ва жинслар орасидаги тенгсизлик мавзулари кўтарилди. Уларнинг асарларидаги мухит француз Луизианасидаги Кажунда содир бўлиб, маҳаллий колорит даражасидан юқорига кўтарилди. Кеблнинг «Бахайбат» (1880) асари ирқий адолатсизликни ўта моҳирона тасвирлайди; Кэти Чопиннинг эхтиросли туйғу ердамида ўзлисини топишга беҳуда уринаётган аёл ҳақидаги «Уйғониш» (1899) номли жасур романи каби у ҳам ўз вақтидан олдинга назар ташлаган эди. «Уйғониш»да ширин болалари ва омадли эри бор ёш аёл ўзининг имкониятларини рўёбга ошириш ниятида окласи, пули, обрў-эътибори ва хатто ҳаётини ҳам қурбон қилади. Океан, қушларнинг (қафасга солинган ва

озод этилган) шеърий ифодаси ва мусика бу киска киссага ғайриоддий чуқурлик ва мураккаблик бахш этган.

«Уйғониш» билан купинчалик Шарлот Перкинс Гиммен (1860–1935) каламига мансуб «Сарик девор қозоғи» (1892) асари бир қаторга қўйилади. Иккала асар ҳам унут бўлиб, кейинчалик XX аср охирида феминист адабий танқидчилар томонидан қайта кашф этилди. Гиммен киссасида тахабур доктор ўз рафикасини асаб касаллигидан «даволаш» учун ёллик хонада сақлаш орқали ўн жинни қилишга уринади. Махбус аёл ўзининг кафаста тушганини темир панжара ортида урмалаётган махбус аёлларнинг расмини чизиш орқали ифодалайди.

ЎРТА ГАРБ РЕАЛИЗМИ

Нуфузли «Атлантик ойлик» журнаlining кўп йиллар давомидаги муҳаррири Уильям Дин Хоуэлл (1837–1920) Брет Харти, Марк Твен, Жорж Вашингтон Кебл ва ўзга адибларнинг реалистик маҳаллий колоритга бой асарларини нашр этади. У реализм тарафдор я бўлиб, «Замонавий намуна» (1882), «Силас Лафем юксалиши» (1885) ва «Янги омад таваккали» (1890) каби романларида ижтимоий шартшароитларни оддий ўрта табака америкаликларининг хис-туйғулари орқали эҳтиёткорона ифодалайди.

Муҳаббат, шухратпарастлик, идеализм ва васваса қаҳрамонларининг характерларини очади, Хоуэлл 1870-йилларнинг Зарҳал аср бизнес хўжайнларининг маънавий коррупциясидан хавотирда эди. Хоуэллнинг «Силас Лэфем юксалиши» асарининг номида киноя бор. Силас Лэфем қариган бизнес шериягини алдаб, бойиб кетади ва узок йиллар мобай-



Уильям Ден Хоуэлл

Фотоласи © Бетмаз ермеи

нида номуносиб иш қилганини англамасида, ахлоқсиз қилмиши оиласини чуқур хаяжонланттиради. Охири, ахлоқсиз муваффақиятга банкротликни афзал кўрган Лэфем маънавий жihatдан гуноҳини ювади. Силас Лэфем тарихи худди Гекльберри Финн каби омадсизлик киссасидир. Лэфем бизнеси маънавий юксалиш йўлида қулайди. Умрининг охирига келиб Хоуэлл ҳам Твен каби сиёсий масалаларда фаоллашиб, касаба уюшмалари ташкилотчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя этиб, Америка колониализмининг Филиппинда урнашишини маъқулламайди.

КОСМОПОЛИТ АДИБЛАР Генри Жеймс (1843–1916)

Генри Жеймс қачонлардир ёзганидек, санъат ва айниқса бадий сўз «хаётий бунёд этади, манфаатларни шакллайди, аҳамият касб этади». Жеймсининг бадий ва танқидий асарлари ўз даврининг ўта юксак англи, мураккаб ва қийин услубли адабиётидир. Твен билан бирга Жеймс XIX аср иккинчи ярмининг энг буюк Америка романинависларидан ҳисобланади.

Жеймс ўзининг соддадил америкаликлар ва космополит европаликлар орасидаги мураккаб ўзаро алоқаларни ифодаловчи «ҳалқаро мавзун» билан машхур. Хаётининг тадқиқотчиси Леон Эдель унинг ижодида биринчи ёки «ҳалқаро» деб атаган босқич ўз ичига «Трансатлантик очерклар» (саъхат таассуротлари, 1875), «Америкалик» (1877), «Дэзи Миллер» (1879) ва таниқли «Аёл портрети» (1881) каби асарларни қамраб олади. «Америкалик»да, мисол учун, Кристофер Ньюмен – соддадил, бироқ зукко ва идеалист, ўз тақдирини ўзи яратган миллионер саноатчи ўзига қайлик излаб Европага боради. Кизнинг оиласи Кристоферни зодагонларга мак-

суб эмаслиги туфайли рад этганида, у, ўч олиш имкониятига эга бўлади, бироқ бу ниятидан воз кечиш орқали ўзининг маънавий юксалишини намойиш этади.

Жеймс ижодининг иккинчи даври экспериментал бўлган. У янги мавзуларни асарларига киритган. Шулар қатори, «Бостонликлар»да (1886) феминизм ва ижтимоий ислохот муаммолари; «Касамассима малихаси»да (1885) сиёсий итволар. Шунингдек, театр учун асар яратилган, бироқ биринчи томошадаёқ «Домвил йигитча» (1895) пьесаси ўта муваффақиятсиз қабул қилинган эди.

Ижодининг учинчи, «асосий» даврида Жеймс халқаро мавзуларга қайтади, бироқ уларни янада мураккаб психологик қамров билан ёритади. Мураккаб ва деярли афсонавий «Кабутар қанотлари» (1902), «Элчилар» (1903) (Жеймс фикрича, бу унинг энг яхши романи) ва «Олтин жом» (1904) асарларининг мавзуси ташқи кўриниш ва реаллик бўлиб, адибнинг диққат марказида онглаш туради. Жеймсга бинноан фақат ўзини онглаш ва ўзгаларни аниқ тушунишгина донолик ва ўзини қурбон этиш даражасидаги мухаббатни юзага келтиради. Жеймс ижоди ривожлангани сари унинг романлари янада психологик тус олиб, ташқи ҳодисаларга қамроқ боғланади. Жеймснинг сўнгги асарларида рўй берувчи барча муҳим ҳодисалар психологик характерга эга. Одатда, бу — асар қаҳрамонларига илгариги хатоларига қўзини очувчи кучли кечкимадир. Мисол учун, «Элчилар»да идеалист, қариган Ламберт Стрезер пияҳона севиги алоқасини фош этиб, шу орқали ўз ички ҳаётининг янгича мураккаб қиррасини ҳис этади. Гунох қилганларни тушуна олиш қобилиятини кашф этиши сайин унинг бухилмас, бир томонлама



Генри Жеймс

Фотография
Музей портрет галереяси,
Литературный институт, Лондон

ахлоқий тушунчаси инсонийлашди ва кенгайди.

Эдит Вартон (1862–1937)

Жеймс сингари Эдит Вартон ҳам муайян муддат Европада улгайган ва ўша ерда яшаган. У Нью-Йорк жамиятининг бадавлат ва тагли оила фарзанди бўлиб, мазкур ардоқланган гуруҳнинг тушқунлиги ва унинг назарида тарбиясиз, пастдан юзага қалқиб чиққан бизнес оилаларининг кўтарилишини ўз кўзи билан кўрган. Айнан шу ижтимоий муҳит кўп романларига озуқа берган.

Жеймс сингари Вартон ҳам америкаликлар билан европаликларнинг қарама-қарши қўяди. Унинг диққат марказида ижтимоий воқелик ва ички дунё орасидаги жарлик туради. Унинг кўпинчалик ҳасос қаҳрамонлари узларини ҳиссиз характерлар ёки ижтимоий кучлар қопқонига тушган деб ҳис қилади. Эдит Вартоннинг ўзи қисман ёзувчи ва хотин роллари орасидаги низога йўлиқкани туфайли ёш адиба сифатида узок муддатлик асаб тушқунлигига чалиниб шундай маънавий ҳибсни бошидан кечирган.

Вартоннинг энг яхши романи қаторида «Хурсандлик уйи» (1905), «Ўлка одати» (1913), «Ез» (1917), «Бегуноҳлик ёшқда» (1920) ва нафис ишланган «Этан Фром» (1911)ни номлаш мумкин.

НАТУРАЛИЗМ ВА ФОШ ЭТУВЧИ АДАБИЁТ

Вартон ва Жеймс жамиятнинг ҳаракатга келтирувчи яширин жинсий ва молиявий сабабларни фош этиб ўрганиши уларнинг ижодини биринчи қўринишдан ўта хийма-хил Стефан Крейн, Жек Лондон, Фрэнк Норрис, Теодор Драйзер ва Эптон Синклер ижоди билан боғлайди. Космополит ёзувчилар сингари,

аммо янада аниқ равишда, маъзур натуралистлар айрим шахснинг жамиятга муносабатини кўрсатиш учун реализмдан фойдаланган. Қўпинчалик улар ижтимоий муаммоларни кўтарган ва Дарвин таъаққури ҳамда детерминизм фалсафий назарияси таъсири остида бўлган. Унга биноан эса, шахс ўз назоратидан ташқарида бўлган иқтисодий ва ижтимоий кучларнинг қуроли бўлган.

Натурализм асл моҳиятига кўра детерминизмнинг адабий ифодасидир. Қуйи табақа ҳаётининг ошқора ва реалистик тасвири билан уйғунлашган детерминизм диний дунёнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тан олмайди ва бунинг ўрнига борлиқни бир машина сифатида кўради. XVIII аср Маърифатпарвар мутафаккирлари ҳам дунёни бир машина сифатида тасаввур этганлар, бироқ бенуқсон ва Ҳудо томонидан ихтиро этилган ҳамда тараққиёт ва инсон зотининг яхшиланиши томон интилувчи механизм сифатида оғлашган. Натуралистлар жамиятни кўр машина, Худосиз ва назоратдан ташқаридаги ҳодиса деб тасаввур этишган.

XIX аср Америка муаррихи Генри Адамс тарихнинг батафсил ишланган назариясини барпо этди. Унга динамо ёки машина кучи ва энтропи ёки кучнинг вайрон бўлиши кирган. Тараққиёт ўрнига Адамс инсон жамиятининг муқаррар таназулини пеш қилган.

Рухоний ўгли бўлган Стефан Крейн Ҳудо гоёясини ўта қисқа сатрларда ифодалаган:

Инсон коинотга қарата айтди:

«Сэр, мен мавжудман!»

«Бироқ, — деб жавоб қайтарди коинот, —

Бу ҳодиса менда

Мажбурият ҳисси

тўғдирмайди».



Стефан Крейн

Фототасвир
Конгресс муҳаббатонаси тақдирини

Романтизм сингари натурализм аввалига Европада юзага келди. Одатда бу адабий оқим 1840-йиллардаги Оноре де Бальзак ижодида бориб тақалади ва Гюстав Флобер, Эдмон ва Жюль Гонкурлар, Эмиль Золя ва Ги де Мопассан номи билан уйғун Француз адабий оқими сифатида кўрилади. У жамиятнинг астарини жасурона очиб ташлаб, ажралиш, жинсий масала, зино, кашшоқлик ва жиноятчилик каби мавзуларни ёритди.

Америкаликлар шаҳарларда муқим була бошлаши ва улкан иқтисодий ҳамда ижтимоий кучларнинг аҳамиятини идрок эта бошлаши билан Натурализм ривож топди. 1890 йилга келиб Америкада чегара силжиши расман тугатилиши эълон қилинди. Аксарият америкаликлар шаҳарларда муқим бўлди ва бизнес соҳаси ҳатто узоқлардаги фермаларда ҳам устувор кела бошлади.

Стефан Крейн (1871—1900)

Нью-Жерсида таваллуд топган Стефан Крейн шаҳараси ундан бир аср олдин ўтган Инқилоб Уруши давридаги ҳарбийлар, рухонийлар, шерифлар, судьялар ва фермерларга бориб тақалади. Асосий касби журналист бўлган Крейн бадиий асарлар, эсселар, шеърлар ва пьесалар ҳам ёзган бўлиб, ҳаётнинг асл моҳиятини харобалар ва харб майдонларида кўрган. Унинг «Очик қайиқ», «Самовий Отель» ва «Сариқ Самога тушган келин» каби қисқа қиссалари маъзур адабий шаклга мисол була олади. Фуқаролар Уруши ҳақидаги «Жасоратнинг қизил белгиси» романи 1895 йили қизгин оқишлар билан қарши олинди, бироқ у 29 ёшида вафот этгунга қадаргина эътибор марказида бўлиш ималигини онглади. XX асрнинг илк йигирма йили мобайни-


да у деярли унутилди, бироқ 1923 йили Томас Бер ёзган автобиография ёрдамида қайта тирилди. Хозиргача у оддий инсонлар тарафдори, реалист ва символист сифатида эътиборга моликдир.

Крейнинг «Мэгги — куча кизи» (1893) асари Америка алабиётининг энг бирламчи булмаса ҳам, энг зур натуралистик романларидан биридир. У саводсиз, алкоголь ота-оналари ўз ҳолига ташлаб қўйган камбағал, ҳиссётли ёш киз тақдирини тасвирловчи аянчли ҳикоядир. Севиб қолиб ва уйдаги жирканч вазиятдан қутулиш ниятида у ёш эркак билан бирга туришга жазм этади, бироқ орадан кўп ўтмай ташлаб кетилади. Ҳини ҳақ деб ўйлаган онаси уни рад этганида Мэгги тирик қолиш учун фоҳишалик қилишга мажбур бўлади, бироқ кўп ўтмай умидсизланиб, ўзини ўзи ўлдирди. Крейнинг ҳаётий мавзун ва ахлоқ ҳақида куруқ галкришдан ҳоли объектив бадний услуби «Мэгги»ни натуралистик асар сифатида белгилайди.

Жек Лондон (1876—1916)

Калифорниялик камбағал, ўз саводини ўзи чиқарган денгизчи ва ишчи бўлган натуралист Жек Лондон «Бўри ўгли» (1900) номли илк ҳикоялар тўплами ёрдамида кашшоқликдан шон-шухрат қўққиларига кўтарилди. Бу ҳикоялардаги воқеалар асосан Аляска ва Канада Юконининг Клондайк минтақасида содир бўлган. «Аждодлар чакриғи» (1903) ва «Денгиз буриси» (1904) каби ўзга бетселлерлари уни ўз пайтида Америка Қўшма Штатларида энг кўп ҳақ олувчи ёзувчига айланттирди.

«Мартин Иден» (1909) номли автобиографик роман Лондон ўзи камбағалликдан бойлик ва шухрат қўққиларига метеордек кўтарилганида ўз тажрибасида синая кўр-



ТЕОДОР ДРАЙЗЕР



ТОМАС БЕР

ган Америка орзусининг астарини тасвирлайди. Камбағал, аммо зукко ва бетиним меҳнат қилувчи денгизчи ва ишчи бўлган Иден тақдирда ёзувчи бўлиш битилган эди. Дарҳақиқат, асарлари унх бой ва машҳур қилади, бироқ Иден ўзи севган аёл фақат унинг пули ва шон-шухратига учишини идрок этади. Маҳбубасининг севишга қодир эмаслигидан дил ҳасталиғи умуман инсон табиати га шонч йўқотишига келтирди. Шунингдек, синфий совуқликдан ҳам азоб чекади: ишчилар синфидан юқори кўтарилган Иден, ўзи эришиш учун ўта кўп меҳнат қилган бойлар синфининг моддий кадриятларини рад этади У Тинч океанига сузиб чиқиб, кемадан ўзини сувга ташлаб, қўқади. Ўз пайтининг қўлаб етук романлари сингари «Мартин Иден» омадсизлик киссаси. Катта бойлик орасида умидсизликни кашф этиши билан бу роман Ф. Скотт Фицджеральднинг «Буюк Гэтсби» романига йул очади.

Теодор Драйзер (1871—1945)

Теодор Драйзернинг 1925 йили яратган «Америка фоҳиаси» романи Жек Лондоннинг «Мартин Иден» асари сингари Америка орзусининг ҳавф-хатарларини кашф этади. Асар қаҳрамони Клайд Гриффит — заиф иродали ва ўз ҳатти-ҳаракатларини охиригача тушуниб етмаган йигитча. У кашшоқ сайёҳ евангелистлар оиласида воғя этади, бироқ бойлик ва гўзал аёллар муҳаббатига эришишни орзу қилади. Бой тоғаси уни ўз фабрикасига ишга олади. У кунгил қўйган киз Роберта ҳомилдор бўлиб қолганида, Клайдни ўйланишга ундайди. Шу орада Клайд зодагон оила кизини севиб қолади. Янги маҳбубаси унинг назарида орзу этган муваффақият,

пул ва ижтимоий мақомни мужассамлаштиради. Клайд олдинги севгилиси Робертани кайик сайлида чуқуришни батафсил режалаштиради, ашиқ сунги лаҳзада бу шум ниятидан қайта бошлайди. Бироқ қиз тўсатдан кайикдан сувга йиқилади. Сузишга моҳир Клайд қизни қутқармайди ва у чуқади. Суд маҳкамасида тик турган Клайднинг қиссасини Драйзер акс йўналишда қайтариб, айблов ва ҳимоя адвокатларининг савол-жавобларидан йигит ҳаёти ва онгига сингиб ўтиш учун моҳирона фойдаланади. Одоби, ўта диний муҳитда яхши оилада тарбия толган Клайд қай тарика одам ўлдиришга журъат этишга тубан тушгани таҳлил этилади.

Ўзининг қийин услубига қарамай Драйзер «Америка фожиаси»да шак-шубҳасиз қудратни намойён этади. Аниқ тафсилотлар фожа муқаррарлигининг муҳим хиссия тугдиради. Бу роман Америкача муваффақият афсонаси айнишнинг шафқатсиз тасвири бўлиши билан бирга урбанизация, модернизация ва яққаланшнинг салбий кўрinishларини фoш этувчи умумлашма қиссадир. Унда йўқсиллар романтик ва хавфли фантазиялар оғушида саргардондир

«Америка фожиаси» Американинг рақобатли, муваффақиятга интилувчи жамиятида қўлаб қамбағал ва ишчиларни қамраб олувчи коник-маслик, ҳасад ва умидсизлик туйғуларининг инъикосидир. Американинг саноат қудрати ортиши сайин газеталар ва фотографияларда ахс этган бойларнинг хашаматли ҳаёти оддий фермерлар ва ишчиларнинг кўрimsиз турмушидан кескин фарқ қилади. Оммавий ахборот воситалари ортиб борувчи орзу-хаваслар ва асоссиз умидлар алангасини авж олдирди. Замонавий давлатлар учун умумий бўлган маъмур муаммолар фoш этувчи, ижтимоий муаммоларни ҳужжатлаштирувчи сянчков қидирув репортажлари журналистикасини юзага келтириб, ижтимоий ислохотларга муҳим туртки беради.

Америка таҳлилий журналистикасининг улкан анъанаси айнан шу даврдан бошланиб, «Маклурес ва Коллиер» каби мыллий журналлар Ида М. Тарбелнинг «Стандарт ойл компаниясининг тарихи» (1904), Линкольн Стеффенсининг «Шаҳар шармандалиги» (1904) ва ўзга кескин танқидий, ошқора фoш этувчи асарларни нашр этади. Фoш этувчи романлар оғир меҳнат шароитлари ва жабр-зулми тасвирлаш учун хўзга ташлавувчи журналистик воситалардан фойдаланади. Популист Фрэнк Норрис-

нинг «Спрут» (1901) асари катта темир йўл компанияларини тасвирласа, социалист Эптон Сикклернинг «Жунгли» (1906) асари Чикагонинг кассобоналаридаги ифосликларни фoш этади. Жек Лондоннинг «Темир тоvon» (1908) асари синфий кураш ва ҳукуматнинг устун келишини башорат этишда Жорж Оруэлнинг «1984» асарига йўл очиб берган.

Ўзга бир бадий хусусият – оддий характерлар ва уларнинг барбод бўлган ички ҳаётларининг реалистик портрет ёки портретлар гуруҳи бўлди. Уильям Ден Хоуэлз комийлик қилган Хэмлин Гарленд (1860–1940)нинг «Асосий серкатнов кўчалар» (1891) қиссалар тўплами оддий халқнинг портрет галлерейсидир. Унда кишлоқ ҳўжалик ислохотлари талаб этаётган ўрта Фарб фермерларининг қашшоқлиги қарахт этувчи даражада тасвирланган. Асарнинг номида Фарб томон силжиган қўлаб арзавалар кетидан эргашган ер очувчи фoшхлар муҳим бўлган кишлоқлардаги чанг серкатнов кўчалар манзарасини чизади.

Гарленднинг «Асосий серкатнов кўчалар»ига Шервуд Андерсен (1876–1941)нинг 1916 йили бошлаган «Вайнсбург, Охайо» асари яқин туради. Эркин ҳақояларнинг бу тўплами соддадил ёш газета репортери Жорж Виллорд назари орқали ҳаёлий Вайнсбург шаҳрида яшовчилар ҳаётини тасвирлайди. Журналистнинг ўзи ҳам омад синаш учун шаҳарга келиб қолади. «Асосий серкатнов кўчалар» ва ўша даврнинг ўзга натуралистик асарлари каби «Вайнсбург, Охайо» ҳам Американинг кичик шаҳарчаларидаги қамбағаллик, яққалик ва умидсизликни бurtтириб қўрасатади.

ШЕЪРИЯТНИНГ «ЧИКАГО МАКТАБИ»

Иллийноисда воёга етган ва ўрта Фарб оддий одамларининг ташвишларини баҳам қўрган ўрта Фарблик шоирлар – Карл Сэндбург, Вачел Линдсей ва Эдгар Ли Мастерс. Уларнинг шеърияти купинчалик кўрimsиз шахсларни тасвирлайди; улар реализм, драматик тасвир воситаларини ривожлантириб, кенг китобхон оммасининг диққатини жалб этишди. Улар Г. Жаҳон Урушидан олдин Шарқий Соҳил адабий муҳитига рақобатдош сифатида юзага келган ўрта Фарб ёки Чикаго Мактабининг таркибий қисмидир. «Чикаго Ренессанси» Америка маданиятида сув айирғичи

вазифасини ўтаб, Американинг ички минтакалари улгайганини намоён этди.

Эдгар Ли Мастерс (1868–1950)

Янги аср бошланиши билан Чикаго улхан шаҳар, янгича жёморчилик ва космополит саноат дурдоналари масканига айланди. Шунингдек, Чикаго – Хэрриет Монроунинг «Шеър-ят» – ўша даврнинг энг муҳим адабий журнали нашр этилувчи жой ҳам эди.

Журнал ношири ўша даврнинг кузга кўринган шоирларидан бири – «Спун даргаси антологияси» (1915)нинг муаллифи Эдгар Ли Мастерс бўлиб, ўзининг янгича «назмсиз» суҳбат услуби, жинсий масалани ошкора очиши, кишлок ҳаётига танқидий қараши ва оддий халқнинг ички дунёсини фаол тасвирлагани билан диққатга сазовор.

«Спун дарёсининг антологияси» суҳбат жанридаги эпитафия (кабр тошидаги ёзув)лар тарикасида битилган портретлар тўплами бўлиб, айрим кишлок одамларнинг ҳаётини гўё ўз сўзлари билан ачуллаган. Бу асар кишлок ҳаётини унинг мазори орқали тасвирлайди: бу ерда дафн этилган 250 одам тилга кириб, ўзларининг энг маърифий сирларини ошкора этади. Кўплари қаридош бўлиб, 20га яқин оилаларнинг аъзолари ўз омадсизликлари ва орзуларини кофиясиз монологларда изҳор этиши бу услубни хайратомуз даражада замонавий этади.

Карл Сэндбург (1870–1967)

Унинг тарафдори қачонлардир айтганидек, «Карл Сэндбург ҳақида қисқача ёзишга уриниш Буюк Канъонни бир зумдаги оқ-қора фотосуратга олишга уриқиш билан тенгдир». Темир йўлдаги темирчининг ўғли Сэндбург бир вақтнинг ўзида шоир, муаррих, биограф, романивис, мусикачи, эссечи ва яна қатор касблар эгаси бўлган. Аслида журналист бўлган Сэндбург XX асрнинг классик асарларидан бири – Абрахам Линкольннинг батафсил биографиясини ёзди.

Кўплар наздида шижоатли, тўлақонли шаҳар ҳаётни ҳақида ва ватанпарвар шеърлар ҳамда содда, болалар ёқтирувчи вазна шеърлар ва балладалар ёзган Сэндбург Уолт Уитмен замондоши бўлган. Ўз шеърларини халққа ашуласимон мелодик ва оҳанграбо овозда ўқиб эшиттириш ва эзиб олиш ниятида саёҳат қилган. Аслида, миқдлий шухратига қарамай ўта камтарин,

камсуқум инсон бўлган. Ўзининг таъбири билан айтганда, ҳаётдан у истаган нарса – «қамоқдан ташқарида юриш... мунтазам оқват ейиш... Ўз ёзган нарсаларини нашр этиш... уйда озгина муҳаббатга эришиш, Америка улқаси узра ҳар ерда бироз аҳойиб кўнгул кўйишлик... ва ҳар кунни қуйламоқ».

«Чикаго» (1914) шеърли мазкур мавзулар ва унинг равои услубига аъло мисол бўла олади:

Дунёнинг моҳир қассоби,
Асбобсоз, бугдой қарамловчи,
Темир йўллари уйичоқ этган
Ва давлатнинг юк етказиб берувчиси;
Шиддатли, бақувват, сершовкин
Кенг яғрикли Шаҳар...

Вачел Линдсей (1879–1931)

Вачел Линдсей Ўрта Ғарблик кичик шаҳар аҳолисининг руҳонийси ҳамда қучли ва баланд овозда айтишга мўлжалланган ритмик шеърлар муаллифи бўлган. Унинг асари, бир жиҳатдан, шеърятнинг Христиан евангелик ашулалари ва водевилъ (оқмабоп театр) каби халқчил шакллари ва ўзга томондан ривожланган замонавий шеърли воситалар орасида қизиқ болганишни шакллайди. Ўз пайти учун ўта оқмабоп бўлган Линдсей асарлари II Жаҳон Урушидан кейинги даврда джаз мусикаси ҳамжўрлигида ижро этилган «Вит» шеърли йўналишга йўл очиб берган.

Шеърятни ривожлантириш учун Линдсей мусика ва қучли ритмида фойдаланиб, ўзи «юк-сак водевилъ» деб атаган йўналишни ривожлантирган. Бугунги мезонларга кўра ирқий бўлиб кўринувчи машҳур «Конго» (1914) достонида африкаликлар тарихи хунгли джаз, шеърят, мусика ва бир оҳангли ашула орқали ифодаланган. Айни пайтнинг ўзида, у, Америка тарихининг Абрахам Линкольн («Абрахам Линкольннинг ярим кечадаги сайри») ва Жон Чэймен («Жонни Олма данаги») каби шахсларининг ҳаётини абадийлаштириш йўлида далилларни афсоналар билан қўрама этган.

Эдвин Арлингтон Робинсон (1869–1935)

Эдвин Арлингтон Робинсон XIX аср охирида Американинг энг аъло шоири. Эдгар Ли Мастерс сингари у ҳам оддий одамларнинг қисқа, ҳазиломуз оҳангдаги тасвири билан машҳур. Мастерсдан фарқли ўлароқ Робинсон анъана-

вий шеърий ваздан фойдаланади. Робинсоннинг хайратомуз Тилбури Шаҳри, худди Мастерснинг Спун дарёсидек умидсизликка тушган тақдирларни тасвирлайди.

Робинсоннинг энг машҳур драматик монологлари ташлаб кетилган маҳбуб қиссаси «Луки Хавергал» (1896), романтик ҳаёлпараст портрети бўлмиш «Минивер Чиви» (1910) ва ўзини ўлдаришга жазм этган бой одамнинг гамгин портрети — «Ричард Кори» (1896) да мужассам:

Ричард Кори қачон эски
шаҳарга тушса,
Биз йўлакдаги одамлар унга
қарардик:
У бошдан оёқ жентльмен
Ўта жозибали ва шоҳона
қоматли эди.

Ва у доим башанг кийинган,
Ва сўлаганда доим олийжаноб
эди,
Бирок «Хайрли тонг» деганда —
Хаяжонга соларди.
Ва сайр қилганида
Дабдабаси кўз қамаштирарди.

У бой эди, ҳа, қиролдан ҳам
бойроқ —
Ва ҳар қандай билимлардан ўта
хабардор эди.
Бир сўз билан айтганда,
уйлаймизки,
у шу қадар муҳаммал эдики,
Биз у бўлган ерда бўлишга
интилардик.

Шу тарика биз ишлардик ва
нурни қутардик,
қучларимиз гуштсиз ўтиб,
нонни лаънатлардик;
Ричард Кори эса бир осуда ёз
кечаси
Уйга кетди ва боши узра ўк
узди.

«Ричард Кори» асари «Мартин Идел», «Америка фожияси» ва



Вилла Катер

Фототрасм ОВИА тақдими

«Вуюк Гетсби» романлари билан бир қатордан урин олиб, миллионерлар даврида америкаликларнинг бошини айлантирган муболага муваффақият афсонасига қарши қудратли огоҳлантириш бўлди.

ИККИ МИНТАҚАВИЙ АЛИБАЛАР

Романнавислар Эллен Глазго (1873—1945) ва Вилла Катер (1873—1947) ажойиб минтақавий мухитда яшовчи аёллар тақдирини тасвирлаган. Ҳеч бир романнавис аёллар ҳақида махсус ёзмаган; уларнинг дастлабки асарларида одатда эркаклар тасвирланган бўлиб, бадкий эътироф ва етуклик қасб этишлари билан аёлларнинг тақдирини тасвирлашга қўл урдилар. Глазго ва Катер ижоди тасвирий жиҳатдан фақат «аёл алибалар» сифатида қўрилиши мумкин бўлиб, уларнинг асарлари таснифланишига қаршилик мавжуд эди.

Глазго асли Жанубий Конфедерациянинг олдинги пойтахти Виржиния штатининг Ричмонд шаҳридан эди. Унинг реалистик романлари Жанубнинг қишлоқ ҳужалигидан саноат иқтисоди томон ўзгаришни имтиҳон этган. «Виржиния» (1912) каби етук асарлари жанубий ҳаёт тажрибасини диққат марказига олиб, энг яхши асари сифатида маълум «Унумсиз ер» (1925) каби кейинги романлари оила ташвишлари билан яшаш, тақводорлик ва қарамлик аёлни безайди, деган жанубликларга хос маҳдудланган анъанавий қарашларни енгиб ўтишга уриқатган истеъдодли аёлларнинг тақдирини тасвирлаган.

Яна бир Виржиниялик бўлган Катер муҳожир фотихлар орасида Небраска прериясида қатта бўлиб, уларнинг ҳаётини кейинчалик «О, фотихлар» (1913), «Ме-

нинг Антониям» (1918) ва машҳур «Қўшни Росйки» (1928) қиссасида абадийлаштирган. Хаёти давомида у замонавий ҳаёт материализмидан тобора чекланиб, Америка Жануби-ғарби ва ўтқиши ҳақидаги ўз дунёқарашини асарларида тасвирлаган. «Улим архиепископга келмоқда» (1927) асарида Нью-Мексико шаҳрасида Католик Черковини таъсис этган XVI аср икки руҳонийларининг идеализминини тасвирлаган. Катер асарлари адабий оқимдан ташқарида қолган Америка тажрибасинининг фотиҳлик, динни ўрнатиш ва аёлларнинг мустақил ҳаёти каби томонларини муҳрлаган.

КОРА АМЕРИКА АДАБИЁТИНИНГ ЮКСАЛИШИ

Африкалик америкаликларнинг адабий ютуқлари Фунқаролар Урушидан кейинги даврнинг энг сезиларли адабий йўналишларидан бири бўлди. Букер Т. Вашингтон, У.Э.Б. Дю Бойс, Жеймс Велдон Жонсон, Чарльз Ваддел Честнат, Поль Лоуренс Данбер ва ўзгаларнинг асарларида қора Америка адабиёти илдиз отиб, айниқса автобиография, қаршилик ва норозилик адабиёти, ваъзлар, шеърят ва қушиқлар шаклида ёрқин намоён бўлди.

Букер Т. Вашингтон (1856–1915)

Букер Т. Вашингтон ўз даврининг маърифатчиси ва энг машҳур қоратанли етакчиси бўлиб, Виржиния штатининг Франклин графлигида оқтанли кулдор ота ва кул онадан тутилиб, ўша ерда ўсган. Унинг ажойиб ва раван автобиографияси «Кулликдан кўтарилиш» (1901) узини яхшилаш учун олиб борган муваффақиятли курашини тасвирлайди. У африкалик америкаликларнинг ҳаётини яхшилаш



БУКЕР Т. ВАШИНГТОН

борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли ном чиқариб, оқтанлилар билан муроасага келиш сиёсати — яқинда озод бўлган қоратанли америкаликларни Америка жамиятининг ҳаётига жалб этишга уриниш — «Атланта кўрғазмасининг мушоаати» (1895) номли машҳур асарига кўрсатилган.

У.Э.Б. Дю Бойс (1868–1963)

Янги Англияда таваллуд топган ва Харвард университети ҳамда Берлин (Германия) университетида таълим олган У.Э.Б. Дю Бойс «Мистер Букер Т. Вашингтон ва ўзгалар ҳақида» асарининг муаллифи бўлиб, эсселари кейинчалик унинг машҳур «Қоратанлиларнинг руҳлари» (1903) асарида тўпланган. Дю Бойс фикрича, кўплаб ютуқларга қарамай Вашингтон аслида сегрегацияни — қоратанли америкаликларга нотенг ва айри муносабатни — қабул қилган. Сегрегация эса муқаррар равишда камситишга келтириб, айниқса таълимда намоён бўлган. Дю Бойс Рангли одамлар ривожининг миллин уқошмаси (OPRMU)ни барпо этиб, африкалик америкаликларнинг анъаналари ва маданиятига эҳтиросли баҳо берган. Унинг ижоди ва фаолияти қоратанли зиёлиларга узларининг бой халқ адабиёти ва мусиқасини қайта кашф этишга қўмаклашди.

Жеймс Велден Жонсон (1871–1938)

Дю Бойс сингари шоир Жеймс Велден Жонсон ҳам африкалик америкаликларнинг руҳий ҳаётидан ىяхомланди. Унинг «О, қоратанли ва номаълум кўйчилар» (1917) шеъри сўроқлайди:

«Иисус сари кўз илғамас равишда
гойиб бўлмоқ» каби
Оханг қайси бир қулнинг
бағрини тўлдирган?

Фототарсим Браун Бразерс таъдирим

Кўллари кишанларни ҳамон ҳис этсада,
Унинг оҳангларида қўл руҳи ҳар тунда
Эркин бўлиб парвоз этар.

Кора ва оқ аждодлар кони аралаш Жонсон
узунинг бадий «Собик рангли одам автобио-
графияси» (1912) да ирқнинг мураккаб масала-
сини кўтариб, октанли «ҳисобланган» аралаш
миллатли одамнинг тақдирини тасвирлайди.
Бу асар қоратанли америкаликларнинг Амери-
када узлигини намоён этиш ташвишларини ёр-
қин ифодалайди.

Чарльз Ваддел Чеснат (1858–1932)

Чарльз Ваддел Чеснат «Сехргар аёл»
(1899) ва «Ёшлигимдаги хотиним» (1899) ном-
ли икки ҳикоялар тўплами, қатор романлар ва
шу жумладан «Анъана моҳияти» (1901), Фреде-
рик Дутлас биографиясининг муаллифи бўлиб,
ўз даврининг йирик намоёндасидир. Унинг кис-
салари ирқий мавзударни кўтариб, олдиндан
башорат этса бўладиган хотималардан қочган
ва эҳтиросларни мужассамлаштирган. Унинг
қахрамонлари ёркин шахслар бўлиб, кўп нарса-
ларга, ва шу жумладан ирқий масалага нисба-
тан мураккаб қарашга эга. Чеснат кўпинчалик
қоратанлилар жамъасининг куч-қудратини кўр-
сатиб, этик қадриятлар ва ирқий ҳамжиҳатлик-
ни таъкидлайди.

VI-БОБ

МО. ДЕРИШИЗМ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛИЗМ: 1911—1915

Кўп муаррихлар икки жахон уруши орасидаги даврни Қўшма Штатлар учун урилиб-сурилиб «катта бўлиш» деб таърифлайди. Вахолоанки АҚШнинг урушга бевосита жалб этилиши нисбатан киска муддатли (1917—1918) бўлиб, қурбону талофатлари европалик иттифоқлошлари ва душманларига нисбатан анча кам эди. Жон Дос Пассос Американинг урушдан кейинги хафсаласи пир бўлишини «Уч аскар» (1921) романида ифодалаб, цивилизация — «Кенг қўламли сохта мунофиқлик эди, уруш эса уни вайрон этиш ўрнига, унинг энг тўлиқ ва энг бемаъни ифодасига айланди» деган. Ларзага тушган ва мунтазам равишда ўзгарган америкаликлар уйларига қайтди, бироқ ҳеч қачон ўз гуноҳсизликларини қайтариб ололмади.

Американинг кишлоқ жойларидан урушга кетган ҳеч бир аскар ўз илдиларига осонликча қайтолмади. Дунё нималигини қўргач, қўплар эндиликда замонавий шаҳар ҳаётига ўрганиб қолди. Таъжибга кирган селяка, ўрим ва боғ боғлайдиган ферма машиналари ферма ишчи қўшига талабни кескин пайсайтирди; аммо меҳнат самарадорлиги ошганига қарамай фермерлар камбағал эди. Ҳосил нархлари, худди шаҳар ишчиларининг маоши сингари бизнес манфаатлари томонидан йўналтирилувчи бозор кучларига боғлиқ эди. Фермерлар ва фасол ишчи касабаларига ҳукумат субсидиялари бериш хали киритилмаган эди. 1925 йили президент Кэлвин Куличис «Америка халқининг асосий иши — бизнес» деб эълон қилди ва аксарият бунга рози бўлди.

Урушдан кейинги «Тез юксалиш» пайтида бизнес соҳалари гуллаб-яшнади ва омади юришганлар ҳаёлига ҳам келмаган даражада раънақ топди. Илк бор кўп америкаликлар олий таълим олишга интилиб, 1920-йилларда коллеж рўйхатлари икки бараварига ошди. Урта табақа вакиллари гуллаб-яшнади; Америкаликлар бу даврда дунё узра энг юқори миллий ўр-

тача даромад кўрсаткичларидан бахраманд бўлди ва кўп одамлар жамиятдаги мақом рамзи — автомобильни сотиб олди. Одатдаги шаҳар америкалигининг уйи электр нури илаш чарогон бўлди ва уйни ташқи дунё билан боғлаган радио, телефон, камера, ёзиш машинкаси ёки тикиш жиҳози шовқинига тўлдирилди. Синклер Льюиснинг «Бэббит» (1922) романидаги бизнесмен сингари уртача америкалик бу асбоб-ускуналарни маъқуллади, чунки улар замонавий эди ва чуқки улар Америкада ихтиро этилган ёки Америкада ишлаб чиқарилган эди.

«Шовқин-суронли йигирманчи йиллар» америкаликлари ўзга замонавий қўлайликларга ҳам кўнгил қўйди. Аксарият одамлар хафтасига бир марта кинога борарди. АҚШ Конституциясига 18-Қўшимча орқали давлат ишларида спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш, нақл этиш ва сотиш 1919 йилдан бери ман этилганига қарамай, «енг ости сотув» ва тунги клублар гуллаб-яшнади. Уларда джаз мусикаси, коктейллар, енгилтак мода кийимлари ва рақслар ривож топди. Рақс тушиш, кинога бориш, автомобильда сайр этиш ва радио эшитиш давлат миқёсидаги ҳавас-иштиёққа айланди. Алалхусус, америкалик аёллар ўзини эркин ҳис этди. I Жахон Уруши пайтида Америка шаҳарларида ватан олдидаги бурчнинг мудофаа ишларида бажариш учун кўплар фермалар ва кишлоқларни тарк этиб, узиқ-кесил замонавий бўлиб олди. Соцларини қалта кесиб («бобби»), қалта «флэпер» қуйлақлар кийиб олди. 1920 йили Конституцияга киритилган 19-Қўшимча ёрдамида овоз бериш ҳуқуқига эришдилар. Улар ўз фикрларини қўрқмай айтиб, жамиятда ижтимоий ўрин эгаллади.

Ғарб ёшлари шафқатсиз уруш оқибатида исёнкор, жahlдор ва хомхаёллардан холи бўлиб, бунга катта авлод масъул деб билишди. Урушдан кейинги қийин иктисодий шароит доллари бор америкаликларга — шулар қатори ёзувчилар Ф. Скотт Фицжеральд, Эрнест Хемингуэй, Гертруда Стайн ва Эзра Паунд — хорижда арзимаган пулга чиройли илаш имкони берди. Ақлий янгилликлар, айниқса Фрейд психологияси ва камроқ даражада Марксизм (ундан олдин эволюция ҳақидаги Дарвин назарияси каби) «худосиз» дунёкарашни киритди ва анъанавий қадриятларнинг қулашига ўз улushiни қўшди. Хориждаги америкаликлар бундай қарашларни ўзига сингдирди ва уларни

Қўшма Штатларга олиб келиб, ёш ёзувчилар ва санъат аҳлининг тахаййулини алангалатди. Мисол учун, XX аср Америка романнависи Уильям Фолкнер барча асарларида Фрейд психологиясининг элементларидан фойдаланди. I Жаҳон Урушидан кейин деярли барча жиддий америкалик бадиий адабиёт ижодкорлари шу оқимга эргашди.

Ташки хушнудлиги, замонавийлиги ва мислсиз моддий фаровонлигига ҳарамай 1920-йилларнинг ёш америкаликлари, адабиётчи Гертруда Стайн таъбири билан айтганда, «Июкотирилган авлод» эди. Собит, анъанавий кадриятлар мажмуасисиз айрим шахс ўзлигини онглаш ҳиссини йўқотди. Мухофазаланган, мададкор оила ҳаёти; таниш-билиш, ўтроқ жамоа; фермада экин экиш ва ўриш вақтини белгилаган табиий ва ички ритмлар, гуруҳ берувчи ватанпарварлик ҳисси; диний эътиқол ёрдамида ўрнатилган маънавий-ахлоқий кадриятлар — буларнинг барчаси I Жаҳон Уруши ва унинг оқибатларида зил кета бошлади.

Қатор романлар, алахусус, Хемингуэйнинг «Қўёш ҳам чиқмоқда» (1926) ва Фицджеральднинг «Жаннатнинг бу томони» (1920) йўқотилган авлоднинг ғайриоддийлиги ва хомжаёлларини йўқотганидан дарак берди. Т.С. Элиотнинг «Ташландик ер» (1922) асарида гарбий цивилизация ёмғирга ташна қургўк саҳро (маънавий-руҳий қайта янгиланиш) сифатида рамзий ифодасини топди.

1930-йилларнинг дунё миқёсидаги тушқунлиги Америка Қўшма Штатларининг аксарият аҳолисига ўз салбий таъсирини ўтказди. Ишчилар ўз иш жойларидан айрилди ва фабрикалар ёпилди; бизнес ва банклар синди; ҳосилни ўриб олиш, накл этиш ёки сотишга ҳодир бўлмаган фермерлар ўз қарзларини тўлай олмай, ўз фермаларидан айрилди. Урта Ғарбдаги қургўкчиликлар Американинг «вонушта патнис»ни чағ бослан темирга айлантирди. Қўп фермерлар Урта Ғарбни тарк этди ва иш қилириб Калифорнияга силжиди. Бу жараён Жон Стайнбекнинг «Ғазаб шингиллари» (1939) асарида жонли тасвирланган. Тушқунлик авжида барча америкаликларнинг учдан бир қисми ишсиз эди. Садақа шўрвахоналар, кулба шахарчалар ва беҳисоб «хобо» — товар вагонларига ўзбошимча миниб олган ишсиз даядилар киллий ҳаётнинг таркибий қисмига айланди. Куллар Тушқунлиқни чегарасиз материализм ва эркин

хаёт тарзи гуноҳлари эвазига юборилган жазо деб билди. Урта Ғарб осмонини тўсиб олган чағ тўфонлар уларнинг ишончига кура Инжил ҳукмини англагларди: «қун бўйи тўфон, пешинда эса зим-зиё зулмат».

Тушқунлик дунёни остин-устун қилиб юборди. Қўшма Штатлар 1920-йилларда Бизнес Аҳлига ибодат этган бўлса, эндиликда қўп америкаликлар президент Франклин Д. Рузвельтнинг Янгица Ендашув программаларида ҳукуматнинг аяча фаол ролини қўлаб-қувватлади. Федерал маблағ давлат секторида консерва тайёрлаш ва кишлок жойларни электрлаштириш сохаларида иш жойлари барпо этди. Санъаткорлар ва зиёлиларга фрескалар яратиш ва штат маълумотномалари тузиш учун пул ажратилди. Бу чоралар ёрдам берди, бироқ фахат II Жаҳон Урушининг сонаот ривож фаровонлик келтира олди. Япония 1941 йилнинг 7 декабрида Пирл Харборда Қўшма Штатларга ҳужум қилганидан кейин ишлатилмай қолиб келган верфлар ва заводлар оммавий равишда кемалар, аэропланлар, джип автомобиллари ва таъминот моллари ишлаб чиқаришга қаратилди. Уруш ажжомлари ишлаб чиқариш ва тажриба-синовлар жараёни янги технологиялар, шу жумладан атом бомбаси барпо этилишига келтирди. Илк атом портлашининг гўвоҳи бўлган Роберт Опенгеймер — атом соҳасидаги олимлар халқаро гуруҳининг раҳбари — ҳинд дostonидан башорат этди: «Мен оламларни тузғитиб ташловчи ўлим булдим».

МОДЕРНИЗМ

Иигирманчи асрнинг илк йиллари Европа ва АҚШда аста-секин юзага кела бошлаган модернизмнинг катта маданий тўлқини ёйла бошлади. У, ўтишдан ҳамда Ғарб цивилизациясининг классик анъаналаридан қатъий ажралишни ифодаловчи санъат орқали замонавий ҳаётни ифодалади. Замонавий ҳаёт анъанавий ҳаёт тарзидан тубдан фарқ қилгандек бўлиб кўринди — янада илмий, тезроқ, янада технологик ва янада механизациялашган. Модернизм мазкур ўзгаришларни ифодалади.

Адабиётда Гертруда Стайн (1874—1946) замонавий санъатга муқобил шаклни ривожлантирди. Парижда яшовчи Стайн санъат дурдоналарини тўплади (акаси Лео билан биргаликда Поль Сезан, Поль Гоген, Пьер Август Рену-

ар, Пабло Пикассо ва кўлаб ўзга усталарнинг ишларини харид қилган). Стейн таъбирича, у ва Пикассо айнан бир иш билан машғул эди: Пикассо рассомчиликда, у эса адабиётда. Салда ва муайян сўзларни акс маънода ишлатиб, Стейн абстракт, экспериментал насрий наъмини ривожлантирди. Стейннинг болаларга хос салда сўзлар маъмуаси замонавий санъатнинг ёрқин рангларини ҳаёлга келтириб, қайтаришувчан садо сўзлари абстракт визуал композициялар шаклини қайтарган. Грамматик қоидалар ва тиниш белгиларини олиб ташлаб, Стейн ўзининг «Юшшоқ тугмалар» (1914) тўпламида янгича «абстракт» маъноларга эришди. Унда нарсалар, худди кубизм рассомчилигидагидек, турли бурчаклардан кўрилади:

Стул Стул дегани — менинг
Азизим дегани эмас, у бутунлай
мустаҳкамки англатади.
У ўша ўзгарувчанликка ўхшайдимки
Бир қарашда ойна балан бўлсада
Стул ойнадан кўпроқ маъно англатар.

Стейн ижодида маъно кўпиччилик техник воситаларга бўйсундирилиб, худди абстракт визуал санъат турларида бўлгани каби мохият шаклга нисбатан ҳамроҳ аҳамиятта эга бўлган. Мазмун ва техник шакл ўша давр визуал санъати ва адабиётида ажратиб бўлмас яхлитлик касб этди. Мазмунга эквивалент шакл гоёси II Жаҳон Урушидан кейинги санъат ва адабиётнинг тамал тоши бўлиб, айнан шу даврда такомиллашди.

Завод-фабрика ва машиналар дунёсидаги технологик ихтирою янгиликлар санъат соҳаларининг услуб ва усул воситалари нуқтаи назаридан ҳам янгича мавқени шакллади. Биргина мисол келтирайлик: Нур, алаҳқусус, электр нури замонавий санъаткорлар ва ёзувчиларни ўзига мафтун этди. Уша даврнинг почта открыткалари ва рекламалар прожекторлар нуридаги осмон ўпар иморатлар билан безатилиб, электр нури автомобиль чироқлари, кинозаллар ва кузатув буржларидан таралиб, атрофнинг коронгулигини ёритар ва кўҳна анъаналарни ортда қолдиргандек туюларди.

Сунги илмий ютуқлар билан қуролланган фотография нафис санъат мақомини ола бошлади. Фотограф Альфред Стейглиц Нью-Йорк шаҳрида салон очиб, 1908 йилга келиб энг сунги Европа намуналари, шулар жумласидан Пи-

кассо ва Гертруда Стейннинг ўзга европалик дўстларининг асарларини намоён эта бошлади. Стейглицт саломи кўлаб ёзувчилар ва санъаткорларга таъсир ўтказди. Шулар жумласидан Уильям Карлос Уильямс — XX аср иккинчи ярмида Американинг энг нуфузли шоирларидан бири. Уильямс сиймоннинг фотографик аниқлигини тараннуж этган. Унинг эстетик афоризми барчага маълум: «Гоёлар эмас, нарсалар».

Куриш ва назар нуқтаси замонавий романнинг ҳам муҳим жиҳатида айланди. Учинчи шахс номидан тўғри ёзиш ёки беъманитарча безор қиладиган ҳикоячи номидан ёзиш қониқарли бўлиб қолмади. Ҳикоя қай тарика айтилиши, ҳикоянинг ўзи каби муҳим бўлди.

Генри Джеймс, Уильям Фолкнер ва ўзга кўлаб америкалик ёзувчилар дунёқарашнинг баъдий жиҳатларини тажриба қилган (айримлар ҳозир ҳам шундай қилмоқда). Джеймс кўпиччилик ўз романидаги маълумотларни бир қаҳрамон билан оладиган ҳудудлар билан чеклайди. Фолкнернинг «Шовқин ва ғазаб» (1929) романи ҳикоячи тўғри қисмга бўлади: ҳар бири турли олашларнинг (шу жумладан ақли норасо боланинг ҳам) қарашини ифодалайди.

Бундай модернистик романлар ва шеърларни таҳлил этишда Америка Қўшма Штатларида янгича танқидий мохиятга эга «Янги Танқидчилик» мактаби юзага келди. Янги танқидчилар «вахий нозил бўлиш» (қаҳрамон тўсатдан вазиятнинг фазовий мохиятини англовчи лаҳза; бу истилоҳ муқаддас авлиёларнинг оддий инсонларга нозил бўлиб, кўриниш берганидан олинган) оинларини излайди. Бундай танқидчилар асарни «синовдан ўтказиб», унга «равшанлик киритади» ва ўз «ички олами» орқали унга «нур сочишга» умид боғлайди.

1914—1945 ЙИЛЛАР ШЕЪРИЯТИ: ШАКЛ БОРАСИДАГИ ЭКСПЕРИМЕНТЛАР *Эзра Паунд (1885—1972)*

Эзра Паунд жорий асрийнинг энг нуфузли Америка шоирларидан бири. 1908—1920 йилларда у Лондонда яшаб, кўп ёзувчилар ва шулар қатори Уильям Батлер Йетс билан яқиндан танишиб, унга қотиблик қилди. Т.С. Эллиотнинг «Ташландиқ ер»ини эса сезиларли равишда тахрир этиб, яхшилаб берди. Паунд АҚШ ва Британия орасидаги кўприк бўлиб, Хэрриет Монроунинг Чикагодаги муҳим «Шеърият»

журналига хиссадор мухаррирлик килди. Имажизми номи билан маълум янги шеърий мактаб нуфузининг ёйилишига хисса қўшди. Бу мактаб аниқ-равшан тасвир услубини маъқуллаган. Имажизмдан сўнг турли шеърий ёндашувларни ҳимоялаб чиқди. Кейин Италияга кўчиб, у ерда итальян фашистлари томонидан ҳибсга олинди.

Паунд имажизмини хатлар, эсселар ва антологияда ривожлантирди. 1915 йили Монроуга ёзган хатда у замонавий оҳангли, «клишелардан қочиб, иборалар киритувчи» образли шеърият фойдасига далил келтирди. «Имажистнинг бир нечта қилмасликлари» (1913) да у «имаж» сўзини «ақлий ва эхтиросли комплексни бир лаҳзада намоён этувчи» нарса деб тушунтирди. 1914 йили Паунд чиқарган «Имажистлар» антологияси 10 шоирнинг ижодини қажраб олиб, Уильям Карлос Уильямс, Х.Д. (Хильда Дулитл) ва Эми Лоуэлл каби атоқли муаллифларнинг Имажистик шеъриятдан мисоллар келтиради.

Паунднинг қизиқиш доираси ва асарлари универсал эди. Унинг ўзлаштирмалари ва ёрқин таржумалари кўп маданиятлардан тортиб ҳозирги ёзувчиларгача янги адабий имкониятларни тақдим этади. Ҳазининг асосий асари «Қўшиқлар»ни ўлимадан олдин ёзиб, нашр этди. Уларда ажойиб намуналар тўпланган, бироқ кўп даврлар ва маданиятларнинг адабий ва санъат намуналарига мурожаат этиши уларни мураккаблаштирган. Паунд шеърияти ўзининг аниқлиги, образли тасвирлари, янги соф ритмлари ва шиддатли, ақлий, гайриоддий сатрлари билан маълум. LXXXI-Қўшиқдан бунга мисол келтириш мумкин: «Чумоли ҳам ўз дунёсининг аждахолари орасида кеттаврди». Япон хайкуларидан илҳомланган



Т. С. Элиот

«Метро бекатида» (1916) каби шеърларида ҳам бунга мисоллар бор:

Мазкур юзларнинг оломонда
кўриниш бериши
Хўл, қора шохдаги бағрларга
ўхшар.

Т.С. Элиот (1888—1965)

Томас Стерн Элиот Миссури штатининг Сент-Луисда, аждодлари Шимоли-шарқий Қўшма Штатларда ўтган ўзига бадавлат оилада таваллуд топган. Ўз авлодига мансуб ҳар қандай кўзга кўринган Америка ёзувчилари қатори Сорбоннанинг Харвард коллежида ва Оксфорд университетининг Мертон коллежида аъло таълим олган. Шеъриятга таъсир утказган санскрит ва Шарқ фалсафасини ўрганган. Ўз дўсти Паунд сингари Элиот ҳам аввал Англияда бўлган ва у ернинг адабий дунёсида ўзига ҳос баянд мавқели ёзувчига айланган. Ўз пайтининг энг обрўли шоқрлари сифатида унинг модернистча, кўринишдан мантисиз ёки абстракт, анъаналарга қарши шеъриятни энкилобий таъсирга эга бўлган. Шунингдек у нуфузли эссе ва ижтимоий анъаналарнинг замонавий шоир учун муҳимлигини ёқлаган.

Танқидчи сифатида Элиот муайян эмоциянинг «формуласи» бўлиши керак «мақсадлар, вазият, ҳодисалар силсиласи» орқали эхтиросни инфодалаш воситалари сифатида «Мукаддас ўрмон»да таърифланган «коррелятив тулдирувчи»ни адабиёт тарихига киритган. «Ж. Альфред Прүфрокнинг сембли қўшиғи» (1915) каби шеърлари унинг ёндашувини инфодалайди. Натижага эришмаган, улғайган Прүфрок «ўз ҳаётини кофе қошиқчаларида ўлчагани» ҳақида ҳаёл суради: кофе қо-

шикчалари зерикарли кун кечир-
риш ва бехудага сарфланган ҳаёт-
ни ақс эттиради.

«Пруфрок» асарининг машхур
дебочаси китобхонни кўримсиз
тор кўчаларга бошлайди. Улар,
худди ҳозирги ҳаёт сингари, ҳаёт
бераётган саволларга бирон жа-
воб тақлиф этмайди:

Келинг у ерга борайлик сиз
ва мен,

Гўёки стол устида нархоз
уйкуга чўмган бемор каби

Оқшом осмон рупарасида
ястанганда;

Келинг борайлик муайян ярим
яланғоч кўчалардан

Бир кечалик арзон отелларда
Ҳаловатсиз тунларнинг

шивир-шивир маскани

Устрица қобиклари сочилган
тахта кипяқли ресторанлар:

Зерикарли далилдек тўғри
кўчалар

Пистирмадаги муғомбирона
ният

Сизни улкан сўроқ белгисига
элтар...

О, асло сўраманг, «бу нима?»
деб

Келинг биз борайлик ва
ташриф буюрайлик.

Айнан шундай сиймолар «Таш-
ландик ер» (1922)ни ҳам қамраб
олиб, улар, Дантенинг Жаҳаннами
билан ақс садо беради ва I Жаҳон
Уруши пайтида Лондоннинг оло-
монли кўчаларини хотирага кел-
тиради:

Норвал Шахар,

Қишнинг жигаранг тумани
қопламоқда,

Оломон Лондон кўприги узра
оқмоқда

Шунчалар кўлки, мен скра
уйламаган эдимки,

Улим шунчалар кўпга
қодир... (I, 60–63).



РОБЕРТ ФРОСТ

«Ташландик ер»нинг сиймоси
бутун дунё учун охирашни ифода-
лайди:

Бинафшаранг ҳавода тонг,
ислохотлар ва портлашлар
Устунлар қуламоқда
Иерусалим, Афина, Искандария
Вена Лондон
Норвал (V, 373–377)

Элиотнинг асосий шеърлари
қаторидаги «Қарилк» (1920)
Ғарбий жамиятнинг мункиллаб
қолганини рамзловчи қари одам
сиймосини ишлатади; «Ичи бўш
одамлар» (1925) – замонавий ин-
соният руҳининг ўлимга марсия;
«Буюк рўза чоршанбаси» (1930) да
Элиот инсон ҳаётининг маъноси-
ни топиш учун Англия Черковига
юзланади; «Туртта туртлик»
(1943) – замон, ўзлик табиати, ру-
ҳий онлаш каби ғайриоддий на-
рсалар ҳақида мураккаб, ўта шах-
сий, экспериментал мулоҳаза-
ларни келтиради. Унинг шеърля-
ти, алаҳқусус, жасур, янгилик ки-
ритувчи дастлабки асарлари ке-
йинги авлодларга таъсир ўтказди.

Роберт Фрост (1874–1963)

Роберт Ли Фрост Калифорния-
да туғилган, бироқ 10 ёшигача
Шимоли-шарқий Қўшма Штатлар-
даги фермада ўсган. Элиот ва Па-
унд сингари у ҳам шеърятдаги
янги оқимларга жалб этилиб, Ан-
глияга сафар этган ва ном чиқарга
1961 йили президент Жон Ф. Кен-
недининг инаугурацияси пайтида
ажойиб нутқ сўзлаган ва шу орқа-
ли миллий манфаатнинг шеърят-
га киришига ёрдам берган. Унинг
машхурлигини тушунтириш осон:
у анъанавий ферма ҳаётини тав-
сифлаб, олдинги замонларни қў-
саш хиссига мурожаат этган.
Унинг тасвир объектлари универ-
сал – олма терими, тош деворлар,
симли қўралар, қишлоқ йўллари.

Фрост ёндашувлари аниқ ва тушунарли эди: у камдан-кам ҳолларда педантик ишора ёки эллипсислар ишлатган. Кофиядан кўп фойдаланиш ҳам умумий аудиторияга мўлжалланган.

Фрост асарлари кўпинчалик кўринишидан алдамчи равишда содда. Бирок кўл шеърлари чуқур маънони назарда тутади. Мисол учун, қор ёғаётган сокин оқшом деярли гипнотик кофияда тасвирланиши тамомила ўринсиз ўлим яқинлашувини назарда tutиши мумкин. «Қорли оқшом ўрмонда тўхтаб» (1923) шеърдан:

Мен биламан деб ўйлаган бу
ўрмон каминики

Унинг уйи кишлокда, бироқ:
Унинг қорга тўла ўрмонин
томоша этиш учун

Менинг бу ерда тўхтаганимни
У кўрмайди.

Унинг қорга тўла ўрмонин
томоша этгани учун.

Менинг мияти отим наҳадар
ғалати деб ўйласа керах
Йилнинг энг қоронги туни
Ферма ховлидан узоқда
Дарахтлар ва музлаган кўл
орасида тўхташни.

У ўзининг абзал кўнгироқларин
тебратар

Бу ерда бирон хато борми деб
сўрагандек.

Ўзга товушлардан яна факат
Енгил шамол ва қор учқунларин
шивир-шивири эшитилар.

Дарахтлар турар ажойиб,
қоронги ва афсункор,
Бироқ мен йўл юришга ваъда
берганман,
Ва уйқуга кетишдан олдин
чақиримлар босиш,
Ва уйқуга кетишдан олдин
чақиримлар босиш.



УОЛЛЕС СТИВЕНС

Уоллес Стивенс (1873–1955)

Пенсильванияда таваллуд топган Уоллес Стивенс Харвард коллежи ва Нью-Йорк университетининг ҳуқуқшунослик мактабида таълим олган. 1904–1916 йиллар мобайнида Нью-Йорк шаҳрида ҳуқуқшуносликдан тажриба қилган. Бу давр эса у ерда санъат ва шеърятда фаоллик пайти бўлган. Коннектикут штатининг Харвардига суғурта маъмури бўлиш учун 1916 йили кўчиб, шеърлар ёзишни давом эттирди. Унинг ҳаёти ҳаммадан яққаланиб яшаши билан қизиқарли: суғурта компаниясидаги ҳамкасблари унинг шоирлигидан беҳабар эди. Ҳаммадан айри равишда у эстетик тартибот борасидаги ўта мураккаб ғояларини умр бўйи ривожлантирди. Унинг асарлари шунга мутаносиб равишда номланган: «Гармония» (кенгайтирилган нашр, 1931), «Тартиб ғоялари» (1935) ва «Дунё қисмлари» (1942). Унинг энг машҳур шеърлари қаторидан «Якшанба қуви эрталаб», «Пианино чалаётган Питер Квинси», «Музқаймоқ императори», «Қоқ Ғарбда тартиб ғояси».

Стивенс шеърляти тахаййул, эстетик шакл зарурлиги ва санъатда тартиб табиатдаги тартиб билан алоқадорлиги мавзуларини кўтарди. Унинг сўз бойлиги мукамал ва хилма-хилдир. У рангларга бой тропик саҳналарни тасвирлаш билан бирга юмористик ва енгил винъеткалар ҳам чизди.

Шеърларидан айримлари оммавий маданиятга яқинлашиб, ўзгалари мураккаблашган жамият устидан ҳазил қилади ёки ақлий юксакликларга кўтариллади. Унинг баландпарвоз сўз уинни тилларга тушган: «Тезда келар бу ерга му-рофиқ византияликлар/ доирадек бурни шўппайтхриб».

Стивеннинг ижоди ҳайратомуз башоратларга бой. Баъзан у китобхон устидан ҳазил қилиб, жумбок беради: «Соат ўн умидсизлиги» (1931) бунга мисол:

Оқ тунги кўйлақлар
Ўйларда кўрнниш берар.
Улар яшил эмас,
Ёки яшил хошияли кирмизи эмас,
Ёки сариқ хошияли яшил эмас,
Ёки кўк хошияли сариқ эмас.
Улардан ҳеч бири безалган эмас
Турли патақлар ёки
Майда кўзмунчоқ билан.
Одамларнинг тушига кирмас
Маймунлар ёки моллюскалар.
Биргина қари денгизчи
Ҳам бу ерда, ҳам у ерда
Маст ҳолда ўқлар этигин ечмай,
Аласт ҳолатда
Ўйларбарслар овлаб.

Бу шеър биринчи кўрннишда сиймосиз нарсалар (содда оқ рангли кўйлақлар)ни таърифлайди. Бироқ аслида ўқувчи онгида жонли образлар яратади. Охирида маст денгизчи ўз тушларида «Ўйларбарслар овлар». Бу шеър инсон — ўқувчи ёки денгизчи — таҳаййули доимо ижодий йўналишга интилишини кўрсатади.

Уильям Карлос Уильямс (1883—1963)

Уильям Карлос Уильямс умр бўйи болалар доктори бўлиб ишлаган: у 2000дан ортиқ болаларни қабул қилиб, ўз шеърларини рецепт варакларига ёзган. У шoirлардан Эзра Паунд ва Хилда Дулитлнинг курсдоши бўлиб, илк шеърияти Имажизмдан фойдаланиш тарафдорларига айланиб, америкача инглиз тилининг табиий оҳанглари кўллаши Америка шеъриятини Ренессанс давридан бошлаб Инглиз шеъриятида устувор бўлиб келган ямбик метрдан холи этишга қумаклаган. Олдий меҳнат ахли, болалар ва замонавий шахар муҳитининг қундалик юмушларига хайрихоҳлиги унинг шеъриятини жозибадор ва тушунарли қилган. «Гилдиракли қизил арава» (1923) қундалик нарсаларда кизиқарли ва гузал жихатларни кашф этади:

Оқ жўжалар олдидаги

Бмгир сувлари остида ярқираган

Гилдиракли қизил аравага

Шунчалар кўп нарса боғлиқ.

Уильямс эркин ва табиий шеъриятни ривожлантирди. Унинг ижодига хос шеърлар Стивенс асарлари каби мукамал шакл олмаган ёки Фрост ижодига хос батафсил зеб берилган сўзлар тартиби билан ажралмаган. Унинг шеърлари бир зумдаги фотосурат сингарк ҳозирги дақиқани ушлаб олиши керак эди. Бундай ёндашув Нью-Йоркда Стейнглитц галереяси каби жойларда учратган фотографлар ва санъаткорлар билан мулоқотдан ибтидо олган эди. Фотография сингари унинг шеърлари кўпинчалик яширин имкониятлар ёки жозибадорликка имо қилади. «Ёш уй бекаси» (1917)дан бунга мисол:

Соат ўнда эрталаб ёш уй бекаси
Ўз эри уйининг ёғоч деворлари ортига
уй халатида кириб кетмоқда.
Мен эса ўз автомобилимда ёлғизман.

Сўнгра у яна йўлка четига чикиб,
муз сотувчи ва балиқ сотувчини чақириш
учук йккиланиб,
корсетсиз, тўзгиган сочларини турмаклаб
туради ва мен ўни учиб тушган
баргга ўхшатаман.

Автомобилим гилдираклари
қуруқ хазонларни чарсиллатиб
товуш чиқарганда, мен унга таъзим этиб,
жилмайман.

У муайян, кўзга кўринувчи нарсаларнинг аҳамиятини таъкидлаш учун ўз асарларини «объективистик» деб атаган. Унинг асарлари кўпинчалик ҳаётий тажрибанинг ички туйғу, эҳтирос ифодасини кидирган инсонни ўзига жалб этиб, 1950-йилларнинг бошидаги «Бит» ёзувчилик окимининг таъсири остида бўлган.

Элиот ва Паунд сингари Уильямс ҳам эпик шаклда қўл симаган, бироқ уларнинг эпик асарлари юксак даражада билимдон ўқувчиларнинг кам сонли гуруҳига мурожаат этган бўлса, Уильямс эса кўпроқ оммавий аудиторияга мўл-

жаллаб ёзган. Хорижда таълим олганига қарамай, у Қўшма Штатларда яшашни афзал кўрди. Унинг эпик асари бўлган «Петерсон» (беш жилд. 1946–1958) Нью-Жерсидаги ўз она шаҳри Петерсонни кўйлаган. «Доктор Петерсон» автобиографик асари ҳам бунга мисол. Унда Уильямс лирика, наср, хатлар, автобиография, газета хисоботлари ва тарихий фактларни ёнма-ён қўяди. Оқ буш жой қолдирилгани Америка адабиётининг очик йўл мавзунни назарда тутди ва хатто жамоат ларқларида яқшанба кунлари хордик чиқараётган камбагаллар учун ҳам очик янги имкониятлар борлиги хисини ато этади. Уитменинг «Ўт барглари»даги қахрамони каби доктор Петерсон ҳам ишчи халқ орасида ўзини эркин хис этади:

— кеч баҳор,
яқшанба пешини!

— сўкмоқ бўйлаб жарлик
сари кетмоқда (ўйлаки,
исбот)

Ўзгалар қатори у ҳам
бу ердаги ўша-ўша тошларни
босиб
улар кўтарилгани сайин
оёқлари сиргалар эди.
Ўз итлари ортидан интилиб!

Улар кулар эди, бир-бирин
чакириб —

Мени кут! (II, I, 14–23)

ИККИ УРУШ ОРАСИДА *Робинсон Жефферс* (1887–1962)

Икки жаҳон уруши мобайнида юксах фазилатли ва истеъодли катор Америка шоирлари юзага келди. Улар орасида Гарбин Сохил шоирлари, аёллар ва африкалик америкаликлар бор эди. Романа-



РОБИНСОН ЖЕФФЕРС

вис Жон Стейнбек каби Робинсон Жефферс ҳам Калифорнияда яшган. Улар Испан ранчерлари ва хиндлар, уларнинг қурама анъаналари ҳамда бу ўлканинг жозибадор чиройини тасвирлаган. Классик адабиёт ўқиб вога етган ва Фрейддан яхши хабардор Жефферс сохилбўйи гузал денгиз манзаралари муҳити заминиде юнон трагедиясининг мавзуларини қайта яратди. «Тамар» (1924), «Бурул айғир» (1925), «Фожиа ортидаги бурж» (1924) — Эсхилининг «Агамемнон»ни қайта яратиб, Еврипид трагедиясининг қайта яратилган «Медея» (1946)си каби фоживий ривоятлари унга шухрат келтирди.

Эдвард Истлин Каммингс (1894–1962)

Барчага э.э. каммингс сифатида маълум Эдвард Истлин Каммингс юмор, жозоба, севги ва эротикани қўйлаш ҳамда тиниш белгилари ва варақнинг кўриниш шакли билан экспериментлар ўтказиши билан ажралиб турган жозибали, янгича шеърлар яратган. Рассом бўлган Каммингс Америка шоирларидан биринчи бўлиб шеъринг отзаки эмас, балки асосан кўрса бўладиган санъат турига айланаётганини тан олган. Унинг шеърларида кўп-кўп гайриоддий сатрлар ва абзацлар жойлашuvi ҳамда қатга ҳарфлардан умуман воз кечиш ишлатилган.

Уильямс сингари Каммингс ҳам кундалик нутқ сўзлардан, кескин иборалар ва халқ лаҳжаси ҳамда маданиятига хос сўзлардан фойдаланган. Уильямс каби Каммингс ҳам сатрларни эркин тарзда жойлаштирган. Унинг «айнан ҳозир» (1920) шеъри хитобхонки унутилган гоиларни тўлдиришга тақлиф этади:

айнан хозир —

Бахор қачонки дунё узра
хушбуй ис таркатар
кичяк ва оксок шарик сотувчи
ҳуштак чалар узоқ ва юлуқ

ва гирдоблар тутар
мармарлардан сирталиб
бу — бахор...

Харт Крейн (1899—1932)

Харт Крейн 33 ёшида денгизга сакраб ўзини ўлдирган ёш аламлида шоир эди. Ундан кенин ажойиб шеърлар қолди. Улар қатори янги қурилган Бруклин кўприги илҳомлантирган «Кўприк» (1930) эпик асари бўлиб, унда шоир Америка маданият тажрибасини қайта кўриб чиқишга уринади ва уни қатъий сўзларда қайта баҳолайди. Унинг ёрқин ва ўта жўшқин услуби «Саёҳатлар» (1923, 1926) ва «Мелвил қабр тоши» каби қисқа шеърларида аъло кўринади. «Мелвил қабр тоши»нинг ниҳойи сатрлари Крейннинг ўзига муносиб мотам сўзлари бўла олади:

марсия кўшиги уйғотмас
денгизчини.

Бу афсонавий соя фақат
денгиз имтиёзидир.

Марианна Мур (1887—1972)

Марианна Мур қачонлардир ёзганидек, шеърлар реал қурбакалар сакровчи «тахаййул боғлари» бўлган. Унинг шеърлари оғзаки нутққа яқин бўлиб, силлабик усулда батафсил ишланган ва нафисдир. Улар ўта аниқ тавсиф ва тарихий ҳамда илмий далилга таянади. «Шоирлар шиори» бўлган Мур ўздан кейинги шоирлардан ёш дугонаси Элизабет Бишоп ажодига таъсир этди.

Лэнгстон Хьюз (1902—1967)

1920-йиллардаги Гарлем Ренессансининг Жеймс Велдон Жонсон, Клауд Маккей, Сантаи Каллен ва ўзга кўплаб истеъодли шоирларидан бири Лэнгстон Хьюз эди. У африкалик америкалик джаз ритмларини акс эттириб, ўз ёзувчилиги асосида фойдали карьера қилишга уринган илк қоратанли ёзувчилардан бири бўлган. Хьюз ўз ижодида блузлар, диний оқимлар, оғзаки нутқ ва фольклор усулларини муҷассамлаштирган.

Сезиларли маланият ташкилотчиси Хьюз қатор қоратанли адибларнинг антологияларини нашр этиб, Лос Анжелес, Чикаго ва Нью-Йорк шаҳрида қоратанли театр гуруҳларига ибтидо берди. Шунингдек, фаол журналистика билан шугулланиб, ижтимоий шарқни ифодалаш учун Жесси Б. Сэмпл («симпл») образини яратди. Унинг сеvimли шеърларидан бири — «Негр дарёларга сўзлар» (1921, 1925) унинг африкалик ва умумбашар меросини улкан эпик каталогда муҷассамлаштирган. Бу шеър таъкидича, дунёнинг улкан дарёлари сингари, Африка маданияти ҳам давом этиб, чуқурлашади:

Лэнгстон Хьюз

Мен дарёларни билганман:

Мен дунё каби кўхна
ва инсон томиридаги қон
оқимидак
ҳам қадим дарёларни
билганман.

Менинг руҳим дарёлар каби
чуқурлашмоқда.

Ҳаёт энди қуртак отаётганда
мен Евфрат сувларида
қўмилганман

Мен ўз қулбамни Конго
кирғоғида

Фототраси Кнопф тақдими

тиклаганман
ва у мени уйкута аллалар эди.

Мен Нилга тепадан оқиб,
бошим узра пирамидалар
кўтарганман.

Аби Линкольн Янги Орлеан
томон пастга тушганда
Миссисипининг жұшқини
хўшигин эшитганман.

Ва ўнинг лойка бағри
Кўёш Ботарда соф
олтинга пуркалганин
кўрганман.

Мен дарёларни кўрганман
Кўҳна, қорамтир дарёларни.

Менинг руҳим шу дарёлар каби
чуқурлашиб бормоқда.

НАСР, 1914–1945: АМЕРИКА РЕАЛИЗМИ

Америка насри икки уруш орасида дунёқараш ва шакл борасида тажрибалар ўтказган бўлсада, америкаликлар, умуман олганда, европаликларга нисбатан анча реалистик услубда ёзишган. Романнавиг Эрнест Хемингуэй уруш, ов ва ўзга жасорат мавзулари ҳақида камгал, аниқ услубда ёзган; Уильям Фолкнер ўзининг қудратли жанубий романларида ўзаро боғлиқ авлодлар ва маданиятларни Миссисипининг жазирама иссиқ ва чанг муҳитида тасвирлаган, Синклер Льюис эса буржуа намоёндаларининг ҳаётини захарханда аниқлик билан кўрсатган.

Ҳақиқий ҳаётга рўбарў туриш муҳимлиги 1920 ва 1930 йилларда етакчи мавзуга айланди. Ф. Скотт Фицджеральд ва драматург Юджин О'Нил каби ёзувчилар ўзларининг ўткинчи орзу-хаёлларида яшовчиларни кутувчи фожияни қайта-қайта тасвирлашди.



Ф. Скотт Фицджеральд

Фотораём
Мэер Пикерез тасвир

Ф. Скотт Фицджеральд (1896–1940)

Френсис Скотт Фицджеральднинг ҳаёти бир ажойиб эртажма ўхшайди. 1 Жаҳон Уруши пайтида Фицджеральд АҚШ Армиясига ёзилди ва ҳарбий қисми вақтинча жойлашган Алабама штатининг Монтгомери шаҳри ёнида яшовчи бой ва чиройли қиз Зельда Сайрага ошиқ бўлиб қолади. Фицджеральд нисбатан камбағал бўлгани учун Зельда уларнинг алоқасини узади. Урушдан сўнг армиядан озод этилган Фицджеральд унга уйланиш орзусида адабий омадини синаш учун Нью-Йорк шаҳрига боради.

Унинг биринчи романи – «Жаннатнинг бу томони» (1920) бестселлерга айланиб, улар 24 ёшда турмуш қуришади. Уларнинг ҳеч бири муваффақият ва шон-шухрат синовларига дош беришга қодир эмасди. Натижада пулларини бекор сарфлашади. Сўнгра, пул тўлаш ниятида, 1924 йили Францияга кўчишади ва етти йил ўтгачлини АҚШга қайтиб келишади. Зельда руҳан безовта бўлиб, уни касалхонага олишга мажбур бўлишади. Фицджеральднинг ўзи эса алкоғоликка айланиб, бадиий фильмлардаги сценарист каби ёш улади.

Фицджеральднинг Америка адабиётдаги муайян ўрни асосан унинг «Буюк Гэтсби» (1925) романига таянади. Нуксонсиз ёзилган ва батафсил таркибли бу қисса ўз тақдирини ўзи яратган инсон ҳақидаги Америка орзусини ифодалайди. Бош қаҳрамон Жей Гэтсби муваффақиятнинг шахсий ҳаёт ва муҳаббатта вайронгар таъсирини кашф этади. Фицджеральднинг ўзга маълум асарлари қаторида «Нафосат – тундир» (1934) беқарор аёлга уйланиши оқибатида ҳаёти вайрон бўлган ёш психиатр тақдирини тасвирлайди. «Флапперлар ва файластуфлар» (1920).

«Джаз даврининг эртаклари» (1922) ва «Барча хазин ёш эркаклар» (1926) тўллamlарига кирган айрим ҳикоялари ҳам диққатга сазовор. Ўзга ҳар қандай ёзувчидан кўпроқ даражада Фишжеральд 1920-йилларнинг хашамати ва айна пайтда умидсиз ҳаётга берилган эди. «Жаннатнинг бу томони» замонавий Америка ёшларининг овозини эшиттирди. Унинг иккинчи романи — «Ўзал ва лаънати» (1922) ўзи яшаган даврнинг ўзликни айрон этувчи ғайриоддийлигини тасвирлашда давом этган.

Фишжеральднинг висвасали жозиба мавзуга ўта мос тушувчи кўзни қамаштирувчи услуги уйғун эди. «Буюк Гэтсби»даги машҳур жумла вақтнинг нақадар чўзилишини моҳирона тасвирлайди: «Ёз кечалари узра қўшним уйдан мусика садолари эшитиларди. Унинг кўкмиртир боғларига эркаклар ва қизлар келиб, гийбат шивир-шивири, шампан виноси ва юлдузлар орасида тунги капалаклар сингари юришарди».

Эрнест Хемингуэй (1899—1961)

Камдан-кам ёзувчилар Эрнест Хемингуэй каби тўлақонли ва ранг-баранг ҳаёт кечиршган. Унинг карьераси узининг саргузашт романларидан бирининг сифаларидан чиққандек туюлади. Фишжеральд, Драйзер ва XX асрнинг ўзга кўлаб ёзувчилари сингари Хемингуэй ҳам АҚШ Урта Гарбидан келиб чиққан. Иллинойсда таваллуд топган Хемингуэй болаликдаги таътилларини Мичиганда ов ва балиқчилик саёхатларида ўтказган. I Жаҳон Уруши пайтида тиббий тез ёрдам қисмларига қўнғилли бўлиб ёзилган, бироқ яраланиб, олти ой касалхонада ётган. Урушдан кейин Париждаги харбий корреспондент сифатида америкалик ватангада муҳожир ёзувчи-



ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙ

лар Шервуд Андерсон, Эзра Паунд, Ф. Скотт Фишжеральд ва Гертруда Стейн билан учрашди. Айниқса Стейн унинг камгап услубига сезиларли таъсир утказди.

«Кўёш ҳам кўтарилмоқда» (1920) романи унга шухрат келтиргач, Хемингуэй Испан фуқаролар уруши, II Жаҳон Уруши ва 1940-йилларда Хитойдаги жангларни тасвирлайди. Африкадаги сафари (ов) пайтида кичик азроплани қулаганда у каттик шикастланади. Шунга қарамай овчилик ва спорт сифатида балиқ овлash билан шуғулланишни қанда қилмайди. Бу фаолияти унинг айрим зур асарларини илҳомлантирди. «Қария ва денгиз» (1952) — ақулаларга ет бўлаётган улкан балиқни етаклаб келаётган қашшоқ қари балиқчи ҳақидаги поэтик ҳикоя бўлиб, муаллифга 1953 йили Пулитцер Мукофотини келтирди. Кейинги йили у Нобель Мукофотини олди. Оила ташвишлари, касаллик ва ёзувчилик қобилиятини йўқотиш тўғриси тўғайли Хемингуэй 1961 йили ўзини отиб ўлдирди.

Хемингуэй асосли равишда XX асрда энг машҳур Америка романивиси ҳисобланади. Унинг майллари сиёсатдан узоқ ва иксонпарварлик гоёларига асосланганлиги ижодини умумийсоний макомга кўтарди. Унинг содда услуби романларини тушунишни осонлаштириб, улардаги воқеалар кўпинчалик экзотик муҳитда содир бўлади. «Тажриба устуворлиги»га ишонган Хемингуэй кўпинчалик ўз қаҳрамонларининг ички моҳиятини кашф этиш учун уларни ҳавфли вазиятларга рубару этади. Кейинги асарларида хатар баъзан жасур таъкид учун қўлай тасодифга айланади.

Фишжеральд каби Хемингуэй ҳам ўз авлодининг ифодаловчиси бўлди. Бироқ ҳеч қачон I Жаҳон


Урушида жанг қилмаган ва ўз авлодининг тақдир жозибасини тасвирловчи Фишжеральддан фарқли ўларок у уруш, ўлим ва «йўқотилган авлод» ҳақида тирик қолганларнинг ошқора таърифидир. Унинг қаҳрамонлари ҳаёлапараст эмас, балки жасур тореадорлар, солдатлар ва жисмонан бақувват одамлар. Зиёлилари эса хомхаёлдан ҳоли.

Унинг ўзига хос белгиси — керахсиз сўзлардан ҳоли аниқ услуб. Қўлиначалик у вазмин иборалар қўллайди. «Алвидо, қурол» (1929) да қаҳрамон аёл бола тутиш пайти ўлаётганда шундай дейди: «Мен сира қўркмайман. Бу сўёки бир тубан найранг». У қачонлардир ўз асарларини айсбергга ўхшатган: «кўзга кўринган ҳар бир қисмининг саккиздан етти улуши сўз остидадир».

Хемингуэйнинг мулоҳот қуришга аъло қобилияти ва аниқ тавсифи «Климанжаро қорлари» ва «Френсис Макомбернинг қиска бахти» каби ажойиб қиска ҳикояларида намоёндыр. Дарҳақиқат, танқидчилар наздида унинг қиска ҳикоялари романларига тенг ёки ҳатто улардан устун туради. Энг яхши романлари сирасига қуйидагилари қиради: 1 Жаҳон Урушидан кейин ватангадо муҳожирларнинг маъносиз ҳаёти ҳақидаги «Қуёш ҳам кўтарилмоқда»; уруш пайтида Америка аскар ва Англиялик ҳамшира орасидаги фожиавий севги алоқасини баён этувчи «Алвидо, қурол»; Испанияда Фукарлар урушини тасвирловчи «Қунироқ қимга мотам чалмоқда» (1940); «Кария ва денгиз».

Уильям Фолкнер (1897–1962)

Қадимги жанублик оилادا туғилган Уильям Гаррисон Фолкнер Миссисипи штатининг Оксфордда улгайиб, урнининг аксар қисми-



Уильям Фолкнер

ни ҳам ўша ерда ўтказган. Фолкнер тамомкида ҳаёлий ўлка — Йокнапатафа ноҳиясини бунёд этди. Қўплаб романларида узаро алоқалари бир неча авлодлар олдин бошланган қатор оилалар тақдир айнан шу ўлкада содир бўлади. Йокнапатафа ноҳияси ва унинг пойтахти бўлиши «Жефферсон» — Миссисипи штатининг Оксфорд шаҳри ва унинг атрофлари мисолида шакллантирилган. Фолкнер бу ўлканинг тарихи ва унда истиқомат қилувчи турли ирқлар — хиндлар, африкаликлар, европаллик америкаликлар ва турли қурама миллат вакилларининг ҳаётини хайта яратди. Новадор ёзувчи бўлган Фолкнер ривоят хронологияси, турли қарашлар ва овозлар (шу жумладан қувилган дарбадалар, болалар ва саводсизлар) ва иккинчи томондан мураккаб узаро боғлиқ қисмларга лиммо-лим узун жумлаларни қуриш учун бой барокко услуби ёрдамида бениқсон тажриба ўтказди.

Фолкнернинг энг яхши романлари қаторига «Шовкин ва газаб» (1929) ва «Мен қандай қилиб ўлиб ётганман» (1930) романлари қиради. Бу икки модерни услубидаги асар ўз оила аъзосини йўқотиш ҳайғусига мубтало жанублик оилаларни ўрганиш максалида турли қарашлар ва овозларни жалб этади. «Августдаги нур» (1932) романи октанли аёл ва қоратанли эркак орасидаги мураккаб ва жиноятқорона алоқаларни таърифлайди. «Авессалом, Авессалом!» (1936) эхтимол унинг энг яхши романи бўлиб, ўз тақдирини ўзи яратган плантаторнинг кўтариллиши ва сўнгра ирқий тарафқашлик ва севги доғидан қулаши ҳақидаги асар.

Бу романларнинг ажасрияти бир қиссанинг турли қисмларини баён этиш учун кўтқ услуби ҳамда маълумот манбаига қараб маъно

хам ўзгаришни кўрсатиш учун турли характердан фойдаланади. Турли қарашларни келтириш Фолкнер ижодини Хемингуэй ёки Фишжеральд асарларига нисбатан кўнрок ўз маълумотларига ҳавола этувчи ёки «ўзига қайтарувчи» қилади. Хар бир роман ўз муҳитини ақс эттириб, унга қайтаради ва шу билан бирга умуминсоний ҳизиқишга молиқ хиссани ёйиб боради. Фолкнер мавзулари – жануб аёнанази, оила, ҳамжамият, ўлка, тарих ва ўтмиш, ирк, шухратпарастлик ва муҳаббат туйғулари. У, шунингдек, тушқунликка тушган оила – Снонлар кланининг юксалишига қаратилган уч роман яратди: «Гамлет» (1940), «Шаҳарча» (1957) ва «Дангиллама уй» (1959).

ИЖТИМОЙ ОНГЛАШ РОМАНЛАРИ

Бир минг саккиз юз тўқсонинчи йиллардан бери ижтимоий қаршилик тағокими Америка адабиётида йўл очиб, Стефан Крейн ва Теодор Драйзер натурализмга ҳамда фош этувчи романнависларнинг аниқ асарлари сарчашмасига бориб тақалади. Кейинчалик ижтимоий ҳаётга қўшилган муаллифлар қаторига Синклер Льюис, Жон Стейнбек, Жон Дос Пассос, Ричард Райт ва драманавис Клиффорд Одет кирди. Оддий фуқаролар фаровонлиги ва касб эгалари гуруҳларига бўлган ташвиш тўғайли улар 1930-йиллар билан боғлиқ эди: Синклер Льюиснинг «Эрроусмит»и – физик; «Бэббит»и – маҳаллий бизнесмен; Стейнбекнинг «Ғазаб шингиллари»да бутун оилалар ва Дос Пассоснинг «АҚШ» трилогиясида II асосий қаҳрамонлар шаҳар оммасини муҷассамлаштирган.



Синклер Льюис

Синклер Льюис (1885–1951)

Гарри Синклер Льюис Миннесота штатининг Саук Сентрида туғилиб, Иель университетини битирган. Мактабдан буш вақтида фош этувчи ёзувчи Элтон Синклер маблағига феолият юритган Хеллкон Хоули Колонияси номили социалистик жамоада ишлаган. Льюиснинг «Асосий кўча» (1920) романи Миннесота штатидаги Гоффер Прериясидаги кичик шаҳарчанинг бир хилдаги мунофиқона ҳаётини қулги этган. Америка ҳаётининг башоратли тасвири ҳамда Америка материализми, маҳдудлиги ва мунофиқлигини танқиди унга миллий ва халқаро эътироф келтирди. 1926 йили у «Эрроусмит» (1925) асари учун Пулитзер мукофотига тақдим этилиб, рад этилган. Унда, доктор ўз тиббий этикасига зид очқўлик ва порахўрликдан сақланиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари кўрсатилган. 1930-йилларда у адабиёт соҳасида Нобель мукофотига эришган илк америкалик бўлди.

Льюиснинг ўзга асосий романлари қаторида «Бэббит» (1922)ни номлаш керак. Жорж Бэббит оддий Америка шаҳарчиси Зенитда кун кечирувчи оддий бизнесмен. Бэббит ахлоқли ва ишбилармон ҳамда замонавий ҳаётга янгича илмий ёндашув мақомидаги бизнесга кишонувчи одам. Безовта бўлиб, тўлақонли ҳаёт истайдди, бироқ енгилтабиат аёл билан алоқадан ҳафсаласи пир бўлиб, ўз хотинига қайтади ва ўз тақдирига тан беради. Бу роман Америка тилига янги сўз – «Бэббитчилик» – яъни маҳдуд оғли, ўзига мамнун, буржуа сиймо тушунчасини хирипти. «Элмер Жентри» (1927)да Қўшма Штатларда динни қайта тикловчини тасвирласа, «Кес Тимберлайн» (1945) қари судья ва унинг ёш хотини турмушидаги тарангликни таҳлил этади.

Жон Дос Пассос (1896–1970)

Синклер Льюис сингари Жон Дос Пассос ҳам чап канотли радикал сифатида фаолият бошлайди, бироқ улгайгани сари ўннга силжий боради. Дос Пассос социалистик реализм билан ҳамоханг реалистик услубда ёзган. Унинг энг яхши асари илмий объективлик ва деярли хужжатли таъсирга эришади. Дос Пассос ўзининг нодир асари «АКШ»да экспериментал коллаж усулини ривожлантиради Бутрилогия «42-параллель» (1930), «1919» (1932) ва «Катта пул» (1936) романларидан иборат. Мазкур улкан тўплам Америка Қўшма Штатларининг тарихини 1900 йилдан то 1930 йилгача қамраб олади ва Америка материалистик жамияти ахлоқий бузилишини асар қахрамонларининг хаёти орқали ёритади.

Дос Пассоснинг янгича услуби ўнга замондош бўлган газета сарлавҳалари, оммабоп ашулалар, эълонлар ва уша даврнинг ихтирочиси Томас Эдисон, қасаба уюшмалари ташкилотчиси Юджин Дебс, киноюлдуз Рудольф Валентино, молиячи Ж.П. Морган ва социолог Торстейн Веблен каби кўзга қуринган америкаликларнинг «биографиялари»дан олинган «кинохроник» қисмлардан иборат. Кинохроника ва биографиялар Дос Пассос романларига хужжат кадр-қўimmatини бағишлайди; учинчи восита — «камера кўзгуси ила» — китобларда тавсифланган ҳодисаларга субъектив муносабатни тақлиф этувчи оғли наэрий шеърлардан таркиб топган.

Жон Стейнбек (1902–1968)

Синклер Льюис сингари Жон Стейнбек ҳам 1963 йили Нобель мукофоти олгани ва шу орқали



Жон СТЕЙНБЕК

Фотолараси
Пинки ЁЗ Бичар таздиги

халқаро шухрат қозонганки туфайли Қўшма Штатлардан ташқарида юксак эътирофга эришди. Иккала қолда ҳам Нобель Комитети либерал Америкалик езувчиларни яхтимой танқидчилиги учун мукофотга сазовор этади.

Калифорниялик Стейнбек ўз асарларидаги мухитни Сан Франциско ёнидаги Салинас Водийсида жойлаштиради. Унинг энг яхши асари — Пулитцер мукофотига сазовор бўлган «Ғазаб шийғиллари» (1939)да Буюк Тушқунлик пайти ўз фермасидан айрилди, Калифорнияга иш излаб келган камбағал оқлаҳомалик оиланинг сарсонгарчиликлари тасвирланади. Оила аъзоларик бой ер эгалари томонидан феодал зуғумга мубтало бўлади. Калифорнияда тасвирланган ўзга асарлари қаторига «Тортилла пастлиги» (1935), «Сичқонлар ва одамлар» (1937), «Консерва заводининг можароси» (1945) ва «Жаннатнинг шарқий томони» (1952) қиради.

Стейнбек ерга яқин яшовчи камбағал фермерларда саҳоватли фазилатлар борлигини кашф этувчи реализм билан примитив романтизмини қўрама этади. Унинг ижоди қурғокчилик пайтлари ўз илдиэларидан маҳрум бўлиш ва сиёсий беқарорлик ҳамда иқтисодий тушқунлик оқибатида биринчилар қатори азоб чекувчи бундай инсонларнинг нозик табиатлигини намойён этади.

ГАРЛЕМ РЕНЕССАНСИ

Шиддатли 1920-йиллар мобайнида Гарлем — Нью-Йорк шаҳрининг юқори қисмида жойлашган қоратанлилар жамоаси — эҳтиросли туйғулар ва яратувчанлик руҳида кўш урди. Қоратанли америкаликларнинг джаз оҳанглари Қўшма Штатларни тўфондек қамраб олиб. Дюк Эллингтон каби джаз

музикчилари ва композиторлари Қўшма Штатлар узра ва океан ортида ардоқли юлдузларга айланди. Бесси Смит ва ўзга блюз ашулчилари ошқора хиссиётли, эҳтиросли туйғулари юзага отилувчи зиддиятли лирикани тахдим этишди. Коратанлиларнинг диний қўшиқлари ҳамма ерда антикий гузал диний мусика сифатида олқишлана бошлади. Коратанли актриса Этель Уотерс сахнада тантанавор зафар қозонди ва коратанли америкаликларнинг рақслари ва санъати мусиқа ва драмада гуллаб яшнади.

Гарлемдаги хилма-хил истеъодлар орасида кўлаб дунёқарашлар ёнма-ён мавжуд эди. Карл Ван Вечтеннинг Гарлем ҳақида 1926 йили нашр этган хайрхоҳона романи иқтисодий ва ижтимоий тенгсизлик муҳитида коратанли америкаликларнинг мураккаб ва аччиқ ҳаёти ҳақида сал бўлсада, тасаввур берди.

Шоир Коунти Каллен (1903–1946) асли Германиялик бўлиб, У.И.Б. Дю Бойсинг қизи билан кенча муддат турмуш қурган ва кўпроқ октанлиларни хайратга солган кенг таомилдаги шаклда мукамал қофияли шеърлар ёзган. Унинг эътиқодига қура ирқий камсублик шоирга мавзу ва шеър услубини белгилаши керак эмас. Бундай қарашнинг қарама-қарши томонида Маркус Гарвеннинг «Африкага қайтиш» ҳаракати таъсирида Қўшма Штатларни рад этган африкалик америкаликлар турган. Жин Тумернинг ижоди бундан иккала кўтб орасида тобланди.

Жин Тумер (1894–1967)

Каллен сингари африкалик америкалик ёзувчи ва шоир бўлган Жин Тумер ирқий масаладан юкори кўтарилган олган Америкача ўзлигини онглашни намоён этган. Эҳтимол шу сабабдан у қофия ва



Жин Тумер

вазнинг шеърий анъаналаридан мохирона фойдаланиб, уз ижодида янгича «қора» шакллар изламади. Бироқ унинг асосий асари «Қамиш» (1923)да Уильямсинг «Петерсон»и каби шеърлар, нарсий парчалар, ҳикоялар ва автобиографик мулоҳазалар бирлашган. Унда кишлоқ жойларда, Жоржия, Вашингтон ва Иллинойсинг Чикаго шаҳарларида ва улардан ташқарида ҳамда Жанубдаги коратанли ўқитувчи сифатида африкалик америкалик ўз шахсиятини химоялаш учун курашади. «Қамиш»да Тумер тасвирлаган Жоржиянинг кишлоқ жойлардаги коратанлилари мохир санъаткор:

Уларнинг овозлари
кўтарилар... қарагай
дарахтлари сўёки гитара,
Қарагай игналари тор чертиб,
ёмғир қатраларидек
сирғалиб тушар...

Уларнинг товуши кўтарилар...
қамиш унга жүрвовз
Юлдузлар сари оқшом маҳини
жаранглатар... (1, 21–24).

«Қамиш» Вашингтон шаҳридаги африкалик америкаликлар ҳаётининг шиддатли олимларига қарама-қарши қўйилади:

Пул чўнтакни ёндирар, чўнтак
хуйдирар.

Бутлетгерлар шойи
қўйлақларда,

Димоғлари шишиб,
кадиллакларни жаранглатиб,
Трамвай йулларидан виз-виз
ўтар. (11, 1–4).

Ричард Райт (1908–1960)

Ричард Райт Миссисипилик камбағал висфифкор оиласида таваллуд топиб, отаси беш ёшлигида уларни ташлаб кетган. Атиги тўққиз синфлик таълим олганига қарамай Райт кенг китобхонлар оmmasига манзур бўлган илк африкалик америкалик романнавис-

дир. Унинг оғир болалик йиллари энг яхши асарларидан бири, автобиографик «Қоратанли бола» (1945) романида тасвирланган. Кейинчалик, унинг айтишича, ыр-кчилик туфайли вужудга келган муҳтожлик ҳисси шу қадар оғир эдики, фақат китоб ўқиш унинг омон қолишига ёрдам берган экан.

Шервуд Андерсон, Теодор Драйзер ва айниқса Синклер Льюис ижодига ҳос ижтимоий танқид ва реализм Райтни илҳом-лантирди. 1930-йилларда у коммунистик партия сафларига қўшилади: 1940-йилларда эса Францияга кўчиб, Гертруда Стейн ва Жин-Поль Сартр билан танишиб, анти-коммунистга айланади. Унинг ижоди келгуси африкалик америкалик романивисларга йўл очди.

Унинг асарлари қаторига киска хикоялар тўплами «Том амаки болалари» (1938) ҳамда қудратли ва аёвсиз «Асил ўғил» (1940) романи қиради. Бу романларда саводсиз ёш қоратанли Биггер Томас хато қилиб оқтанли ишга ёлловчисининг қизини улдиради, унинг жасадини ваҳшийларча ёндиради ва қилмиши ошқора этилишидан қўрқиб, гувоҳ бўлган қоратанли маъшукасини ҳам ўлдиради. Райт қоратанли қаҳрамонини қотил сифатида тасвирлагани учун айрим африкалик америкаликлар уни танқид қилганига қарамай, бу роман Қўшма Штатларда жуда қўмунозара-бахсларга асос бўлувчи иркий тенгсизликнинг зарурий ва кечиккан ифодасига айланди.

Зора Нил Харстон (1903–1960)

Флорида штатининг кичиккина Итонвил шаҳрида туғилган Зора Нил Харстон Гарлем Ренессансининг ёрқин истеъодларидан бири сифатида танилган. Илк бор Нью-Йорк шаҳрига сайёх театр гу-



Ричард Райт



Фотораём

Харстон университетчи тегди

руҳи таркибида 16 ёшида келиб қолади. Ўз тингловчиларини маҳлиё этувчи ўта истеъодли ривоятчи Зора Бернард Коллежга ўқушга кириб, антрополог Франц Боаз билан бирга таҳсил олади ва этник масала моҳиятини дилми жихатдан онгайди. Боаз уни ўз она юрти Флориданинг асл фольклорини тўплашга ундайди. Зора бу ишга қўл уриб, унинг «Эшаклар ва одамлар» (1935) асарини машҳур фольклорчи Алан Ломакс «фольклор соҳасида энг жозибали, истеъодли ва моҳирона ёзилган китоб» деб баҳолайди.

Харстон шунингдек Гаитида яшаб, шаманликни ўрганади ва Кариб ҳавзасининг фольклорини тўлаб, шу асосда «Отмига айт» (1938) антологиясини тузади. Халқ тилидан табиий фойдаланиши Марк Твен ижодига ҳос буюк анъанани давом эттиради. Унинг асарлари ёрқин тил ва африкалик америкаликларнинг озаки анъанасига ҳос комик — ёки фоҳжавий — хикоялар билан безалган.

Харстон таъсирчан романивис бўлган. Унинг энг муҳим асари — «Уларнинг қўзи Худого мўнтазир эди» (1937) — чиройли дулат аёлининг етилиши ва уч маротиба турмуш қуриш аснодаги янгидан бахтиёр бўлишнинг янгича тасвирловчи асар. Роман қишлоқ кўжалиги билан машғул Жанубда ерга ишлов берувчи африкалик америкаликларнинг ҳаётини жонли равишда хотирга келтиради. Аёллар ҳаракатининг дарақчиси бўлган Харстон ижоди Алис Уолкер ва Тони Моррисон каби замонавий адибалар ижодини ўз автобиографияси — «Йўлдаги чанг излар» (1942) — каби асарлари орқали илҳом-лантириб, уларга таъсир этди.

АДАБИЙ ОКИМЛАР: ФУЖИТИВИЗМ ВА ЯНГИ ТАНКИДЧИЛИК

Ф уқаролар урушидан XX ас- ргача жанубий Қўшма Штатлар расизм ва диний курофотлар домидаги сиёсий ва иқтисодий турмушга муқобал бўлиб, аини пайтинг ўзида бой халқ урф-одатлари ва гурур ҳамда анъананинг кучли ҳиссига пурканган ўлка бўлиб қолмоқда эди. Маҳаллийчилик ва жаҳолатнинг маданий саҳроси сифатида адолатсиз ном чиқарган эди.

Тақдир ҳазили шундан иборат эдики, шоир, танқидчи ва назар- ётчи Жон Кроу Рэнсом, шоир Ал- лен Тэйт ҳамда новеллист, шоир ва эссечи Роберт Пенн Уоррен то- монидан бошқарилган XX асрнинг энг сезиларли маҳаллий адабий оқими — Фужитивизм айнан шу ер- да юзага келган. Бу жанубий ада- бий мактаб «шимолӣ» шаҳар ма- данияти, тижорат кадр-қимматла- рини рад этиб, улар Американи ўз домига тортмоқда деб ҳисобла- шарди. Фужитивистлар Жанубда топиш мумкин бўлган ер бағрига ва Америка анъаналарига қайтиш- га даъват этишди. Бу оқим ўз но- минин — Теннесси штата Нэшвил шаҳридаги Вандербилт универси- тетида 1922—1925 йиллар мобай- нида нашр этилган «Фужитив» адабий журналидан олган эди. Рэнсом, Тэйт ва Уоррен ижоди ай- нан шу журнал билан боғлиқ эди.

Мазкур асосий учта Фужити- вист ёзувчилар номи Янги танқид- чилик оқими билан ҳам уйғунлаш- ган. Бу оқим диққат билан ўқиш ва формал шаклга (образлилик, ме- тафоралар, вазн, оҳанг ва ра- тларга) ва улар ортидаги маънога алоҳида урғу бернш орқали адаби- ётни тушунишга ёндошган. Икки уруш орасида жанубий Ренессан- сининг етакчи назарийчиси бўл- ган Рэнсом «Янги Танқидчилик»



ЗОРА НИЛ ХАРСТОН

Фототраси © Карл Ван Вентерс,
Леп университетининг тақдими

(1941) деган китоб нашр этиб, та- рих ва биографияга асосланган собиқ ўта адабийлаштирилган танқидчилик методларига аль- тернатива тақлиф қилди. Янги танқидчилик Элиот каби модер- нист ёзувчилар ижодига ўта муно- сиб бўлгани, Фрейд (айниқса тар- кибий категорияларидан ид, эго (онгли шахс) ва альтер эго (олий субъект) назариясини ўзлаштира олгани, мифология мавзуларидаги адабиётга ёндошиш қобилиятини исботлагани туфайли 1940- ва 1950-йилларда Америкада етакчи ёндашувга айланди.

XX АСР АМЕРИКА ДРАМАСИ

И игирманчи асргача Амери- ка драмаси Англия ва Европа театрига тақлид қилиб келди. Қўпчилик Англия- лик пьесалар ёки Европа тилла- ридан таржима қилинган драма асарлари театр мавсумларида ус- тувор эди. Америка драматургла- рини ҳимоя қилиш ёки рағбатлан- тиришга ожиз нусха олиш ҳуқуқи истеъдодли асл драма соҳасига қарши ишлади. Долзарб мавзуда- ги пьесаларга нисбатан актер- ларни кўпроқ олқишлаган «Юл- дузлар системаси» бунга мисол. Америкаликлар Қўшма Штатлар театри узра гастролга келган Ев- ропа актерларини кўришга икти- ларди. Устига устак, импорт ки- линган драма асарлари, худди импорт винолар каби, маҳаллий маҳсулотларга нисбатан юқори- роқ қадрланарди.

XX аср давомида намунали де- мократик шахслар ва ёқонлик би- лан яхшилик орасидаги фарқ аниқ ифодаланган мелодрамалар ўта машҳур эди. Қўлдорлик каби иж- тимий муаммоларга бағишланган пьесалар ҳам катта эътиборга эришди: баъзан бу пьесалар «Том амаки кулбаси» каби романлар- нинг саҳналаштирилган варианты

эди. XX асрга қадар жиддий мавзуларни кўтарган пьесалар эстетик янгилик киритишга уринмади. Оммабоп маданият, айниқса водевилда (пародия, масхарабозлик, мусика ва шу қабиларга бой оммабоп варъете театри) сезиларли ривожланди. Африкалик америкалик мусика ва фольклорга асосланиб, «коратанли кифеа»ни сунъий равишда яратган октянли актёрлар томонидан намоён этилган менестрель томошалар ҳам оригинал шакл ва ифода восита ривожлантирди.

Юджин О'Нил (1888–1953)

Юджин О'Нил Америка театрининг буюк намоёндаси. Унинг катор пьесаларида сезиларли техник оригиналлик дунёкараш янгилиги ва ҳиссиётлар чуқурлиги билан қориштирилган. О'Нилнинг илк драмаларида ишчилар синфи ва камбағаллар ташвишлари кўтарилади. Кейинги асарларида эса бирон гояга гирифторлик ва жанслар масаласи каби субъектив соҳалар ёритилиб, муаллиф Фрейд психологияси билан яқиндан танишлиги ва ўзининг марҳум онаси, отаси ва акаси билан мулоқот боғлашга изтиробли уринишлари кўзга ташланади «Қайрагочлар остидаги хоҳиш» (1924) пьесаси бир оиладаги яширин эхтиросларни кўрсатади; «Буюк жигаранг Худо» (1926) да бой бизнесменнинг онгсизлигини кўрсатади; Пулитцер мукофотини олган «Ғаройиб антракт» (1928) бир аёлнинг мураккаб сеvgи ришталарини намоён этади. Мазкур диҳатга сазовор пьесалар ибтидоий эхтиросларга берилган ёки қучли рухий ларза таъсирида галаёнга келган турли образларни ошқора этади.

«Электра саҳарлаб келади» (1931) номи билан бирлаштирил-



Юджин О'Нил

ган пьесалар трилогиясида О'Нил Фрейд психологиясига оид сеvgи босими ва оилалар ичидagi ҳуқиронлик мавзуларини давом эттиради. Бу трилогия Софоклнинг классик «Эдип» трилогиясига асосланган. О'Нилнинг кейинги муҳим пьесалари қаторига улим мавзуга бағишланган «Муз сотувчи кометаси» (1946) пьесаси ва «Тун оғушига узундан-узун кун сари саёҳат» (1956) кенг қамровли автобиографик асари қиради. Бу асарда О'Нил бир тун давомида ўзи гувоҳ бўлган оқласи аъзоларининг жисмоний ва психологик кечинмаларига урин берган. Бу асар О'Нил ўлими олдида яратган пьесалари силсиласининг бир қисмидир.

О'Нил саҳна асарларининг акт ва саҳаналарга анъанавий бўлинишидан воз кечиb, театрни қайта шакллади («Ғаройиб антракт» тўққиз актдан иборат; «Электра саҳарлаб келади» эса тўққиз соат намоён этилади); Осиё ва қадимги Юнонда асос олган нисобларни ишлатади; Шекспир монологлари ва Юнон хорини киритади; нур ва товуш ёрдамида махсус эффектлар яратили. У Американинг энг машхур драматурги сифатида тан олиниб, 1936 йили Америка пьесанавислари орасида биринчи бўлиб юксақ шараф – адабиёт соҳасида Нобель мукофотига эришади.

Торнтон Вилдер (1897–1975)

Торнтон Вилдер «Бизнинг шаҳарча» (1938) ва «Тишларимиз териск» (1942) пьесалари ва «Сан Луис Рей кўприги» (1927) романи билан ном чиқарган.

«Бизнинг шаҳарча» Американинг жабон кадр-қимматларини ифодалайди. Унда сентиментал ва ностальгия хис-туйғулари – табиат оғушидаги ўта типик кичик ша-

харча, саховатли ота-оналар, шўх болакайлар ва ёш севишганлар тўлик ифодаланган. Шу билан бирга, арвоқлар, томошобинларнинг овозлари ва жасорат лойтиларининг ортда қолиши каби янгилик элементлари пьесага жозиба бағишлайди. Дарҳақиқат, бу пьеса ҳаёт ва ўлим ҳақидаги асар бўлиб, унда марҳумлар, акалли бир зумга бўлса ҳам, қайта тирилади.

Клиффорд Одетс (1906–1963)

Клиффорд Одетс — ижтимоий драма устаси — Шаркий Европада келган яҳудий муҳожирлардан. Нью-Йорк шаҳрида катта бўлган Одетс Гарольд Клармен, Ли Страсберг ва Черилл Кроуфорд раҳбарлик қилган ва фақат асил Америка драмаларини сахналаштиришга мўлжалланган Гуруҳ Театрининг фаол иштирокчиларидан бирига айланади.

Одетснинг энг машҳур пьесаси «Чапақайни кутиб» (1935) экспериментал бир актли драма бўлиб, касаба уюшмаларини қизгин ҳимоя қилган. Унинг «Уйғон, ва қўйла!» номли ўтмишни қўмсовчи оқла драмаси оммавий муваффақият қозонган яна бир асари бўлди. Ундан олдин, мўмай пулга учиб, боксчи бўлган ва бармоқларини шикастлаб, ўзининг мусикий (скрипка) истеъдодини барбод этган ёш муҳожир итальян йигити тақдирини тасвирловчи «Олтин йигит» асари шухрат келтирган эди. Фицджеральднинг «Буюк Гэтсби» ва Драйзернинг «Америка фоҳишаси» асарлари каби бу пьеса ҳам халдан зиёд шухратпарастлик ва материализмга қарши бонг уради.

VII-БОБ

1945 йилдан келинги АМЕРИКА ШЕЪРИЯТИ: АНЪАНАГА ҚАРШИ

Анъанавий шакллар, ғоялар ва тарих инсон ҳаётини маъно ва узлуксизлик билан таъминлаши мумкинлиги ҳақидаги таҳминдан чекланиш дунёнинг кўп қисмларида замонавий адабий жараёни қамраб олди. Америка Қўшма Штатлари бундан мустасно эмас. II Жаҳон Урушидан кейинги ходисалар тарих жараёни узунлик қилиши мумкинлиги ҳиссини тўғирди: ҳар бир ҳаракат, тўғғу ва лаҳза қайтарилмас нарса сифатида қўрила бошлади. Услуб ва шакл эндиликда ижод қилиш жараёни ва ёзувчи ўзлигини оғлашининг раъний, муваққат бир восита ва инъикоси сифатида қўрилади. Ифода усулларининг таниш-билиш категориялари шубҳа остига олинадди: оригиналлик янги анъанага айланди.

Қўшма Штатларда бундай ўзаро боғлиқ бўлмаган мутаассирликка тарихий сабаблар топил хийин эмас. II Жаҳон Урушининг ўзи, ёлпасига шахарда марказлашган жамиятда бир-бирини танимаслик ва истеъмоличлик кайфиятларининг вуждуга келиши, 1960-йиллардаги норозилик ҳаракатлари, ўн йил давом этган Вьетнам визоси, Совук уруш, атропо-муҳитга таҳлика — Америка маданиятига қарахтбарор таъсир этган воқеалар рўйхати узун ва хилма-хилдир. Бирок Америка жамиятига энг сезиларли таъсир ўтказган ўзгариш оммавий ахборот воситалари ва оммавий маданиятнинг ривож бўлди. Аввалига радио, кейин бадий фильмлар ва эндиликда ҳаммасидан ҳам қўдратли, ҳамма ерга сингиб ўтувчи телевидение курсатувлари Америка ҳаётининг илдизларини ўзгартириб юборди. Ёзиш ва ўқишга асосланган шахсий савод ва мухтор маданиятдан Қўшма Штатлар радио тўқинлари, компакт дисклар ва кассеталар мусиқаси, фильмлар ва ойнан жажон сиймоларига соъланди.

Америка шеърияти бевосита равишда оммавий ахборот воситалари ва электроник технология таъсирига тушди. Шеърхонликлар ва шоирлар билан суҳбатлар ҳақидаги фильмлар,

видеокассеталар ва кассета ёзувларини кенг оммага етказиш имкони пайдо бўлди ва нашрининг арзон янгича фотография усуллари ёш шоирларни ўз асарларини чоп этишга ва ёш мухаррирларни адабий журналлар босишга — ҳозир уларнинг сони 2000дан ортик — рағбатлантирди. 1950-йилларнинг охиридан то ҳозиргача америкаликлар ўз ҳолича ўта фойдали технологик янгиликлар ҳайратомуз хато сиймолар оркали хатар тўғдиришидан тобора ташвишлана бошлади. Бу хатарга альтернатива излаётган америкаликларга шеърият илгаригига нисбатан анча ўринли бўлиб тўқолди. Чунки у, одамларга субъектив ҳаётни ифодалаш ва шахс онига технология ва жамият таъсирини ўзаро боғлаш йўлларини тақлиф этади.

Айримлари минтақавий, баъзилари эса машҳур мактаблар ёки шоирлар номи билан боғлиқ турли усуллар ўқувчи диққатини жалб этиш учун рақобатга киришди. Замонавий Америка шеърияти марказлашқудан қочувчи, ўта хилма-хил ва ягона ҳулоса чиқаришга имкон бермайдиган ходиса. Бирок мувоҳаса учун у учта, қисман бир-бирини қопловчи, турухларни юзага келтиргак спектр бўйлаб жойлаштирилиши мумкин: бир тарафда анъанавий, ўртада ўзига хос қўрама услубли ва ўзга томонда — экспериментал. Анъанавий услубли шоирлар шеърий анъаналарни қўллаб-қувватлайди ёки уларни қайта жонлантиради. Қўрама услубли шоирлар ўзига хос оҳанг яратишда ҳам анъанавий, ҳам янгича воситалардан фойдаланди. Экспериментал услубли шоирлар эса янги маданий усулларни парваришлайди.

АНЪАНАВИЙЛИК

Анъанавий услубли ёзувчилар анъанавий шакл ва ифода усули ҳамда қўпинчалик қўфия ёки вазн қўлиплари мажмуасидан фойдаланиб, тезда таниб олиш мумкин бўлган маҳорат ила ёзган. Уларнинг кўпчилиги асли АКШнинг Шарқий соҳилбўйи ёки мамлакатнинг жанубий қисмидан бўлиб, коллеж ва университетларда дарс беради. Ричард Эберхарт ва Ричард Вилбур; катта авлодга мансуб Фужитив шоирлардан Жон Кроу Рэнсом, Аллен Тэйт ва Роберт Пенн Уоррен; Жон Холландер ва Ричард Хоуард каби ёш қожил шоирлар; ва сахнага кўтарилаётган Роберт Лоуэл бу йўналиш вакилларига мисол бўла олади. Улар ўз йўлини топиб олиб, кўп антологияларга киритилган.

Авалги бобда Фужитивистларнинг мукамаллиги, табиатга ҳурмати ва сезиларли даражада консерватив кадриятлари мунозара этилди. Мазкур сифатлар анъанавий йўналишга қаратилган шеърятнинг фазилатидир. Анъанавий шоирлар, умуман олганда, аниқ ифода усулига молик, реалистик ва фаросатлидир. Ричард Вилбур (1921) сингари улар кўпинчалик бу йўналишда Т.С. Элиот томонидан эътибор марказига олинган XV ва XVI аср Британ метафизик шоирлари ижодидан таъсирланди. Вилбурнинг энг машҳур поэмаси — «Объектларсиз дунё — сезиларли бўшлиқ» (1950) — ўз номини метафизик шоир Томас Трахерн ижодидан олган. Унинг жонли кириш қисми айрим шоирлар қофия ва формал тартибдан топган соф аниқликни намоён этади:

Баланд туялар
Ўз саҳролари томон
Сўнги воҳалардан нара тортиб ўтар.
Ёғоч тилиш аррасининг шовкинига
Ухшар чигирткалар овози.
Бешафқат кўёш асали томон
Улар одимлар секин ва мағрур...

«Ўта шоирона» услубга ишонқирамаган кўп экспериментал шоирлардан фарқли равишда анъанавий шоирлар шеърий сатрларнинг жанр-жанрлигини куш кўрган. Роберт Пен Уоррен (1905—1989) бир шеърини қуйидаги сўзлар билан тамомлаган: «Охиратта, Худога ишониш учун / бу дунёни сидқидилдан севинг». Аллен Тэйт (1899—1979) бир шеърини «Барчамизни ҳисобга олувчи қабр посбони!» сўзлари билан тугаллаган. Анъанавий шоирлар баъзан муомаладан чиққан ёки тайриоддий сўзлардан иборат риторик услуб қўллаб, қўллаб сифатдошлар киритади (мисол учун, «мотам сифат бой-куш»), инглиз нутқи сўзларининг табиий жойлашувини сунъий равишда инверсия этади. Баъзан, Уоррен сатрларида бўлганидек, мақсад эришляди. Бошқа лойтларда эса шеърят ҳақиқий хис-туйғулардан йироқлашиб, баландпарвоз тус олади. Тэйт мисраси бунга мисол бўла олади: «ришқизрфтеъ ларнинг хошияси-та бефойда тегмоқ».

Ахён-ахён Холландер, Хоуард ва Жеймс Меррил (1926) ижодида бўлгани каби, бешнақайроқ тил фаросат, сўз ўйини ва адабий ишоралар билан биринма ҳосил қилади. Шаҳар мавзулари, қофиланмаган мисралар, муайян

субъектлар ва энгил суҳбат оҳанги бобида янгилик киритувчи Меррил «Ҳаста дил» (1966) шеъриси анъанавий шоирларга ҳос пурмаъноликни қўллайди. Турмуш қуриш гўёки бир коктель эфёати тарзида таърифланади:

Домо уша-уша кўна кисса —
Ота Вақт ва Она Ер.
Пул камлигидаги тўй.

Меррил ва Жон Эшбери каби баъзи шоирларнинг ижоди тубдан янгича йўллар излашига қарамай, уларга ҳос нутқ раволиги ва феъллардан мохирона фойдаланиш анъанавий йўналишда ҳам муваффақият келтирди. Услубий нафислик баъзи шоирларнинг ижодини аслига нисбатан анъанавийроқ этиб кўрсатади. Рэндолл Жаррел (1914—1966) ва А.Р. Эммонс (1926) ижоди бунга мисол. Эммонс инсоният ва табиат орасида шиддатли диалоглар яратали; Жаррел эса муҳтожлар — аёллар, болалар, маҳкум аскарларнинг — тўткин онгига сингиб ўтади. «Тўп ўқловчи артиллерист ўлими» (1945) бунга мисол:

Онамнинг тушидан мақом олдим,
Ва нам борлигим қуюшгунча қорнида
букчайиб ётдим.
Брдан олти миля узоқда ҳаёт ҳақидаги
орзусидан йўқолиб,
Мен замбараклар ўқи ва дахшатли жанглр
ичра уйғондим.
Улганимда эса улар мени
Замбарак устидан
Сув ичаги билан ювиб ташлашди.

Кўп анъанавий шоирлар қофия ишлатганига қарамай, барча қофияланган шеърлар ҳам субъекти ёки оҳангига қўра анъанавий эмас. Шоир Гвендолин Брукс (1917) шаҳар харобаларидаги ҳаёт қийинчиликларини тасвирлаб, «Ошхонадек иморат» (1945)да савол беради:

Орзу
пиёз исси узра
хўтарилла олармиди.
Унинг оқ ва бинафша доирачалари қурашар
қовурилган картошка билан
Ва кечаги овқат чиқиндилар
Бурчақда чириб етилмоқда...

Кўп шоирлар, шу жумладан Брукс, Адриен Рич, Ричард Вилбур, Роберт Лоуэл ва Роберт Пен Уоррен қофия ва вази ўлчовларини қўллаб,

анъанавий услубда ёза бошлашган, бироқ 1960-йилларда ижтимоий ҳодисалар босими ва очик шакл томон интилиши туфайли бу йўналишдан воз кечтишган.

Роберт Лоуэлл (1917–1977)

Эрг нуфузли шоирлардан бири Роберт Лоуэлл анъанавий услубда ижод эта бошлаб, сўнгра экспериментал оқим таъсирига тушади. Унинг ҳаёти ва ижоди Эзра Паунд каби олдинги модернист адиблар ва ҳозирги замон муаллифлари орасидаги даврни боғлаб, кейинги эксперименталистларга йўл очади.

Лоуэлл академик ёзувчи қолибга мос келади: октавли, эркак, тугилишига кўра протестант, яхши таълим олган, сиёсий ва ижтимоий қурилмалар билан боғлиқ. У обрўли XIX аср шоири Жеймс Рассел Лоуэллдан то яқин утишида Харвард университетининг президентини қамраб олувчи Бостон Брахминлари сулоласининг авлоди. Бироқ Роберт Лоуэлл ўзлигини мухтор аждодлари даврасидан ташқарида толади. У Харвардга эмас, Охайонинг Кенион Коллежига кириб, пуритан маҳомини рад этади ва Католицизмга ўтади. II Жаҳон Уруши пайти ҳарбий хизматдан бош тортгани учун бир йилга ҳибсга олинган Лоуэлл кейинчалик ошқора равишда Вьетнам низосига қаршилиқ билдиради.

Лоуэллнинг илк китобларидан «Ўзгача ўлка» (1944) ва Пулитцер мукофоти олган «Лорд Веари қасри» (1946) илк китоблари анъанавий шакл ва услубларнинг сезиларли таъсири ҳамда кучли ҳис-туйғулар, шиддатли шахсий ва тарихий дунёқарашни намоён этади. Дастлабки ижодига мансуб шиддат ва ўзига хослик «Нур фарзандлари» (1946) каби шеърларида ёрқин ифодасини топган. Бу шеърда хиндларни ўлдирган пуританлар ва



РОБЕРТ ЛОУЭЛЛ

буздойнинг ортиқча қисмини оч халқларга юбориш ўрнига ўтда ёккан уларнинг авлодлари кескин қораланади. Лоуэлл шундай деб ёзади: «Бизнинг оталаримиз ўз номини жонсиз нарсалардан сиқиб олган / ва ўз боғларини кизил тагли хиндларнинг суякларидан ясалган девор билан ураган».

Лоуэллнинг сўнги асарларидан «Каванаугс тегиримонлари» (1951) ўз оила аъзоларининг нафосати ва заифлигини изҳор этувчи пурмаъно монологлардан таркиб топган. Ҳар доимгидек, унинг услуби инсонни улуғлашга қаратилган. Кўпинчалик у анъанавий қофияни қўллайди, бироқ суҳбат услуби уни шу қадар ниқоблайдики, ортдаги бир куй сингари янграйди. Бироқ бу – экспериментал шеърят бўлиб, шахсий ифода усулини шакллайди.

1950-йилларнинг ўрталарида шеърхонлик саёхатида Лоуэлл янги экспериментал шеърятнинг айрим намуналарини илк бор эшитиб қолади. Аллен Гинзбергнинг «Ўввос» ва Гари Снайдернинг хали нашр этилмаган «Мифлар ва матнлар»и Сан-Францисконинг Шимолий Соҳил қаҳвахоналарида ўқилиб, баъзан джаз жўрлигида ашула қиллар эди. Шунда Лоуэлл ўзининг мукамал шеърлари ўта баландпарвоз, дабдабали ва шартли урфодатлар исканжасида қолганини ҳис этди. Уларни овоз чиқариб ўқиганда беҳос оғзаки нутққа яқинлаштирди. Узининг тан олишича, «менинг шеърларим ўз оғир совуқлари вазнидан ботқоқлик ва ўлим қаърига қўқиб кетган алмисоқдан қолган аждарҳолардек бўлиб туюлди». Кейинчалик у шундай дейди: «Ўзим ҳис этмаётган нарсаларни ваъз қилардим».

Шу дамдан бошлаб Лоуэлл, худди ундан кейин ўзга кўплаб шоирлар каби, Америкада анъанавийлик рақибни булган Уильям Карлос Уильямс мактабидан сабоқ олишга қирнашди. «Гуёки, Уильямсдан бошқа ҳеч бир шоир аслида Американи кўрмаган ёки унинг тилини эшитмагандек эди», деб ёзади у 1962 йили. Шундан бошлаб Лоуэлл ўз услубини кескин ўзгартириб, Уильямс ижодида ўта ёқтирган «оҳанг, муҳит ва тезликнинг тез ўзгариши»ни қабул қилди.

Лоуэлл мавҳум услубдан қутулди: унинг қофиялари мисраларга сунъий равишда киритилиш ўрнига, эндиликда, матнга сингиб ўтади. Мисраларнинг станс таркибидан ҳам қулаб, янгича импровизация шакллари қад кўтарилди. «Ҳаёт сабоқлари» (1959)да у тавба-тазарру шеъриятига йўл очиб, бу янги оқим орқали ўзини қийноққа солувчи шахсий муаммоларини ўта ростдил ва шиддатли тарзда ифода қилади. Аслида ўз шахсиятини кашф этибгина қолмай, балки уни энг қийин ва хусусий тарзда ифода қилади. У ўз кечинмаларини замонавийлаштиради ва шаклни жараён даражасига кўтариб, уйғунлаштиради.

Лоуэллнинг ўзгариши урушдан кейинги шеърятда бурилиш ясаб, кўплаб ёш ёзувчиларга йўл очиб беради. «Иттифок учун ўлган» (1964), «Ён дафтарча, 1967–69» (1969) ва кейинги китобларидан ўзининг автобиографик кашфиётлари ва услубий ихтироларини давом эттириб, психологик таҳлил тажрибасини қўллади. Лоуэллнинг тавба-тазарру шеърияти айниқса таъсирчан. Жок Берриман, Эрни Секстон ва Сильвия Плат (охирги икkitаси унинг талабалари булган) ижодини Лоуэлл таъсирсиз тасаввур ҳам этиб бўлмайди.

КУРАМА УСЛУБЛИ ШОИРЛАР

Анъанавий асосланган, бироқ замонавий руҳ сезиларли Антика услублар яратган шоирлар қаторига, Плат ва Секстонга қўшимча равишда, Жон Берриман, Теодор Ростке, Ричард Хьюго, Филип Ливаин, Жеймс Дикей, Элизабет Бишоп ва Адриенне Рич кирди.

Сильвия Плат (1932–1963)

Сильвия Плат Смит коллежидан махсус стипендияга ўқиб, курсни биринчи ўрин (аъло) билан битиради ва Англиянинг Кембриж университетидан тахсил олиш учун Фулбрайт грантига эришади. У ерда Плат ўзининг келгуси эри — Тед Хагесни учратади: икки болали бўлиб, Англиянинг қишлоқ жойида кўним топади. Эртасинмон муваффақият остида ечимни йўқ психологик муаммоларга эга қилиб, мароқли «Кўнгирокнинг дўриқдоқ жаранги» (1963) асаридан ўз ифодасини топади. Бу муаммоларнинг айримлари шахсий ҳаёти, ўзгалари эса 1950-йиллардаги аёлларга нисбатан зўғужкор муносабатдан юзага келган эди. Аёллар ўзининг қазабини ёки шухратпарастликка интилишини намоян этиш эмас, балки ўз эри ва болаларини ардоқлашда ўзлигини ифодалаши кераклигига ишонар шулар қаторидан эди. Плат каби муваффақиятга эришган аёллар зиддиятли ҳаёт кечирган.

Платнинг осуда ҳаёти эри Хагес билан ажрашганидан вайрон бўлади ва у Лондоннинг ўта совуқ қиши давомида ижара уйда ўз болаларини бағрига босиб ётади. Қасал, яққаланган ва умидсизланган Плат ўз ошхонасида газ жўрагини очиб ҳаётига хотима ясашдан аввал хайратомуз шеърлар силсиласи яратди. Бу



Сильвия Плат

Фотосеси © ЮПИ/Бетман арчил

шеърлар ўлимидан сўнг икки йил ўтгач «Ариель» (1965) тўпламида жамланди. Тўпламга кириш сўзи ёзган Лоуэлл таяқлидича, Плат ва Энни Секстон 1958 йили унинг дарсларига қатнашган пайтдан кейин шеърияти тез ривожланади. Платнинг илк шеърлари анъанавий усулда мохирона ёзилган, бироқ кейинги шеърлари дағъий жасорат ва феминист инсоннинг изтиробли нидосидир. «Ўтинувчи» (1966) да Платт (жонсиз «нарс» мақомига қўнган) хотин ҳаётининг бушлигини намоянча этади:

Жонли қўғирчоқ, қаерга боқманг.
У тика олади, лазандалик қила олади.
У гапира олади, гапира, гапира.

У йиғлайди, бунда ҳеч бир хато йук.
Сизда қўлба бор, бу – оғрикка дармон.
Сизда кўз бор, бу – сиймо
Менинг болам, бу – сизнинг сўвғи
ланохинглиз.
Сиз унга уйланасизми, уйланасизми,
уйланасизми.

Плат болалар шеърларининг тилига хос ошқора тўғрисиўзликдан фойдаланишга журъат этади. У оммабол маданиятнинг кескин сиймоларини мохирона қўлайди. Бола ҳақида «Лўпчи олтин соат каби юришдан мароқли», деб ёзади. «Дадажон»да у ўз отасини фильдаги Дракуллага ўхшатади: «Сизнинг семиз қора юрагингизда козиқ / Ва қишлоқ ахли сизни сира ёқтирмаган».

Энни Секстон (1928–1974)

Плат каби Энни Секстон ҳам Кушма Штатларда аёллар ҳаракатининг арафасида рафика, она ва шонра бўлишга уринган эҳтиросли аёл эди. Плат каби у ҳам руҳий хасталиқдан азоб чеккан ва пировардида ўзини ўлдирган. Секстоннинг тавба-тазарру шеърияти Платга нисбатан кўпроқ автобиографик, бироқ унга Платнинг илк шеърларига хос маҳорат етишмайди. Бироқ Секстон шеърлари хис-туйғулар оғушига тортади. Улар жанслар алоқаси, гуноҳ ва ўзини ўлдириш каби тилга олинмаган мавзуларни диққат марказига қўтаришга жазм этади. Купиччилик ўларда ҳомиладорлик, аёл бадани ёки турмуш қуриш масалалари аёл нўҳтан назаридан жасур тақдим этилади. «Ўнинг зотидан» (1960) каби шеърларида Секстон гулхан усту-

нида ёндирилган жодугарлар билан ўзини уй-гуллаштиради:

Аравага миниб олдим, хайдовчи.
Йул узра қишлоқларга яланғоч қўлларим
чўзиб,
Сўнгти бор ёркин йулларга омонат
боқарман.
ковургаларим кирсиллар гилдириклар
айланганда олов соникни тишлар.
Бундай аёл ўлишдан уялмас.
Мен ҳам унинг зотиданман.

Асарларининг номлари унинг руҳий хасталик ва ўлим билан ҳизиқишини кўрсатади. Улар қаторига «Жиннихона сари ва орта қайтиш» (1960), «Ҳаёт ё ўлим» (1966) ҳамда ўлимидан сўнг нашр этилган «Ҳудо томон дахшатли сузиш» (1975) хиради.

Жон Берриман (1914–1972)

Жон Берриман ҳаёти айрим жиҳатларига қўра Роберт Лоуэлл ҳаётига муқобилдир. Оқлаҳомда туғилиб, Шимоли-шарқда тайёрлов мактаби ва Колумбия университетиде таҳсил олган ва кейинчалик Пристон университетиде илмий ходим бўлган. Анъанавий шакл ва вазллар соҳасида ихтисослашган Берриман илк Америка тарихидан илҳомланиб, «Орзу қўшиқлари» (1969) да ўз ҳаётига танқидий ёндашиб, тавба-тазарру шеърлар ёзган. Улар Генри исмли гротеск автобиографик образда ифодаланиб, бетиним мастлик ва шўҳратпарастликни акс эттирган.

Ўз замондоши Теодор Роетке сингари Берриман фольклор, болалар учун шеърлар, штамплар ва лаҳжа иборалар билан жонлантирилган мослашувчан ва ўйноқи, аммо мазмунан чўқур услубик ривожлантирди. Берриман ўз қаҳрамони Генри ҳақида шундай дейди: «У вайронага тикилиб турарди. Вайрона эса орқасини ўгириб бақраярди». Берриман фаросат ила «Хайхот, аттанг, аттанг / Бефарқлик ичра мен инграб, айюханнос солурман» деган.

Теодор Роетке (1908–1963)

Теплица эгасининг ўғли Теодор Роетке кичик хашарлар ва кўзга қўринмас илдишларнинг «теплица дунёси»ни эслатувчи махсус тилни вужудга келтирди: «Курт, мен билан бўл. / Бу – мен учун оғир дамлар». «Шамолга айтилган сўзлар» (1958) номли севги достони гўзал-

дик ва эҳтиросни бегубор олқишлайди. Шеър куйидаги мисралар билан бошланади: «Мен бир аёлни биламан, бошдан-оёк нафис, / Жажжи қушлар оқ тортганда, уларга оқ дея жавоб қайтарар». Баъзан унинг шеърлари табиат стенографияси ёки кўхна жумбоқдек туюлар: «Қим ахлатни шовдизга келтирди?» / Қўрсичқондан сўра, у билади».

Ричард Хьюго (1923–1982)

Асли Вашингтон штатидаги Сигетлик Ричард Хьюго Теодор Роеткедан таҳсил олган. У шаҳарнинг ҳазин муҳитида қашшоқликда катта бўлиб, Қўшма Штатлар шимоли-ғарбининг ичкарисидоги ишчи халқининг умидлари, қўрқувлари ва режаларининг барбод бўлишини мохирона ифодалаган. Хьюго ямб усулида узи истикомат қилувчи Қўшма Штатлар қисмининг ташландиқ, унут бўлган кичик шаҳарчалари ҳақида ностальгик, тавба-тазарру шеърлар ёзган. Инсонларнинг ўзаро муносабатларини ёритиб, ҳаёт иқир-чиқирлари ва омадсизлик, қониқишнинг камёб лаҳзаларини ифодалаган. Адиб салмоқли хулосалар чиқариш учун китобхон диққатини ўткинчи, биринчи кўринишда аҳамиятсиз тафсилотларга жалб этади. «Сен энг севганинг, Америкачадир» (1975) шеърда бир шахс ўз она шаҳри ҳақидаги хотираларига озиқ-овқат нуқтаи назардан ёндашади:

агарда сиз гаройиб
бўш шаҳарчада
лўлсиз танг ҳолатда қолсангиз
ва дўстлашишга оч
биродарларга
муҳтож бўлсангиз
улар шаклаган
кўча клубига хуш келибсиз.



ЖЕЙМС ДИКЕЙ

Филип Ливайн (1929)

Мичиган штатининг Детройт шаҳрида тутилган Филип Ливайн ўткир қузатувлар, газаб ва изтиробли киноя орқали ишчиларининг иқтисодий азобларини бевосита ифодалайди. Хьюго сингарк у ҳам шаҳарлик ва камбағал. У саноатлаштирилган Америкада тутқин ёлғиз шахснинг овозига айланади. Қўп шеърлари ҳазин бўлиб, ҳуқуқмат тизимлари саклакиб қолшига анархик жавоб беради.

Шеърларидан бирида Ливайн ўзини хатарли дунёда овчилар қуршовида жонини ўз жасорати ва муғоқбирлиги туфайли саклаб юрғизи тулқинга ўхшатади. Қофия таркиби нуқтаи назаридан илк асарларидаги анъанавий ваэн коллиларидан кейинги асарларида эркинрок, янада очик сатрлар тазминлишига ўтади ва шу орқали ғамонавий дунёнинг зулмига қарши шахсий норозилигини ифода этади.

Жеймс Дикей (1923)

Романавис, эссечи ва шоир Жеймс Дикей асли Жоржиялик. Ўз эътиқоди ва тушунчасига қўра асарларининг асосий мавзуси – инсон ғалиги ва дунё орасидаги мавжуд (ёки мавжуд бўлиши керак) узвийлик. Қўп асарлари табиат билан боғлиқ бўлиб, дарёлар ва тоғлар, об-ҳаво шароитлари ва пинҳона кафф-хатарларни таърифлайди.

1960-йилларнинг охирида Дикей эркак киши тутқинлигининг мавҳум томонларини ёритувчи «Қутулш» номли романи устида иш бошлайди. Роман нашр этилиб, унинг асосида фильм яратилгач, Дикейнинг шухрати янада ортади. Сўнги шеърый тўпламлари Жануб табиати («Мерихон: Жануб кўрган», 1974) ва Библиянинг унинг ҳаётига таъсири («Худо сиймалари», 1977) каби турли

мавзуларни ўз ичига қамраб олган. Дикей тез-тез жад-жадал мавзуга қайтади: «Жону жад ила бор кучни сарфла / Фахат шугина талаб этилади».

Элизабет Бишоп (1911–1979) ва Адриенне Рич (1929)

Курама услубли шоирлар орасида Элизабет Бишоп ва Адриенне Рич сўнги йилларда энг кўп эътибор қозондилар. Бишопнинг бегубор ақл-заковати, чекка табиат манзараларига ҳизиқлиши ва саёҳат метафоралари ўзининг аниқлиги ва ўткир нафосати билан ўқувчига ором бағишлайди. Устози Марианна Мур сингари сира турмуш қурмаган Бишоп ҳам яширин фалсафий маъноларга бой ажойиб ифода усулида ўта мохирона таркибли шеърлар битган. «Балихоналар»да муздек совуқ Шимолий Атлантика тасвири Бишопнинг шеърятига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин: «Бу – билим каннака бўлиши ҳақидаги тасаввурингизга ўхшаш: / коронги, тузли ачиштирувчи, аниқ, ҳаракатчан, ўта эркин».

Мур билан биргаликда Бишоп ижоди Плат, Секстон ва Адриенне Ричнинг «жушқин» шеърлари билан такқослаганда, Эмили Дикинсондан ибтидо олувчи аёлларнинг «майин» шеърый анъанаси ҳаётга қўйилиши мумкин. Рич анъанавий шакл ва вазнда ижод эта бошлаганига қарамай, унинг асарлари, айниқса 1960-йилларда фаол феминист бўлгандан кейин ёзилганлари кучли туйғуларни ифодалайди. Унинг кучли томони – метафора. Масалан, «Халокатга шўнгиш» (1973) номили гаириоддий асарида ўзлигини кашф этиш ниятида чўккан кемага шўнгишга ҳарор қилган аёл изланишлари тасвирланади. Чўккан кема аёлларнинг чўкишига ўхшаш, деб тахмин



Элизабет Бишоп

Фотоси Ф. Ю. П. Бетман арқаси

қилинади. Аёллар эркаклар ҳукрон сохалар кчра ўз бўлларини топиллари керак. Ричнинг «Томда юрвчи» (1961) шеъри шоира Денис Левертотга бағишланиб, аёлларнинг шеър ёзишини хатарли хунар тарикасида тасвирланди. Том ётувчи эркаклар каби, у ҳам «хаётга таҳликали хатарларга / бўйинини синдириши муҳаррар»лигини хис этади.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ШЕЪРИЯТ

Лоуэллнинг етук ютуғи ва замонавий шеърятнинг аксар қисми ортидаги куч 1950-йилларда катор шоирлар бошлаб берган экспериментчиликдан қувват олади. Улар Дональд Аллен «Янги Америка шеърятини» (1960)да белгилаб берилган бешта эркин мактабга бўлиниши мумкин. Бу асар – илгари танқидчилар ва академик жамоалар томонидан рад этилган шоирларнинг асарларини тақдим этувчи биринчи антологиядир.

Джаз мусикаси ва абстракт экспрессионист расомчиликдан илҳомланган экспериментал адибларнинг аксарияти Лоуэллдан бир авлод ёшдир. Улар ботем хаёт тарзи кечирувчи аксманният интеллектуаллари бўлишга интилиб, ўзларини университетлар ва кескин танқид этилаётган «буржуа» Америка жамиятидан айри хисоблардилар. Уларнинг шеърятини жасур, оригинал ва баъзан қарахат этувчи. Янги қадриятлар излашда бу шеърят мифлар, афсоналар ва Америка хиндлари каби анъанавий жамиятларнинг кўхна дунёси билан яқин боғлиқликни талаб этган. Шакллар янада эркинроқ ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлиб, мавзу моҳияти шеър қандай ёзилди кераклиги хиссидан ва оғзаки нутқнинг табиий паузаларидан ву-

жудга келган. Аллен Гинзберг «Тўсатдан тўқилган шеърят»да таъкидлаганидек, «биринчи фикр – энг аъло фикр».

Блэк Маунтин мактаби

Блэк Маунтин [Кора Тог] мактаби Шимолий Каролина штатининг Эшвил шаҳридаги экспериментал либерал санъатининг Блэк Маунтин коллежида марказлашиб, у ерда 1950-йилларнинг бошида шоирлардан Чарльз Олсон, Роберт Дункан ва Роберт Крилий дарс беришган; Эд Дол, Жозел Оппенгеймер ва Жонатан Уильямслар у ерда тахсил олиб, Поль Блэкбури, Ларри Игнер ва Денис Левертговлар коллежнинг «Асманба» ва «Блэк Маунтин ревью» журналларида ўз асарларини нашр этишган. Блэк Маунтин коллежи Чарльз Олсоннинг «режалаштирилган сатр» назарияси билан боғлиқ. Бу назария нутқда нафас олиш паузасининг ихтиёрий вужудга келиши ва ёзув машинкаси сатрига асосланган очик шаклни маъқуллаган.

Қисқа ифодали услубда ёзган Роберт Крилий (1926) Блэк Маунтин мактаби шоирларининг асосчиларидан бири бўлган. «Оғоҳлантириш» (1955)да Крилий ашаддий севги сиймосини шундай тасаввур этади:

Севги йўлида – мен
бошингни ёриб,
кўзлар ортига
шам
қўйишга тайёрман.

Севги бизда ўлар –
агар биз унутсак
Қўзғунчок саҳоватин
ва тезкор совғасин.

Сан-Франциско мактаби

Сан-Франциско мактаби – Гарбий Соҳилнинг аксарият шеърятини ўзига қамраб олган йўналиш



Аллен Гинзберг

Фоторасм © Бетсиз-држн

– Шарқ фалсафаси ва динидан, шунингдек Япон ва Хитой шеърятидан кўп нарсаларни ўзлаштирган. Шу сабаб, АҚШнинг Гарбида Шарқ таъсири доми кучли бўлгани таажжубланарли эмас. Сан-Франциско атрофида жойлашган Сиерра-Невада тоғлари ва аррасимон шаклдаги денгиз соҳили гўзал ва афсункор бўлиб, у ерлик шоирлар табиатни чуқур хис этишга мойилдир. Бундай шеърят адабий анъаналардан эмас, балки табиатнинг ўзидан илҳомланади.

Сан-Франциско шоирлари каторига Жек Снайкер, Лоуренс Ферлингетти, Роберт Дункан, Фил Волек, Лью Велч, Гари Снайдер, Кеннет Рексрот, Жоан Кичер ва Диана ди Прима кирди. Бу шоирларнинг кўпи ўзини меҳнат аҳли билан уйғунлаштиради. Уларнинг шеъряти кўпинчалик содда, тушунарли ва оптимистик руҳга эга.

Гари Снайдер (1930) ижодининг энг яхши намуналари бунга мисол. Сан-Франциско шеърятини шахс ва коинот орасидаги нозик мувозанатни тасвирлайди. Снайдернинг «Пэйт Водийси тепасида» (1955) тоғларда йўл очувчи тоқимда ишлаётган шоир гойиб бўлган ҳинд қабилаларидан сакланиб қолган обседман (вулкони шша)дан ясалган найза учларини топади:

Ёздан ўзга пайт қор тагидаги
адирлар
Бўрдоки ёз бутулари ўлкасига
Улар ўз йўллари билан келиб,
ўтов қуришди.
Мен эса ўзим йўл очиб
Бу ерга келдим.
Парма,
Метин чўкич, домқрат
ва бир қоп динамит билан
йўл очиб.
[орада]
Ун минг йиллар.

«Бит» йўналишидаги шoirлар

Сан-Франциско мактабининг услуби ўзидан кейинги гуруҳ – 1950-йилларда юзага чиққан «Бит» шoirларига сингиб ўтди. Бит (битниклар)нинг энг нуфузли шoirлари умумдават микёсдаги этирофга Калифорнида эришдилар. Асосий Бит ёзувчилари қаторига Аллен Гинзберг, Грегори Карсо, Жек Кероук ва Уильям Барроус кирради. Бит шеърляти оғзаки, қайтарилувчан ва ўқиганда ўта эффектив бўлиб, бунинг асосий сабаби у норасмий клублардаги шеърхонликларда вужудга келганида. Айримлар бу оқим 1990-йилларда устувор бўлган рэп мусикасининг аждоди деб тўғри хисоблашади.

Бит шеърляти Қўшма Штатларда расман тан олинган адабиёт шаклига қарши оқим бўлиб, бироқ қарақтбарор сўзлари остида ўз ўлкасини севиш туйғуси жўш уради. Бу шеърлят Америка бегуборлигининг йўқолиши ва инсонлария ҳамда моддий ресурсларининг фоживий саҳрога айланишидан шoirларнинг аламли ва ғазабли нидосидир.

Аллен Гинзбернинг «Ўввос» (1956) каби шеърлари анъанавий шеърлятни инкилоблаштиради:

Авлоднинг энг ақли
теранларини жиннилик
туфайли вайрон бўлганин;
Қуйи шаҳар негр қўчаларида
ўзларини наркотик билан
тўлғизиб ғазаб муаммосига
ечим излаб,
Жазаватуткановида
тўлғонишин кўрдим.
туннинг қарақатчан
таркибидаги
юлдузли динамо ўзлачига
фариштасиймолар ёнган
кўҳна самовий боғланиш
йўлида...

Нью-Йорк мактаби

Бит ва Сан-Франциско мактаби шoirларидан фарқли ўлароқ Нью-Йорк мактабининг шoirлари ошқора ахлоқий масалаларга қизқмаган ва умуман олганда сиёсий муаммолардан ўзини олиб қочган. Бошқа қар қандай гуруҳ вакиллариға нисбатан улар энг яхши расмий таълим олган.

Нью-Йорк Мактабининг асосий намоёндалари – Жон Эшбери, Френк О'Хара ва Кеннет Кох – Харвард университетининг юқори курсларида ўқиб юрганда учрашишди. Улар ўта шаҳарлик, нафис, динсиз, ўткир зехли ва нозик таъбли бўлган. Уларнинг шеърлари қарақатчан таркибли, шаҳар тафсилотлариға тўла ва ишонч хисси ила сугорилган.

Шеърлий йўналишнинг сарчашмаси бўлган Абстракт экспрессионизм Америка маданияти ва санъатининг маркази Нью-Йорк шаҳрида вужудга келган. Аксарият шoirлар санъатшунос ёки музей кураторлари бўлиб, расмлар билан ҳамкорлик қилган. Аниқ тасвирий шакллар ва ифода усулларига зид абстракт санъатни тушунишган. Дарҳақиқат, уларнинг асарларини тушуниш осон эмас. Ҳозирги кунда энг нуфузли шoir Жон Эшберининг (1927) сўнги асарлари бунга мисол.

Эшбери ўз шеърларида фикр ва хис туйғуларни бевосита нутққа айланиш тезлигида ёзиб олади. Учта йирик муқофот олган «Қаварик ойнадаги ўз портретим» (1975) дostonи бир фикрдан икинчисига сирғалиб, купиячилик акс садо беради:



Жон Эшбери

Тўраси © Нонни Крамгток

Кема

Номълум байроқ остида сузиб,
портга кириб келмоқда.
Сиз бегона ишларга
Ўз кунингизни чиппакка
чиқаришига
рухсат бермоқдасиз...

Сюрреализм ва экзистенциализм

Янги йўналишларни белгилловчи антология-сига Дональд Аллен бешинчи ғуруҳни ҳам киритади, бироқ бу мактаб аниқ жойлашувга эга эмаслиги сабабли уни белгилай олмаган. Бу ноаниқ ғуруҳ турли йўналиш ва экспериментлардан таркиб топган. Улар орасида асосийлари – ботиний онгни ҳаёлга ўхшаш жонли сиймолар орқали ифодаловчи сюрреализм ва сўнгги йилларда барқ урган аёллар ва этник озчилик вахилларининг аксар шеърляти. Сезиларли равишда турли бўлишига карамай, сюрреалистлар, феминистлар ва озчилик вахиллари ўзаро иттифоқдошлик ҳиссини оқтанли эркаклар яратган асосий адабиёт оқишидан ҳосил қилади.

Т.С. Элиот, Уоллес Стивенс ва Эзра Паунд символизм услуби воситаларини Америка шеърлятига 1920-йилларда киритган бўлса-да, сюрреализм – П Жаҳон Уруши пайти ва ундан кейин Европа шеърляти ва Европача фикрлаш тарзида асосий куч – Қўшма Штатларда илдиз отмади. 1960-йиллардаги Вьетнам низосининг садоларига ҳадар сюрреализм (экзистенциализм билан биргаликда) Америкада ўрнашмади.

1960-йилларда кўп америкалик ёзувчилар – У.С. Мервин, Роберт Блай, Чарльз Силик, Чарльз Райт ва Марк Стренд – ўзгалар қатори Француз ва айниқса Испан сюрреализми томон юзланиб, уларга хос соф туйғулар, прототип сиймолар, онглашга зид экзистенциал моделларни ўз ижодиға сингдира бошлади. Мервин каби сюрреалистлар эпиграмма усулига мойил бўлиб, қуйидаги мисралар бунга мисол: «Худолар – кулаб бизга айланган зотлардир, / Агарда сиз ишонмай қолсангиз, ибодатхонани кенгайтиринг».

Блайнинг сиёсий сюрреализми Вьетнам даврига онд Америка ҳадрятларини ва хорижий сиёсатни кескин танқид қилади. «Она Тиш ниҳоятда яланғочланди» бунга мисол:

Чунки биз дудланган
устришалар учун янги
қутиларга эга бўлдик.
Улар гуруч новдаларида
пайдо бўлувчи тешикларни
бомбардимон этар.

Ҳамма ерга сингиб ўтувчи сюрреалистик таъсир осойиштароқ ва ҳаёлчан бўлган. Чарльз Райтнинг «Янги шеър» (1973) кда тасвирланувчи шеър бунга мисол:

Бу бизнинг узрмизни қабул этмайди.
Бу бизнинг болаларимизга
сингмайди.
Бу бизга ёрдам бера олмайди.

Мервин ижоди сингари Марк Стренднинг сюрреализми кўпинчалик ҳазик бўлиб, жудалиқдан хабар беради. Агъаналар, ҳадрятлар ва ипюңлар қулаган дамда, шоир горға ўхшаш жонидан ўзга нарсаға молик эмас:

Менда қалит бор
Ва мен эшикни очиб, қираяпман
Атроф қоронги ва мен қираяпман
Атроф янада қоронғилашмоқда ва мен
қираяпман.

ШОИРАЛАР ВА КЎПМИЛЛАТИ ШОИРЛАР

Озчилик адабиёти ва сюрреализм сингари аёллар адабиёти ҳам Америка ҳаётда ўзининг етакчи куч эканлигини илк бор 1960-йилларда онглай бошлади. Алаҳхусус, ўша лаврда бошланган феминизм ҳаракатидан ривож топди.

Ўзга аксарият мамлакатларда бўлгани каби Қўшма Штатларда ҳам адабиёт узок муддат эркакларнинг ижодиға асосланиб, аёлларнинг асарлари назардан четда қолдирилган. Вахоланки, Америка адабиётда диққатға сазовор адибалар кам эмас. Уларнинг барчаси ҳам феминист эмас ва асарлари турли йўллар билан аёлларнинг ташвишларини ифодалашға қаратилган дейиш ҳам нотўғри буларди. Кўпинчалик улар инсонпарвар. Шунингдек миқтақавий, сиёсий ва ирқий фарқлар ҳам уларнинг ижодини шакллаб, фикр-мулоҳаза юритишға озуқа берган. Таникли шоирлар қаторига Эми Клемпит, Рита Дав, Луиза Глук, Жори Грехем, Кэ-

ролин Кизер, Максин Камин, Денис Левертов, Андре Лорде, Гертруд Шнекенберг, Мэй Свенсон ва Мона Ван Дайн киради.

XX асрнинг иккинчи ярмида кўпмиллатли адабиёт соҳасида ренессанс юзага келди. У 1960-йилларнинг бошидан этник ёзувчилар Қўшма Штатларда жамоатчилик диққатини ўзига қарата бошлади. 1970-йилларда этник тадқиқотлар программалари жорий этилди. 1980-йилларда этник гуруҳлар муаммоларига бағишланган илмий ахборотномалар, профессионал ташкилотлар ва адабий журналлар барпо этилди. 1990-йилларга келиб ўзига хос этник адабиётни ўрганишга қаратилган конференциялар иш бошлаб, «классик» адабиёт тушунчаси кенгайтирилди. Этник ёзувчилар ижоди антологиялар ва таълим программаларига киритилди. Ирққа қарши этник гуруҳ, полицентризмга қарши этноцентризм, монологизмга қарши билингвизм ва маргинализмга қарши ҳопташяга бағишланган муҳим тадқиқотлар юзага чиқди. Сиёсий ҳамда адабий матнларга татбиқ этилган деконструктивизм шубҳа тугдирди.

Озчилик вакилларининг шеърини аёллар ижодига хос хилма-хиллик ва ғазаб оханглари касб этди. Бу йўналиш адабиёти сўнгги пайтларда испаниялик америкаликлардан Гари Сото, Альберто Риос ва Лорна Ди Сервантес; асил америкаликлардан Лесли Мармон Силко, Симон Ортид ва Луис Ирдрик; африкалик америкаликлардан Амири Барака (Ле Рой Жонс), Майкл Харпер, Рита Дав, Майя Ангелу ва Никки Жиованни; осиелик америкалик шоирлардан Кэти Сонг, Лоусон Йнода ва Жанис Мириктани каби муаллифлар ижодида барқ урди.



Элш Кламбит

Фотораём © Нэнси Коэмптон

Чикано/Испанлар/Латино шеърини

Испан таъсиридаги шеърини кўплаб турли гуруҳларнинг асарларини қамраб олади. Улар орасида 1950-йиллардан бери чиканос номи билан маълум мексикалик америкаликлар. Улар 1848 йили тусалланган Мексика-Америка уруши натижасида Мексикадан тортиб олинган (АҚШнинг ҳозирги) Жануби-ғарбий штатларда кўп авлодлар умри давомида яшаб келмоқдалар. Қариб ҳавзасининг испан аҳолиси орасида Кубалик америкаликлар ва Пуэрто-Риканлар жонли ва ўзига хос адабий анъаналарни сақлаб келмоқда. Мисол учун, Кубалик америкаликларнинг комедия соҳасидаги маҳорати улар ижодини Рудольфо Аная каби Чикано ёзувчиларнинг маънос лирикасида айри қўяди. Мексика, Марказий ва Жанубий Америка ҳамда Испаниядан яқинда келган муҳожирлар мазкур адабий соҳани мунтазам равишда тўлдириб, кенгайтириб бормоқда.

Чикано, яъни мексикалик америкаликлар шеърини корридо — баллада — шаклидаги бой оғзаки ижод анъаналарига эга. Сўнгги тадқиқотлар мексикалик ҳамжамиятнинг анъанавий ҳадриятларига ва баъзан оқтанлилар орасида дуч келаётган дискриминацияга ургу бермоқда. Баъзан шоирлар испан ва инглиз сўзларни шеърини қоршимага бириктиришади: Алуриста ва Глория Анзалдуа ижоди бунга мисол. Уларнинг шеърини кўпроқ оғзаки ижод анъаналари таъсирида бўлиб, овоз чикариб ўқилганда ўта қудратли жаранглайди.

Айрим шоирлар ҳозирги кунда Қўшма Штатлар территориясидаги илк элик асарлар анъанасига ҳайтиб, кўпроқ испан тилида ёзди. Масалан, Гаспар Перез де Виллаграннинг қаламига мансуб

"Historia de la Nueva Mexico" 1598 йили босқинчи испанлар ва Пуэбло хиндлари орасида Нью-Мексиконинг Акома жойида бўлиб ўтган жангни хотирлайди. Родольфо Гонзалес (1928)нинг «Мен Жоакин» (1972) шеъри чикано шеъриятининг марказий асарларидан бири бўлиб, чиканослар қисматидан арз қилади:

Бетартиб дунёда адашган,
Гринго жамиятининг ховликма
тўс-тўполониға тутқин
берган,
Қондалардан саросимаға
тушган
Мансабдорлар томонидан
Назар-писанд қилинмаган,
Қирдиқорлардан зугум тортган,
Ва замонавий жамият
томонидан хароб этилган.

Шунга қарамай, кўп Чикано адиблари ўз кўхна Мексика илди-ларидан мадад топди. Қадимги Мексиканинг улутворлиги ҳақида ўйларкан, Лорна Ди Сервантес (1954) «эпик хоррида» охангслари унинг қон томирлари узра жўш ур-моқда, деб ёзади. Луис Омар Салинас (1937) эса ўзини «аштек фа-риштаси» деб ҳис этади. Чикано шеърияти кўпинчалик ута шахсий бўлиб, ҳис-туйғулар ва оила еки жамоа аъзолари ҳаётини тасви-рлайди. Гари Сото (1952) шарафли аждодларининг кўхна аънаваларини кўйлайди. 1981 йили ёзилган унинг кўйидаги сўзлари бутун бар-ча америкаликларнинг кўпмадани-ятли муҳитини ифодалайди:

Шам ўлганга нур таратади,
Икки дунё барчамизнинг
толеъимиз.

Сўнги йилларда Чикано шеъ-рияти янги мақомга эришди ва Сервантес, Сото ҳамда Альберто Ржес асарлари кўплаб антология-ларга киритилди.



Никки Жиованни

Асл америкаликлар шеърияти

Асл америкаликлар гузал шеъ-рият яратиб, уларнинг маданий меросида шаман қўшиқлари анъа-наси муҳим роль ўйнагани асосий сабаб эканлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Уларнинг ижоди табиатнинг ёрқин ва жонли тасвирлари-ни намоён этиб, баъзан деярли мистик кўриниш олади. Ҳинд шоирлари ўз бой меросининг из-сида йўқотилган фожиа деб би-лади.

Акома Пуэбло хиндларидан Си-мон Ортис (1941) қатор изтироб-ли шеърларини тарихга асослаб, бугунги Қўшма Штатларда асл америкалик бўлиш нақадар муш-куллигини тасвирлайди. Унинг ижоди инглиз китобхонларини безовта этиб, бир пайтлар асил америкаликларга нисбатан йўл кў-йилган адолатсизлик ва зўравон-ликни эслатиб туради. Унинг шеърлари чуқур идрок этитувчи кркий гармонияни фаросат ила ифодалайди.

Онеида қабиласининг аъзоси Роберта Хилл Вайтмен (1947) «Юлдузли астар»да кўпмаданият-ли келажакни «остидан нур ила кавилган юлдузли астар» сифати-да тасаввур этади. Лагуна Пуэбло қабиласига мансуб Лесли Мармон Силко (1948-) эса овчилик ва ли-рик шеърларида халқ иборалари ва анъанавий ҳикояларни кишлата-ди. «Совуқ бурон нурида» (1981) эса Силко қайку услубига ўхшаш резонансга эришади:

Музга тўла осмондан
тезда учқунлаб,
дарахт тожлари устида
гирдоб ила
Қор бугуси келмоқда.
Айланиб, айланиб.
Оқ қўшиқ
Бўрони увилламоқда
шоҳларда.

Романнавис Луис Ирдрик (1954) кичса драмаларга ўхшаш қудратли фожиавий монологлар яратади. Улар Чиппева резервациясидаги алкоголизм, ишсизлик ва қашшоқлик домидаги оилалар ҳаётини тасвирлайди.

«Оиланинг қайта бирикиши» (1984) да маст ва баджаҳл тоға йиллар ўтгач ўз шаҳарчасига қайтади. Юрак хасталигига учраганида, ҳақоратланган жияни, — ҳикоятчи — айнан шу тоғаси анча йиллар олдин катта ташбақани оташқурак билан ўлдирганини эслайди. Шеър охирида Рэй тоға тақдирининг ўзи ўлдирган ташбақа билан боғланади:

Бир амаллаб ортта йўлни
толиб олдик.

Рэй тоға

уни уй томон етаклаётган
вужуди ҳадим кўшиқ
қуиламоқда.

Оллок сузгичларга айланган
қўллари суякларни қанотта
бураб ташлаган.

Унинг юзи оғир жароҳатланган
боланинг

ёки узоқ муддат сув остида
яшаган жониворнинг
ғаройиб маъсуда сабрини
қасб этган. Ва
фаршталар келмоқда
ўзларининг арқонлари ва
замбилларин тушириб.

Африкалик америкаликлар шеърияти

Замонавий қоратанли америкаликлар ўта гўзал ва мавзулари ҳамда оҳанглари хилма-хил қўллаб шеърлар яратган. Бу йўналиш — Америкада энг ривожланган этник адабиёт бўлиб, ўта хилма-хилдир. Энг машҳур африкалик америкалик шоир Амири Барака (1934) пьесалар ҳам ёзган ва снэ-сат соҳасида фаол иштирок этади. Майя Анчелоу (1928) турли



АМИРИ БАРАКА



Фоторәсім © Нэнси Крэмэн

адабий шаклларда асарлар битиб, шулар жумласига драма асарлари, «Қафасдаги қуш нега қуйлашини мен билмаман» (1970) номли машҳур автобиографияси ва «У-у-у-ли-мимдан олдин менга фақат бир култум сув беринг» (1971) шеърлар тўплами кирди. Ангелу президент Билл Клинтоннинг 1993 йили инаутурациясига атаб шеър ёзишга танланди.

Яқин орада элга манзур бўлган яна бир африкалик америкалик шоира Рита Дав (1952) 1993 йили Қўшма Штатларнинг лауреат шоираси деб номланди. Бадиий ва драма асарлар ёзувчи Дав катор лирик шеърларда ўз аждодларини мактовчи «Томас ва Бела» учун 1987 йили Пуллитцер мукофотига эришди. Ўзининг айтишича, бу асарни камбағалларнинг бой ички дунёсини кашф этиш учун ёзган.

Майкл Харпер (1938) ҳам дискриминация ва зўравонликка дучор африкалик америкаликларнинг мураққаб ҳаётини ёритувчи шеърлар ёзади. Унинг кичса, рамзли шеърлари кўпинчалик уруш ёки шаҳар ҳаётининг тулақонли ва фожиавий сахналарини ёритиб, соғайтириш учун жароҳлик усулини қўллайди. «Клан йиғилиши: Туғилиш ва миллатлар: Конли қўшиқ» (1971) да овқат тайёрлаш жараёни жароҳ амалиётига ўхшатилади («тўшт парчаларини суюқлик ёрдамида биткизм»). Шеър ҳўйидаги мисра билан боғланади: «биз ҳаётларни жаҳду жадал ила қайта яратамиз / иттифокни қўзлаб, бир-бирига бирлаштирамиз». Шеър охирида касалхона, илк Америка фильми «Миллатнинг туғилиши»даги расизм, Ку-Клукс-Клан, фотокассетани алмаштириш ва рентген нуллари технологияси ғаройбона тарзда бирлаштирилган:


Биз ўз ижодларимизни фото камералар сингари қайта тўлдирамиз, тасма рентген нурларида муддатидан қўп ушланади, бизнинг қўшалок эшиклин миямиз

нур мезонлари ила қўлланади: ирк ва секс галтакча ўралиб, хоббига айланади; биз ўз тутунчамизни қўлтиқлаб уйга кетамиз.

Тарих, джаз мусикаси ва оммабоп маданият Харпер (колледж профессори)дан то Фарбий Сохилдаги ношир ва шоир Ишмаил Рид (1938)гача қўп африкалик америкалик шоирларни илҳомлантирган. Рид «Қолдубдан олдин» фонди орқали қўпмаданиятлик моҳиятга эга асарлар тарқатгани ва «Янги олинган аскар», «Ковума кўрпа» ва «Конч» каби қатор журналларни нашр этгани билан маълум. Аудре Лорде (1934–1992) каби қўп африкалик америкалик шоирлар Африкани қадим замонлардан бери цивилизациянинг маркази сифатида баҳоловчи африкоцентризмдан озук олади. «Жангчи бўлган пайтларини хотирлаш учун шамширлар ушлаб ракс тушаётган аёллар» каби эхтиросли шеърларида у қадимги Дагомейнинг жангчи аёли сифатида сўзлайди: «Фликитани истеъмоқ этиб, нимагаки тегсам, иситиб юбораман».

Осиёлик америкаликлар шеърляти

Чикано ва испаниялик ёзувчилар шеърляти сингари осийлик америкаликлар шеърляти ҳам ўта хилма-хилдир. Япониялик, хитойлик ва филиппинлик америкаликлар Қўшма Штатларда етти авлоддан бери яшаб келаётган бўлсалар, корейлик, тайлик ва вьетнамлик америкаликларнинг ма-



МАЙЯ АНГЕЛОУ



даний мероси кўпроқ сунгги пайт мухожирлари томонидан яратилган. Хар бир гуруҳ сезиларли лингвистик, тарихий ва маданий анъаналарга асосланган. Осиёлик америкаликлар адабиётининг сунгги йиллардаги ривожини Тинч океани соҳилбўйи ўрганишлари ва аёлларнинг ижодида уру беради. Осиёлик америкаликлар, умуман олганда, «экзотик» ва «яхши» озчилик мақомидаги шарқона иркли стереотипга қарши туради. Эстетика мутахассислари Осиё ва Фарбининг адабий анъаналари — мисол учун, *тао* ва *логосни* — киёслайди.

Осиёлик америкалик шоирлар қўлаб — Хитой операсидан то дзентача [буддийликда фикр-мулоҳазаларда ҳақиқат излаш] — манбалардан илҳомланади. Осиёнинг адабий анъаналари, айниқса дзен, қатор осийлик бўлмаган шоирларни илҳомлантирди. 1991 йили тузилган «Ёлғиз ой остида: Замоनावий Америка шеърлятида буддизм» антологияси бунга мисоллар келтиради. Осиёлик америкалик шоирлар турли қутбларга мансуб: «А-кии-еее!» (Осиёлик америкаликларнинг дастлабки антологияси)нинг ҳаммуҳаррири, урф-одат ва хурофотларга қарши Френк Чиндан то анъанадан унумлик фойдаланувчи романнавис Максина Хонг Кингстон (1940)гача. Жанис Мирикитани сансей (япониялик америкаликларнинг учинчи авлоди) тарихини тасвирлаб, қатор антологияларга муҳаррирлик қилган. Жумладан, «Учинчи дунё аёллари, Гриз ва Айуки пайти: Америкада японияликларнинг тўрт авлоди».

Хитойли америкалик Кэти Сонг (1955)нинг лирик «Расмдаги келин» (1983) и ҳам ўз оила аъзолари тақдири орқали тарихни жонлантиради. Қўп осийлик америкалик шоирлар маданий хилма-хил-

ликни тарғиб этади. Сонгинги «Сабзавот хавоси» (1988) да сирлар ўтлаб юрган, Хитой ресторани бор ва Кока-кола рекламаси кийшиқ осилган хувиллаган шаҳарча илдизи йўқ кўлмаданиятлик замонавий ҳаёт рамзига айланади. Кассетага ёзилган опера ёрдамида у санъат даргоҳига муносиблик касб этади:

кейин таниш ария
ой сизгари кўтарилиб,
ўзингизни унуттишга ундайди
сизни ўзга ўлкага етажлайди
у ерда, бир зумгина,
равшайлашасиз.

Янги йўналишлар

Америка шеърятининг замонавий йўналишлари «Зилзила» журнали билан боғлиқ «тил шоирлари»ни камраб олади. Улар қаторида — Брюс Эндрус, Лин Хезиниян, Дуглас Мессерлик [«Тил» шеърятини: Антология» (1987) муҳаррири], Боб Перелман ва «Ўмумий синтаксис» (1985) эсселар тўпламининг муаллифи Баррет Уоттен. Улар тилининг мавҳумлиги, юлуклиги ва тартибсиз муҳтда ўз мавқеини сақлашини кашф этишга интилади. Кинояли ва постмодерн моҳиятли бу адиблар «метанарративлар»ни — яъни мафқуралар, догмалар, одатларни — рад этади ва трансцендент борлик мавжудлигини шубҳа остига олади. Майкл Палмерс шундай дейди:

Узоқ вақт уйда унут бўлиб,
Могор босган китоб —
жаннатдир.

Боб Перелманнинг «Сийқаси чиққан маънолар»и шундай бошланади:

Америка шеърятининг замонавий йўналишлари «Зилзила» журнали билан боғлиқ «тил шоирлари»ни камраб олади... Улар типнинг мавҳумлиги, юлуклиги ва тартибсиз муҳтда ўз мавқеини сақлашини кашф этишга интилади. Кинояли ва постмодерн моҳиятли бу адиблар «метанарративлар»ни — яъни мафқуралар, догмалар, одатларни — рад этади ва трансцендент борлик мавжудлигини шубҳа остига олади.

Алоҳида далил — материядир.
Бир суз ила ифодаланар:
Тунда қора само асослидир.
Мен — онгсиз қолдик.

Санъат ва адабий таққидчиликни наслиқ мафқура деб ҳисоблаган бу шоирлар модернизмнинг ёпиқ шакллари, иерархиялар, ваҳий ва трансцендент ғоялар, жанр категориялари ва намунавий матнлар [тан олинган адабий асарлар] тушуначаларига қарши чиқишади. Бунинг ўрнига улар очиқ шакллар ва кўлмаданиятлик матнлар таълиф этади. Улар ошмабон маданият ва ахборот воситаларидан олинган сийқоларни қўллайди, уларга янгича шакл беради ва қайта шакллайди. Намойиш шеърятини сингари «тил» шеърятини кўпинчалик таққидни рад этиб, иштирок этишга ундайди.

Намойиш этишга мўлжалланган шеърят (композитор Жон Кейчнинг кўй таққидлари билан уйғунлашувчи), джаз мусикаси импровизациялари, курама услубли асарлар ва Европа сюрреализмининг «Қўшма Штатлар» (1984) номли халқаро томошаси кенг танилган. Дэвид Энтис (ўз томошаларини импровизация этади) ва Нью-Йорклик Жорж Кваша («Стейшен Хилл Пресс» ношири), Арманд Шернер ва Жексон Маклоу товуш ва мусика асбобларига ургу берувчи овозли шеърятни ривожлантиради. Маклоу шунингдек манзарали ёки бетон бўлакларига ифодаланган шеърятни ҳам намоиш этади. Этник томоша шеърятини бу оқимга рэп мусикаси билан қириб келди. Қўшма Штатлар узра «шеърый зарбалар», альтернатив санъат га-

дереялари ва адабий дўконларда ўтказиладиган очик шеърхонликлар арзон томоша турлари бўлиб, юксак дидли иштирокчилар катнашади.

Назарий спектрнинг узга томонида ўзига хос услуб яратган «Янги Формалистлар» жойлашган. Улар шакл, қофия ва вазнга қайтиш тарафдорларидир. Барча гуруҳлар жорий вазнاتдан қониқиш, эҳтиёткорона ва ўта нафис оҳанг, шеърый ўстахоналар маҳсули ва ижтимоий фаолиятга қарши қўйилган шахсий лирикага кучли урғу беради. Формал мактаб «Стори Лайн Пресс»; Дана Жиоа (ишбилармон ва шой-

ра); «Кучли мезонлар: Анъанавий шаклдаги замонавий Америка шеърляти» (1986)нинг муҳаррирлари ва шонрлар Филип Десеј ва Давид Жаус; Бред Лейтаусер; Гертруд Шнакенбург ижоди билан боғлиқ. Роберт Ричманнинг «Шеърлят йўналиши: 1977 йилдан кейин инглиз тилида ёзилган қофияланган ва ваёнли мисралар»и сўнгги антологиядир. Бу шонрлар XIX аср мавзуларига қайтишда айбланганига қарамай, кўпинчалиқ мусикий тил ва анъанавий ёпик шакллар билан бирга замонавий станслар ва сиймоларга кинтилган.

VIII-БОБ

1945-ЙИЛДАН KEЙИНГИ АМЕРИКА НАСРЪ: РЕАЛИЗМ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛИЗМ

II Жахон Урушидан кейинги насрий асарлар ўта қилма-қил ва кўпқиррали бўлиб, уларни таснифлаш қийин. Улар халқаро миқёста кутарилган Европа экзистенциализми ва Лотин Америкасининг жозибали реализми томонидан жонлантирилди. Электроник воситалар даври эса бутун дунёни катта бир қишлоққа айлантирди. Телевидение орқали айтилган сўз оғзаки жод анъанасига янги ҳаёт бағишлади. Оғзаки жанрлар, оммавий ахборот воситалари ва оммабол маданият тобора кўпроқ даражада насрга таъсир ўтказди.

Ўтишда элитар маданият оммабол маданиятга ўз маҳами ва намуналари орқали таъсир этган; ҳозирги кунларда эса Қўшма Штатларда ахс таъсир юзга келган кўринади. Томас Пинчон, Жойс Кэрол Оутс, Курт Воннегут, Алис Уолкер ва И.Л. Докторов сингари жиддий романнавислар комиклар, фильмлар, мода, кўшиқлар ва оғзаки анъанани ўзлаштириб, шарҳлай бошлади.

Кайд этиш керакки, бу ҳодиса яқин ўтмиш адабиётини соддалаштирмади: Қўшма Штатларда ёзувчилар жиддий муаммоларни кутарди ва уларнинг кўли метафизик моҳиятга молик. Ёзувчилар янгилик киритишга ўч ва ўзини онгловчи ёки ўзгача айтганда «рефлексив» бўлишди. Кўпинчалик улар анъанавий сиймоларни бесамар билиб, оммабол муҳитдан ҳаётнийлик излашади. Буни жорий этиш учун сунгги ўн йилликлар давомида Америка ёзувчилари постмодерн ҳис-туйғуларни ривожлантирди. Дунёқарашни модернистларча ҳайта шакллаш эндиликда уларга етарли кўринмасдан, моҳиятни янгилаш лозим.

РЕАЛИСТИК МЕРОС ВА 1940-ЙИЛЛАРНИНГ ОХИРИ

Игирманчи асрнинг биринчи ярмида бўлгани каби асрнинг иккинчи ярмида ҳам бадкий адабиёт ҳар ўн йилликнинг ўзига ҳослигини акс эттиради. 1940-йилларнинг охири II Жахон Урушининг оқибатлари ва Согуш уруш бошланғичи билан белгиланди.

II Жахон Уруши бу давр адабиётига асосий материал тақлиф этди: Норман Майер («Аялғоч ва ўлган», 1948) ва Жеймс Жонс («Шу ердан абадиёт сари», 1951) уни моҳирона ишлатди. Улар бешафқат натурализмга яқин реализмдан фойдаланиб, жангу жадалларни мадҳ этмасликка фаросати етди. Айнан шу гап Ирвинг Шоунинг «Еш шерлар» (1948)ига ҳам тааллуқлидир. Герман Вокс ҳам «Канларча исён» (1951)да инсон заифлиги тинч ҳаёт пайтлари сингари уруш дамларида ҳам равшан бўлганини кўрсатди. Кейинчалик Жозеф Хеллер («Қолқон-22», 1961) II Жахон Урушини телбалик сифатида баҳолаб, уруш жингиликка қорилганини сатирик тарзда далиллади. Томас Пинчон реал воқеликнинг турли кўринишларини пародия этувчи ва мураккаб спиральсимон чалқаш ҳодисани баён этди («Гравитация камалаги», 1973). Курт Воннегут «Бешинчи касобона: ёки болаларнинг салиб юриши» (1969) асарини нашр этгач, 1970-йилларнинг бошидаги аксмаданянинг ёрқин сиймоларидан бирига айланди. II Жахон Уруши пайтида Иттифокчилар томонидан Германиянинг Дрезден шаҳри бомбардимон этилди. Ўзи уруш маҳбуси сифатида ерда туриб, бунинг гувоҳи бўлган Воннегут, кўрган-билганларини тасвирлади.

1940-йилларда яқин ёзувчилар, жумладан шоир, романнавис ва эссечки Роберт Пенн Уоррен, драматурглар Артур Миллер ва Теннесси Уильямс, ҳикоянавислар Кэтрин Эйн Портер ва Юдора Келти сахнага чиқди. Миллердан ўзга барчаси Жанублик эди. Барчаси айрим шахснинг оила ёки жамиятдаги тақдирини тасвирлаб, шахсий ривож ва гуруҳ олдида масъулият орасидаги мувозанатни диққат марказига олди.

Роберт Пенн Уоррен (1905—1989)

Жанублик Фужитивистлардан бири бўлган Роберт Пенн Уоррен XX аср узра самарали фаолият юритишдан баҳраманд бўлди. Умр бўйи тарих матнида намоён демократик кадрият-

ларга содиқ бўлиб қолди. Унинг энг атоқли романлари қаторига «Қиролнинг барча одамлари» (1946) кириди. Бу роман димоғдор ва ноток жанублик сенатор Хью Лонг карьерасининг мохириона ниқобланган томонларини тасвирлаб, Америкача орузнинг қоронғи томонларини ёритади.

Артур Миллер (1915)

Нью-Йоркда туғилган драматург, романнавис, эссеич ва биограф Артур Миллер 1949 йили «Сотувчи ўлими» китоби орқали шахсий шухрат чўккисига қўтарилиди. Асар қахрамони ўз ҳаётида фазилатли ва савоб ишлар излаб, тушқунлик муқаррарлигини фаҳмлайди. Сюжет Ломанлар оиласида ота ва ўғиллар, эр ва хотин орасидаги зиддиятли муносабатлар атрафида қурилади. Бу асар 1940-йиллардаги адабий мавқеларнинг кўзгусидир. Унда натурализм ила сайқаллашган реализм намойиш; характерлар батафсил ёритилиб, аниқ ишланган. Тушқунлик ва хатоларга ҳарамай шахс қадр-қиммати тараннум этилади. «Сотувчи ўлими» — оддий инсон шайъига мадҳия бўлиб, Вилли Ломаннинг бева хотини таъбири билан айтганда, «унга эътибор бериш лозим». Аччиқ ва хазин бўлиши билан бирга бу асар оруз-ҳаваслар киссаси ҳам. Қахрамонлардан бири киноя аралаш айтганидек, «сотувчи орузсига етди, болакай. Хаш-паш дегунча юзага чиқади».

«Сотувчи ўлими» Миллер ижодида юксалиб турсада, қатор ўн йилликлар мобайнида яратган қўплаб драмалардан биридир. Шуллар жумласига «Барча ўғилларим» (1947) ва «Эритиш қолип» (1953) номли сиёсий асарлар кириб, бири замонавий, иккинчиси эса колониал пайтлар муҳитида содир бўлади. Биринчи асарда II Жаҳон Уруши пайти аэроплан йи-



РОБЕРТ ПЕНН УОРРЕН

Фототасма © Нэнси Кэмпбелл

гуччи фирмаларга юборилиши кераклигини била туриб ярамас қисмлар ортилишига йўл қўйгани ва оқибатда ўз ўғли ва ўзгалар халокатига келтирган фирибгар ишлаб чиқарувчи тасвирланган. «Эритиш қолипи»да Салем (Massachusetts)да XVII асрда ажинлар устидан ўтказилган суд жараёнлари тасвирланади. Ушанда пуритан кўчкинчилар хато равишда ажинларга ёрдам берувчилар сифатида жазоланади. Бегуноҳ одамларни таъқиб этувчи «ажина овлаш» демократик жамиятда қарғишга дучор бўлганига қарамай, бу пьеса сахналаштирилган 1950-йилларнинг бошида ўта долзарб аҳамият касб этди. Айнан шу пайт сенатор Жозеф Маккарти ва ўзгалар коммунизмга қарши солиб юриши ўтказиб, бегуноҳ инсонларнинг ҳаёллари барбод бўлмокда эди.

Теннесси Уильямс (1911–1983)

Асли Миссисипилик Теннесси Уильямс XX асрнинг ўрталарида Америка адабиёти сахнасидаги энг мураккаб шахслардан бири. Унинг ижоди ҳаяжонли туйғулар ва аксарияти жанублик бўлган оилалар ичидаги ҳал этилмас жинсий масалаларни диққат марказига олди. У тилсимдек қайтариқлувчанлик, жанубий шеърини нутқ оханграболиги, сирли Готик муҳит ва жинсий эҳтиросини Фрейдларча кашф этиши билан маълум. Америка ёзувчиларидан биринчилар қатори ошқора равишда гомосексуалист сифатида ҳаёт кечирган Уильямс таъбирича, азоб чекувчи қахрамонларнинг жинсий муаммолари уларнинг ёлғизлигини ифодалайди. Унинг қахрамонлари шиддатли ҳаёт кечириб, азоб тортишади.

Уильямс 20дан ортиқ драматик асар ёзди ва уларнинг кўпи авто-

биографик характерга эга. «Шиша ортидаги хайвонотхона» (1944) ва «Эхтирос номли куча автомобили» (1947) асарлари ёрдамида нисбатан вақтли — 1940-йилларда — шуҳрат чўккисига кўтарилди. Ундан кейинги йигирма йил давомида чихарган китобларидан ҳеч бирови мазкур икки тўеса муваффақияти ва гонорарига эришмади.

Кэтрин Энн Портер (1890—1980)

Кэтрин Энн Портернинг узун ҳаёт йўли ва карьераси катор даврларни ўз ичига ҳамраб олади. Унга илк муваффақият келтирган «Иуда [соткин] равнаки» (1929) қиссанинг воқеалари инқилоб пайти Мексикада содир бўлади. Унга шуҳрат келтирган моҳирона ва равои ҳисса хикоялари шахсий ҳаёт устидаги пардани нафис кўтарди. «Грэнни Ветеролнинг тойгани», мисол учун, кучли эхтиросларни ўта аниқ ифодалайди. Кўпинчалик у аёлларнинг ички туйғуларини ва эркакларга қарама-лигини кашф этади.

Портер ижодига хос оҳанглар Янги Зеландияда тутилган хикоянавис Кэтрин Мэнсфилд таъсири остида шаклланган. Портернинг хикоя тўпламлари қаторига «Иуда равнаки» (1930), «Пешиндаги вино» (1937), «Оқ от, оқ чавандоз» (1939), «Қия миноралар» (1944) ва «Сайланма хикоялар» (1965) қиради. 1960-йилларнинг бошида у абадий мавзу — инсонларнинг бир-биринга масъуллиги ҳақида узун аллегорик роман ёзади. «Аҳмоқлар кемаси» (1962) деб номланган бу китоб 1930-йилларда нацистлар давлатидан зугум кўрган Германиянинг юқори табақа вахиллари ва Герман қочоқлари йиғилган кемада содир бўлади.

Кўп асарлар ёзмаганига қарамай Портер ёзувчилар авлодларига



ТЕННЕССИ УИЛЬЯМС

таъсир ўтказган. Улар орасида жанублик ҳамкасблари Юдора Велти ва Фленнери О'Коннор.

Юдора Велти (1909)

Миссиссипида кўчкынчи шимолликларнинг ўзига бадавлат оналисида туғилган Юдора Велти ўз пайтида Уоррен ва Портер раҳбарлигида вояга етган. Дарҳақиқат, Портер Велтининг қаламига мансуб «Ям-яшил парда» (1941) илк қисқа хикоялари тўпламига кириш сўзи ёзган. Велти ўз ижодида Портерга интиланган, бироқ ёш аёл сифатида кўпроқ комик ва гротеск томонларга қизиққан. Фленнери О'Коннорнинг кейинги ижодига хос йўналишда Велти *гайриоддий, эксцентрик ёки камёб* характерларни ёритади.

Ижодига хос шиддат ва ғазабга қарамай, Велтининг асарлари моҳиятан инсонпарвар ва ҳаётбахш. Мисол учун, кўп антологияларга киритилган «Нега мен Почтахонада ишлайман» хикоясида ўз бошимча ва мустақил қиз ўз уйини тарк этиб, мўъжазгина почтахонада яшайди. Хикоялар тўпламлари қаторига «Кенг тўр» (1943), «Олтин олмалар» (1949), «Ҳазонрез» (1955) ва «Ой ҳули» (1980) қиради. Велти шунингдек романлар ҳам ёзган. Улар қаторига замонавий плантаторлар оиласини диққат марказига олувчи «Учбурчак никоҳ» (1946) ва «Оптимист қизи» (1972) қиради.


ТОБОРА ФАРАВОН, БИРОК БЕГОНАЛАШТИРУВЧИ 1950-ЙИЛЛАР

Бир миңг тўққиз юз эллик йилчи йиллар Буюк Тушқунликдан олдинги 1920-йиллар иллати сифатида қундалиш ҳаётда модернизация ва технология таъсирининг сусайишига гувоҳ бўлди. II Жаҳон Уруши Қўшма Штатларни Тушқунликдан чиқар-

ди ва 1950-йиллар аксарият америкаликларни интиқиб кўтилган моддий фарвонликдан баҳраманд бўлишига етказди. Бизнес соҳаси, айниқса корпоратив дунёда, яхши ҳаёт кечириш имконини (одатда шахар атрофидаги ноҳияларда) тақлиф этишига мойил бўлди. Муваффақият рамзлари сифатида уй жой, автомобиллар, телевидение ва уй анжонлари гавдаланди.

Ёлғизлик етакчи мавзуга айланди: Слоан Вилсоннинг «Қул ранг фланель костюмлик киши» (1955) бестселлериди шахсий ҳусусиятлари йўқ умумлашма инсон маданий стереотип даражасига кўтарилди. Социолог Давид Рейсманнинг «Ёлғиз оломон» (1950) китобида умумлаштирилган Америка бегоналашуви таҳлил марказига олинди. Бу асар хетидан турли даражада бажарилган ўзга илмий тадқиқотлар пайдо бўлиб, улар қаторига Вэнс Паккарднинг «Яширин насихаттўйлар» (1957) ва «Мансаб изловчилар» (1959) асарларидан то Уильям Уайтнинг «Ташкилот одами» (1956) ва С. Райт Милснинг анча муҳим «Ок ёка» (1951) ва «Хукумат элитаси» (1956) асарлари кирди. Иқтисодчи ва олим Жон Кеннет Гэлбрайт «Тобора фарвон жамият» (1958) асарини бу оқимга қўшди. Бу асарларнинг аксарияти 1950-йилларда барча америкаликлар бир хил ҳаёт тарзи кечиради деган таҳминни мададлади. Тадқиқотлар умумий тус олиб, фуқароларни чегара кўчкинчиларига ҳос шахсиятчиликни йўқотганлари ва ўта конформист булганлари учун танқид этган (масалан, Рейсман ва Милс) ёки технология ва бўш вақт барпо этган «Янги табақа»га аъзо бўлишни маслаҳат берган (Гэлбрайт асарларида кўриш мумкин).

Аслида 1950-йиллар аранг сезилувчи ва сингиб ўтувчи стресс ўн



ЮДОРА ВЕЛТИ



ФОТОРАСМ

йиллиги бўлди. Жон О'Хара, Жон Чивер ва Жон Алдаик романлари кўринишидан қонқарли ҳаётнинг таранг ҳолатларини намоён этди. Энг яхши асарларда муваффақият учун қурашда марғуб бўлган инсонлар тақдири тасвирланди. Артур Миллернинг «Сотувчи ўлими» ва Саул Беллоунинг «Кунни эгалламоқ» (1956) асарлари бунга мисол. Айрим ёзувчилар масалани кенгрок ёритиб, ўз мақсадига эришолмай тубан тушганларни тасвирлаган. Шулар қатори Ж.Д. Селлинджернинг «Жавдари бугдойда ушлаб қолувчи» (1951), Ральф Эллисоннинг «Қўзга кўринмас одам» (1952) ва Жек Керуокнинг «Йўлда» (1957) асарлари. Шу ўн йилликнинг охирида Филип Рот ўз яҳудий меросидан бегона бўлаётганини ақс эттирувчи қатор хикоялар битди («Алвидо, Колумб», 1959). Унинг психологик фикр-мулоҳазалари бадий адабиёт ва 1990-йиллардаги автобиография жанрига материал берди.

Беллоу, Бернард Маламуд ва Исаак Эзриев Синсер каби Америка яҳудий ёзувчиларининг ижоди 1950-йиллар ва ундан кейинги даврда диққатга сазовор бўлиб, Америка адабиётига ёрқин қўлланмадир. Мазкур уч адибнинг асарлари уларга ҳос юмор, ахлоқий масалалар ва Эски ҳамда Янги Дунёдаги яҳудий жамоаларнинг тасвири билан яҳқол ажралиб турди.

Жон О'Хара (1905–1970)

Журналист сифатида фаолият юритган Жон О'Хара пьесалар, ҳикоялар ва романлар ёзган сермахсул адиб эди. У ёрқин тафсилотлар устаси бўлиб, аксарияти 1950-йилларда ёзилган қатор реалистик романлари билан ном чиқарган. Уларда кўринишидан ўта омадли одамларнинг ички инкирозлари ва қониқмаслиги туйғула-

ри тасвирланган. Шулар каторига «Самаррадаги учрашув» (1934), «Экинчи шимолий Фредерик» (1955) ва «Кучадаги гулзордан» (1958) асарлари кирadi.

Жеймс Болдуин (1924–1987)

Жеймс Болдуин ва Ральф Эллисон 1950-йилларда африкалик америкалик адабий оқимнинг кўзгусидир. Уларнинг қаҳрамонлари ҳалдан зиёд шўхратпарастликдан эмас, ўзликни оғлай олмасликдан азобланади. Нью-Йоркнинг Гарлемида тўққизта фарзанднинг энг каттаси бўлган Болдуин руҳоний томонидан ўтил сифатида тарбияланади. Ешлигида Болдуин вақт-вақти билан черковда ваъз қилади ва бу тажриба Болдуин наsrининг оғзаки ёркин сифатларини шакллашга кўмак беради. Бу фазилати «Келгуси гал алангаси» (1963) тўлламига кирган «Менинг мия минтақамдан мактуб» каби ажойиб эсселарида яққол намоёндр. Бу эсседа у эхтирос ила ирклар орасидаги фарқлашга барҳам беришга чакиради.

Эхтимол Болдуиннинг илк автобиографик «Бориб бунга тоғга айтиб бер» (1953) романи унинг энг яхши асари бўлса керак. Бу – саводини ўзи чиқаришга интилаётган ва Христиан динига ўтказиш бўйича тадқиқотларни тушунишга уринаётган 14 яшар ўспирин ҳақидаги қиссадир. Болдуиннинг ўзга муҳим асарлари каторига иркий муаммолар ва гомосексуалистларга бағишланган «Ўта ўлка» (1962) ҳамда ирқчилик, иждоқор ва адабиётнинг ўрни ҳақида хикоя қилувчи эхтиросли эсселар тўллами («Ҳеч ким менинг исминни билмайди», 1961) кирadi.



ЖЕЙМС БОЛДУИН

Ральф Вальдо Эллисон (1914–1994)

Ральф Эллисон Оклахомада таваллуд тоғган уртағарблик бўлиб, жанубий Қўшма Штатларнинг Тускеги институтида таълим олган. У Америка адабиетида энг гаройиб тақдирга эга ёзувчилардан бири бўлиб, ижоди атиги битта, бироқ юксак олқишларга сазовор асардан иборат. Унинг «Қўзга кўринмас одам» (1952) романи маъшии хизмат қўрсатиш компаниясидан ўтирилган электр нури ёрдамида чароғон этилган ертўлада яшовчи қоратанли одамнинг ҳаётини тасвирлайди. Бу асарда унинг умидлардан холи гаройиб ҳаёт тажрибаси тасвирланади. Қоратанлилар коллежида ўқш учун таълим грантини ютганида, у октанлилар томонидан таққирланади: коллежа борганида эса қоратанли директор қоратанли америкаликларнинг ташвишларини назар-нисайд қилмаслигига тўвоҳ бўлади. Коллеж ташқарисидаги ҳаёт ҳам номақбул кечади. Мисол учун, ҳатто диний ваъзчи ҳам жиноятчи бўлиб чиқади. Роман ҳам қоратанли, ҳам октанли фуқароларни ўзликни ифодалаш учун мутаносиб гоёлар ва қурилмалар билан таъминлашга ожиз жамиятни қоралайди. Роман қудратли ирқий мавзуну кўтаради: «Қўзга кўринмас одам» ўзичалик кўринмас эмас, балки нотўғри тушунча кўзларини кўр этган ўзгалар унинг кимлигини кўра олмаслиги тўғайли кўзга кўринмасдир.

Фленнери О'Коннор (1925–1964)

Фленнери О'Коннор асли Жоржиялик бўлиб, қон касаллиги юзага келтирувчи тери туберкулезидан ҳаётни бевақт ўзилган. Шунга қарамай у қўнғли бўшлиқни рад этади ва хазин ҳамда бемурсо қиссалари ўта юмористик рух ила

сугорилган. Портер, Велти ва Харстондан фарqli равишда О'Коннор кўпичалик ўз қахрамонларини узокдан тасвирлаб, уларнинг бошқаларга ўхшамаслиги ва ақли калталигини кашф этади. Унинг романларида кўрсатилган саводсиз жанублик қахрамонлар кўпичалик хурофот ёки дин орқали зўравонликка йўл кўяди. Ўз черковини таъсис этаётган диндор мутаассиб ҳақидаги «Одил кон» (1952) романи шунга мисолдир.

Баъзан шиддат нотўғри тушунчадан келиб чиқади. «Кўчирилган шахс» романида бетиним меҳнати ва ғайриоддий қилиқлари билан одамларга таҳлика тўғдирувчи муҳожирларнинг жохил қишлоқ аҳли томонидан ўлдирляши ҳикоя этилади. Кўпичалик шафқатсиз ходисалар қахрамонлар билан оддий иш каби содир булади. «Яхши қишлоқлар»да бир эркак бир кизнинг сунъий оёғини ўтирлаб, сўнгра уни йўлдан уради ва номусини поймол этади.

О'Коннорнинг қоратабиат юмори унинг ижодини Натаниел Вест ва Жозеф Хеллер билан боғляйди. Унинг асарлари қаторига «Яхши одами топиш қийин» (1955) ва «Нимаики ўсиб чиқса, туташши лозим» (1965) қисқа ҳикоялар тўпламлари, «Зуравонлик голиб чиқар» (1960) романи ва «Яшаш одати» (1979) хатлар тўплами киради. Унинг «Тўлиқ ҳикоялар» тўплами 1971 йили нашр этилди.

Саул Беллоу (1915)

Канадада туғилиб, Чикагода воёга етган Саул Беллоу Россиялик яҳудийлар оиласидан келиб чиқади. Коллежда антропология ва социологияни ўргангани унинг ижодига хатта таъсир ўтказган. Теодор Драйзернинг турли-туман тажрибаларга мойиллиси ва эҳтирослар тўғриси Беллоу ижодига сезиларли таъсир этган. Беллоу об-

ру-этибор қозониб, 1976 йили адабиёт соҳасида Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Беллоунинг ялк, маълум даражада бешафқат экзистенциал романлари қаторига армияга чакирилишни кутаётган одами Кафка услубида таджик этувчи «Муаллақ инсон» (1944) ва яҳудийлар билан нояхудийлар орасидаги алоқалар ҳақидаги «Қурбон» (1947) киради. 1950-йилларда унинг ижоди анча комик тус олиб, шижоаткор ва саргузаштларга ўч биринчи шахс номидан айтилувчи қатор ҳикоялар яратади. «Очи Марч саргузаштлари» (1953) Европада қора бозорда сотув ишларига аралашган Гекльберри Финнга ўхшаш шахарлик ишбилармонни тасвирляйди. «Ёмғир қиролди Гендерсон» (1959)да ушалмаган орзу-хаваслари тўғайли Африкага равона бўлувчи ўрта ёшли миллионернинг бошидан кечирганлари ажойиб комик тарзда тасвирланади. Беллоунинг кейинги давр асарлари қаторига романтик ўзлигини англаш гоёсида ихтисослашган асабий инглиз профессорининг серташвиш ҳаётини тасвирловчи «Герцог» (1964); «Мистер Сэмплер сайёраси» (1970); «Гумбольдт ҳадяси» (1975) ва автобиографик «Деканнинг декабри» (1982) киради.

Беллоунинг «Кунни ушламоқ» (1956) асари ўз муқамаллиги ва қисқалиги тўғайли кўпичалик ўрта мактаб ёки коллеж ўқув программаларига киритилади. У ўзининг ноқобиллигини яхши кийим ва ғайратли кўриниш билан ниқоблашга тиришаётган, бироқ аслида инкнрозга дучор бизнесмен Томми Вильгельмни диққат марказига олади. Новелла кинояли тарзда бошланади: «Ўз қийинчиликларини бекитишга келганда, Томми Вильгельм бошқалардан қолишмасди. Ақалли, унинг ўзи шу



Ральф Эллисон

Фотосураси © Эманс Кроштор

фикрда эди...» Куч-қувватини шу тариха сарфлаш кинояли тарзда унинг тубан тушишига келтиради. Вильгельм ноҳоббиллик туйғуларига шу кадар гарх бўладики, пировардида мутлақо ноқобил бўлиб қолади: аёллар, иш, машиналар билан омади юришмай, истеъмол моллари Бозорида барча пулидан айрилади. У яхудийлар фольклоригади ноқуш воқеалар албатта айнан у билан содир бўлувчи «скизмель»га мисол. «Қунни ушлаб» ҳўп америкаликларни ўз домида ушловчи омадсизликдан кўрқишни тасвирловчи ҳўлоса.

Бернард Маламуд (1914–1986)

Бернард Маламуд Нью-Йоркда Россиялик муҳожир яхудийлар оиласида таваллуд топган. «Ассистент» (1957) номили иккинчи романида Маламуд барча қийинчиликларга қарамай инсоннинг тирик қолиш учун курашиш ҳамда янги яхудий муҳожирларнинг ахлокий асослари каби ўзинга хос мавзуларни диққат марказига олади.

Маламуднинг илк нашр этилган «Табий» (1952) асарининг сюжети профессионал бейсбол ўйинчиларининг афсонавий муҳитида содир бўлувчи реал воқелик ва фантазия қоришмасидан иборат. Ўзга романлари қаторига «Янги ҳаёт» (1961), «Товламачи» (1966), «Лайокатли одам тасвири» (1969) ва «Ижарачи» (1971) кирди. Шунингдек у қисқа хикоялар устаси бўлган. «Сехрли бочка» (1958), «Авал тентаклар» (1963) ва «Рембрандт камоғи» (1973) каби тўпламларга кирган хикояларида у Америкада туғилган ўзга ёзувчиларга нисбатан кўпроқ даражада яхудийларнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳуни, реал ва нореал воқелик, бўлган нарсалар ва афсона ҳиссини ифодалайди.



БЕРНАРД МАЛАМУД

Маламуднинг асосий асари «Товламачи» бўлиб, Пулитцер Мукофоти ва Миллий китоб мукофотини олган. XX аср бўсағасида Россияда содир бўлувчи воқеа — насл-насабига туҳмат борасидаги реал суд иши — 1913 йили Мендель Бейлис устидан ўтказилган шармандаларча суд ишини сал ноқоблаб, замонамиз тарихида қора антисемит доғ сифатида тасвирлаган. Кўп асарларида бўлгани каби Маламуд ўз қаҳрамони Яков Бокнинг азоб-қубатлари ва барча қийинчиликларга қарши курашини ёрқин ифодалайди.

Исаак Ёзшивис Сингер (1904–1991)

Нобель мукофотига эришган романнавис ва қисқа хикоя устаси Исаак Ёзшивис Сингер — асли Варшавадаги раввинлар суди раҳбарининг ўғли, келиб чиқиши Польшалик бўлиб, 1935 йили Қўшма Штатларга хижрат этган. Умр бўйи идиш (сўнги бир неча аср мобайнида европалик яхудийларнинг умумий тили — немис ва яхудий тилларининг қоришмаси) да ёзган Сингер яхудийларнинг икита ўзига хос туруҳини мифология ва реалистик услубда тасвирлаган: қадимги дунёнинг аҳли бўлмиш «штетл»лар (кичик қишлоқлар аҳолиси) ва XX асрда II Жаҳон Урушидан олдин ва урушдан кейинги даврларда океанни кесиб ўтган муҳожирлар.

Сингер ижоди Холокост — нацистлар ва уларнинг салафлари қўлидан кўплаб европалик яхудийларнинг қирилиши — ҳодисасига хотимадир. Бир томондан у XIX аср Россиясида содир бўлувчи «Дала ҳовли» (1967) ва «Мулк» (1969) каби ромавлари ҳамда икки жаҳон уруши оралгида польшалик яхудий оилани тасвир марказига олган «Москат оиласи» (1950) да қўялари битган европа-

лик яхудийлар дунёсини тасвирлайди. Бу йўналишни тўлдирши ниятида «Душманлар: севги қиссаси» (1972) каби асарларида урушдан кейинги давр тасвирланиб, Холокостдан тирик қолган қаҳрамонлар янги ҳаёт бошлашга интилади.

Владимир Набоков (1889–1977)

Сингер сингари Владимир Набоков ҳам Шарқий Европалик мухожир. Чор Россиясида бадавлат оилада туғилган Набоков 1940 йили Қўшма Штатларга келади ва беш йил ўтгач АҚШ фуқаролигини олади. 1948 йилдан то 1959 йилгача у Нью-Йорк штатининг шимолидаги Корнел университетига адабиётдан дарс беради. 1960 йили Швейцарияга кўчади. Унинг романлари кенг китобхонлар оmmasига манзур бўлиб, улар қаторига омадсиз рус мухожир профессори ҳақидаги автобиографик «Пнин» (1957) романи ва 12 яшар америкалик кизни мажнунларча севиб қолган маърифатли ўрта ёшли европаликни тасвирловчи «Лолита» (АҚШ, 1958 йил нашри) кирди. Набоковнинг стилизациялаштирилган «Хира аланга» (1962) романи муваффақиятли янгилик бўлиб, фаразий ўлган шожирнинг узун достони ва унга изоҳлар ёзган танқидчини диҳқат марказига олади.

Набоков ижоди услубий нафислиги, мохирона сатира ва шаклда хайратомуз янгиликлари сабабли муҳим ўрин эгаллаб, Жон Барт каби романаписларни илҳомлантирган. Набоков Рус ва Америка адабиётлари орасида ўзининг вoситачилиқ ролини тушунган ва Гоголь ҳақида китоб ёзиб, Пушкиннинг «Евгений Онегин»ини янглиз тилига таржима қилган. Унинг жасур, муайян маънода экспериментал мавзулари, мисол

учун, «Лолита»даги ғайриоддий севги, мохиятан реалистик Америка бадийи анъанасига XX аср Европа экспрессионист жараёнларини жорий этишга кўмаклашди. Қисман сатирик ва қисман ностальгик оҳанги янгича хазиломуз-жиддий парда тақлиф этган. Пинчон каби ёзувчилар ундан фойдаланиб, донолик ва кўркўвга хос зиддиятли оҳанглارни қўрама этган.

Жон Чивер (1912–1982)

Жон Чивер купинчалик «бадий манералар романаписи» ҳисобланиб, бизнесменлар, уларнинг рафиқалари, болалари ва дўстларига Нью-Йорк бизнес дунёсининг таъсирини батафсил урғуловчи бежирим, фикр-мулоҳаза уйғотувчи қисқа ҳикоялари билан ном чиқарган. «Айрим одамларнинг яшаш тарзи» (1943), «Шэди Хиллдаги уй ўғриси» (1958), «Кейинги романида пайдо бўлмайдиган айрим одамлар, жойлар ва нарсалар» (1961), «Бригадир ва гольф беваси» (1964), «Олмалар дунёси» (1973) тўпламлари шулар қаторидан. Зиддиятли, хазин ва ҳеч қачон тўлиқ қондирилмайдиган эхтиросли ёки метафизик аниқлик сари интилиш Чивернинг бежирки матни чокларида яшириниб, Чеховча чўққиларга кўтарилади. Асарларининг коми уз мавзуларига нисбатан ўзига хос бепарволик, ўйноқилик, эътиборсизлик ва рамзийликни намoён этади. Чивер шунингдек қатор романлар ҳам нашр этган. Шулар қаторига «Вэпшот можароси» (1964), «Буллет парки» (1969) ва сезиларли даражада автобиографик «Лочинбоз» (1977) кирди.




Жон Чивер

Фототасвир

Жон Алдайк (1932)

Чивер сингари Жон Алдайк ҳам манералар ёзувчиси ҳисобланиб, шаҳар атрофи ва мамлакат ичкарисидаги ҳаёт мавзуларини ёритиб, зеркиш ҳисларини инзикос этган Асарларидаги воқеалар шарқий соҳилдаги Массачусетс ва Пенсильвания муҳитида содир бўлади. Алдайк «Қуён» ҳақидаги тўрт китоби билан ном чиқариб, уларда қирқ йил мобайнидаги Америка иқтимоий ва сиёсий тарихи «Қуён» лакабли Гарри Ангстром ҳаётининг пасту баландлари орқали қўзатилади. «Қоч қуён» (1960) 1950-йиллар кузгуси бўлиб, унда Ангстром ёрдамдан маҳрум, ўз ҳаётидан норози ёш эр сифатида тасвирланади. «Ноилож Қуён» (1971) 1960-йилларнинг аксмаданянтини ёритиб, Ангстромни ҳамон муайян мақсалсиз, ниятсиз ёки дунёвий ташвишлардан қутулишга ҳорасиз ҳолда кўрсатади. «Қуён бойида» (1981) да Вьетнам даври нихоясига яқинлашган ва узига зеб берган бадавлат 1970-йиллар муҳитида Гарри фаравонликка эришади. «Қуён дам олишда» (1990) номли сўнги жилд Ангстромнинг ҳаётдан мамнун бўлиши ва тасодифий ўлимни 1980-йиллар муҳитида тасвирлайди.

Алдайкнинг ўзга романлари каторида «Кентавр» (1963), «Жуфликлар» (1968) ва «Бейч: Китоб» (1970)ни номлаш мумкин. Ҳозирги кунда ижод этувчи ёзувчилар орасида Алдайк ўзининг мукамал услуби билан ажралиб туради ва унинг қисқа ҳикоялари унинг кенг қамрови ва новаторлигига ёрқин мисол бўла олади. Тўпламлар каторига «Ўша эшик» (1959), «Мушиқа мактаби» (1966), «Музейлар ва аёллар» (1972), «Боришга ўта узок» (1979) ва «Муаммолар» (1979) қиради. Шунингдек у хатор шеърый жилдлар ва эсселар муаллифидир.



Жон Алдайк



Ж.Д. Селинжер (1919)

1960-йилларда содир бўлган ҳодисалар дарақчиси Ж.Д. Селинжер жамиятни йўқ қилишга уришишларни тасвирлаган. Нью-Йорк шаҳрида таваллуд топган Селинжер «Жавдари бугдойзорда ушлаб қолувчи» (1951) романи орқали коксак адабий муваффақиятга эришади. Асарда ташки дунё иштиёкида зодагонлар учун таълим-тарбия мактабини тарқ этувчи ва оқибатда дунёнинг материализми ва қалбақчилигидан ҳафсаласи пир бўлувчи 16 яшар эҳтиросли йигитча Холден Каулфилд тақдири тасвирланади.

Қим бўлишни орзу қилиши ҳақида сўраганида, Каулфилд шоир Роберт Бёрнс шеърдан нотўғри иқтибос келтириб, «Жавдари бугдойзорда ушлаб қолувчи» деб, жавоб беради. Унинг назарида бегуноҳликни ҳимояловчи ягона сўнги ришарь ўзи бўлади. У кўз олдида катта бугдойзорни келтиради. У шу қалар баландки, ичда ўйнаб юрган бир гала болақайлар қаерга чолиб кетаётганини ҳам кўра олмайди. Улар орасида биргина Каулфилд баланд бўйли. «Мен бир тубсиз жарлик ёқасида турибман. Менинг қиладиган ишим – жарлик томон отилиши мумкин бўлган ҳар қимсани ушлаб қолиш». Жарликка қўлаш болалик ва – ўша даврнинг собит мавзун – (айниқса жинсий) бегуноҳликни муҳотишга тенглаштирилади. Узлатда яшовчи мазкур ҳамсуқум ёзувчининг ўзга асарлари каторига «Тўққиз ҳикоя» (1953), «Френни ва Зун» (1961), «Том тўсинини юқори кўтаринг, дурдгорлар» (1963) ҳамда «Нью-Йорклик» ҳикоялар тўплами қиради. 1965 йили битта ҳикоя чиқаргач, Нью-Хемпширда яшовчи Селинжер Америка адабий сахнасида тупди.

Жек Кероук (1922–1969)

Кашшоқлашган канадалик француз оқла фарзанди Жек Кероук ҳам урта табака ҳаётининг қадр-қимматларини кўтарган. Нью-Йорк шаҳрининг Колумбия университетда ўқиб юрган пайтлари норасмий «Бит» адабий оқими аъзолари билан учрашади. Унинг ижодига жанублик романнавис Томас Вольфнинг автобиографияси асари катта таъсир ўтказди.

Кероукнинг «Йўлда» (1957) машҳур романида жамоа бўлиб яшаш ва гўзалликнинг идеалистик орусини излаб Америка узра саяҳат этувчи «битниклар» тасвирланади. «Дхарма дангасалари» (1958) ҳам аксмаданиятнинг сайёҳ зукколари ва уларнинг Дзен буддизмига шайдолигини тасвирлайди. Кероук «Мехико шаҳрининг блюзлари» (1959) шеърлар тўпламини нашр этиб, экспериментал романнавис Уильям Барроус ва шоир Аллен Гинзберг каби битниклар билан кечярган ҳаётини тасвирловчи китоблар ҳам ёзган.

ШОВҚИН-СУРОНЛИ, АММО ЯРАТУВЧАН-ИЖОДКОР 1960-ЙИЛЛАР

Бир минг тўққиз юз элликинчи йилларга хос бегоналаниш ва стресс ҳолатлари 1960-йилларда Қўшма Штатлар узра Фукаро ҳуқуқлари ҳаракати, феминизм, урушга қарши норозиликлар, озчилик вакилларининг фаоллиги ва аксмаданиятнинг юзага балқиб чиқишига келтирди ва ҳамон Америка жамиятига ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу даврнинг кўзга кўринган сийсий ва ижтимоий асарлари фукаро ҳуқуқлари ҳаракатининг етакчиси Мартин Лютер Кинг нутқлари, феминистлар етакчиси Белти Фриданнинг илк асарлари («Аёл мистикаси», 1963) ва Норман Майлернинг 1967 йилги урушга қарши юриш

«Бир минг тўққиз юз элликинчи йилларга хос бегоналаниш ва стресс ҳолатлари 1960-йилларда Қўшма Штатлар узра Фукаро ҳуқуқлари ҳаракати, феминизм, урушга қарши норозиликлар, озчилик вакилларининг фаоллиги ва аксмаданиятнинг юзага балқиб чиқишига келтирди ва ҳамон Америка жамиятига ўз таъсирини ўтказмоқда».

хақидаги «Тун лашкарлари» (1968)ни камраб олади.

1960-йиллар бадий адабиёт ва хақиқий ҳаёт, романлар ва репортаж орасидаги чегарани ўчириб, уларнинг акс садоки хозирги кунларгача етиб келган. Романнавис Трумен Капоте (Шойи рўмол устидаги нонушта) (1958) каби китоблари билан 1940-йилларнинг охири ва 1950-йиллар китобхонларини даҳшат ичра ҳайратда қолдирган. «Совуқ қон» (1966) билан барчани лол этиб, Америка марказидаги оммавий котилликларга назар қадлаган. Унинг асарлари детектив сингари ўқилган. Айни пайтнинг ўзида «Янгича журналистика» юзага келди. Бу йўналиш журналистикани бадий адабиёт усуллари билан қурама этган, нобадий адабиёт намуналари ёки фактларни бадий ижодга киритган, уларга қайта шакл бериб, драмага қушган ва ҳабар этилаётган воқеа долзарблигини таъминлаган. Том Вольфнинг «Электрик тез ёрдам кислотаси тести» (1968) романнавис Кен Кесей аксмаданиятига хос сайёҳлик бебошликларини олқишлайди. «Радикал зеб бериш ва зенит артиллериячиларининг мау-мау товуши» (1970)да чап канотли фаолчиликнинг турли жиҳатлари қўлга кўтарилган. Вольф «Муносиб тоқим» (1979)да АКШ космик программаси бошланғич босқичининг батафсил ва ички сирларидан воқиф тарихини яратиб, «Тақаббурилик гулхани» (1987)да эса 1980-йиллар Америка жамиятининг кенгҳамролик тасвирини қизди.

1960-йиллар авжига чиқиши сайин адабиёт ҳам шу даврнинг шовқин-суронлига жалб этилди. Хазиломуз, комик назар вужудга келиб, қатор ёзувчиларнинг афсонабол асарларида ўз аксини топди: Кен Кесейнинг заҳарханда «Какку уяси устидаги парвоз»

(1962) романи рухий касалхонадаги ҳаётни тасвирлаб, ёрдам кўрсатувчи қодимлар касал-ларга нисбатан кутроқ лат еган бўлиб чиқади; Ричард Браутигеннинг «Америкада форель овлаш» (1967) номига гаройиб ва фантастик аса-ри. Комик ва фантастик кувалиш янгича мода – ярмига комик, ярмига метафизик – оқимини парваришлаб, куйидаги асарлар унга мисол: То-мас Пинчоннинг параноих ва ажойиб «V» (1963) ҳамда «49-улуш хайқириги» (1966); Жон Бартнинг «Эчкибоқар бола Гил» (1966) ва Дональд Бартемининг гайриоддий, қисқа хи-қоялари – «Ортга қайт, доктор Калиган» но-ми биринчи тўплами 1964 йил нашр этилган.

Турли йўналишларда, жумладан драматур-гияда Эдвард Алби қатор ноанъанавий психо-логик асарлар яратди: «Виржиния Вульфдан ким кўради?» (1962), «Нозик мувозанат» (1966) ва муаллифнинг рухий изланишлари ва парадоксал ёндашувини акс эттирувчи «Ден-гиз манзараси» (1975).

Айни лаятнинг ўзиде бу ўн йилликда адабий истеъдоди 40 ёшдан кейин намоён бўлган Уол-кер Перси – касби врач ва Жанубликларга хос олийжаноблик тиссоли – юзага чиқди. Қатор романларида Перси ўзи яшовчи минтақани сир-ли психологик драмалар рўй берувчи муҳит си-фатида ишлатди. «Кинотомошабин» (1961) ва «Сунгги жентльмен» (1966) юксак эътирофга эришган асарлари каторига қиради.

Томас Пинчон (1937)

Сирли ва ўзини рекламадан олиб қочувчи То-мас Пинчон Нью-Йоркда туғилиб, 1958 йили Корнел университетини тамомлаган. Айнан шу ерда у Владимир Набоков таъсирига тушгани эхтимолдан холи эмас. Шуниси аниқки, унинг янгича фантазияларида Набоковга хос жумбоқ-лар, уйиш-топишмоқлар ва рамзлар ишлатил-ган. Пинчон ижодининг ўзгарувчан оҳанги па-раноянинг шеъроятта сингиб ўтишига мисол бўла олади.

Пинчоннинг барча асарлари айнан шу қолип-да шакланган. Кенг қамроли сюжет бош қаҳ-рамонлардан хақида бирига номъалум бўлиб, унинг ваифаси алтов-далтов вазиятни тартиб-лаштириш ва ҳаётий жумбоқни ечишдан ибор-ат бўлади. Бу режа ижодкорнинг анъанавий иши бўлиб, китобхон ҳам жумбоқлар ва фикр-лашга жалб этилади. Мавзу континентлар ва замон узра кенгаёди. Пинчон жумбоқлар мет-

афорасини ва борлиқнинг тадрижий заифлашу-вини ифодалайди. Оммабоп маланьят восита-ларидан – айниқса илмий адабиёт ва детектив ифода усулларидан – мохируна фойдаланиш унинг асарларига хос белги.

Пинчоннинг «V» асари Бенни Профан (маъносиз сайёҳлик ва турли гаройиб ишларга ботган омадсиз сиймо) ва унинг муқолифи (сирли жусус аёл «V»ни (муқобил равишда Ве-нера, Бохира, Бефойда – [бу сўзлар инглиз ти-лида «V»га бошланади]) изловчи маърифатли Герберт Стенсил образлари атрофиде эркин тарзда қурилан, «49-улуш хайқириги» қисқа асар бўлиб, АКШ Почта хизмати билан уйғунла-шувчи маҳфий тизимни тасвирлайди. «Гравита-ция камалаги» (1973) П Жаҳон Уруши пайтида Лондон устига тушаётган ракеталар остида нацистлар ва ўзга никобли шахсларни излашни хазиломуз ва айни пайтда рамзий оҳанг да тас-вирлайди. Пинчон ижодига хос шиддат, коме-дия элементлари ва Янгилликка қобилият унинг асарларини 1960-йиллар билан мустақкам боғ-лайди.

Жон Барт (1930)

Асли Мерилендлик Жон Барт ҳикоянинг ўзи-га эмас, балки у қандай қилиб ҳикоя этилиши-га қизиққан. Бирок Пинчон китобхонни сохта излар ва детектив романларга хос эхтимоллий жавоблар билан лақимлатган ерда, Барт ўз ўқувчиларини харнавалдаги қийшиқ ойналарга тўла қулги хонасига киритиб, айрим ҳусусият-ларни бўрттириб, ўзгаларини эса миттиллашти-риб кўрсатган. Реализм Барт ижодига ёт бўлиб, мунтазам равишда ёзув ва ўқиш жараёнларига ишора этувчи 14 ҳикоялар тўплами – «Қулги хонасига йўқолиб қолган» (1968) асарида акс этган. Бартининг нияти – ёзиш ва ўқишнинг су-нъий табиатта моликлигидан китобхонни оғоҳ-лантириш ва уни ҳикояга худди хақиқий ҳаётга бўлганидек муносабат билдиришдан сақлаш. Реализм илюзиясини чал-парчин этиш учун Барт акстаъсир воситаларидан фойдаланиб, ўз китобхонларига улар фақат бир бадний асар ўқиятганларини эслатади.

Бартининг илк асарлари худди Саул Беллоу ижоди каби саволмуру ва экзистенциал моҳи-ятга эга бўлиб, 1950-йилларга хос воқелиқдан қочиш ва сайёҳлик мавзуларини қўллаган. «Оқимдаги опера» (1956) да қаҳрамон ўзини ўл-диришни ўйлаб юради. «Йул охири» (1958) да

мураккаб севги алоқалари кўрилади. 1960-йиллар асарлари анча кимик ва камроқ даражада реалистик тус олади. «Ичиш-чакити омили» (1960)да XVIII асрга хос мугомбирлик усули пародия этилади. «Эчкибоқар бола Гил» (1966)да эса дунёни бир университет тарзида кўриш кулги остига олинади. «Химера» (1972) Юнон мифологиясининг ривоятларини қайта хикоя этиб, «Мақтублар» (1979)да Бартнинг ўзи бир қаҳрамон сифатида кўрсатилади (ёзувчи Норман Майлер шу усулни «Тундашкарлари»да қўллаган). «Шанбаллик Романс» (1982)да Барт бадний адабиётда кенг тарқалган жосуслик мотивини ишлатди: аёллар коллежининг профессори ва унинг эри – пенсияга чиқиб, роман ёзишга қирқшган махфий агент тақдирини хикоя қилинади.

Норман Майлер (1923)

Норман Майлер сунти ўн илликларда ўз усули ва мавзунини кўп мартагиба ўзгартиришга қодир йirik адиб сифатида намоён бўлди. Ҳамма нарсени тажрибадан ўтказиш иштиёқи, шиддатли услуби ва жамоатчилик наздида фожиавий шахс сиймосини касб этгани жиҳатидан Эрнест Хемингуэйга ўхшашдир. Унинг гоялари дадил ва янгилик киритувчи бўлиб, мавзуга нисбатан, шу мавзунинг қай тариха қўлланиши муҳимроқ деб билган Барт каби ёзувчиларга хос услубнинг аксини намоён этади. Кўзга ташланмас Пинчондан фарқли равишда Майлер мунтазам равишда диққат-эътибор эзлайди ва талаб этади. Романапис, эссечи, баъзан снэсатчи, адабий маъмур ва кези келса актер бўлган Майлер доимо сахна тўрида туради. 1968 йилги АҚШ президент сайловлари йигинларининг таҳлилини берувчи «Маями ва Чикаго камали» (1968) каби «янгича жур-



налистика» машқларидан ва «Жаллод кўшиги» (1979)даги махкум этилган котилнинг ўлим жазоси ҳақидаги таҳлилидан Майлер қадимги Миср муҳитида содир бўлувчи «Кўхна окшомлар» (1983) ва АҚШ Марказий разведка бошқармаси атрофида мужассамлашган «Харлот арвохи» (1992) каби шуҳратталаб ва катта ҳажмли романлар ёзишга киришди.

1970- ВА 1980-ЙИЛЛАР: ЯНГИ ЮНАЛИШЛАР

Бир минг тўққиз юз етмишчи йилларнинг ўрталарида бирлашқш даври бошланади. Вьетнам низосига хотима ясалиб, орадан кўп ўтмай АҚШ Хитой Халқ Республикасини расман тан олади ва Американинг 200 йиллик юбилейи ўтказилади. Тез орада 1980-йиллар – «Мен учун ўн йиллик» – кириб келади ва шахслар йирик ижтимоий масалалар эмас, ўз хусусий муаммоларига кўпрок диққат қаратишга мойил бўлди.

Адабиёт соҳасида эски жараёнлар сакланиб қолади, бироқ соф экспериментчилик ортидаги куч сусаяди. Жон Гарднер, Жон Ирвинг («Гарлга бинаон дунё», 1978), Пол Тероуж («Чивинлар соҳили», 1982), Уильям Кеннеди («Темир ёввойи ўт», 1983) ва Алис Уолкер («Қирмизи ранг», 1982) каби янги романапислар серхаракат инсоний фожиаларни тасвирлаш учун услуб жиҳатидан муҳамал романлар билан юзага чиқади. Муҳит, қаҳрамон ва мавзулар ҳамрози реализмининг қайтиши билан уйғунлашади. 1960-йилларда экспериментал ёзувчилар томонидан четда қолдирилган реализм ҳам орқага қайта бошлаб, кўпиччалик жасур оригинал элементлар билан қурама ҳосил қилади. Жон Гарднернинг «Октябрдаги нур» (1976)ида ёки Алис Уол-

кернинг «Қирмизи ранг»ида қоратанли америкаликлар лаҳжасини ишлатиш бунга мисолдир. Озчилик вакиллариининг адабиёти равнак топа бошлайди. Драма реализмдан кинематография ва серхаракат воситаларга силжий бошлады. Бирок аини лайтнингн узида Жей Макинер («Ёркин чироклар, катта шахар», 1984), Брет Истон Эллис («Нольдан ҳам кам», 1985) ва Тама Яновитс («Нью-Йорк қуллари», 1986) каби ёркин янги истеъдод эгалари ижодида «Мен учун ўн йиллик» ўз аксини топади.

Жон Гарднер (1933—1982)

Нью-Йорк штатининг фермер оиласидан келиб чиккан Жон Гарднер мотоциклда аварияга учраб, вафот этишидан олдин адабиётда ахлокий кадр-қимматларнинг энг муҳим қўйчиси эди. У инглиз адабиёти бўйича профессор бўлиб, ўрта асрлар даврида ихтисослашган. Унинг энг машхур романи «Грендель» (1971) қадимги инглиз эпик асари «Беовульф»даги мулкши махлуқларга экзистенциал нуқтаи назардан ёндашиб, мавзунини қайта ҳикоя қилади. Ўз ҳарамонларига ўзини вайрон этиш рағбати ва ҳеч нарсаи назарлисанд қилмасликни раво қўрувчи экзистенциализмга қарши курашда ҳаётий ва купинчаллик комик ҳикоя усули энг яхши далилдир.

Инсон ҳаётини ҳаққоний тасвирлаш учун сермахсул ва таниқли романнавис Гарднер реалистик ендашувни қўллайди ва аини пайтда янгича — утмишни эслаш, ҳикоя ичида ҳикоя, афсоналарни қайтариш ва зиддиятли ҳикоялар — воситалардан фойдаланади. Унинг кучли томонларига қаҳрамонлар характериини ёритиш (айникса оддий инсонларни хайрихоҳона тасвирлаши) ва ранг-баранг услуб киради. Асосий асарлари қаторига «Тирилиш» (1966), «Куёш

«**Б**ир минг тўққиз юз етмишинчи йилларнинг ўрталарида бирлашиш даври бошланади.

Вьетнам низосига хотима ясалиб, орадан кўп ўтмай АКШ Хитой Халқ Республикасини расман тан олади ва Американинг 200 йиллик юбилейи

ўтказилади. Тез орада 1980-йиллар — «Мен учун ўн йиллик» — кириб келади ва шахслар йирик ижтимоий масапалар эмас, ўз хусусий муаммоларига кўпроқ диққат қаратишга мойил бўлди».

нурндаги мулоқотлар» (1972), «Никель тоғи» (1973), «Октябрдаги нур» (1976) ва «Микельсон арвохлари» (1982) киради.

Гарднернинг бадий қолитлари дўстлик, бурч ва оила олдидаги мажбуриятларнинг шифобахш қудратини тақлиф этади ва шу маънода у сезиларли даражада анъанавий ва консерватив муаллиф бўлган. У муайян кадр-қимматлар ва ишлар тўлақонли ҳаёт кечиришга келтиришини намоён этишга уринган. «Ахлокий адабиёт бобида» (1978) асари маъносиз усулий-техник янгиликлар билан китобни тўлдиришдан кўра ахлоқий кадр-қимматларни қамраб олувчи романлар яратишга даъват этган. Бу асар таъсири портлашга тенг бўлди, чунки Гарднер хали ҳаёт обрўли адилларни ахлоқий мавзулардан қочишда кескин танқид қилди.

Тони Моррисон (1931)

Африкалик америкалик романнавис Тони Моррисон Охайода руҳий изланишларга берилган оилда таваллуд толган. Вашингтон шаҳридаги Харвард университетиде таълим олиб, Вашингтоннинг асосий нашриётда катта муҳаррир ва тўли университетларда профессор сифатида фаолият юритган.

Моррисоннинг сермазмун асарлари халқаро миқёсда эътирофга эришди. Мураккаб, ўта маънавий романларида қоратанли инсонларнинг ўзлитини англаш каби мураккаб жараённи Моррисон умумлашма тарзда ифодалади. Унинг ilk асарларидан «Самовий кўз» (1970) да баджаҳл отаси дастидан сақланишга интилувчи иродали ёш қоратанли қиз Пекола Бридлов ҳиссаи ёритилган. Пекола ўзининг қора қўзлари сеҳрли равишда само ранг олишига ва шу туйфайли уни севишли этишига

ишонди. Моррисон таъкидича, шу роман ёрдамда у ёзувчи сифатида ўзлигини англашга интилган экан: «Мен Пехола, Клаудия ва бошқа кахрамонлар эдим».

«Сула» (1973) икки аёлнинг мустахкам дўстлигини тасвирлайди. Моррисон стереотиплардан ўстун равишда африкалик америкалик аёлларни антика, ута шахсий характерлар сифатида ифодалайди. Моррисоннинг «Соломон кўшиги» (1977) қатор мукофотлар олди. Унда қоратанли эркек Миллмен Деднинг ўз оиласи ва жамят билан мураккаб алоқалари тасвирланади. «Мумланган гўдак» (1981) да Моррисон оқ ва қоратанлилар орасидаги муносабатлар масаласини кўтарди. «Суюкли» (1987) асарида ўз болалари қўлиқда яшашидан қўра уларни улдиришга жазм этган аёл тасвирланган. Уни буюзлаган онаси билан яшаш учун қайта тирилувчи Суюклининг сирли сийжоси сехрли реалистик ҳамда хаёлий услубда тасвирланган.

Ўз асарлари санъатнинг мукамал дурдоналари бўлишини фараз этган Моррисон фикрча улар сиёсий маънога эга: «Мен тахайюлимни ифодалаш учун ўзимни хушнуд этишга қизиқмайман... асар сиёсий бўлиши лозим». 1993 йили Моррисон адабиёт соҳасида Нобель мукофотига эришди.

Алис Уолкер (1944)

Жоржиянинг кишлоқ минтақасидаги ижарачи фермер оиласининг фарзанди африкалик америкалик Алис Уолкер «Сара Лоуренс» коллежини битирган. У ерда эса ўқитувчиларидан бири сиёсатга аралашган шоира Муриел Ракейсер бўлган. Унинг ижодига Фленнери О'Коннор ва Зора Нийл Харстон ҳам таъсир этган.

Ўзини «аёлларвар» ёзувчи деб атавчи Уолкер узок муддат қора-



Тони Моррисон

Фототасвири © Нэнси Кэмптон

танлиларнинг истиқболини аёллар нуктаи назаридан тақдим этувчи феминизм ҳаракатининг вакили сифатида қўрилган. Тони Моррисон, Ямайка Кинсайд, Тони Кэди Бамбара ва ўзга замонавий қоратанли романнавислар сингари Уолкер ҳам назарга яқин ва ишончга сазовор одамларнинг орзулари ва омалсизликларини диққат марказига олиш учун ёрқин лирик реализмни қўллаган. Унинг ижоди инсон ҳаётигини шаънини излашга бағишланган. Ажойиб стилист, айниқса «Қирмизи ранг» романнинг хатларида кўзга ташланувчи истеъдод эгаси Уолкер маърифат тарқатишга интилади. Бу борада у ижтимоий муаммолар ва ирқий масалаларни сатира орқали ёритган қоратанли америкалик романнавис Ишмаил Ридга ўхшаб кетади.

Уолкернинг «Қирмизи ранг» и йиллар узра айриқича чидаб келувчи иккита камбағал қоратанли опа-сингил орасидаги меҳр-оқибат киссаси бўлиб, уятчанг, саводсиз ва хунук сингил ўз дўноси ёрдамида ички қудрат кашф этишини таҳлил қилади. Бир-бирига мадад берувчи аёллар мавзуси Майя Ангелонунг она билан киз орасидаги муносабатларни қуйловчи «Қафасдаги қуш нега сайрашини мен биламан» автобиографиясини ва Адриенне Рич каби оқтанли феминист ёзувчиларнинг ижодини ёдга келтиради. «Қирмизи ранг» да эркеклар, умуман олганда, аёлларнинг эҳтиёжлари ва ҳолатидан беларво этиб тасвирланган.

1980-йилларнинг охирида ва 1990-йилларнинг бошида озчилик вақилларининг асарлари Америка адабий муҳитининг асосий синчига айланди. Бу ҳам драма, ҳам насрга тааллуқлидир. XX асрда қоратанлилар муаммолари ҳақида туркум пьесалар (шу жумладан

Пулитцер мукофотининг совриндорлари бўлган «Деворлар» — 1986 ва «Пианино дарси» — 1989) ёзиб, уларни мунтазам равишда сахналаштираётган Огюст Вилсон романнавислардан Алис Уолкер, Жон Эдгар Уайдмен ва Тони Моррисон билан бир ҳаторда туради.

Осиёлик америкаликлар ҳам адабий сахнада ўзига муносиб ўрн эгаллашмоқда. Мэксин Хонг Кингстоннинг «Жангчи аёл» (1976) асари осийлик америкалик мувотинларининг ўрнини кашф этди. Улар орасида Аму Таннинг II Жаҳон Урушидан кейинги Америка муҳитига кўчирилган хитойликлар ҳаётига оид «Жон Лак клуби» (1989) ва «Ошхона худосининг хотини» (1991) романлари хитобхонларни мафтун этди. Хитойлик муҳожирларнинг Калифорнияда тутилган ўғли Давид Генри Хванг «Ф.О.Б.» (1981) ва «М. Баттерфляй» (1986) каби пьесалари ёрдами драматургияда ўз ўрнини касб этди.

Адабий уфда кўринган нисбатан янги турух — испаньялик америкалик ёзувчилар бўлиб, улар каторига Пулитцер мукофотининг совриндори, Кубада тутилган Оскар Хижелос («Мамба кироллари севги қўшиғини ижро этар», 1989); киска хикоялар муаллифи Сандра Кислерос («Юнон ва уза хикоялар айтувчи аёллар», 1991); асосан гарбий Қўшма Штатларда 300 000 нускада сотилган «Менга фотиха бер, ҳал этувчи далил» (1972) асарининг муаллифи Рудольфо Аная.

ЯНГИ МИНТАҚАЧИЛИК

Америка адабиётида минтақачилик анъанаси янги оқим эмас. У асл америкаликларнинг афсоналари каби қўхна, Жеймс Фенимор Кулер ва Брет Гарт асарлари сингари хайратомуз, Уильям Фолкнер романлари ва Теннесси Уильямс пьесалари каби акс садо берувчидир. Вақт ўтиши билан II Жаҳон Урушидан кейинги даврда анъана сояга ўтиб, йўқолиб кетгандек туюлди. Бироқ, шаҳар бадий адабий минтақачиликнинг бир кўриниши деб эътироз билдириш тўғри бўлар. Шунга қарамай тахминан сунгли ўн йил мобайнида минтақачилик Америка адабиётига тантанавор равишда қайтиб, хитобхонларга макон, замон ҳамда инсонийлик хис-тунгуларини тақдим этишга эришди. Бу гал оймабол адабиётда детектив киссаларга тегишли бўлгани каби романлар, киска хикоялар ва драма каби классик адабиёт намуналарига ҳам тааллуқлидир.

Бунга қатор сабаблар мавжуд. Бир томондан, Америкада санъатнинг барча турлари сунгли авлод умри давомида марказдан чеккага интилди. Театр, мусика ва рақс Нью-Йорк ва Чикаго каби йирик шаҳарлар билан бирга АКШнинг Жануби, Жануби-ғарби, Шимоли-Ғарбидаги шаҳарларда гуллаб-яшнади. Кинокомпаниялар Қўшма Штатлар узра ҳар томонлама фильмлар юборди. Адабиёт соҳасида ҳам айнан шундай ҳодиса содир бўлди. Кичикроқ нашриётлар Нью-Йорк шаҳрининг «ноширлар катори»дан ташқарида равақ топаётган бадий асарларни чоп этишга марказлашди. Ёзувчиларнинг семинарлари ва конференциялари мамлакат узра ҳамкасблар учун адабий курслар сифатида ҳар доимгига нисбатан модага кирган. Бундай вазиятда истиқболли истеъдодлар ҳар ерда юзага чиқиши мумкинлиги таажжубланарли ҳол эмас. Бунинг учун керак нарса — қалам, қотоз ва дунёқараш.

Янги минтақачиликнинг энг янгича жиҳатлари — унинг кенг камровлиги ва хилма-хиллиги. У Америқани Шарқдан Ғарбгача камраб олмақда. Трансконтинентал адабий цикл Шимоли-шарқда Нью-Йорк штатининг Олбани шаҳрида бошланиб, бир пайтлар у ерда журналист бўлган Уильям Кеннеди диққат марказига тушди. Олбани ҳақидаги романлари — улар орасида «Темир ёввони ўт» (1983) ва «Жуда ҳарилар» (1992) — Нью-Йорк штати пойтахтининг кўча ва салонларида яшовчиларнинг ҳаётини ҳазин ва бўтиқ оҳангда тасвирлаб, ўзига ром этади.

Сермахсул романнавис, хикоянавис, шоир ва эссечи Жойс Карол Оутс ҳам шимоли-шарқий Қўшма Штатлардан келиб чиққан. Унинг асарларида қаҳрамонларининг ўз гайрэтабий муҳитларида мукаммалликка эришишга бетиними уринишлари уларни инқирозга етаклайди. Унинг энг таъикли асарлари каторидан «Севги гилдираги» (1970) ва «Қаерга кетаялсиз, қаерда бўлгансиз?» (1974) тўпламларига кирган хикоялари ўрин олган. Даҳшатли бадий адабиёт соҳасида бестселлерлар устаси Стивен Кинг ўзининг қаҳрамонларини асосан айнан шу минтақа — Мейнга жойлаштиради.

Соҳил бўйлаб пастга томон Мериленд, Балтимор муҳитида Энн Тэйлор ғайриоддий ҳаётлар ва аjoyиб характерларни оҳишта оҳангда тақдим этади. «Ўйни қўсаб» ресторанидаги тановул» (1982), «Тасодифий саёҳ» (1985), «Нафас олин ҳарслари» (1988) ва «Мейбк ав-

лиё» (1991) каби романлари адабий доиралар ва китобхонлар оmmasи орасида унинг обрўси-ни кўтаришга кўмаклашди.

Балтиморга яқин жойлашган ва асосий иши сўёсат юритишдан иборат Америка пойтахти Вашингтон ҳам ўз адабий анъанасига молик. Ҳукумат ва қудрат доираларининг ичидаги ва четдаги ҳаётни анча ёркин тасвирловчилар қаторига романивист Уорд Жаст киради. Собик халқаро корреспондент Уорд ўзи яқин билган муҳит – журналистлар, сўёсатчилар, дипломатлар ва ҳарбийлар дунёсини тасвирлаш орқали иккинчи касбини улаштиради. Жастнинг куйидаги асарлари таниқли: «Николсон озодликда» (1975) асари 1960-йилларнинг бошида Жон Ф. Кеннеди президентлиги даврида ва ундан кейинги даврда Вашингтонлик ахборотчи журналист тақдирини тасвирлайди. «Қўрқув шахри» (1982) Вьетнам низоси даврида Вашингтоннинг ўткинчи кўрнисиини тасвирлайди. «Жек Генси» (1989) Чикаголик сўёсатчининг фаолияти ва АҚШ Сенатига кўтарилшига оқилона бетараф назар ташлайди. Сюзан Ричардс Шревининг «Ҳукумат фарзандлари» (1978) ҳукумат арбоблари фарзандларида бир гурӯҳининг шахсий ҳаётига назар ташлайди. Мерлендда яшовчи таниқли романивист Том Кленси эса Вашингтоннинг сўёсий-ҳарбий доираларини эпик киссалари силсиласида нишонга олади.

Жануб томон силжирканмиз, назаримизга Рейнолдс Прайс ва Жил Маккоркл тушади. Тайлернинг мурабийси бўлган Прайс 1979-йилларда бир танқидчи томонидан таомилдан чиқувчи «жанублик ёзувчи» сифатида таърифланган эди. Илк бор Шимолий Каролинанинг шарқий қисмидаги аҳоли, алалхусус Розакон Мустэйн исмли ёш аёл ва ўлка ҳаётини тасвирловчи «Ўзун ва бахтли ҳаёт» (1962) романи билан диққат марказига тушган. Ва айнан шу аёл ҳақида узок йиллар давомида киссалар ёзиб, кейин бошқа мавзуларга ўтган. Вирок сўнгра яна аёл тақдирига қайтиб, биринчи шахс номидан ёзилган асари «Кейт Вэйден» (1986)ни яратган. Прайснинг сўнги романи «Кук Колхан» (1992) ўн йилликлар узра оилавий ҳаётнинг эҳтиросли, бирок маҳкум севгига таъсирини синовдан утказади.

1958 йили таваллуд топган Маккоркл янги авлод вакили бўлиб, Шимолий Каролинанинг кичик шаҳарчаларида содир бўлувчи ўз роман-

лари ва киска ҳикояларини ўсмирларнинг асrorларини («Ҳушчақчақ етакчи», 1984), авлодлар орасидаги муносабатлар («Виржиния томон», 1987) ва айниқса хозирги замон жанублик аёлларнинг эҳтиросларини («Шовкин-суронли диета», 1992) кашф этишга бағишлайди.

Айнан шу минтақада Пэт Конрой ижод этади. Унинг Жанубий Каролинада тарбия олган пайтлари ва қаттиққўл зулмор отаси ҳақидаги автобиографик романлари («Буюк Сантин», 1976; «Оқимлар шахзодаси», 1986) Жанубий Каролина куйи ўлкасининг табиий гўзаллиги ҳисси билан сўғорилган. Миссисипилик Шелби Фути йиллар давомида Теннесси штатининг Мемфисида истикомат қилиб, Жанубнинг ўтмишини ёритади. Унинг тарихий ва бадий асарлари давлат телевидениесида АҚШ Фуқаролар уруши ҳақида қатор кўрсатувлар ўтказишга асос бўлди.

Америка маркази истеъодларга бой ўлка. Улар орасида 1992 йил «Минг акр» (1991) асари билан бадий адабиёт соҳасида Пулитцер мукофотини олган ва Айова университетида ёзиш сирларидан дарс берувчи Жейн Смайли. Бу асар Шекспирнинг «Қирол Лир» сюжетини АҚШнинг ўртағарб фермасига кўчириб, қариган фермер ўз ерки учта кизига бўлиб беришга қарор қилганида аланга олган кескин оилавий кожарони тасвирлайди.

Техаслик солномач Ларри Маккартри ўз она штатининг тарихини турли босқичларда ва ҳолатларда тасвирлайди: XIX асрнинг ғойиб бўлган Гарбидан («Халқн кабулар», 1985; «Ҳамма нарса Билли учун», 1988) бошлаб то урушдан кейинги даврда ғойиб бўлаётган кичик шаҳарчалар тақдирига («Сўнги расмлар кўргазмаси», 1966).

Кормак Маккарти ўзининг «Қонли меридиан» (1985), «Барча учқур отлар» (1992) ва «Чорраха» (1994) романларида Америка Жануби-ғарбидаси сахро ерлар тасвирини беради. Маккарти АҚШ адабиёти соҳасида ўзини бурчини бажаршга энди киришаётган зохид, тахаййулга бой ёзувчидир. Умуман олганда, жанубий готик анъананинг қонуний меросқўри сифатида қўрилувчи Маккарти инсон шижоати ва олдидан билиб бўлмас табиати ҳамда ўлканинг ёввойи манзараларига махлий ёжодкор.

Асл америкалик ёзувчи Лесли Мармон Силконинг танқидий баҳо олган «Маросим» (1977)

романидаги воқеалар ўзи туғилиб ўсган Нью-Мексиконинг ҳайратомуз табиаги муҳтида кечиб, кенг китобхонлар оmmasига манзур бўлган. Н. Скотт Момадейнинг «Бигирли тоғ сари йўл» (1969) дostonи каби бу роман ҳам асл америкаликларнинг шифобахш маросимларига асосланган «достон роман»дир. Силконинг «Ўлим алма-нахи» (1991) романи қадимги кабила хижратларидан то хозирги кун наркотик контрабандистлари ва ердан нотўрри фойдаланиб, фойда ундирувчи порахўр кўчмас мулк таксимотчиларини ўз ичига қамраб олувчи Жануби-ғарб ланорамасини тақлиф этади. Нью-Мексиконинг Санта Фе шаҳрида истикомат қилувчи бестселлер [энг яхши сотилувчи] детективлар муаллифи Тони Хиллерман ҳам айнан шу АҚШ Жануби-ғарбий территориясини тасвирлаб, икки камтари ва бетиним меҳнат қилувчи Навахо полция ходимини ўз асарларининг протагонисти сифатида олади.

Шимол томон Монтанада шоир Жеймс Велч узининг нафис, деярли нуқсонсиз «Қонли киш» (1974), «Жим Лоней ўлими» (1979), «Ахмоқлар шовқини» (1986) ва «Хинд адвокати» (1990) романларида қашшоқлик ва ичкиликбозликка ғарқ резервация муҳтида ҳаёт маъносини топиш учун асл америкаликларнинг қурашини тасвирлайди. Яна бир Монтаналик ёзувчи Томас Макгаун бўлиб, жасурликни мадҳловчи романлари илдиз ёйлик муҳтида илдизга эга бўлиш орзусини ифодалайди. Чиппева хиндларидан Луис Эдрич кўшни Шимолий Дакотада ёрқин романлар силсиласини яратди. «Севгига даво» (1984) каби асарларида у резервациядаги оила-ларнинг алғов-далгов ҳаётини матонат ва юморнинг аччиқ қориш-маси ёрдамида тасвирлайди.

«Америка адабиёти колониал кунлардан то ҳозиргача узоқ ва машаққатли йўл босиб ўтди. Жамият, тарих ва технология унга сезипарли таъсир ўтказди. Пировардида, унинг матнида ўзининг барча нурли шавкати ва қаҳри, анъаналари ва истиқболи ила инсонпарварлик мудом янграмоқда».

Муайян вақт давомида икхита ёзувчи Узоқ Ғарб адабиётини намоян этиб келди. Улардан бири 1909 йили Уртағарбда туғилиб, 1993 йили автомобиль тўқнашувида ҳалок бўлган Уоллес Стегнер бўлиб, умрининг ҳатта қисмини Ғарбнинг турли жойларида ўтказган ва модага айланишдан ҳам олдин минтакавий дунёқарашга молик бўлган. Унинг биринчи кўзга қўринган «Қатта Кенди қоя тоғи» (1943) номли асари чегара кўчқинчилари даври ўтгач, ғарбий кўринишдаги Америка орзуси домига тутқун оила тарихини тасвирлайди. Бу орзу Американи Миннесотадан то Вашингтон штатигача қамраб олиб, Стегнер ибораси билан айтганда, «бутун халқни ғарб томон, эришиб бўлмас жой жозибаси сари етаклаган». 1971 йили Пулитцер муҳофоти олган «Табий оғиш бурчаги» романи ҳам Қадим Ғарбнинг иллюстратор ва ёзувчи аёл тасвиридаги минтака руҳи билан сугорилган. Дарҳақиқат, Стегнернинг ёзувчилик қудрати қаҳрамонларнинг характери-ни ифодалаш ҳамда ғарбдаги ҳаётнинг машаққатларини эслатишдан иборат.

Ҳам журналист, ҳам ёзувчи Жон Дидайн сўнги йиллар мобайнида ўз ижоди билан ҳаётнинг турли томонларини қамраб олди. 1968 йили нашр этилган «Вифлеем сари букчайиб» номли ҳужжатли пьесалар тўпламида ва Голливуд сахнасининг мақсадсизлиги тўғрисидаги «Буни солир бўлаётгандек уйна» (1970) номли кескин, қарақтарор романида хозирги замон Калифорниясини тасвирлайди.

Тинч океан бўйидаги Шимолий ғарб 1990-йиллар бошида энг сермахсул санъат минтакаларидан бири бўлиб, ўзгалар қатори қисқа адабий жанрнинг мохир устаси Раймонд Карверни юзага чиқарди.

Карвер адабиёт сахнасида ўз урнини топгач, орадан кўп ўтмай, 1988 йили 50 ёшида фожиали равишда вафот этди. «Севги ҳақида гапирганда, биз ўзи нимани гапирамиз» (1974) ва «Мен қаердан чақирилдим» (1986) тўпламларида ўз минтақасида яшовчи меҳнаткашларни содда ва соф ҳаёт муҳитида тасвирлайди.

Пировардида, миитакавий театр ҳаракатининг муваффақияти 1960-йилларнинг бошидан бери еш драматургларни вояга етказиб, уларни театр сахнасининг кўзга кўринган ёрқин ижодкорларига айлантирди. Американинг тобора кўп шаҳарларида жамоатчилик асосидаги компаниялар замонавий маданиятни ўз панояига

олади. Америка театри ва адабиётини бутун куйидаги ижодкорларсиз тасаввур этиб бўлмайди: жамият ва шиддатли муносабатларни тасвирловчи Сэм Шеплард («Ер ости бола», 1979 ва «Онг ёлғони», 1985); Чикаголик Давид Маметнинг ахлоқсиз қахрамонлари ва қарахт этувчи диалоглари («Америка бўқаси», 1976; «Гленгрери Росс тоғли водийси», 1982); анъанавий кадр-қимматларнинг ўрта Фарб ҳаёти ва муҳитига ёпирилиб киришини акс этувчи Лэнфорд Вилсон («5-июль», 1978; «Новчанинг тел-балиғи», 1979); Бет Хендлиннинг жанубликларга хос ўзбошимчилиги («Дил ҳукмлари», 1979).

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Abolitionism – (Аболиционизм) – 1860-йиллардаги Фукарлар урушдан олдин АКШнинг Шимолида қўлдорликни тугатиш бўйича фаол ҳаракат.

Allusion – (Иктибос) – Бирон матига билвосита ёки фаразий иктибос.

Beatnik – (Битник) – 1950- ва 1960-йиллар жамиятига қарши бадий ва адабий итоатсизлик ҳаракати. Жек Кероук, Аллен Гинзберг ва бошқа ижодкорлар билан боғлиқ «Бит» оқими таҳводорлик («ок фоти-ха») ва азоб-уқубатлар («инкитиш»)ни тақлиф этган.

Boston Brahmins – (Бостон Брахминлари) – XIX асрда Янги Англияда юқори табақанинг «олийжаноб аъъана» кадр-қимматларини қўллаб-қувватлаган нуфўзли ва обрўли ёзувчилар.

Calvinism – (Кальвинизм) – Француз протестант черкови ислоҳотчиси Жон Кальвин (1509–1564) нинг теология назарияси бўлиб, пуритан жамият-нинг асосларини ташкил этади. Кальвин фикрича, барча инсонлар гуноҳкор туғилиб, (черков эмас) биргина Худонинг мағфирати уларни дўзахдан қутқариши мумкин.

Captivity narrative – (Асирлик киссаси) – Асл америкалик қабилаларга асир тушиш ҳақидаги ҳиссалар; колоннал даврда Мэри Роуландсон ва Жон Уильямс яратган асарлар бу йўналишга мисол.

Character writing – XVII ва XVIII асрда бирон гуруҳ ёки образнинг адабий тавсифи.

Civil war – (Фукарлар уруши) – Иттифок таркибида қолган шимолий Қўшма Штатлар ва Иттифокдан чиқиб, конфедерация шакллаган жанубий штатлар орасидаги Уруш (1861–1865). Шимол талабаси қўлдорликка чек қўйиб, Иттифокни сақлаб қолди.

Conceit – (Жижкиладор ўхшатиш) – бўрттирма ўхшатиш. Англия ва колониялар шеърятҳида Ренессанс даврининг метафизик оқими. Колоннал Америкада Энн Бредстрит ижоди унга мисол.

Decadents – (декадентлар) – XIX аср охири ва XX аср бошида асосан британиялик ва франсиялик «эстет» артистлар ва ёзувчилар. Уларнинг ижоди «аср бусасига» хос интиҳо, бузилиш ва сунъийлик гоёлари билан сугорилган эди.

Deconstruction – (Деконструкция) – Яширин тафаккурни кашф этиши мумкин матн Мутанасибликида

(табиатга нисбатан маданият, аёлга нисбатан эркак) ижтиёзли поганавий тафаккур масалалари. Бу усул француз назарийчиси Жак Деррида фикрларига асосланган. У эса ўз навбатида тилшунос Фердинанд де Сауссурнинг тилини ихтилофлар системаси сифатида баҳолашини батафсил ривожлан-тирган.

Deism – (Деизм) – Муъжиза эмас, онга ургу берган XVIII аср Матрифатпарварлиги. Қисман Кальвинизм ва диний хурофотларга акс таъсир сифатида намоён бўлган.

Election – (Толе танлови) – Шахслар Худо иродасига биноан саюга киритилиш назарияси. Пуритан қарашларга биноан уларни Худо «танлайди» ёки сайлайди.

Ellipsis – (Эллиipsis) – Жумлани грамматик жиҳатдан тўғри тузиш учун киритилиши зарур, бироқ уларсиз ҳам матн тушунилиши осон битта ёки кўпроқ сўзларни тушириб ўқиб.

Enlightenment – (Маърифатпарварлик) – эгу ниятлар, хайрихоҳлик ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари сифатидаги озодлик, адолат ва тенгликка ишонч тўғуларини диккат марказига олган XVIII аср ҳаракати.

Existentialism – (Экзистенциализм) – Тушуниб бўлмас, бетартиб ва ҳўринишидан бўш борликда жафокаш шахс маъно кашф этиши лозим деган дунёқарашни камраб олувчи фалсафий ҳаракат.

Expressionism – (Экспрессионизм) – Ички ҳис-туйғуларни ифодалаш учун ташқи ҳўриниш белгиларини бузиб кўрсатувчи оқим. I Жаҳон Урушидан кейин Германияда юзага келган.

Faust – (Фауст) – барча нарсани билиш, худосифат бўлиш учун ўз жонини иблисга сотган адабий образ. Инглиз Ренессанс даврининг драматурги Кристофер Марло (1564–1693) ва Германиялик романтик ёзувчи Иоганн Вольфганг Гёте (1749–1832) пьесаларининг қаҳрамони.

Feminism – (Феминизм) – Аёллар наслан эркакларга тенг ва улар билан бир хилдаги ҳуқуқлар ва имкониятларга мўносиб деган XIX аср дунёқараш. Яннида, 1960-йилларнинг охирида, Қўшма Штатларда авжга чиққан мазкур ижтимоий ва сиёсий ҳаракат тез орада жаҳон узра ёйилди.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Genre – (Жанр) – адабий шакллар категорияси (масалан: роман, лирик шеър, эпик асар).

Hartford Wits – (Хартфорд зукколари) – XVIII асрнинг охирида Коннектикутнинг Йел университетиде марказлашган ватанпарвар, бироқ консерватив адабий тўғрақ аъзолари (Коннектикут зукколари номи билан ҳам маълум).

Hudibras – (Хьюдибрас) – Инглиз ёзувчиси Сэмюил Батлернинг (1612–1680) ҳажвий-қаҳрамонона сатираси. Хьюдибрас ilk инқилоб даври сатирикларимомонидан тақлид этилган.

Image – (Имиж) – Бирон нарсa, кўрсa бўладиган объектнинг муайян образи (тасвири).

Imagists – (Имажистлар) – Эзра Паунд ва Эми Лоуэлни қамраб олувчи америкалик шоирлар гуруҳи. Кескин визуал образлар ва кундалик халқ нутқидан фойдаланиб, 1912–1914 йиллар орасида фаол бўлган.

Irony – (Ирония) – Сўз ёки иборанинг аён маъноси ортида яширин (кўпинчалик қарама-қарши) маъно.

Knickerbocker School – (Кникербокер мактаби) – 1800-йилларнинг бошида Нью-Йорк шаҳрида жойлашган ёзувчилар гуруҳи бўлиб, Англия ва Европа адабий йўналишларининг таъсирини чеklangан.

“Light” literature – («Енгил» адабиёт) – Хордик чиқаришга мўлжалланган оммабоп адабиёт тури.

McCarthy era – (Маккарти даври) – Совуқ уруш (1940-йиллар охири ва 1950-йиллар боши) даврида АКШ Сенатори Жозеф Маккарти ва унинг сафдошлари коммунистик партия аъзолари бўлишда ёки унга хайрихоҳлик билдиришда шубҳаланган америкалик фуқароларни таъкиб этишган. Маккарти саъй-ҳаракатлари билан турли касб соҳаларида «қора рўхсатлар» тузилган; унга тушган одамлар ўз ишидан маҳрум этилиб, шу соҳа бўйича умуман ишга олинмаган. Пировардида Маккарти ўз ҳамкасблари сенаторлар томонидан қораланган.

Metaphysical poetry – (Метафизик шеърлар) – Зукко ақл ва қўтилмаган образлардан фойдаланган XVII аср Инглиз шеърятининг мураккаб тури.

Middle Colonies – (Ўрта колониялар) – Ҳозирги кунда Атлантика соҳили ёки шарқий Қўшма Штатларнинг – колониал даврдаги Нью-Йорк, Нью-Жерси, Пенсильвания ва баъзан Делавер – Нью-Йорк

шаҳри ва Филадельфиядаги тижорий фаолият орқали ном чиқарган.

Midwest – (Ўрта Ғарб) – Америка Қўшма Штатларининг ўртасидаги минтақа – Оҳайо дарёсидан то Роки тоғларигача. Прериялар ва Буюк Текислик минтақаларини ўз ичига қамраб олади.

Millenialism – (Христоснинг мингйиллик подшоҳлиги) – Инжилда башорат этилганидек, Иисус Христос Ерга қайтиб, тинчлик ва фаровонлик мингйиллиги ўрнатилишига XVII аср Пуританларининг ишончи.

Mock-epic – Эпик шакл ишлатувчи пародия (ҳажвий-қаҳрамонона номи билан ҳам маълум).

Modernism – (Модернизм) – I Жаҳон Урушидан кейин аъбанага қизиқиш йўқолгани ва янги технологиялар ҳамда қарашларга бўлган майлини ифодалаган халқаро миксдаги маданий ҳаракат.

Motif – (Лейтмотив, асосий мавзу) – Образ, мавзу ёки ҳодиса каби элементларнинг қайтарилиши; қайтарилувчан элемент.

Muckrakers – (Фoш этувчилар) – Бизнес ва ҳукумат соҳаларидаги коррупцияни фoш этишлари ижтимоий реформага келтирган Америкалик журналистлар ва ёзувчилар (1900–1912).

Multicultural – (Қўпмаданиятчи) – Қатор этник ва ирқий маданиятларнинг ўзаро ижодий аралашуви ва алмашуви.

Myth – (Миф) – Одатда худолар ва қаҳрамонлар ҳақидаги афсонавий қисса ёки маданий ақидани ифодаловчи мавзу.

Naturalism – (Натурализм) – XIX аср охири ва XX аср бошида Францияда юзага келган адабий ёндашув. Ижтимоий муаммоларни шиддат ила ифодалаб, инсонларни улкан ижтимоий ва иқтисодий кўчларнинг зақф қурбонлари сифатида кўрган.

Neoclassicism – (Неоклассицизм) – XVIII аср саъятида классик намуналарга таяниб, онг, гармония ва ваъминликка уруғ берган ҳамда Маърифатларварлик билан уйғунлашувчи ҳаракат.

New England – (Янги Англия) – Ҳозирги кунда Мейн, Вермонт, Нью-Ҳемпшир, Массачусетс, Род-Айленд ва Коннектикутни ўз ичига қамраб олган ва ўзининг дастлабки сакоатлаштириш жараёнлари ҳамда ақлий ютуқлари билан машҳур Америка Қўшма

ИЗОХЛИ ЛУГАТ

Штатлари минтақаси. Аёнанавий равишда «Янги» деб аталувчи омилқор, мустикал ва тежамкор тожирлар ватани.

Objectivist – (Объектив воқеликни тан олувчи киши – объективист) – Уильям Карлос Уильямс номи билан уйғунлашувчи XX аср ўртасидаги шеърини ҳаракат. Образлар ва халқ тилига урғу берган.

Old Norse – (Қадимги исланд тили) – Ҳозирги замон Исланд тилига мувофиқ қадимги Норвег тили – сагалар битилган тил.

Oral tradition – (Оғзаки аёнана) – Оғзаки равишда сақлаб келиш; авлодлар узра сақланиб келувчи аёнана; оғзаки фольклор аёнанаси.

Plains Region – (Техисликлар минтақаси) – Қўшма Штатларнинг Роки тоғларидан то Прерияларгача шарқ томон ястаниб ётувчи урта қисм минтақаси.

Post-modernism – XX аср охирида оммавий ахборот воситаларидан таъсир олган, тугалланмаган ниҳоя ва қоллаж билан белгиланган эстетик хис-туйғулар оқими. Пост-модернизм узидан иктибос келтирувчи ҳажвия ва оммабоп маданият ҳамда электроник технология воситаларини қориштириш орқали маданият ва санъат шаклларини қайта шакллайди.

Prairie – (Прерия) – Урта Ғарб Қўшма Штатларидаги техис, урмонсиз фермалар минтақаси.

Primitivism – Маданиятга қараганда табиат устунроқ ва соғлиққа фойдалироқ моделлар билан таъминлашга ишонч. «Олийжаноб ваҳший» ҳақидаги миф бунга мисол.

Providence – (Тақдир) – Ердаги ҳодисалар орқали ифодаланган Худо иродаси. Тақдир ваҳий сифатида курилади.

Puritans – (Пуританлар) – Англиянинг диний ва сиёсий ислохотчилари. Улар диний эркинлик эзлаб, ўз она ерларини тарқ этишган ва XVII асрда Янги Англия минтақасига кўчиб, уни колониялаштирганлар.

Reformation – (Реформация) – XV–XVII асрларда шимолий Европадаги сиёсий ва диний ҳаракат. Католицизми ислох этишга урғиниб, аслида Протестантизмга йўл очиб берган.

Reflexive – (Рефлексив) – Ўзига ишора қилувчи. Адабий асар ўз матнига ишора қилганда рефлексив бўлади.

Regional writing – (Минтақавий адабиёт) – Америка Қўшма Штатлари муайян минтақасининг урф-одатлари ва манзарасини ифодаловчи адабиёт.

Revolutionary war – (Инқилоб уруши) – Америка колониялари Буюк Британияга қарши олиб борган мустикаллик учув уруш, 1775–1783.

Romance – (Романс) – Романтизм даври билан уйғунлашувчи, хис-туйғуларни юксак мақомга кўтарувчи Америка рамзий адабиёти.

Romanticism – (Романтизм) – Неоклассицизмга қарши акс таъсир. XIX аср бошидаги бу ҳаракат айрим шахс, эҳтирослар ва ички ҳаётни юксалтирган. Бу оқим кучли туйғулар, тахаййул ва санъат шаклларида классик намуналардан эркинликни тараннум этиб, ижтимоий урф-одатларга қарши исён кутарган.

Saga – (Сага) – Тарихий ёки афсонавий ҳодисалар ҳақида қадимги Скандинав ривоятлари.

Salem Witch Trials – (Салем ажиналари устидан суд) – 1692 йили Массачусетснинг Салемда ажиналар устидан ўтказилган суд жараёнилари. 19 шахс дорга орилиб, қўллаб ўзгалар одамларни ажиналикка дахлдор деб ишора этиш ёки айблагша кўркүз остида мажбур этилган эди.

Self-help book – (Ўз-ўзига ёрдам китоби) – Китоб-хонларга ўз саъй-ҳаракатлари орқали қандай қилиб ўз ҳаётларини яхшилашни ўргатувчи китоб. XIX аср урталаридан то ҳозиргача кенг оммага манзур Америка адабий жанри.

Separatists – (Сепаратистлар) – XVI ва XVII асрларда Реформадан воз кечилган кўра Англия Черковидан ажралиб чиқишни афзал қурган қаттиққўл Пуританлар сектаси. Американи биринчилар каторида ўзлаштриб, ўзига маскан этганларнинг қўли сепаратистлар бўлган.

Slave narrative – (Қўллар адабиёти) – Америка Қўшма Штатларида қоратанлиларнинг илк адабий насрий жанри. Африкалик америкаликларнинг қудликдаги ҳаётини тасвирлайди.

South – (Жануб) – Мериленд, Виржиния, Шимолий Каролина, Жанубий Каролина, Жоржия, Кентукки, Теннесси, Луизиана, Миссисипи, Алабама, Миссури, Арканзас, Флорида, Ғарбий Виржиния ва шарқий Техасни ўз ичига қамраб олувчи Қўшма Штатлар минтақаси.

ИЗОҲЛИ ЛУГАТ

Surrealism – (Сюрреализм) – Европа адабиёти ва санъатида шуурий онгни ифодалаш учун мантиқсиз, орзусифат сиймолар ва ходисаларни ишлатувчи йуналиш.

Syllabic versification – (Силлабик шеърлик шакл) – Шеърлик сатрда бугинлар сонета асосланган шеърлик вази.

Synthesis – (Синтез) – Икки ҳис-туйғунни қориштириш. Эдгар Аллан По ва узга ёзувчилар томонида яширин маънога ишора этиш ва гайриоддий таъсирга эришиш учун ишлатилган.

Tall tale – (лоф қисса) – Америка гарбий чегараларида таомилга кирган юмористик, уйдурма қисса. Қўпинчалик инсоннинг гайритабиий куч-қудратини тасвирлаган.

Theme – (Мавзу) – Адабий асарда ифодаланган абстракт гоя.

Tory – (Тори) – 1700 йил охиридаги инқилобий уруш даврида Америкадаги бадавлат ва Англияга хайрихоҳ фракция.

Transcendentalism – (Трансцендентализм) – Янги Англияда (1835–1845 йиллар орасида авжига чиққан) Романтизм давридаги кенг қамровли фалсафий оқим. У табиатда илоҳий вужуднинг роли ва шахснинг ботиний шуурига урғу бериб, ҳис-туйғуларни онгдан устун қўйган.

Trickster – (Мутомбир) – Кабилавий (айниқса африкалик америкалик ва асл америкаликларнинг) фольклор қиссаларида ахлоқ-одобнинг ўрнашган қондаларини бузувчи мутомбир қаҳрамон; қўпинчалик шу маданият қаҳрамони.

Vision song – (Қуриниш қўшиғи) – Айриқ асл америкалик қабила аъзолари ўзларини зоҳидликдаги руза ва медитация орқали софлаштирганда яратган шеърлик қўшиқ.

Distributed by
UNITED STATES INFORMATION SERVICE
EMBASSY OF THE UNITED STATES OF AMERICA

Produced by
USIA REGIONAL PROGRAM OFFICE, VIENNA

RPO 9711-019 UZBEK
(An Outline of American Literature)

